

**МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИДАГИ АҲВОЛ**

Айтимбетов М.З. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қорқалпоғистон умумий ўрта таълим мактабларининг мустақиллик йилларидан олдинги аҳволи, моддий-техник базаси, таълим-тарбия жараёнидаги баъзи муаммолар педагогик аспектда ўрганилган ва умумлаштирилган. Шунингдек, Қорқалпоғистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг мустақиллик йилларигача бўлган даврдаги ривожланиши, кўриб чиқилган ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ривожланиши бўйича маълумотларни назарий ва амалий таҳлиллар келтирилади.

Калит сўзлар: *умумий ўрта таълим мактаблари, мустақиллик йилларидан олдинги давр, моддий-техник база, таълим-тарбия жараёни, умумий таълим тизимидаги муаммолар.*

Давлатимиз мустақилликка эришгач, унинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни олдинги тизим даврдан қолган мафкуравий қарашлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга миллий малакали кадрларни тайёрлаш масалаларини таълим соҳасининг бош мақсади этиб қўйилди ва шу мақсадни амалга ошириш учун миллий таълим тизимини яратиш зарур бўлди.

Ана шу ижтимоий мақсадни амалга оширишда таълим-тарбия жараёни мазмунини янгилашга, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди ва янги турдаги ўқув муассасаларининг фаолияти йўлга қўйилиб, узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида фаолият юритаётган таълим муассасалари имкониятларидан самарали фойдаланиш учун алоҳида дастурлар амалиётга татбиқ этилди. Айниқса, умумий ўрта таълим соҳасида изчил олиб борилаётган ислохотлар такомиллашган таълим беришга қаратилиши, таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликларининг тубдан модернизация қилиниши, узлуксиз таълим тизимида мазкур бўғин устувор мавқеини намоён этди[3-4].

Бу борада Қорқалпоғистон халқ таълими тизимида ҳам зарурий тадбирлар амалга оширилиб, соҳани ривожлантириш учун амалий мезонлар ишлаб чиқилди. Бинобарин, мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим мактаблари зиммасига кўплаб вазифалар юклатилиб, ушбу таълим муассасаларида ёшлар қалбида мустақиллик ҳиссини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг юксак маънавиятга эга шахс бўлиб камол топиши учун алоҳида эътибор қаратилди.

Дарвоқе, Қорқалпоғистонда ёшлар таълим - тарбияси ҳар қандай тарихий даврларда ҳам ўзига хос тарзда ривожланган. Яъни, қорақалпоқ халқи энг қадимги халқлардан бўлиб, Ўрта Осиёдаги бой маданий мерос эгаларидан ҳисобланади. Унинг асрий тарихи ва тажрибаси доимо илм аҳлининг эътиборини тортиб келган. Бу ҳақида қатор тарихшунос, педагог олимлар махсус илмий

тадқиқотлар олиб борган. Мавжуд ҳолат маҳаллий аҳолининг билим савияси юқори бўлганлигини исботлайди.

Истиқлол йилларига қадар, жумладан ўтган аср 80 - йилларининг ўрталаридан бошлаб мактаб таълимини ислоҳ қилиш бошланди. Яъни, 1984 йили умумий ўрта ва касб-ҳунар таълимини ривожлантириш ҳақида ҳукумат низоми қабул қилинди. Унда ёшларга умумий билим беришни такомиллаштириш, умумий ўрта таълим мактаби шароитларини яхшилаш, ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш ва тарбиялаш, касбга йўналтириш, уларнинг ижтимоий-манфаатдор фаолиятини ташкил этишни яхшилаш назарда тутилди. Ушбу нуқтаи назардан, Қорқалпоғистонда умумий ўрта таълим ва касб-ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг комплекс дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ислохотни амалга оширишда мактабларни педагог кадрлар билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилди. Ислохот бошлангандан кейинги уч йил (1984 - 87 йй.) ичида мактабларга 4806 ёш мутахассислар йўлланма олди. 1990 йили республикада 20,5 минг ўқитувчи меҳнат қилиб, уларнинг 82 фоизи олий маълумотга эга эди[6]. 1981-1985 йилларда мактабни ислоҳ этиш бошланиши билан мактаб қурилиши ишларига эътибор кучайтирилди. 1981 - 1990 йилларда 117,4минг ўринлик 225 мактаб қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, улардан 83,7 минг ўринлик 160 та мактаб ислохотлар жараёнида қурилди [10].

Ушбу даврларда Қорқалпоғистон умумий ўрта таълим тизимида қатор муаммолар бор эди, бу муаммолар таълим-тарбия жараёни самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлди. Лекин, ушбу диёрдаги Қорқалпоқ халқи давлат арбоблари, зиёли фидойилари, таълим соҳасининг юқори тажирибага эга маҳоратли ходимларининг машаққатли меҳнатлари туфайли умумий ўрта таълим мактаблари ўзига хос тарзда фаолият юритиб келди.

Давлатимиз мустақиллиги арафасида Қорқалпоғистон Республикасида 691 та умумий ўрта таълим мактаблари фаолият кўрсатиб, уларда 315103 ўқувчи таълим олди. Бу мактабларда 28053 ўқитувчи фаолият олиб борди. (1 - жадвал) [7].

* Айтимбетов М.З. – ҚДУ катта ўқитувчиси.

1991-1992 ўқув йилида Қорақалпоғистон мактабларида таълим олаётган ўқувчилар ҳақида маълумот

1991 - 1992 ўқув йилида Қорақалпоғистон мактабларида таълим олаётган ўқувчиларнинг шаҳар ва қишлоқ ҳудудларига тақсимланиши		
Ўқувчилар сони	Шаҳар ва туман марказларида	Қишлоқ ўринларида
Жами ўқувчилар	120144	194959
Бошланғич таълим мактабларида	-	2344
Тўлиқсиз умумий ўрта таълим мактабларида	2164	20649
Тўлиқ умумий ўрта таълим мактабларида	117298	289212
2 сменада таълим олаётган ўқувчилар	50671	66405
3 сменада таълим олаётган ўқувчилар	2531	87
Шу жумладан, ўқитувчилар	9747	18306

Ушбу даврга келиб сиёсий ва иқтисодий вазият мураккаблиги туфайли таълим тизимида бирқатор муаммолар кузатилар эди. Асосан мактабларнинг ўқувчилар сонига нисбатан кам эканлиги жиддий муаммолардан бўлди. Шу боисдан мамлакат бюджетидан ажратилган маблағлар эвазига жами 41328 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 75 та мактабда қурилиш ишлари олиб борилиб, 1991йил охиригача 20449 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 36та мактабни ишга тушириш кўзда тутилади [9]. Лекин, 120 та мактабда жорий ремонт тугалланмаган, капитал таъмирлаш лозим бўлган 114 та мактабнинг фақат 23 тасида таъмирлаш ишлари бажарилган. Айнан иш бошлаган мактабларнинг барчасини инвентарлар билан таъминлаш борасида ҳам муаммолар мавжуд эди. Ажратилган 254,4 минг сўмдан фақат 65 % и 167,4 минг сўми мактаблар учун ишлатилган эди[9]. Айниқса, ўқувчиларни ўқув жиҳозлари билан таъминлашда жиддий муаммолар кузатилади. Шунингдек, барча мактаблардан фақат 492 мактаб кутубхона, 448 мактаб устахона, 362 мактаб ошхона ва буфет, 151 мактаб тиббий хоналар билан таъминланган эди[9].

Истиклол йилларига қадар минтақадаги халқларнинг саводхонлик даражасини ошириш халқ таълими соҳасида асосий вазифа этиб белгиланганлиги албатта ижобий ҳодиса эди. Лекин, таълим соҳаси халқимизнинг миллий маънавияти, қадриятларидан, улуғ аждодларимиз меросларидан бутунлай ажралиб, юқоридан бошқарилар эди. Ушбу таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этиш ҳақида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясидаги “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” номли нуткида умумий ўрта таълим мактабларида ўсиб келаётган ёш авлодга халқимизнинг миллий тарбия негизлари, тарихий мероси, қадриявий мезонларини ўргатадиган ахлоқшунослик, одобнома ва ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий билимлар асосларини ўргатадиган фанларнинг етарли даражада ўқитилмаслиги, мавжуд ёки мазмунан яқин фанларда эса юқоридаги мавзулар умуман ўргатилмаганлиги, дарслар собиқ тузум – буйрукбозлик тузумига

асосланган ҳолда ўқитилганлиги ҳақида куюниб, ҳаётий ҳақиқат эканлигини қайта-қайта таъкидлаган эди[1-2]. Шу билан мактаб таълими мазмунини янгилаш билан қатор, бошланғич таълим сифатини яхшилашга, ўқитувчилар билим савиясини юксалтиришга, мактаб битирувчиларининг келажакдаги ҳаёти билан боғлиқ масалаларга, мактабларнинг моддий техник базаси, жумладан ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғилланишлари учун имкониятлар яратиш бўйича қатор муаммоларга алоҳида эътибор қаратган эди[5].

Давлатимиз раҳбари нутқидан келиб чиқиб, ушбу даврларда Қорақалпоғистон умумий ўрта таълимида ҳам ўз ечимини топиши керак бўлган куйидагича қатор муаммолар бор эди. Яъни:

- таълим соҳаси собиқ тузум мафқураси билан жиловланган бўлиб, ёшларга миллий урф-одат, миллий қадриятларимиздан йироқ ҳолда таълим-тарбия берилар эди. Бу орқали ёшлар ўз миллий-маънавий мероси, аждодларимиз яратиб кетган миллий маънавий маданиятидан узоқлашиб, буюк алломалар яратган, дунё тан олган моддий ва маънавий меросларидан бутунлай беҳабар қолган эди. Демак, биз миллий маънавиятимизни тиклашимиз учун эски шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафқуравий қарашлар ва асоратлардан тўлиқ воз кечишимиз лозим бўлди;

- таълим-тарбия тизимидаги олиб борилган барча ўзгаришлар илмий-назарий жиҳатдан тўлиқ асосланмаган бўлиб, таълим-тарбия ва ўқув жараёнининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш масалалари назардан четда қолди, таълим-тарбия тизими тўғри ташкил қилинмай, таълим босқичлари орасида ўзаро алоқадорлик, узлуксизлик, узвийлик сақланмади;

- сўнгги йилларда таълим-тарбия тизими бугунги замонавий, тараққий топган демократик давлатлар даражасидаги талабларга жавоб бера олмади, яъни, мактабларнинг моддий базаси ночор бўлиб, ўқувчиларнинг тўлиқ билим олишлари учун имкониятлар етарли даражада таъминланмади. Буни айниқса, Қорақалпоғистоннинг узоқ қишлоқ жойлардаги мактаблар аҳволидан билиш мумкин эди. 80 - йилларнинг ўрталарида бошланган ислоҳот тўлиқ амалга ошмади, чунки у олдиндан тайёргар-

ликсиз бошланган бўлиб, халқ таълимини молиявий томондан қўллаб-қувватлашга оид самарали механизми ишлаб чиқилмаган эди. Ушбу йилларда мактаб қурилиши ишларида пасайиш кузатилди, хусусан, 1990 йилда 2382 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаб қурилиши ишлари тугатилмади [8]. Аниқроғи ўқувчилар сонининг ўсишига нисбатан мактаблар сони кам эди. Бу ҳолат ўқишнинг уч сменада олиб борилишини талаб этди. Жумладан, 117076 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 480 та, 2618 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 21 та умумий ўрта таълим мактабларида ўқиш иккинчи ва учинчи сменаларда олиб борилди [7];

-мактабларда ўқув-лаборатория жиҳозлари эскирган, айрим мактабларда умуман йўқ эди. Ўқувчиларнинг доимий спорт билан шуғилланишлари учун имкониятлар бўлмади. Бу эса албатта, ўқувчиларнинг маънавий жиҳатдан шаклланишига салбий таъсир кўрсатди. Иқтисодий таназзул туфайли, ўқувчиларнинг ҳар хил ўқув жиҳозлари билан таъминланиши ҳам аянчли аҳволда эди [9];

- ўқувчилар ва ўқитувчилар илмий асосланган дастурлар, дарсликлар, методик қўлланмалар билан тўлиқ таъминланмади. Қатор умумий таълим берувчи фанлар бўйича мактаб дарсликлари Қорақалпоғистон шароитидан келиб чиқиб ишлаб чиқилмади, яъни, ушбу фанларни ўзлаштиришда дарсликларнинг ўрни ва аҳамияти ҳисобга олинмади;

- мактаб жамоаларининг ёппасига сиёсий ўқишларга тортилиши, уларнинг қишлоқ хўжалиги ишларида узок вақт ушлаб турилиши ҳам ўқувчиларнинг билим олишига ўз салбий таъсирини ўтказди.

Демак, ушбу камчиликларни бартараф этишга умумий ўрта таълим тизими, айниқса, мустақил давлатимиз эҳтиёж сезди. Шу боис юқоридаги муаммоларни тезда ҳал этиш вазифаси мустақил давлатимиз таълим тизимидаги ечилиши зарур бўлган долзарб муаммолар қаторида турди.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. –Б. 64.
2. Каримов. И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. –Б.176.
3. Ўзбекистон Республикаси ”Таълим тўғрисида” ги Қонуни / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.–Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни,1998. –Б.20-29.
4. Ўзбекистон Республикаси ”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” / Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни,1998. –Б.31-61.
5. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастури тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Халқ сўзи, 2004 йил 22 май.
6. Қорақалпоғистон XIX асрнинг 2-ярмидан XXI асргача. –Н.: Қорақалпоғистон, 2003. –Б.556.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви материаллари:Фонд, м-26, оп.1, ед.хр. 107, -Б.3.
8. Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси архиви материаллари:Фонд.35, оп.1,д.68, -Б.100.
9. Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси архиви материаллари:Фонд.35, оп.1,д. –Б.79,-169,-174,-175, -194.
10. Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармаси жорий архиви материаллари. 1998-2011 йиллардаги статистик тўпламлар.

РЕЗЮМЕ

В статье обобщается и изучается педагогический аспект, некоторые проблемы системы образования и воспитания, состояние материально-технической базы в общеобразовательных школах республики Каракалпакстан до годы независимости.

Ключевые слова: общеобразовательные школы догоды независимости, материально-техническая база, учебно-воспитательный процесс, некоторые проблемы системы среднего общего образования.

RESUME

This article tells about the generalization and study of the pedagogical aspect, about some problems in the process of education and upbringing, about the state of the material and technical base of the general schools in the Republic of Karakalpakstan until the years of independence.

Key words: general education schools of independence, material and technical base, educational process, some problems of the system of secondary general education.

ҲОЗИРГИ ДАВРДА АХБОРОТ ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ЙЎЛИДАГИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Аллаяров О.Э. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ҳозирги даврда ахборот таҳдидларига қарши қурашиш йўлидаги маънавий-ахлоқий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, глобал ахборий ҳуружлар ҳуқуқ суриб турган ҳозирги даврда ёшларимизда атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олиш, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга оид вазифалар кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: ахборот, ахборот таҳдиди, ахборот ҳуружи, ахборот маданияти, ахборот хизмати, интернет.

Глобал ўзгаришлар шаротида яшаётган инсоният олдида ҳали ўзи тасаввур қила олмайдиган муаммолар саноксиз. Тўғри, унинг ижобий тарафлари ҳам кўп, лекин ахборотдан тўғри фойдалана олмайдиган жамият учун у жуда катта талофатлар олиб келиши мумкин. XX асрда инсоният қурол (тўғри маънода) кучидан кўплаб азият чеккан бўлса, XXI асрда ахборот дунёдаги энг кучли қуролга айланди. Биргина нотўғри ахборот юртнинг тинчлигини бузиб юбориши ёки икки душман давлатларни яраштириб қўйиши мумкин. Шунингдек, ахборот оқимини тўғри йўналтира олмаслик ҳам йиллар давомида шаклланиб келаётган маънавий кадриятларни чилпарчин қилиб юбориши ҳам мумкин. Бугун дунёда ахборотларнинг глобаллашуви жараёни кетаётган бир шароитда, бизда таълим соҳасида “ахборотлар танқислиги” сезилмоқда. “Ахборот танқислиги” бор жойда кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизда белгилаб қўйилган баркамол авлодни тарбиялаб бўлмайди. Таълим тизимининг ахборотлар билан таъминланиш даражаси ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам савиясига, дунёқарашига таъсир қилиши шубҳасиз. Бу борада республикамизда кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Айни шу маънода, биринчи президент Ислоҳ Каримов: “...ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз ҳиссасини қўшиши табиий, албатта, лекин бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи беқиёс, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди” [1] деб таъкидлайди.

Ахборотларнинг янги тизими таълим соҳасига кириб келди ва бир қатор имкониятларни вужудга келтирди. Жумладан, электрон почта, интернет, электрон китоб, мультимедия, масофали таълим, видеоконференция ва ҳоказо. Бугун ҳамма жойда “интернет кафе”, “видео бар”лар ишлаб турибди. Булар яхши, аммо, мафкуравий иммунитет муаммоси ҳам пайдо бўлди. Хўш, ахборотлар, умуман мафкуравий жараёнлар глобаллашуви юз бераётган даврда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга самарали таъсир кўрсатувчи бирор восита ёки омил борми? Бу масаланинг бир томони

холос. Бошқа томони эса, ўқувчиларнинг китоб ўқимаи қўйганлигидир. Китоб ўқиш масаласида барчага бир хил умумий фикр билдириб бўлмайди. Чунки, китоб ўқишни, мутоала қилишни “хобби” қилиб олганлар ҳам бор, китоб ўқиса уйқуси келадиганлар ҳам анчагина. Мана шундай ёшларимизни эртанги куни қандай бўлиши, уларнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслигини, бу нарсалар ўз таъсирини кўрсатмайди, дунёқарашига таъсир қилмайди уларни руҳиятида ҳар хил носоғлом ғояларни пайдо бўлиши ва уларни келажакда соғлом фикр эгалар чиқади, деб айта оламизми? Биз мана шу ерда юртбошимизнинг қуйидаги фикрларига тўхталмасдан иложимиз йўқ: “Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарни ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”[2]. Албатта, ушбу муаммо даврнинг ўзига хос муаммоси десак бўлади. Агар, биз ушбу муаммога бефарқ қарайдиган бўлсак, муаммо янада чуқур илдиз отиб, яна бошқа муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, биз ёшлар, давлатимиз томонидан яратилган имконият ва қулайликлардан тўғри фойдаланган ҳолда, эртанги куннинг етук мутахассис кадрлари бўлиб етишишимиз ва мустақил Ватанимизнинг ривожига ўз ҳиссамизни қўшган ҳолда, соғлом мухитни яратиш унда соғлом рақобатни шакллантирмоғимиз лозим. Президентимиз И.Каримов шундай шароитни назарда тутиб, “одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий кадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустақкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол”,[3] деб ёзади.

Ҳозирги даврда дунёнинг бир қатор давлатларини ахборот инқилоби шароитида вужудга келадиган глобал тармоқ жамиятлари жиддий ташвишга солаяпти. Бу турдаги жамиятлар ўзларини «киберинтернационал НЕТ», «Интернет болалари», «Интернет фуқаролари (netizens)» деб номлашмоқда. Бундай жамиятлар Интернет орқали ёшларни бирлаштириб, давлат ҳокимиятининг расмий хабарларига қарши чиқувчи халқаро сиёсий киберуюшма сифатида юзага келмоқда. Хусусан, бу

* Аллаяров О.Э. – ГулДУ ўқитувчиси.

Net авлоднинг биринчи сиёсий партияси 2006 йил Швецияда пайдо бўлди. 2009 йилда бу партия 7,1% овоз билан Европа парламентида 2 та жойга эга бўлди. 2011 йил бошида бу партиянинг 33та давлатдаги фаолияти аниқланди. Шунингдек, партиянинг рўйхатга олинмаган аъзолари АҚШ, Россия ва бошқа бир қатор давлатларда фаол ҳаракат олиб боришмоқда. Партиянинг асосий электорати ёшлар ҳисобланиб, улар 20-30 ёш оралиғидадир[4]. Албатта, бундай жамиятларнинг фаоллиги ошиб борар экан, республикамизда ҳам уларнинг фаолияти кузатилиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, муаммонинг ечимини излашда инсон ҳуқуқларини бузмасликка эътибор қаратилиши лозим. Бунда таъқиқлаш усулидан фойдаланишдан қочиш керак. Маълумки, Интернетдан турли миллат ва элат вакиллари фойдаланади. Табиийки, бири учун оддий бўлган ахборот иккинчисининг маданий, анъаналарига тўғри келмайди. Ҳукумат қанча ҳаракат қилмасин, муаммони бир ўзи ёки қонунлар қабул қилиш йўли билан ҳал қилиши қийин. Ёшлар маънавиятига салбий таъсир қилувчи ахборот оқимининг иллатларини йўқотиш, тўғрироғи қамайтиришнинг ягона усули – ота-она назорати. Улар фарзанди Интернетдан қандай маълумотлар олаётганини билиб туриши керак. Ривожланган мамлакатларда ота-она назоратини амалга ошириш учун кўплаб технологиялар (филтрловчи дастурий таъминот яратилган. Филтрловчи дастурий таъминотнинг уч кўриниши бор: “қора рўйхат” (рўйхатга киритилган манбалар (сайтларга)га чиқиш блокировка қилинади, “оқ рўйхат” (фақат рўйхатга кирган манбаларга кириш мумкин), “нейтрал маркировка” (“ёмон” сайтларнинг рейтингини яратиш, унга кўра фойдаланувчи қайси сайтларга кириш-кирмасликни ўзи ҳал қилади). Албатта, бу усуллар кўпроқ уйда компютери бор ота-оналарга қўл келади. Лекин уни Интернет-кафеларда ҳам қўлласса бўлади. Шу каби технологияларни Ўзбекистонга олиб кириш ва умуман муаммони жиддийроқ ўрганиш керак.

Бугунги ўта кескин глобаллашув жараёнида, асосан ёшларимизни ўз мустақил фикрига эга, турли маънавий ахборот хуружларига қарши мустаҳкам ирода билан тура билишга қодир, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, И.А.Каримов таъкидлаганидек “...ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ юзага келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий кадриятларга ҳурмат эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз керак”[5]. Ривожланган давлат ёшларининг билим салоҳияти билан ёшларимизнинг билим салоҳиятини таққослайдиган бўлсак, албатта, жамиятимиз ёшларининг билим салоҳияти уларники билан тенг, ҳатто устунроқ десак адашмаган бўламиз. Лекин, ачинарли томони шундаки, мана шундай техника-технология ривожланган бир жамиятда маълум бир тоифадаги ёшларимиз компютер, интернет, уяли алоқа воситаларидан самарали фойдаланмасдан шунчаки эрмак ёки ўзларининг қимматли

вақтларини компютерда куни билан ўтириб “контр страйк”, “форсаж” ёки ҳар хил беҳаё фильмлар, расмлар томоша қилиб, шунга ўхшаган ўйинлар, “даҳшатли” кинолар, суратларни томоша қилиш билан ўзларини ёшлиқдаги қимматли вақтларини бесамар ўтказишмоқда. Бундан ташқари уяли алоқа воситаларига ҳар хил беҳаё фильм ва суратларни “Bluetooth” ёрдамида телефондан телефонга ўтказиш орқали бошқа бир ёшларни шу нарсага қизиқишини орттириб ўз сафларини кенгайтиришмоқда, десак муболага бўлмайди. Бу эса ўз-ўзидан ёшларимизда компютер ўйинларига ҳамда уяли алоқа воситаларига тобеъликни келтириб чиқармоқда. Шундай мураккаб шароитларда Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи аҳолини, хусусан, ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан иммунитетини шакллантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода Ислом Каримов “халқимиз, аввалом бор ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий”[6] деб ёзган эди.

Ҳозирги даврда ахборот таҳдидларига қарши курашиш йўлидаги муаммолардан бири, ёшларга доим таъсир кўрсатиб турувчи мавжуд ижтимоий муҳитдаги айрим ҳолатлар билан боғлиқдир. Таъкидлаш керакки, баъзан бозорларда ва савдо шаҳобчалари атрофида мактаб ёшидаги болаларнинг порнографик мазмундаги фильмлар туширилган дисклар билан яширинча савдо қилаётгани ёки бўлмаसा, мактаб ўқувчиларининг бир-бирлари билан “Интернет кафеларда” соатлаб фаҳш, зўрлик, қотиллик, разилликни тарғиб қилувчи тармок ўйинларини ўйнаб вақт ўтказаяётганига гувоҳ бўламиз. Албатта бундай ҳолатларга баъзи ота-оналар томонидан фарзандлари устидан назоратни сусайтириб юборилгани, таълим муассасаларида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш юзасидан олиб бораётган ишларининг талаб даражасида эмаслиги ва бошқа қатор омиллар сабаб бўлади. Бироқ, нима бўлганда ҳам, бу – объектив воқелик ва у ёшларимиз мафкуравий иммунитетини юксалтириш йўлидаги жиддий тўсиқлардан биридир. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов “Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваломбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур, деб жавоб берган бўлардим.”[7] деган эди.

Масаланинг яна бир жиҳати ҳам борки, бу электрон ўйинлар орқали ваҳшийликни тарғиб қилаётган компютер заллар эгаларининг баркамол авлод тарбиясига нисбатан масъулиятсизлиги билан изоҳланади. Чунки, ўйин ўйнаш учун “Интернет кафе” га ҳар куни деярли ўша-ўша йигит-қизлар келишади ва соатлаб у ерда қолиб кетишади. Шу

нуктаи назардан қараганда, қўшимча равишда шуни таъкидлаш мумкинки, бизнингча, мафкуравий иммунитет тизими сифатида халқимизнинг миллий-маданий хусусиятларидан келиб чиқадиган қуйидаги элементларни ўз ичига олади: таълим-тарбия, интеллектуал савия, теран тарихий хотира, номус, сабр-тоқат ва эзгу ният, Ватан тақдирига нисбатан юксак масъулият ҳисси, дахлдорлик туйғуси. Шу билан бирга айрим ўсмирларнинг интернет орқали ҳар хил ёт ғояларни адашиб, холис ахборот манбаи сифатида қабул қилаётганларини ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Бу уларнинг бўш вақтларини мазмунли тўлдиришда йўл кўйилган педагогик камчиликдир. Ёт мафкураларни кўр-кўрона қабул қилишнинг қулай замани бу – маиший қулайликка ортиқча интилиш, ёшларнинг ташқи кўринишга берилиши, буюмпарастлик, боқимандалик ва миллий турмуш тарзида одатий ҳол бўлиб қолган афзалликлар ва неъматлардан онгсиз равишда фойдаланиш, уларнинг маънавий кадрият сифатида тўла англай билмасликдир. Бу ва дунёда юзага келган мураккаб мафкуравий вазият замонавий мактабдан ўсиб келаётган ёш авлодни мафкуравий тарбиялашни замон талаблари даражасига кўтариш, педагогик технологиялар асосида қуриб, фаоллаштиришни талаб қилади.

Таасуфки, бугун ёшларимизнинг аксарияти глобаллашув туфайли Европа ва хорижий маънавий-маданий оқимлар таъсирига кўпроқ иштиёқманд бўлиб, миллий маънавийтимизнинг ҳаётбахш, юксак ахлоқийликка асосланган тамойилларга ихлосмандлиги суст кечмоқда. Инсон қадр, масъулияти, ахлоқига беписондлик баъзи ёшларнинг кийиниши, феъл-атвори, юриш-туришида яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Бизнинг назаримизда инсон кадрияти унинг ахлоқийликка йўналгани билан белгиланиши керак. Қанчадан-қанча маблағ ахборотни қайта ишлаш, ахборотларни белгиланган маконга етказиш, етказганда ҳам биринчи бўлишга қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, одамларда, ахборотни энг аввал бера олган, доимо ҳақ бўлади, деган қараш мавжуд бўлади. Зеро, дунёга тарқатилаётган 80 % ахборотни санокли ахборот агентликлари етказиб бермоқда. Бу уларга хоҳлаган ахборотни ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тарқатиш имконини беради. Бундан кўринадики, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) орқали олиб борилаётган маънавий хуружлар ахлоқий хаос ҳолатини беҳад кучайтиради. Халокатга учраган кемалар, ёнган қасалхоналар, ўрмонлар, қалбни музлатиб юборадиган ёлланма қотилликлар, ва бошқа жиноятлар ҳақидаги ахборотлар ҳар қандай киши онгида кучли саросималик вужудга келтиради, чорасизлик, аянч туйғусини чақиради. Шу муносабат билан Ислон Каримовнинг “Наркобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, террорчилик сингари таҳдидлар” ҳамда “инсон табиатидаги инсонийликдан кўра кўпроқ ваҳшийликни, ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизлик хисларини кўзготадиган, ёшлар дийдасини қотирадиган, улар қалбида ўзларига сездирмаган ҳолда тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олишига олиб келадиган жангарилик фильмларининг жиддий зарарлари” ҳақидаги фикрлари яна бир бор ўз долзарблигини намоён этади.”[8]

Интернетнинг жамият ҳаётига кириб бориши, унинг ижтимоий маданияти ва ғоявий-мафкуравий асосларининг ўзгаришига олиб келди. Инсонлар ахборот алмашинуви баробарида фикрлаш маданияти ҳамда хулқ атвор билан боғлиқ турли мазмундаги ёт маълумотларга ҳам эга бўлмоқда. Жамият ривожланиши жараёнида Интернет ахборот тармоғи миллий чегараларни инкор этиб, ҳокимият қонунийлигининг анъанавий тамойилларига таҳдид сола бошлади. Интернет тармоғи нафақат улкан ахборот оқимига эркин эга бўлиш имкониятини тақдим этмоқда, балки дунёнинг ҳар қандай нуктасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнга таъсир кўрсатиш кучига эга бўлмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бугунги ёш авлоднинг маънавий эҳтиёжини, айтилик, бундан 15-20 йил илгариги ёшлар билан солиштириб бўлмайди. Бугун компьютер техникаси, уяли телефон, ахборот узатишнинг мураккаб ва қулай усул ва воситалари ижтимоий- маънавий турмушимизга жадал кириб келди. Оқибатда одамларнинг турмуш тарзидаги чуқур ижобий ўзгаришлар шунчалик шитоб билан содир бўлмоқдаки, бу эса ўз навбатида ёшларимизнинг маънавий эҳтиёжларини кундан-кунга оширмоқда. Ана ундай шароитда табиийки, анъанавий кўринишдаги кутубхоналар замонавий талаб ва эҳтиёжларни қондиришдан орқада қола бошлади.

Шу маънода замонавий ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилиши давр билан ҳамнафас ва қадамба-қадам қўйилган дадил одим дея баҳолаш ўринлидир. Эндиликда ахборот-ресурс марказлари, илгаридек оддий китоб оладиган ва мутолаа қиладиган маскан эмас, балки бу жой ёшларимиз учун интернет тармоғига уланган ҳолда жаҳон миқёсидаги янгилик ва маълумотлардан хабардор бўлиш, зарур маълумотлар узатиш, юбориш, қўпайтириш, нусхалаштириш каби муҳим маънавий эҳтиёжларини рўёбга чиқариш учун кенг шароитлар муҳайё қилинган муборак жойдир. Шундай экан, ахборот-ресурс марказларида замонавий компьютер техникаси воситалари қўйилган электрон ўқув заллари бўлиши шарт. Компьютерлар Интернет тармоғига уланган, барча зарур адабиётларнинг электрон вариантлари уларнинг хотираларига жойлаштирилган бўлиши зарур. Ўқув адабиётларнинг электрон ишланма ёки дарслик кўринишидаги замонавий авлоди билан ахборот-ресурс марказида яқиндан танишиш имкониятининг яратилиши ҳам ёш авлод тарбиясида фавқулодда катта аҳамият касб этади.

Умуман олганда, ўтиш даврида ахборот-мафкуравий идрок этиш билан боғлиқ вазиятнинг мураккаблиги яъни давлат, жамият ва шахсда мафкуравий рақобат борасида етарлича демократик тажриба йўқлигида ҳамдир. Оммавий ахборот воситалари тингловчиларининг кўпчилиги сиёсий мавзудаги ҳар қандай ахборотни расмий ахборот сифатида қабул қилади. Ахборотлар характери ва тартиби сиёсий осойишталик ва барқарорликнинг ўзига хос барометри бўлиб хизмат қилади. Агар фикрлар хилма-хиллиги ҳолати намоён бўлса, беқарорлик кўрсаткичи, сиёсий муносабатлар

тизимда муаммоли вазият етилиб келаётганининг ўзига хос аломати сифатида талқин қилинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биз ахборот жамияти барпо этаётган эканмиз, бу борадаги ҳам сиёсий, ҳам илмий-техникавий, ҳам маънавий-маърифий, ҳам иқтисодий муаммоларни бирма-бир бартараф этиш йўлидан боришимизга тўғри келади. Бу муаммоларни муҳим-номуҳимга ажратиб бўлмайди. Чунки улар бир-бирлари билан ўзаро чамбарчас

боғлиқдир. Шунингдек, биз ўзимизнинг ахборот фазомизни турли хил ички ва ташқи маънавий-мафкуравий таҳдидлардан асрашимиз, ёшларимиз онгида мафкуравий иммунитетининг шаклланишига шароит яратишимиз ва уларда миллий-маънавий кадриятларга садоқат руҳини тарбиялашимиз, билим доираси ва дунёқарашини кенгайтиришимиз зарур бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. –Б.9
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.115.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. 113-б
4. Владимир Дергачев. Киберинтернационал поколения NET. – http://dergachev.ru/geop_events/160111.html
5. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 113.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -Б.115.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.14.
8. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, – Тошкент: Ўзбекистон, 2001., 74-75-б.

РЕЗЮМЕ

В данной статье осущетвляется научно-практический анализ духовно-этических проблем информационных угроз современности и пути их решения. А также, определены задачи для формирования у молодёжи самостоятельной позиции, мышления в условиях информационной глобализации.

Ключевые слова: информация, информационная угроза, информационная культура, информационная услуга, интернет.

RESUME

This article provides scientific and practical analysis of spiritual and ethical issues of modern information threats and solutions. Also, it is set objectives for the formation of the young independent position, thinking in terms of information globalization.

Keywords: information, information threats, information culture, information services, internet.

ЎЗБЕКИСТОНДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИГА
ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Атамуратов М.У. *

РЕЗЮМЕ

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб тараққиётнинг "ўзбек модели"ни амалга оширишда кадрлар сиёсатининг ўрни, унинг моҳиятини, ривожланиш истиқболи ва хусусиятларини билишда, бошқарув соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг янги тизимини шакллантириш муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, давлат ва жамият қурилишида бошқарув кадрлари тизими билан боғлиқ муаммоларни мамлакатимизнинг бой давлатчилик тарихи билан боғлиқ ҳолда илмий таҳлил этишда, вазирликлар, вилоят, туман ҳокимликларида, давлат бошқаруви соҳаси ва нодавлат нотижорат ташкилотларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш долзарблиги ҳақида.

Калит сўзлар: "раҳбар", "раҳбар кадрлар", "бошқарув кадрлари", "раҳбарлик масъулияти", "раҳбарнинг жавобгарлиги", "раҳбарлик лавозими", "раҳбарлик курсиси", "мансабдор шахслар", "вазирлар", "ҳокимлар" ва "ташкilot раҳбарлари".

Бугунги кунда амалдаги ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида раҳбар кадрлар, жумладан, маҳаллий бошқарув органлари ходимлари олдида бутунлай янги вазифалар қўйилмоқда. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг стратегик мақсадлари раҳбар кадрлар фаолиятининг асосий йўналишларини инсон ҳақ-ҳуқуқларини ва унинг фаровонлигини таъминлашга қаратиш билан бирга демократик тамойиллар асосида фаолият юритишларини тақоза этмоқда.

Раҳбар кадрларнинг фаолиятида демократик тамойилларга таянган ҳолда бошқарувни амалга ошириш борасида эришилган ютуқ ва муаммоларни умумлаштириш, уни айрим соҳалар бўйича вазирлик, ташкilot ва жамоат бирлашмалари фаолиятида ўрганиш, демократик тамойилларнинг бошқарув самарадорлигини ошириш нуқтаи назардан умуминсоний моҳиятини билиш ва унга амал қилишга ёрдам беради.

Давлат қурилиши ва бошқарувидаги соҳаларни жамият ҳаётининг барча йўналишлари билан боғлиқ ҳолда турли соҳалар бўйича ўзининг раҳбарларига эга. Буни давлат қурилиши тармоқлари, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий йўналиши, жамоат бирлашмалари, ҳуллас жамият ҳаётининг бирон-бир бўғини йўқки, катта ёки кичик, юқори ёки куйи бўғинларида раҳбар ўзининг фаолиятини олиб боради. Маълум бир соҳа бўйича масъул ва жавобгар ҳисобланади.

Зеро, "Раҳбар" тушунчаси нисбатан кенгрок тушунча бўлиб у давлат ва жамият қурилиши ҳаёти соҳаларининг маълум тармоғида фаолият олиб борадиган инсонларни, турли ижтимоий гуруҳ ёки қатламни маълум соҳа бўйича уларни фаолиятини йўналтириб, мақсад сари уларнинг фаолиятини ташкил этишда қўмаклашадиган ва жамият олдида ўзига хос масъулият ҳамда жавобгарликка эга бўлган шахслардир.

Тарихга назар соладиган бўлсак, Раҳбарлик ва раҳбарлик фаолияти, масъулияти ва жавобгарлиги тўғрисида кўпгина манбаларда турли хил фикрлар келтирилганлигини кўриш мумкин. Масалан, "Шоҳнома" (Фирдавсий), "Қутадғу билиг" (Юсуф Хос Ҳожиб), "Дастур ул-мулк" (Ҳожа Самандар Термизий) "Китоб ул-вузаро" (Ҳилол), "Иршод" (Ёкут) "Китоб ул-диёрат" (Шабушти),

"Сиёсатнома" (Низом ул-мулк), "Қобуснома" (Кайковус), "Дастур ул-вузаро" (Хондамир), "Ахлоқи муҳсиншит", "Анвори Сухаймит" (Кошифий), "Маҳбуб ул-қулуб" (А.Навоий), "Темур тузуклари" ҳамда "Зафарнома" номли китобларда ҳам турли лавозимда турли хил мавқеда бўлган раҳбарларнинг (масалан вазирларнинг хизмат қилиш тузуги) масъулияти ва жавобгарлиги тўғрисида аниқ фикрлар баён қилинган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" деб алоҳида келтириб ўтилган [1]. Бу раҳбарнинг, раҳбар кадрларнинг масъулияти ва жавобгарлигини тушуниш ва уни таҳлил этишда, улардан ўз зиммаларидаги вазифаларни қандай бажараётганликларини аниқлаб, ўзига баҳо бериш, уларни рағбатлантиришда, раҳбарлик даражаларини, мавқеларини ошириш ёки туширишда муҳим ҳуқуқий асосдир. Демак, раҳбар кадрларнинг масъулияти тўғрисида фикр юритганда уларнинг аввало жамият ёки фуқаролар олдида масъул эканлигини улар томонидан ҳисобга олиниши ҳамда амал қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Юртбошимиз И.А.Каримов кадрлар масаласига ёндашар экан, унга мустақиллик, янги тузум, янги давлат шаклини ҳисобга олган ҳолда ёндашади ва шундай дейди: "Биз янги тузум, янги давлат шаклини тузаяпмиз, аммо унга жон киргизадиган одамлар-кадрлар керак"[2]. Ҳақиқатдан ҳам мустақиллик туфайли, Ўзбекистон-суверен демократик Республика сифатида дунё ҳамжамиятининг тўлақонли субъектига айланди. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ўзгаришлар, бозор иқтисодиётига асосланган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизларидаги ўзгаришлар, миллий ғояга асосланиш раҳбар кадрларга янги масъулиятни юкледи. Шунга кўра, янги кадрлар керак эканлиги, Президент томонидан асослаб берилди. Бунга мустақилликнинг дастлабки йилларидаги муҳим вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, 1990 йил 24 мартда давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкilotлари раҳбарларининг бурчи, масъулияти тўғрисида Ўзбекистон

* Атамуратов М.У. – ЎзМУ мустақил-изланувчи тадқиқотчиси.

Республикаси Олий Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида "...айниқса, олимлар ва ижодкор ходимларимизга эътиборни кучайтириш керак. Маънавий бойликларни улар яратади. Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолиятлари учун барча зарур моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир" деган эди.

Шунингдек, "Раҳбар кадрлар" деганда давлат ва жамият қурилиши, бошқарувнинг у ёки бу соҳасида, раҳбарлик ишини амалга ошириш масъулияти ва жавобгарлигига эга бўлган, жамоани йўналтиришга, мамлакат, халқ, инсонлар олдида ўзининг раҳбарлик қобилияти, сифатлари билан ажралиб турадиган масъул шахсларни тушуниш мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, Раҳбар тушунчасининг маъноси кенг. У турли лавозимларда ишлайдиган шахсларга нисбатан ишлатилади. Масалан, "Президент", "Мамлакат раҳбари", "Юрт эгаси" тушунчалари Ўзбекистон Президентига нисбатан ишлатилса, "Вазир", "Бош вазир", ҳукумат раҳбарига ва тегишли вазирликларга нисбатан қўлланилади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятга нисбатан "Олий Мажлис спикери", "Қонун чиқарувчи палата раиси", "Сенат раиси" тушунчаларини қўллаш мумкин. Ёки жамоат бирлашмаларида кўрадиган бўлсақ қасаба уюшмалари раҳбарлари, сиёсий партияларнинг раҳбарлари, олимлар жамиятлари, хотин-қизлар ва фахрийлар, ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, хўжалик соҳалари бўйича ҳам турли даражада раҳбар тушунчаси қўлланилади.

Улар Республика, вилоят, туман ёки шаҳар, қишлоқ миқёсида ўзларининг зиммаларига юклатилган раҳбарлик масъулиятига ва жавобгарлигига эга, унга жавоб беради. Одамларни аниқ мақсад сари йўналтириш, раҳбарлик қилади. Бу шунчаки иш бўлмасдан унда эл-халқнинг ризқ-насибаси ҳамда мамлакат равнақи билан боғлиқ ишларни амалга оширишда раҳбарлик қилади.

Бугунги кунда турли даражада масъул ишларни амалга оширадиган шахсларга нисбатан, умумий муомалада "раҳбар", "раҳбар кадрлар", "бошқарув кадрлари", "раҳбарлик масъулияти", "раҳбарнинг жавобгарлиги", "раҳбарлик лавозими", "раҳбарлик курсиси"да ўтирганлар деган тушунчаларни Президент асарлари ва кўпгина адабиётларда кўпроқ учратиш мумкин. Бу тушунчалар, "мансабдор шахслар", "вазирлар", "ҳоқимлар"га, "ташкилот раҳбарлари"га нисбатан ҳам қўлланилади.

Демак, раҳбар тушунчасини уни қайси соҳада, қайси даражадаги мавқеини эгаллаб турганига қараб, уни аниқлаштириш ҳамда ёндашиш мумкин. Шунингдек, профессор И.Эргашев ва Ф.Эргашевлар ҳам ўз тадқиқотларида кадрлар мавзусини чуқур тадқиқ этишган. Жумладан, у ўзининг «Раҳбар кадрлар ва ислохотлар жараёни» мақоласида раҳбар кадрларга бугунги кунда қўйилган янги талабларни қўйида-

гича таърифлайди: 1) ўз вазифасини чуқур англаб етиш; 2) иш юритишни удалай олиши; 3) кадр ва раҳбар сифатида ишни олиб бориш билан боғлиқ жиҳатларга мустақиллик талаблари асосида ёндашиш; 4) ташкилотчилик қобилиятига эга; 5) мустақиллик вазифаларини амалга оширишда халқ билан ўзаро ҳамкорликда иш юритадиган; 6) ўз атрофига соғлом кучларни тўплаш ва уларга таянувчи; 7) расмиятчиликка берилмайдиган; 8) ўз билимини, малакасини мунтазам ошириб борадиган; 9) янги тафаккур тарзига эга, фикрлар хилма-хиллигини инкор этмайдиган; 10) ўзгалар фикрини эшитадиган ва ҳурмат қиладиган; 11) ўз манфаатини инсонлар манфаати билан уйғун кўрадиган кадрларга эга бўлиш билан давлат бошқарувида самарали механизм қуриш мумкинлигини таъкидлайди [3].

Зеро, давлат хизматининг моҳияти, унинг давлатни бошқаришдаги аҳамияти тўғрисида профессорлар Б.Мирбобоев, А.Бегматов, О.Хусановларнинг илмий изланишларига назар ташлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Уларнинг фикрига кўра, давлат хизмати-бу ҳар қандай давлатда муҳим аҳамиятга эга бўлган, бошқарув жараёнини амалга оширадиган тузилмадир. Ҳар қандай демократик жамиятда сиёсий партиялар ва кучларнинг тўқнашуви табиий равишда рўй беради. Шунинг учун ҳам мустақил давлат хизматига эҳтиёж сезилади. Чунки, турли сиёсий кучлар ва гуруҳларнинг манфаатларини мувофиқлаштирган ҳолда жамият манфаатларига бўйсундириш айнан юқори малакали давлат аппаратининг вазифасига кирди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримовнинг кадр танлаш борасида қўйидаги фикрини келтириш ўринли деб ўйлайман. "Кадрлар танлашда шахсий муносабатларга берилишга, ошна-оғайнигарчиликка чек қўямиз. Ҳозирги кунда ҳар бир раҳбар кадрни қанчалик масъулият билан ишлаши ҳамда соф виждонлигига кўп нарса боғлиқ. Раҳбар фаолиятини баҳоловчи бош мезон унинг ишни ташкил қила билиш қобилиятидир. Илгари раҳбарнинг обрўсини унинг лавозими, ўтирган биноси, ёнида туриб қўлловчи тирговчилари ҳал қилган бўлса, бугун шуни аниқ тушунишимиз лозим куруқ савлату, ўзганинг ёрдами билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди" [4]. дея таъкидлаган эди.

Кўриниб турибдики, мустақилликнинг дастлабки йилларидан раҳбар кадрларнинг масъулиятини оширишга янги мезонлар асосида янги талабларни қўяди. Бу раҳбар кадрларни танлашда уларнинг масъулиятини оширишда ҳамда раҳбар кадрларни шаклланган "мустабид тузум" даврига хос онг ва тафаккуридаги андозаларни ўзгартиришларида, янгича қараш ва муносабатни шакллантириб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса айрим иллатларни олдини олишда асос бўлди. Буни, "ўз кадрини билган раҳбар мактовга зор эмаслиги, уни дохийлаштириш шарт эмас, раҳбарнинг ишига халқнинг ўзи баҳо беради" деган фикрлар айрим кишиларнинг раҳбарга бўлган муносабатда ҳолис, тўғри ёндашишларида, уларнинг

тарбияси ва мафкурасининг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

"Раҳбар кадрлар" тушунчасидаги икки жиҳатга (ўзагига) эътиборни қаратиш лозим: "раҳбар" ва "кадр" тушунчаларини ўзида мужассам этганлиги билан характерланади.

Одатда "кадр" деганда маълум бир йўналиш бўйича, аниқ мутахассисликка, билим ва тажрибага эга бўлган, айти пайтда маълум бир жамоада ишлайдиган шахслар тушунилади.

Шу маънода ҳам "раҳбар кадрларнинг" иши икки ҳисса маъсулиятга эга. Улар ўзларининг билим ва тажрибаларини бировга шунчаки ўргатувчи, билим берувчилар эмас, улар билим ва тажрибаларини давлат қурилиши ва жамият бошқаруви соҳаларида, унинг аниқ йўналишида маълум бир жамоа, ходимларнинг ишини ташкил этишда, уларнинг фаолиятларини аниқ мақсад сари йўналтириб, ташкил этишда уни мувофиқлаштиришда масъулиятни, жавобгарликни зиммасига олган раҳбар ва бошқарув кадрларидир. Уларнинг фаолияти шу маънода ўта масъулиятли ишдир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов: "Эл-юртимизга инсофли, билимдон, тажрибали раҳбарлар, фаоллар керак, эл-юрт обрўси учун, Ватанимиз манфаати учун жонини тиккан жонкуяр, камарбаста раҳбарлар керак," дея таъкидлаган [5].

"Раҳбарлик масъулияти" кўпроқ ижтимоий фалсафий маънавий ахлокий тушунча бўлиб, унинг ўзи эгаллаб турган иш вазифаси, ходимлар, эл-халқ, мамлакат олдидаги мажбуриятлари, бурчи билан боғлиқ маънавий-руҳий ҳолатининг мажмуидир, деб қараш мумкин. "Масъулият" ва "Жавобгарлик" бир-бири билан боғлиқ ҳолда раҳбарлик фаолиятида, бошқариш ишларини ташкил этишда муҳим роль ўйнайди.

Ушбу мавзунинг ёритишда Шарқ мутафаккирлари раҳбарликка қўйиладиган талаблар ва бошқаришни ташкил этиш масалалари ҳақида турли хил фикрлар юритишган.

Шу жумладан, Форобийнинг таъкидлашича, "кимдаким бировни бахт саодатга эриштириш зарур бўлган иш-ҳаракат кабиларга руҳлантира олиш қобилиятига эга бўлмаса ва бу иш ҳаракатни бажаришга қудратсиз бўлса, бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди". Улар йўл-йўриқларни ўтмишда кечган бошлиқлардан ўрганадилар, лекин шу билан бирга раҳбар келажак учун ўтмишдаги расм-русм, йўл-йўриқларни ислоҳ қилишни лозим ва фойдали топса, турмуш шароити тақозосига қараб ўзгартиради. Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифодаловчи ўтмишни ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишнинг талабларига риоя этиб, унинг кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай энгиллик, ўзгариш ва ўсиш бўлмайди деб таъкидлаган [6].

Шунингдек, ўрта асрларнинг буюк қомусий олими Абу Райхон Беруний (973-1048) ёзиб қолдирган асарларда бошқарувчи ва бошқарув хусусидаги қатор илмий аҳамиятга эга фикрларни кўраимиз. Берунийнинг "Ҳар бир одамнинг баҳоси - ўз ишини ажойиб бажаришидир" деб таъкидлаши

шахс фаоллиги, унинг ташаббускорлиги раҳбарлик фаолиятининг баҳо мезони эканлигини кўрсатади [7].

Бундан ташқари, Шарқнинг буюк мутафаккирларидан яна бири Абу Али Ибн Сино ўзининг "Донишнома", "Рисолаи ишқ" ва бошқа бир қатор асарларида раҳбарлик, раҳбар шахси хусусиятларига оид қатор муҳим фикрларни илгари суриб раҳбарлик ва бу соҳага оид қарашлар тизимига самарали ҳисса қўшди.

Ибн Синонинг раҳбарларга қўйган талаблари, раҳбарларнинг ўз шахсини ривожлантириш, айтганда раҳбар шахсида энг етакчи бўлган сифатлардан бири - олийжанобликни тарбиялаш муҳимлиги тўғрисидаги фикрлари ҳозир ҳам раҳбар ходимларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Юсуф Хос Ҳожиб давлат ва жамиятнинг биринчи раҳбари ҳақида фикр юритар экан, у, аввало ана шу давлат ва жамият таркибига ўз эътиборини қаратади. Унинг таснифлашига биноан, жамиятда улуғлар ва кичиклар, яхшилар ва ёмонлар, билимдон ва нодонлар, камбағал ва бойлар, гадолар ва тубанлар тоифалари мавжуддир. Биринчи раҳбарликка танланадиган зот аввало ана шундай сертоифа жамият ичида бирдай обрў қозона олиши керак. Шунингдек, жамиятни тараққиётга етаклаши, давлат ва жамиятни бойитиши, халқнинг қўпайишига шароит яратиши, жамиятни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қила оладиган салоҳият тўплаши ва мустаҳкамлаши, жаҳон давлатлар орасида ҳар томонлама нуфуз қозона олиши лозим.

Бизга маълумки, давлатчилигимиз ривожига катта ҳисса қўшган буюк давлат раҳбари ва саркарда Амир Темурнинг "Тузуқлари" асарда келтиришича, раҳбарлар танлашнинг таянч талаб-мезонлари ва тамойиллари мансабларларга қўйилган раҳбарларнинг иш фаолиятида орттирадиган иш тажрибалари ва касбий маҳоратларини ривожланиши учун ўзига хос пойдевор вазифасини бажаради. Амир Темурнинг фикрича, бошқарувчилик шундай бир жараёнки, унда раҳбар ҳал этиши керак бўлган масалалар ҳамма вақт бошқарувга қўйилган талаб ва қоидаларнинг барчасига ҳам айнан мувофиқ келавермайди, балки раҳбар фаолиятига нисбатан умумий қўйилган талаблар ва мезонларга яқинлашади, холос. Мазкур мезон ва талаблар даражасига эришиш учун эса раҳбарнинг ал-заковати ўз кучини кўрсатиши лозим.

Мазкур асарда кўрсатилишича, Амир Темур ўз фаолияти тажрибасида орттирган талаблар ва мезонларни менинг «шиорларим», деб таърифлаганини кўриш мумкин. [8]. Унинг ўзи яшаган замонда билдирган бошқариш, раҳбарлик борасида ўзига хос қайтарилмас фикрлари бугунги кунда ҳам ўз самарасини бермоқда.

XV асрнинг атоқли давлат арбоби, мутафаккир, шоир Алишер Навоийнинг барча асарларида, жумладан, "Сади Искандарий" достонида Искандарда комил инсонга хос хусусиятларнинг тасвирланиши, яъни: у дили, нияти пок, хайр саховатли, камтарин ва мулоим шох, доно подшо ва дунё сирларини билишга қизиқувчи Ал-заковат эгаси, деб таърифланиши бу образ орқали Алишер

Навоий ўзининг эзгу мақсади - жамиятни хикмат, адолат ва инсонийлик йўллари билан бошқариш керак, деган фикрни илгари сўрганлигини кўриш мумкин.

Низомулмулкнинг таъкидлашича, ҳукмдорнинг иш юритиш тамойида табақа танламаслик муҳим ўрин тутди. Ҳукмдор фаолиятининг ижобий баҳоланиши, лавозимининг давомийлиги, барқарорлиги ва айниқса, адолат тамойилларига амал қилишининг аҳамияти бекиёсдир. Агар ҳукмдорда табақага ажратиш хусусияти мавжуд бўлса ёки шунга мажбур бўлса, тез орада ҳукмдор ва фуқаро, бошлиқ ва ходим орасида даҳлиз, эшик, парда пайдо бўлади. Бу бошлиқни ходимдан, раҳбарни фуқародан ва баъзан ҳатто раҳбарият тизимидан ажралиб қолишига олиб келади [9].

Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавиятнинг бошқарув ходимлари фаолиятида тутган ўрни ҳақида тўхталиб шундай дейди: “Масъул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси билан бир қаторда маънавий савиясига ҳам алоҳида эътибор қаратаман. Ва кўп ҳолларда, маънавият ҳақида берилган саволларга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши, қандайдир ноаниқ, саёз жавобларни ҳам эшитишга тўғри келади” [10].

Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи, ҳўжалигимизнинг умумжаҳон иқтисодиёти билан интеграцияси, инвестициялар соҳасидаги ҳамкорлик масаласи замонавий раҳбарни ҳўжалик муаммолари доирасида чекланиб қолмай, балки атрофдаги воқеаларни кенгрок идрок этишини талаб қилади. Шу нуктаи назардан, замонавий раҳбар нафақат ташкилотни иқтисодий чуққига етакловчи шахс, балки, тарғиб этилаётган давлат сиёсатини меҳнат жамоаси онгига етказувчи фаол ҳамдир.

Демократия учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларсиз демократик сиёсий жараён амалга оширилиши мумкин эмас.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятни куришда бошқарув самарадорлигини оширишда демократик тамойилларга таянишда раҳбар ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятлари, унинг ўзига хос дунёқараши, шунга мос тафаккур ва ҳаёт тарзи, миллий онг, ўзлигини англаганлик даражасидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиши алоҳида аҳамиятга эга. Юртимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини куриш вазифаларини амалга ошириш жуда кўпгина омиллар билан боғлиқ. Улар орасида раҳбарнинг хусусан раҳбар кадрларнинг демократик тамойилларга амал қилиши, ҳал қилувчи ўринга эга. Раҳбар кадрларнинг фаолиятида демократик тамойилларга таянган ҳолда бошқарувни амалга ошириш борасида эришилган ютуқ ва муаммоларни умумлаштириш, уни айрим соҳалар бўйича вазирлик, ташкилот ва жамоат бирлашмалари фаолиятида ўрганиш, демократик тамойилларнинг бошқарув самарадорлигини ошириш нуктаи назардан умуминсоний моҳиятини билишга, унга амал қилишга ёрдам беради.

Улар ўзларининг билим ва тажрибаларини бировга шунчаки ўргатувчи, билим берувчилар эмас, улар билим ва тажрибаларини давлат курилиши ва жамият бошқаруви соҳаларида, унинг аниқ йўналишида маълум бир жамоа, ходимларнинг ишини ташкил этишда, уларнинг фаолиятларини аниқ мақсад сари йўналтириб, уни мувофиқлаштиришда масъулиятни, жавобгарликни зиммасига олган раҳбар ва бошқарув кадрларидир. Уларнинг фаолияти шу маънода ўта масъулиятлиқхисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.:“Ўзбекистон”. 2003. Б 4.
2. И.А.Каримов. Биз Ватанпарварларга таянамиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, 1993йил 18 февралда сўзлаган нутқи.
3. Ф.Эргашев, И.Эргашев. Раҳбар кадрлар ва ислохотлар жараёни. Раҳбар ва ходим. –Т.: “Академия”нашриёти. 1998. Б 87-93.
4. И.А.Каримов. Элни сийлаганни эл сийлайди. Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг сессиясида 1993 йил 3 апрелда сўзлаган нутқи. Асарлар, 1-жилд. –Т.:“Ўзбекистон” 1996. Б 177.
5. И.А.Каримов. Ватан, эл манфаати муқаддасдир. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида 1993 йил 9 октябрда сўзлаган нутқи. Асарлар, 2-жилд. -Т.:“Ўзбекистон” 1996. Б 69.
6. Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. Б 47.
7. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 2 т. -Т.: 1965 йил
8. А.Темур. Темур тузуклари. – Т.: Ф.Ғулом номли нашриёт, 1996. Б 53.
9. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Т.: Адолат. 1997. Б.21.
10. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч асари . –Т.: Маънавият, 2008. Б 18.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрывает месте и сути кадровой политики при внедрении "узбекской модели" развития, о перспективах развития и определения её особенностей, о решении вопросов подготовки и переподготовки управляющих кадров, а также об актуальности при отборе и распределении кадров в министерствах, вилоятах, хокимиятах, в других сферах государственного управления и в негосударственных некоммерческих организациях научного анализа исторического наследия государственности нашей страны, связанного с кадровой системой государственного и общественного строительства

Ключевые слова: «руководитель», «руководительские кадры», «управленческие кадры», «ответственность руководителя», «превличённость руководителя», «должность руководителя», «кресло руководителя», «ответственные», «министры», «хакимы» и «руководители организации».

RESUME

The given article describes the place and the essence of human resources policy in the implementation of the "Uzbek model" of development, about prospects of development and defining its characteristics, the issues of training and retraining of management personnel, as well as the relevance of the selection and distribution of personnel in the ministries, viloyats, local authorities, other areas public administration and non-profit organizations of scientific analysis of the historical heritage of our country's statehood, associated with the personnel system of state and public construction

Keywords: "Administrator" "administrative personnel", "administrative staff", "responsibility of a leader", "position of the head," "executive chair", "responsible", "the Ministers", "hakims" and "leaders of the organization.

**XIX АСР ХОРАЗМ МУТАФАККИРЛАРИ ДУНЁҚАРАШИНИНГ
ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ ВА ҒОЯВИЙ МАНБАЛАРИ**

Аҳмедова М.М. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада илгор маърифатпарварлик гоёларига асосланган фалсафий қарашлар мозийдаги кўп шоирлар ва мутафаккирларнинг асарларида мавжуд бўлиб, улар ўзлари яшаган даврдаги баъзи ҳукмрон табақа вакиллари, миришаблар, ясовуллар, шайхлар, муфтий ва зоҳидлар, хуллас руҳонийларнинг ярамас қилиқларини танқид қилганлар. Жомий, Навоий, Машираб ва бошқалар баъзи ҳукмрон тоифага мансуб амалдорларнинг ахлоқсизлигини, диний қоидаларга зид хатти-ҳаракатларини очиб ташлаганлар. XIX аср Хива хонлигида ижод қилган шоирларнинг хизмати шундаки, улар баъзи руҳоний вакиллари фақат танқид қилиш билан кифояланмасдан уларни тўғри йўлга солишга, диний қоидаларни сидқидилдан бажаришига ундаганлар. Шунингдек, улар газал, рубоий ва маснавийларида дин ва тасаввуф фалсафасидаги ижтимоий-фалсафий, сиёсий, ахлоқий, гуманистик ва умуминсоний гоёлардан унумли фойдаланиб, тарғиб ва ташвиқ қилганлиги хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: *илм, ижод, маърифат, тасаввуф, таълимот, илм-фан, маданият, диний қоида, мактаб, мадраса, ҳадис.*

XIX асрда Хоразмда яшаб ижод этган маърифатпарварларнинг дунёқарашида борлиқни ислом дини ва тасаввуф таълимоти нуқтаи назаридан талқин қилинганлиги алоҳида диққат эътиборни тортади. Улар ўзларининг маърифий ва маънавий-ахлоқий қарашларида ислом дини, ҳадислар, яссавийлик, кубравийлик, нақшбандийлик сулукларига таяниб, дунё Аллоҳ томонидан яратилган, у абадийдир, деган фикр тарафдори бўлдилар. Улар дунё зиддиятларга тўлаллигини, ундаги нарса ва ашёлар бир-бири билан диалектик боғлиқда эканлигини, сабабсиз нарса йўқлигини таъкидладилар. XIX аср маърифатпарварлари Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Баёний, Табибий ва бошқаларнинг илм-фан, мактаб, мадрасаларда болаларни ўқитиш, халқни ёшасига саводли қилиш тўғрисидаги қимматли фикрларининг моҳият ва мазмуни, уларнинг назмий ва насрий асарлари ва тарихий манбаларни ўрганиш орқали очиб берилди. Айниқса, Ферузнинг ҳукмдорлиги даврида (1865-1910) илм-фан, маърифатчилик, санъат ва адабиётга катта эътибор берилганлиги муҳимдир. Хоразм шоирларининг маърифатчилиги гоёлари бу ўлкадаги жадидчилик ҳаракатига ҳам катта таъсир кўрсатди. Дарҳақиқат, жадидчилик ҳаракати вакиллари ва “Ёш хивалиқлар” ташкилоти аъзолари ёшларни илм олишга чорладилар, янги усулдаги мактаблар очдилар, мактабларда дунёвий фанларни ўқитиш тарафдори бўлдилар. Улар Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Табибийнинг маърифатчилиги гоёларидан илҳомландилар. XIX асрда яшаб ижод этган шоирлар дунёқараши борлиқни ислом дини ва тасаввуф таълимоти нуқтаи назаридан идрок қилишга асосланган эди. Улар борлиқни, воқелиқни талқин қилишда ислом мафқурасини асос қилиб олдилар. Шоирлар Аллоҳнинг ягоналиги - тавҳидни, дунёнинг Аллоҳ томонидан яратилганини эътироф этиб, тақдир, жаннат масалаларида ортодоксал ислом позициясида турдилар. Шоирларнинг фикрича, Худо абадий мавжуд бўлиб, унинг бошланиши ҳам, охири ҳам, чек-чегараси ҳам йўқ. У ҳамма нарсани яратган. Уларнинг юқоридаги фикрлари улар ислом дини, Қуръони карим ва ҳадисларни ниҳоятда чуқур билганидан гувоҳлик беради. Олам ва Одам алоқадорлиги, ўзаро таъсири

ва вобасталиги масалаларини ҳеч бир оқилу фозил четлаб ўтолмаган. Огаҳий ижодида ҳам ушбу масаланинг ўзига хос — шоирона талқинини кўрамиз:

Ўн ақл, тўққиз спехру, секиз жаннат,
Ҳам етти мунир ахтару, ҳам олти жиҳат,
Ҳам беш хису, тўрт унсуру, уч мавлид,
Ҳам икки жаҳон бир санга айлар хизмат[1].

Ушбу рубоийда оламнинг тузилиши ва моҳияти, унда инсоннинг ўрни ҳақида гап боради. Рубоийнинг руҳиятидан келиб чиқиб, шоир антропоцентризм (одам марказ бўлган олам тузилиши ҳақидаги таълимот) тарафдори эканлигини кўриш мумкин. Энди рубоийни таҳлил қилиб кўрайлик. «Ўн ақл», «тўққиз спехр», «саккиз жаннат», «етти мунир», «олти жиҳат», «беш хис», «тўрт унсур», «уч мавлид», «икки жаҳон» тушунчалари остида шоир нималарни назарда тутган, нималарга ишора қилмоқда?

«Ўн ақл» нима? Бу инсоннинг ақлига, ижодкорлиги, бунёдкорлигига ишора бўлиб, у ҳақда «Зубдат ул-ҳақойик» («Ҳақиқатлар қаймоғи») рисоласида батафсил маълумот берилган. Унда айтилишича, «Худо олам эмас ва олам Худо эмас. Худо — оламнинг Халлоқи (яратувчиси) ва олам Худонинг ижоди»[2]. Бу ерда файласуфларнинг пантеистик (Худо ва табиатнинг бирлиги ҳақидаги таълимот) қарашларига қарши фикр билдирилмоқда ва Аллоҳнинг яратувчилиги ҳақидаги нуқтаи назар химоя қилинаётир. Олам ашёларининг яратилиши ҳақида ўша рисолада яна ўқиймиз: «Рухлар олами ўн уч даражада яратилди, аввалги гавҳар (субстрат) билан ўн тўртта бўлди. Рухлар оламининг ўн учта эканининг далили жисмлар оламининг руҳлар оламига нисбати, яъни у ҳам ўн учтадир. Зоҳир олами ботин оламининг унвонидир ва мулк олами малакут оламининг белгисидир. Рух-жавҳардир (субстанция), у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради. У табиатга мувофиқ ўсимлик даражасида, ҳаракатга мувофиқ хайвон даражасида, ақлга мувофиқ инсон даражасида зухур этади»[3], — дейилади ўша рисолада.

Шайх Нажмиддин Кубро гоёларини ривожлантириб, йирик назарийчи даражасига кўтарилган Азизиддин Насафий ўзининг «Зубдат ул-ҳақойик»

* Аҳмедова М.М. – УрДУ ўқитувчиси.

рисоласида ёзишча, «Худо рухлар оламини яратишни ихтиёр этиб, ўз нигоҳини жавҳарнинг шаффоф қиёмига қаратган ва ул қиём қайнаб эрий бошлаган. Қайнаш жараёнининг ўнинчи даражасида одамлар руҳини яратган»[4]. «Ўн ақл» тушунчаси одам руҳининг вужудга келиш даражасига ва ўнинчи ақл ақли фоил—яратувчи ақлга, яъни инсоннинг ижодий қобилиятига ишорадир. «Ўн ақл»ни шоир ва драматург Комил Аваз шундай шарҳлайди: «Тафаккур тожи бўлмиш ақл сифатлари хирманини бармоқ букиб, ўнгача санаш мумкин — идрок, зехн, донолик, билимдонлик, фаҳм-фаросат, хушёрлик, онглилик, мафтунлик, мулоҳазалик, тажрибалик. Шуларнинг бари мужассамлашган одамларни етук, комил ва сўзнинг яширин сирларини тушунувчи нозик таъб инсонлар сирасига киритиб, ақли жавҳаршунос демак мумкин»[5].

Ҳадисларда ақлнинг даражалари ва сифатлари ҳақида фикрлар билдирилган. Ўз асосини, аслини таниб олгани сабабли «ақл» деб аталган. Инсон ўз ақли билан барча махлуқотдан устундир ва шу ақлу заковати боис дунёни ҳамда ўзини англайди, билиш жараёни содир бўлади. Рубоийда ақлнинг инсонга хизмат қилишлиги айтилади.

«Тўккиз спехр» - бу тўккиз қават осмоннинг яралиши, яратувчи Аллоҳнинг кудратига ва яна Ўзига хизмат қилишга ишорадир. Тасаввуф аҳли тўккиз қават осмонни жамиятдаги тўккизта ижтимоий қатлам даражаси билан боғлайдилар.

Бу ҳақда Азизиддин Насафий «Зубдат ул-ҳақойиқ»да шундай ёзади: «Арш — пайғамбари Хотам руҳининг мақоми, Курси — улулазм пайғамбарлар руҳининг мақоми, манзили ва хужраси, еттинчи осмон — мурсал пайғамбарлар руҳининг мақоми, манзили ва хужраси, олтинчи осмон — анбиё руҳи мақоми, бешинчи осмон — авлиё руҳининг мақоми, тўртинчи осмон — ҳакимлар руҳи мақоми, учинчи осмон — зоҳидлар руҳи мақоми, иккинчи осмон — тақво аҳли руҳи мақоми, биринчи осмон — имонлилар руҳи мақоми, шу тариқа, осмоннинг тўккиз даражаси тугал якун топди»[6].

«Секиз жаннат» - бу борлиқнинг тўрт гавҳари ва тўрт унсурдир. Бу ерда гап тўрт гавҳар — табиат, ўсимлик, ҳайвонот, инсон олами ва тўрт унсур — тупроқ, сув, ҳаво, оловнинг алоқадорлиги, вобасталиги ва мутараққий этиши ҳақида бормоқда. Демак, Огаҳий тўрт гавҳар ва тўрт унсурни ардоқлаш, ҳимоя қилиш ҳамда уни инсонга хизмат қилдириш ҳақидаги ҳаётсеварлик фалсафасини улуғламоқда. Бу саккиз элемент шоир фикрича, жаннатнинг файзларидир. Уларсиз жаннат — рўёдир.

«Етти мунир» - бу етти сайёрага, етти иқлимга, исломда илоҳийлаштирилган «7» рақамига ишорадир. «Етти мунир ахтар» дея Огаҳий етти сайёранинг вужудга келиши ва моҳиятини билишга, етти иқлим мамлакатлари ва халқлари ҳақида маълумотларни қўлга киритишга, улар билан ҳамдўстликда яшашга, умуман, оламни билишга даъват этмоқда.

«Олти жиҳат» - бу рамзий маънода оламнинг ўлчамларидир. Бу тушунча борлиқнинг ўткинчилиги

ва абадийлиги, чеклиги ва чексизлигига, узлуклиқнинг узлуксизлигига, ҳаёт ва ўлим диалектикасига ишорадир. Уст — осмон, руҳият; ост — ер, борлик; орқа — аждод; олд — авлод; ўнг — тасаввур; сўл — тасаввурнинг ифодаси бўлмиш тасвир[7]; яъни олти томон — булар коинотнинг асосини ташкил этади. Огаҳий бунда турфа оламнинг турфа ранглари ва жиҳатларига эътибор қаратмоқда, уларни билишга, улардан баҳраманд бўлишга чорламоқда.

«Беш ҳис» - бу ҳиссий билиш шакллари: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш ва тери сезгисига ишорадир. Огаҳий ҳиссий билиш шакллари алоҳида эътибор берган. Шоир фикрича, беш ҳис қалъага кириб келувчи беш йўлга ўхшайди. Қалъа – Ақл, тафаккур кўрғони. Ҳиссий билиш шакллари фаровон яшаш учун, ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлмоқлик учун Аллоҳнинг яратган буюк неъматидир. «Беш ҳис» сиз Ҳаёт дарахти яшнамайди. «Тўрт унсур» - бу зардуштийликда эъзозланган, муқаддаслаштирилган ҳаётнинг асослари бўлмиш тупроқ, сув, ҳаво ва оловдир. Мана шу тўрт унсурдан иборат моддий дунё инсон хизматидадир. Ушбу элементларнинг қўшиливи ва ажралиши сабабли моддий оламнинг турфа хиллиги келиб чиқади. Огаҳий тўрт унсурнинг мураббаълиги тарафдори эди. Рубоийда «тўрт унсур» тушунчаси эзгулик фалсафаси сифатида улуғланади. «Уч мавлид» - бу дастлабки тўрт гавҳардан учтасининг қайта туғилиб, таркиб топиб, бирикиб бир инсонга хизмат қилишидир. Яъни табиат олами, ўсимлик олами ва ҳайвонот оламининг қайта таркиб топиб, яъни ўзини-ўзи ташкиллаштириб (синергетик услуб бўйича), бир олам бўлиб, инсонга хизмат қилишни ифода қилади. Чунки, ушбу «уч мавлид» сиз инсон ҳаёти тўлақонли кечмайди, инсон ва олам ўртасидаги сабабий алоқадорликга алоҳида урғу берилади. «Икки жаҳон» - бу рамзий маънода дунёвий ва илоҳий Ишқни билдиради. Ўша Ишқ туфайли инсон севади ва севилади, ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уради, тобланади, камолот касб этади. «Икки жаҳон» тушунчасини «у дунёю бу дунё» деб қарашлик ҳам мумкин. Бу маънодаги «икки жаҳон»ни Аллоҳга хизмат қилишининг таъкидланишида улкан умумбашарий ғоя қад кўтарайди, яъни инсоннинг Яратганга бўлган ихлосу ишончини, ўзини Ўзига (Худого — М.А.) топширганлигининг исботи мужассамлашади. Бу рубоийда инсон марказ бўлган оламнинг тузилиши ҳақидаги ғоя илгари сурилаётганлигини олдин таъкидлаб ўтган эдик. Гап шундаки, борлиқдаги барча мавжудотлар ичида энг улуғи Инсон бўлиб, жумлаи мавжудот унга сажда қилади, унга хизмат қилади. Оламдаги барча ҳаракат, воқеа-ҳодиса, ўзгариш-янгилинишларни инсон орқали мушоҳада этиш ва тушуништиришга ҳаракат қилинади. Улуғ оламда нимаики бўлса, кичик оламда ҳам мавжуддир, дейилади. Демак, инсон қалбида Аллоҳга шукроналар айтиб, Уни қалбига жойлаб, яратганнинг неъматларига ақлу идрок ва фаҳм-фаросат билан ёндошиб, огоҳ муносабатда бўлиш, оламга уйғоқ нигоҳ билан боқиш лозим. «Оқил бўлсанг, ақл билан оламга

боқ!», деган ақида келиб чиқади рубоийнинг руҳиятидан. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Огаҳий фалсафаси — огоҳлик фалсафасидир, шоирнинг теран бадий тафаккури асрлар оша қалбимизни ўлмас қадриятлар билан бойитиб, огоҳликка даъват этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, илғор маърифатпарварлик ғояларига асосланган фалсафий қарашлар мозийдаги кўп шоирлар ва мутафаккирларнинг асарларида мавжуд бўлиб, улар ўзлари яшаган даврдаги баъзи ҳукмрон табақа вакиллари, миршаблар, ясовуллар, шайхлар, муфтий ва зоҳидлар, хуллас руҳонийларнинг ярамас қилиқларини танқид қилганлар. Жомий, Навоий, Машраб ва бошқалар баъзи ҳукмрон тоифага мансуб амалдорларнинг ахлоқсизлигини, диний қоидаларга зид хатти-ҳаракатларини очиб ташлаганлар. XIX аср Хива хонлигида ижод қилган шоирларнинг хизмати шундаки, улар баъзи руҳоний вакиллари фақат танқид қилиш билан кифояланмасдан уларни тўғри йўлга солишга, диний қоидаларни сидқидилдан бажаришга ундаганлар. Энг муҳими, улар ғазал,

рубойи ва маснавийларида дин ва тасаввуф фалсафасидаги ижтимоий-фалсафий, сиёсий, ахлоқий, гуманистик ва умуминсоний ғоялардан унумли фойдаланиб, тарғиб ва ташвиқ қилганлар. XIX аср Хоразм шоирларининг бу ғоялари ҳозирги мустақиллик шароитида ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Ҳанузгача жамиятимзда диннинг моҳиятини, унинг маънавий-ахлоқий функциясини тўғри англаб етмаган шахслар учраб туради. Диний-экстремистик гуруҳлар, ақидапарасллар ислом динини ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга интилиб, ёшларнинг бир қисмини тўғри йўлдан адаштирмоқдалар. Боз устига баъзи муллалар, шайхлар, воизлар масжидларда, жаноза пайтида, амри маъруфда халқ олдида бемаъни чиқишлар қилиб, халқнинг ғашига тегмоқдалар. Уларнинг айримлари ёшларга ўрнак бўлиш ўрнига ичкиликбозлик, мансаб талашиш, таъмағирлик каби ярамас ишлар билан шуғулланаётгани сир эмас. Умуман олганда XIX аср Хоразм шоирларининг илғор фалсафий ғоялари ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Қаранг: Сафарбоев М., Аҳмедов А. Огаҳий ҳаёти ва ижоди солномаси. Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. –Б.25.
2. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақоийк («Ҳақиқатлар қаймоғи»). Н.Комилов таржимаси. — Т.: «Камалак», 1995. –Б.6.
3. Ўша асар. –Б.7.
4. Ўша асар. –Б.8.
5. Комил Аваз. Мукошифот. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. –Б.11-12.
6. Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақоийк («Ҳақиқатлар қаймоғи»). Н.Комилов таржимаси. — Т.: «Камалак», 1995. –Б. 9.
7. Қаранг: Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. –Б.64.

РЕЗЮМЕ

Статья основана на лучших идеях Просвещения философских взглядов в произведениях многих поэтов и мыслителей прошлого, и они живут, некоторые представители правящего класса, полиции, радикального шейха муфтия и отступления, короче говоря критике возмутительные выходки священников. Джами, Навоийская, Машраб и некоторые члены действий правящего класса против коррумпированных чиновников и религиозных принципов с их стороны. Хива ханство работало поэтов XIX века является то, что они являются одними из критики представителей священника только прекратить свои религиозные принципы, чтобы направлять сердце, чтобы научить. Кроме того, они поэт Рубайе объявили религию и мистику, философию, социальную, философскую, политическую, моральную, гуманистическую и универсальные идеи эффективно используя пропаганду и слова о том, кто.

Ключевые слова: наука, искусство, образование, мистическое, образование, наука, культура и религиозные правила, школы, богословие, хадисов.

RESUME

The article is based on the best ideas of enlightenment philosophical views in the works of many poets and thinkers of the past, and they are living, some representatives of the ruling class, the police, the radical sheikh mufti and retreat, in short criticized the outrageous antics of the priests. Jami, Navoiy, Mashraba and some members of the ruling class actions against corrupt officials and religious principles from their side. Khiva Khanate worked poets of the nineteenth century is that they are some of the criticism of the representatives of the priest only stop their religious principles to guide the heart to teach. In addition, they poet Rubaie declared religion and mysticism, philosophy, social, philosophical, political, moral, humanistic and universal ideas effectively using propaganda and word on who.

Key words: science, art, education, mystical, education, science, culture, and religious rule, schools, theology, hadith.

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТ МАСАЛАСИ

Базаров О.Х. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада глобаллашувнинг кўринишлари, миллий маънавиятга таъсири, баркамол авлод тарбиясига боғлиқлик жиҳатлари ҳақида ёзилган. Бу билан бирга глобаллашув даврида маънавиятнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, маънавиятнинг миллат ва мамлакат тақдири билан боғлиқлиги жиҳатлари ҳамда бугунги кунда Ўзбекистонда юксак маънавиятли баркамол шахсларни шакллантириш борасида олиб борилган ислохотлар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, маънавият, жамият, маънавий маданият, виждон, эътиқод, инсон, маънавий камолот, руҳият.

Ҳозирги даврда “глобаллашув” сўзи энг кўп ишлатиладиган тушунчалардан бири бўлиб қолди. Чунки, ушбу тушунча инсон ва жамият ҳаёти ривожининг муҳим хусусиятларини, шу билан ўта шиддатли ва мураккаб бир воқеликни ўзида мужассам этади. Эндиликда тез-тез қулоққа чалинадиган, барчани сергакликка чорлайдиган ушбу ибора ҳозирги кунда инсоният учун қандай аҳамиятга эга? Унинг умумий жиҳатлари нималарда намоён бўлмоқда? Ана шу саволларга жавоб топиш муҳим бўлиб турибди.

Глобаллашув (лот, globus – “шар”, “Ер сайёраси”) – XX асрнинг иккинчи ярми, XXI аср бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиботлар, давлатлар ва одамлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданиятнинг кенг тарқалиши, ахборот-мафкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этувчи тушунча бўлиб, бу атама дастлаб америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йили “Гарвард бизнесревью” журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган. 1985 йилда эса таниқли америкалик олим Р.Робертсон “Globalization” иборасини илмий муомалага киритиб, бу тушунчани “одамлар онгида сайёрамизнинг торайиши ҳамда дунёнинг яхлит тарзда англатиши”ни акс эттириб, “дунёнинг бирлашуви ва одамлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кучайишини” ифода этадиган жараён сифатида талқин этади.

Глобаллашув тушунчасига Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай таъриф беради: “Глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янги маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва, шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда. ... Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг камровли таъсирини деярли барча соҳаларда

кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизацияларро мулоқотнинг янги сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда” [2]. Ушбу таърифда глобаллашувнинг кўпгина қирраларига тўхталиб ўтилган.

Муайян ҳудудда юзага келган, умуминсоний мазмунга эга қадриятлар, маънавий-маърифий неъматлар глобаллашув таъсирида ўзи шаклланган макон доирасидан чиқиб байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Шу билан бирга, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишдаги турфа хиллик, этник, маданий, конфессиялар, ирқий, минтақавий ёки бошқа шакллардаги ўзига хосликларни мутлақлаштириш инсоният истиқболига жиддий хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда.

Глобализациянинг салбий жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин: ривожланмаган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ривожланган мамлакатларникига нисбатан сустроқ бўлганлиги сабабли, глобализациядан келадиган афзаллик ва устунликлар асосан ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади; бой ва камбағаллар ўртасидаги масофа янада чуқурлашиши, адолатсизлик, тенгсизлик натижасида кўпгина зиддиятлар пайдо бўлиши эҳтимоли бор; глобализация натижасида турли юқумли касалликлар, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчиликнинг бир мамлакат ҳудудидан бошқаларига тарқалиши осонлашади; глобализация миллий давлатчилик пойдеворининг заифлашуви ва ҳатто айрим давлатларнинг йўқолиб кетишига, Ғарб поп маданиятининг кенг тарқалишига ва аксинча, турли миллий маданиятларнинг йўқолиб кетишига олиб келиши мумкин. (Олимларнинг таъкидлашича, Ғарб маданияти таъсирида ҳозирги пайтда дунёда ҳафтасига 2 та тил ўлик тилга айланмоқда) [3]. Агарда қайсики давлатда ёки жамиятда ушбу ҳолатлар кўпайса, ўша давлат ёки миллат ўзлигини йўқотади, тараққиёти сустлашиб,

* Базаров О.Х. – ЎзМУ катта илмий ходим изланувчиси.

таназулга юз тута бошлайди.

Шунинг учун ҳам глобаллашув деганда унинг ижобий жиҳатидан ҳам салбий томонлари кўпроқ кўзга ташланади. Ёш авлодни бундай хавф-хатарлардан асраш учун нима қилмоқ керак? Ёш авлод ҳозирги янги технологиялар билимларини чуқур ўзлаштиришса-ю, улардан оқилона фойдалана олмаса нима бўлади? Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий курашда глобаллашув инсон, айниқса, ёшлар онги, турмуш тарзи ва хатти-ҳаракатига мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир, кенг қўламли қуролига айланиб, турли сиёсий куч ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганлигини таъкидлаб: “Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин. Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин” [2], – деб ёзади. Бундан кўринадики, глобаллашувнинг салбий оқибатининг олдини олиш учун маънавиятни, юксак маънавиятни шакллантириш ҳаётий зарурат бўлиб турибди.

Хўш, маънавият нима? Унинг глобаллашув жараёнига қандай таъсири бор? Юксак маънавиятли баркамол инсонлар жамиятини қандай қилиб яратиш мумкин? каби саволларга жавоб топиш лозим.

Маънавият илмий-фалсафий йўналишдаги соҳа бўлгани сабабли, унга шу нуқтаи-назардан туриб таъриф ва тавсиф берилиши учун ушбу тушунчани илмий жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, шулардан келиб чиқиб, юксак маънавиятли баркамол инсонларни тарбиялаш муаммоси ечимини топиши лозим. Чунки “маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди” [1].

Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” номи билан шуҳрат қозонган асарида “маъно” тушунчаси олий бир мазмунни англатади. Улуғ алломаларимиз уни “Ҳақ асрори” деб атаганлар, зоҳирий назарлар учун у “ғайб”, агар бугунги илмий ифодаларга кўчирсак, биз зоҳир кўзимиз билан кўриб турган чексиз замон ва маконда, чексиз ва ҳудудсиз шакллар мажмуини тўзғитиб юбормай, ғоят бир мураккаб тизимда ушлаб турган ички уйғунлик, инсон онги ҳеч қачон тўлиқ англаб ета олмагучи яхлит моҳиятдир. Шахс маънавияти айни шу беҳудуд манбаъдан қувват олади, деган фикрлар илгари сурилган.

Биз маънавиятнинг одам, жамият, миллат, инсоният олдигаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирар эканмиз, бу тушунчага илмий, фалсафий,

адабий ёки оддий тилда бир неча таърифларни беришимиз мумкин. Маънавият ўзида чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этгани учун ҳам ҳар қайси тадқиқотчи ўзининг таърифларини беради.

Маънавият тушунчасининг тарихан ривожланиб, инсоннинг табиат, жамият ва одамзотни идрок этиш эволюцияси ва салоҳияти сифатида тарзида амал қилишини унутмаган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, бу тушунча XX асрда мазмунан кенгайди ва дунёвийлик касб этди. Маълумки, XX асрда “руҳоният” (“духовность”) тушунчаси аҳоли орасида анча кенг маънода ишлатила бошланди. Руслар “духовность” тушунчасини кўпроқ руҳонийлар билан боғлаганликлари сабабли, “духовная культура” иборасини ишлата бошлаб, бу билан улар маданиятдан фарқ қилувчи маънавий, руҳий маданиятни кўзда тутдилар. Ўзбекчага ўгирилган “духовная культура”, “руҳоний маданият” каби тор ва диний қобикқа эмас, “маънавий маданият” тарзида кенг маъно ва мазмун касб этади.

Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам маънавият моҳиятини инсон тафаккури ва қалбига йиғилган маърифий нурда кўради, қалбдаги нурнинг қўлами бошқалар қалбини мунаввар этиш даражаси билан ўлчанишини таъкидлайди.

“Фалсафа: қисқача изоҳли луғат”да З.Ишмуратова ҳамда Н.Шермухамедова “Маънавият (арабча “маънолар мажмуи”), одамларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуидир” [4] – дея таъриф беришган.

Маънавиятни, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласи дейиш мумкин. Чунки фаровон ҳаётни ташқаридан келиб биров яратиш бермайди. Уни муайян юртда яшовчи юксак маънавиятли инсонлар яратади. Бундай инсонлар маънавиятининг асоси, яъни, “Мен”ини жамиятдаги зарур ва фойдали ишларга сарфлайдилар. Улар жамиятда амалга оширилаётган хайрли ишларга ўз ҳиссамни қўшсам, жамиятни фаровонлаштиришга ҳаракат қилсам, жамият мендан рози бўлса, дейди.

Юксак маънавиятли ёки маънавий тубан индивидларга қадимдан оддий халқ “бамаъни одам” ва “бемаъни одам” дея таъриф бериб келинган бўлиб, бамаъни одамлар хурмат билан тилга олинган, бемаъни одамлардан эса одамлар ўзларини узокроқ тутишга ҳаракат қилишган.

Маънавияти бой инсон билан маънавий қашшоқ одамнинг ўртасидаги фарқни ажратиш олиш қийин эмас. Маънавий бой инсоннинг руҳияти биргина ўзи учун эмас, миллати, халқи, жамият манфаатлари, эҳтиёжлари билан боғланган бўлиб, ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун ҳаракат қилади, унинг ютуқларидан қувонади, янада кўпроқ ижобий ишларни амалга оширишга ҳаракат қилади. Бир сўз билан айтганда унда барча инсоний фазилатлар ўз мужассамини топади.

Маънавий қашшоқ одам эса, фақатгина ўз манфаатини кўзлайди, Ватан, халқ, миллат дарди уни кизиктирмайди. Умумий маънода эса унда

инсоний фазилатлар ўрнини ҳайвоний хирслар кўпроқ эгаллаган бўлади.

Маънавият тушунчаси “Олам”, “Ҳаёт”, “Муҳаббат” сингари чексиз тушунча бўлиб, у индивид қалбида шаклланиб инсоний тусда намоён бўлади. Унинг чегараси ва микдорини ўлчаш учун мезон керак бўлади. Бу мезон – инсонда мавжуд бўлган фазилат ва иллатларнинг сони ҳамда уларнинг жамиятдаги мулоқотида ўз ифодасини топади.

Масалан, А.Эркаевнинг қуйидаги таърифи фикримизнинг далили бўла олади: “Маънавият – инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни, инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир” [5].

Демак, одамда мавжуд бўладиган барча туйғулар қачонки инсоний фазилатларга айланса, у маънавият тусини олади.

Одамзот ўзида юксак маънавиятни қарор топтириши учун у қалбан ва виждонан, ақлан ва жисмонан онгли ҳаракат қилиши керак. Маънавиятда инсоннинг имони, эътиқоди, ахлоқи, ҳаёт маъносини англаши, яъни ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон – ўзининг ибратли ишлари билан кечирган ҳаётини рози бўлиб, авлодлар қалбида барҳаёт яшайди.

Глобаллашув жараёнида маънавиятга бўлган эҳтиёж юқори эканлигини ҳисобга олиб, юқоридаги фикрлардан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

Биринчидан, маънавият миллат ва мамлакат тақдири билан боғлиқ, инсоннинг табиат ва жамиятга бўлган муносабати мезони экан, уни шакллантириш ва ривожлантириш ҳам объектив қонуният касб этмоғи лозим. Бу борада олиб борилаётган ишлар ёшларни юксак маънавият соҳиби ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун хизмат қилади. Чунки фақат маънавий юксак инсонларгагина миллат ва мамлакат тақдирини ишониш мумкин. Уларгина ўз Она замини ва халқи истиқболи учун курашни ҳаётлари мазмунига айлантира оладилар.

Иккинчидан, ҳозирги глобаллашув даврида маънавиятимизни асраш ва уни юксалтириш учун

ҳар бир фуқаро ҳозирги ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши лозим. Ана шундай ноёб инсоний фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди, ўзининг эзгу орзу-умид ва олий мақсадларига албатта эришади.

Учинчидан, жаҳон халқлари ва Туронзамин халқлари тажрибаси, уларнинг босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўллари, бу борадаги сабоқ ва хулосаларини ҳаётга татбиқ қилиш лозим. Шундагина ёш авлод кечаги ва бугунги кунни солиштириб, ўзида шукроналик туйғусини ва бугунги кунга дахлдорлик ҳиссини шакллантира олади.

Тўртинчидан, халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши, ўз олдида эзгу ва буюк мақсадлар қўйиб яшаши учун етарли шарт-шароитлар лозим. Шундагина мамлакатда эркин фикрлаш муҳити ва шу асосда маънавий юксалиш учун янги имкониятлар вужудга келади. Ўзбекистонда эса бундай шароит учун 1991йилдан бошлаб умумий ҳаракат кетмоқда, десак тўғри бўлади.

Бешинчидан, глобаллашув даврининг таҳдидлари эшик қоқиб турган бир пайтда маънавият ҳақида эмас, балки, юксак маънавият ҳақида фикр юритиш керак. Чунки парвоз қилишга шайланган куш пастлаб учса, ё бирон жониворга ем бўлади, ёки бирон нарсага урилиб нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам у юқорида парвоз қилишни, юксакликка кўтарилишни хоҳлайди.

Инсонларнинг онглилик даражаси қандай бўлса, мамлакат келажаги ҳам шунга мутаносиб бўлади. Энг катта бойлик ва куч – инсонлар руҳияти, маънавиятида яширин. Ана шу ҳолат тобора кенгроқ миқёсда муомалага кирган сари, чин маънодаги юксак маънавиятли шахслар камол топишларига кенг йўл очилади; Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи юксалади, ўзбек халқи ўз буюк аждодларига муносиб шахсларни тарбиялаш имкониятига эга бўладилар. Бунинг учун эса ҳар бир шахсни юксак маънавиятли – руҳан пок, қалбан уйғоқ, ички дунёси ва иродаси бакувват, имон-эътиқоди бутун, виждонан етук, мустақил фикрли, умуман олганда, маънавий жиҳатдан бекиёс куч эгаси сифатида тарбиялаш талаб этилади. Шундагина Ўзбекистонда юксак маънавият шаклланади ва Ватанимиз янада раванқ топади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – Б.78.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч – Т.: “Маънавият”, 2008. – Б.112, 115.
3. Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изохли луғати. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети. – Т.: 2005. – Б.32.
4. Фалсафа: қисқача изохли луғат. – Т.: “Шарқ”, 2004. – Б.199.
5. Эркаев А. Маънавият ва таракқиёт. – Т.: “Маънавият”, 2009. – Б.10-11.

РЕЗЮМЕ

В данной статье отражены виды глобализации, ее влияние на духовность, аспекты, связанные с воспитанием гармонично развитого поколения. Наряду с этим освещено место духовности этапе глобализации, ее значение в жизни человека и общества.

Ключевые слова: глобализация, духовность, общество, духовная культура, совесть, вера, человек, духовное совершенство, психика.

RESUME

This article reflects the views of globalization and its impact on spirituality, aspects related to the education of harmoniously developed generation. Along with this lighted place of spirituality in the age of globalization, its importance in human life and society.

Key words: globalization, spirituality, society, spiritual culture, conscience, belief, person, spiritual perfection, psychology.

ИДЕЯ КАК ОНТОЛОГИЧЕСКОЕ И СОЦИАЛЬНОЕ ЯВЛЕНИЕ

Бурнаев Ш.Н. *

РЕЗЮМЕ

В статье раскрывается, существующая идея как социальное явление. «Идея», с точки зрения онтологии, существует вместе с субъектом познания действительности, в его голове, то есть в мозгу живого человека, в его сознании и мышлении. Когда в голове человека возникает мысль, он имеет в некоторых случаях формы идеи, например, идея бога-творца, идея гармонично развитой личности и тому подобное. О новой идее человек должен сообщить другим, если желает её реализации, поэтому он должен материализовать идею, поэтому идея может существовать отдельно, когда она материализуется в языке через слово, в книгах, в магнитных записях, в речи и тому подобное. Идея, которая воплощена в умах людей и служит им руководством, приобретает социальное значение, так как она уже стала социальным явлением. Доказывается существование понятия.

Ключевые слова: идея, социальное явление, вещь, понятие, имя, онтология, гносеология, мышление, мысль.

Разные философы по-разному трактуют понятие «идея» и каждый автор прав по-своему, например, для Демокрита «неделимые формы» («идеи») – это атомы, для Платона «идеи эти пребывают в природе, как бы в виде образцов, прочие же вещи сходствуют с ними и являются их подобиями, и самая причастность их идеям заключается не в чём ином, как только в уподоблении последним» [1]. У Платона реально существуют идеи, а вещи являются только тенью идеи, а у Аристотеля идея – это форма мысли о сущем, в средневековье идея – это мысли бога, чтобы создать вещи. В новое время идея является способом человеческого познания, у Канта идеи – это понятия разума, а у Гегеля идея как процесс и абсолютная идея (бог) и тому подобное [2].

Наиболее общее определение дается в философских словарях и энциклопедиях. В научной литературе долгое время под идеей имели в виду следующее определение: «идея – высшая форма познания внешнего мира, не только отражающая объект, но и направленная на его преобразование» [3]. Здесь идея трактуется с точки зрения гносеологии. По утверждению некоторых философов, например, П.В. Копнина, идея есть форма мысли.[4] Современные философы трактуют идею с точки зрения, в основном, гносеологии. Можно ли трактовать идею сейчас с точки зрения онтологии?

Идеи в жизнь могут воплотиться тогда, когда есть её носители, стремящиеся её реализовать для достижения конечной цели. Идея, с точки зрения онтологии, существует вместе с субъектом познания действительности, в его голове, то есть в мозгу живого человека, в его сознании и мышлении. Когда в голове человека возникает мысль, она имеет в некоторых случаях формы идеи, например, идея бога-творца; идея романа, пьесы; новая идея проекта, идея развития жизни на земле, идея возникновения вселенной и космоса, идея гармонично развитой личности, идея толерантности, идея справедливости, идея теории относительности, идея единого поля, идея войны и мира, идея счастливой жизни, идея любви к ближнему, как самому себе; идея дружбы и согласия и так далее.

Пока человек не высказал эту мысль в форме идеи речью, символами языка, не зафиксировал на магнитной записи или другими способами не оповестил о ней, окружающие не знают об этой идее. Но нельзя утверждать, что данная идея не существует, ведь она возникла в голове данного человека, но о новой идее человек должен сообщить другим, если желает её реализации, поэтому он должен материализовать идею, поэтому идея может существовать отдельно, когда она материализуется в языке через слово, в книгах, в магнитных записях, в речи и тому подобное. Идея, которая воплощена в умах людей и служит им руководством, приобретает социальное значение, так как она уже стала социальным явлением.

Любые понятия мысли, выраженные в понятиях, как название общих или конкретных вещей, явлений, процессов, абстрактны. Как в своё время говорил американский философ Ст. Чейз: «Когда я вижу корову, гуляющую на лугу, то это вовсе не корова, а бешенная пляска электронов»[5]. С одной стороны он прав, ведь существует понятия о вещах, данные человечеством, а вещи состоят не только из атомов, но и из элементарных частиц, кварков и тому подобное. Только через зрение и другие органы мы ощущаем материальные вещи и считаем, если мы их видим, то они существуют. В советское время однажды пришел в учебное заведение проверяющий, который хотел узнать, насколько учащиеся усвоили атеизм. Взял мел и сказал: «Ребята, вы видите, что у меня в руке мел, значит, мы можем утверждать, что мел существует. А бога мы не видим, значит, он не существует. Это понятно?» Тогда один из учеников спросил проверяющего: «Ум виден или нет?» - «Нет» , - ответил проверяющий, тогда ученик ответил: «Если ум не виден, значит, он не существует, а если он не существует, тогда у Вас нет ума», - заключил ученик. Понятие о вещах, явлениях, процессах существует в представлениях, в мышлении, в сознании, в умах людей, так как они это усвоили, когда получали образование и занимались самообразованием. Следует отметить, что буддисты утверждают, что видимый мир – это иллюзия, а не реально существующий, а реальный мир иной, не

* Бурнаев Ш.Н. – директор музея ТашФарМИ, самостоятельный соискатель.

тот, который мы имеем в виду. Абстрактные понятия существуют, так как они даны людьми, как имена, чтобы понять этот мир и они зафиксированы материально, но существуют ли реально предметы?

Все абстрактные понятия мыслятся оторвано от вещей, процессов, явлений, когда человек о них думает. Эти слова – понятия существуют потому, что человек их зафиксировал материально в символах языка словом, записал на магнитную ленту, высказал другими способами передачи мысли, поэтому понятия существуют, так как они материализованы и имеют длину волны определенной частоты, когда слова разложены на слоги, а они – в звуки. Существует ли предмет, как конкретная вещь? Если мы говорим Иван Дмитриевич Иванов, то существует ли он реально? Конкретно существует человек под этим именем, но реально нет никакого Иванова, так как это абстрактное понятие. Мы под этим именем имеем в виду представителя человеческого рода, как понятие имеющее имя, и чтобы отличить его от других людей, называем данным именем, а на самом деле существует человек конкретно как предмет, вещь.

Наши представления об Иванове говорят о том, что существует имя, данное предмету (человеку) и предмет, который имеет это имя. Имя и предмет существуют отдельно, но когда они используются вместе, мы конкретного человека называем абстрактным именем, имеющим те качества, которые присущи ему как человеку. Человеку, имеющему определенные качества, присущие данному имени, помогают отделить его от других людей и рассматривать его как отдельно существующего человека.

Следует отметить, что такие понятия, как бог, аромат, красное, человеколюбие, облачное, существуют, когда человек представляет их и мыслит этими понятиями, о них написано в книгах, сказано в записях магнитной ленты. Кентавра можно представить и можно нарисовать, сделать скульптуру, а о боге сказать сложно. Он не имеет ни формы, ни массы, он невидим, а существование его – это дело веры, то есть, кто верит, то он (Бог) существует, в представлениях верующих. Для материалистов существует только то, что можно либо пощупать, либо прибором зафиксировать, например, магнитное поле отражается в приборах или предмет отражается в зеркале.

Если сфантазированный кентавр можно представить, нарисовать или сделать его скульптуру, как это описано в мифах о нём, то он, как вещь и понятие, существует, так как люди видят картину или скульптуру кентавра или могут представить его образно, а понятие «Бог» трудно представить в некоторых религиях, например, как в исламе, сикхизме, ведь он не имеет форму, массу и невидим, а в языческих религиях, например, в греческой религии Бог в образе Зевса представлен по образу человека. Боги живут как люди в индуизме, а в Библии у Христиан и Ветхом завете иудаизма человек создан по образу и подобию Бога, поэтому Бога изображают в человеческом облике. Существует идея Бога, понятие о нём, так считают

верующие в бога, поэтому для них пора признать существование Бога реально, как аксиому, как это принято в геометрии по отношению к точке и принимают точку, как аксиому, без доказательств.

Астрофизики считают, что во вселенной есть не только «черные дыры», но «тёмная материя» и «тёмная энергия». О существовании чёрных дыр уже доказано, хотя учёные не могут полностью описать её природу. Как считают астрофизики, нельзя увидеть ни «тёмную материю», ни «тёмную энергию», хотя есть представление о тёмной материи – это гипотеза, которую выдвигают учёные, чтобы объяснить её существование. Идея «чёрных дыр», «тёмной материи» и «тёмной энергии» существует, как гипотезы, так как их трудно экспериментально доказать, хотя о существовании «чёрных дыр» уже доказано теоретически и подтверждается наблюдениями космических спутников, экспериментально в лабораториях. Два других понятия – «тёмная материя» и «тёмная энергия» - существуют как гипотезы в науке, в умах учёных, в книгах, в документальных фильмах о вселенной. Здесь воображение, представление о них утверждается на основе созерцания, но из-за того, что не совсем ясна их природа, учёные предполагают о их существовании, строго следуя правилам логики, отвергая мнение, что этого не может быть.

Спектральный анализ вещества указывает, что такие-то цвета действительно существуют, так как каждый цвет имеет свой оттенок и указывает на наличие этого элемента в данном веществе, так как каждый элемент испускает определенный цвет, поэтому этот элемент или вещь существует, а его оттенок – определенный цвет, существует при наличии этого элемента, а как понятие – в умах людей, в книгах, например, яблоко красного цвета, как понятие существует в воображениях, представлениях, в умах людей, но другое дело, когда он существует, как реальный предмет. Признаки определяют предмет, как реально существующий, хотя все слова – понятия, – это абстрактные понятия данной вещи, процессов, явлений. Абстрактные понятия вне предмета существуют, когда они рассматриваются отдельно, как понятия данной вещи, явления, процесса думающим человеком, спорящими людьми, когда есть материальные носители этого абстрактного понятия и они материализованы в символы, книги и так далее. И абстрактные понятия реально существуют потому, что есть люди, которые говорят, спорят, пишут об этих понятиях.

Нельзя утверждать, что, если он невидим, то он не существует, ибо, например, электромагнитное поле тоже невидимо, но приборы фиксируют их, а такие понятия, как «Бог», «дух», «душа», «духовность» и тому подобное могут существовать в воображениях людей, но некоторые признаки дают право сказать о том, что они существуют.

Итак, можно утверждать, что идея, понятия, имена вещей, вещи существует, так как они материализованы, то есть, если вещи реально материально существуют, то мысль, идея, понятия,

имена вещей существуют благодаря субъекта познания действительности через речь, слово, книги, магнитные записи, знаки или иной форме передачи записи. Так как человек стремится реализовать свои благородные идеи, то он их передает другим, а идеи, таким образом, обхватывают умы людей, которые могут стать силой, когда масса людей начинает жить и

действовать по благородным идеями для достижения конечной цели, тогда идея становится социальным явлением.

Эту статью можно использовать при чтении лекции по логике, Идеи национальной независимости: основные понятия и принципы философии и в других общественно-гуманитарных науках.

ЛИТЕРАТУРА

1. Философская энциклопедия. – М.:Сов. энци-я, 1962. Т.2. – С.234.
2. Философская энциклопедия. – М.:Сов. энци-я, 1962. Т.2. – С.234-235.
3. Краткий словарь по философии. – М.: Политиздат, 1982. – С.105
4. Копнин П.В. Диалектика как логика и теория познания. – М.:Наука, 1973. – С. 268-306.
5. Введение в философию. – М.: Политиздат, 1989. Ч.II. – С.67

РЕЗЮМЕ

Мақолада ғоя ижтимоий ҳодиса эканлиги ҳақида фикр билдирилган. Ғоя онтологик назария жихатдан борлиқни билиш субъекти билан мавжуд, яъни одамнинг тафаккурида, тирик одамнинг миёсида, унинг онги ва тафаккурида намоён бўлади. Қачон одамнинг тафаккурида фикр пайдо бўлса, баъзан ғоя шаклида кўринади, масалан худо-яратувчи сифатида, комил инсон ғояси ва шунга ўхшаш фикрлар мавжуд. Агар инсон ғояни амалга оширишни хоҳласа у янги ғоялар билан жамият аъзоларини таништирмаса, одамлар бу ҳақда билмайди. Шу сабабдан у ғояни моддалаши лозим, лекин ғоя алоҳида ҳам мавжуд бўлиши мумкин, унда у тилдаги сўзлар орқали, китобларда, магнит лентасида, нуқта ва шунга ўхшаган нарсаларда моддалашган бўлиши мумкин. Ғоя одамларнинг тафаккурида намоён бўлади ҳамда уларни бошқаради. Шундай қилиб, ғоя ижтимоий мазмунга эга бўлиб, ижтимоий ҳодисага айланади. Шу жараёнда тушунчаларнинг мавжудлиги исботланди.

Калит сўзлар: ғоя, ижтимоий ҳодиса, нарса, тушунча, ном, онтология, гносеология, тафаккур, фикр.

RESUME

This article reveals that the “idea” exists as a social phenomenon.

Ideas can be embodied in life when there is its carriers seeking to implement it in order to achieve the ultimate goal. The idea, in terms of ontology, exists with a subject of cognition reality in his mind, that is in the brain of a living person, in his mind and thinking. When in human mind appears an idea, it has, in some cases, forms of ideas, for example, the idea of God the Creator; the idea of a harmoniously developed personality.

Unless one expressed this idea in the form of the idea of speech, symbols, language has not recorded on the magnetic recording or other means, has not notified about it, others do not know about this idea. But one can not say that this idea does not exist, because it originated in the mind of man, but of a new idea a man should let others know if he wants to implement it, so he must materialize the idea, so the idea can exist separately, when it materialized in language through a word, in the books in magnetic recordings, speech and so forth. The idea, which is embodied in the minds of the people and serve them guidance, acquires social significance, as it has already become a social phenomenon. The existence of the concept.

Keywords: idea, a social phenomenon, a thing, a concept, name, ontology, epistemology, thought, idea.

ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ ВУЗА

Бутаева У. *

РЕЗЮМЕ

Значимость компетентности педагога повышается в связи с наличием социального заказа, сформировавшегося к началу XXI века. Освоение компетенций происходит как при изучении отдельных учебных дисциплин, циклов, модулей, так и тех дидактических единиц, которые интегрируются в общепрофессиональные и специальные дисциплины. Компетентность - способность действовать в ситуации неопределенности. В формировании профессионализма педагога главная роль принадлежит совершенствованию его личности, профессиональному самосознанию, профессиональным позициям как системе отношений с другими людьми в своем труде. И в этом педагогу могут помочь не только самообразование, курсы повышения, но и профессиональные тренинги. В статье особое внимание уделяется профессиональным тренингам как способу развития компетентности педагога.

Ключевые понятия: компетентность, компетенция, осведомленность, акмеология, самоактуализация, саморазвитие, психологический тренинг, профессиональный тренинг, бихевиористический подход, активные имитационные методы, деловые игры.

Проблема компетентности педагога принадлежит к классу мульти научных проблем и рассматривается в философии, социологии, акмеологии, психологии и педагогике. В контексте реализации компетентностного подхода психологическая компетентность преподавателя провозглашена как необходимое условие его профессионализма.

На современном этапе проблема развития и совершенствования компетенций педагога рассмотрена и исследована многими педагогами и психологами. Компетентность – осведомленность, авторитетность; компетенция – круг вопросов, явлений, в которых данное лицо обладает авторитетностью, познанием, опытом, кругом полномочий - толковый словарь под редакцией Д.И. Ушакова, где авторы словаря впервые попробовали выделить разницу понятий [1].

Психологи Б. Г. Ананьев, К. К. Платонов, С. Л. Рубинштейн выявляли основы психолого-педагогической компетентности педагога. Работы А. Анстази, В. С Аванесова показывают методы диагностирования и средства, которые можно использовать в различных областях образовательного пространства. Щербакова Т.Н [2] отмечает, что значимость компетентности повышается в связи с наличием социального заказа, сформировавшегося к началу XXI века, на выявление механизмов, условий и факторов становления психологической компетентности как атрибута зрелой личности и важнейшего условия ее конструктивного полагания себя в мир и продвижения к акме.

Компетенция- понятие, относящееся к работе (деятельности). Оно раскрывает сферу профессиональной деятельности, в которой человек компетентен. Это то, что работники, занимающие конкретные должности должны уметь делать в соответствии с установленными стандартами. Компетенции представляют собой сочетание характеристик (относящихся к знанию и его применению, к позициям, навыкам и ответственностям), которые описывают уровень или степень, до которой некоторое лицо способно эти компетенции реализовать. Освоение компетенций происходит как при изучении отдельных учебных дисциплин, циклов, модулей, так и тех дидактических единиц, которые

интегрируются в общепрофессиональные и специальные дисциплины. Компетентность – способность действовать в ситуации неопределенности.

Целью нашего исследования является исследование психологических особенностей, которые повышают уровень профессиональной компетенции педагогических кадров. Актуальность исследования определяется:

- Важностью созданию психолого-педагогических условий и средств, способствующих повышению качества образования воспитания в ВУЗе;
- Потребностью в разработке целостной педагогической модели обучения и воспитания с учетом психологической компетентности педагога в высшем учебном заведении;
- Необходимостью определения способа оптимального взаимодействия педагога и студента в процессе обучения и воспитания с учетом комплексом компетенций педагога в условиях высшего учебного заведения.

Проблема исследования: поиск путей и средств, для повышения уровня компетентности педагога высшего учебного заведения.

Цель исследования: выявить и обосновать психологические условия, средства и методы, которые позволяют повысить уровень компетентности педагога в процессе обучения и воспитания¹.

Обучение педагога и его самообучение должны строиться как готовность к общенному и гибкому анализу педагогической реальности, а не как усвоение учителем готовых разработанных рецептов, требующих только исполнения, репродуктивной деятельности. Поэтому формирование труда педагога должно побуждать его к постоянному педагогическому экспериментированию, понимаемому как поиск, возможность выбора, проба своих потенциальных сил. Для этого важно предоставить учителю условия для самоопределения, проявления своей неповторимости, чтобы и учитель создавал условия для активного самоопределения личности студентов. В формировании профессионализма педагога главная роль принадлежит совершенствованию его личности, профессиональ-

* Бутаева У. – ст.научный сотрудник ТГПУ.

ному самосознанию, профессиональным позициям как системе отношений с другими людьми в своем труде. И в этом педагогу могут помочь не только самообразование, курсы повышения, но и профессиональные тренинги.

Профессиональный тренинг — это не только отработка внешних «техник», но и тренинг психики, для чего у учителя должна быть своя шкала самооценок и психотехнические процедуры для изменения своих состояний. На этой основе может продуктивно происходить и дальнейшее овладение «техниками» труда. Профессиональные тренинги должны быть направлены, прежде всего, на внутренние психические качества (гуманистическая позиция, установка на поиск, творчество), адекватный анализ педагогических ситуаций, приемы эффективного профессионального взаимопонимания, готовность к вариативности и выбору; это означает отойти от бихевиористического подхода отработки у специалиста новых способов выполнения профессиональных действий.

Профессиональный учительский тренинг может быть направлен:

- на совершенствование профессиональной позиции («диагност», «исследователь»);
- на развитие психических процессов (педагогическое мышление, педагогическая рефлексия и др.), качеств личности (например, гуманистическая направленность);
- на совершенствование педагогических умений (например, приемов решения педагогических задач, способов снятия напряженности, конструктивных приемов выхода из конфликта);
- на расширение профессиональных знаний.

В профессиональном тренинге учитель сам определяет, что ему надо у себя скорректировать, что сделать более совершенным, гибким. В ходе профессионального тренинга учителю важно вызвать у себя новые формы психических состояний и новые формы поведения. Переход на новые уровни профессионализма — сложный процесс, имеющий своим содержанием изменение старых и возникновение новых форм, поэтому в нем выделяют несколько стадий, которые получили образные названия. Перечислим их:

1. «Разогрев», «размораживание» профессионала, обеспечение его открытости, снижение напряженности, преодоление личностного сопротивления изменениям.

2. Лабелизация — осознание человеком неадекватности своего поведения в определенных ситуациях, неудовлетворенность прежними формами поведения, создание положительной мотивации к обучению (приходящей на смену кратковременной отрицательной мотивации), готовность к освоению нового.

3. Действия по изменению, отработке приемов, «техник» нового поведения, разработке возможных альтернатив поведения.

4. «Замораживание» — закрепление новых способов деятельности, интеграция их в личности.

Наиболее эффективно профессиональный тренинг происходит в активных формах группового

обучения. Общим в этих многообразных формах является то, что каждый участник группового занятия научается самостоятельно (при косвенной помощи других) ставить диагноз своим трудностям и возможностям, находить пути решения своих проблем, понимать самого себя, осуществлять самодиагностику. Назовем некоторые формы и варианты таких групповых занятий, приемлемые для педагога.

Активные имитационные методы (социально-психологический тренинг) включают в себя неигровые методы (анализ конкретных ситуаций, решение профессиональных задач и др.) и игровые (деловая игра, разыгрывание ролей, проигрывание ситуаций общения и др.). Остановимся на них подробнее.

Ролевой тренинг включает принятие или выбор роли, следование роли, обмен ролями, открытие новых ролей. Нередко при разыгрывании ролей (в отличие от анализа ситуации) моделируются конфликтные случаи, означающие несоответствие точек зрения участников.

Могут быть заданы такие сценарии: выберите характер, держитесь своего характера, посреди разговора поменяйтесь ролями и ищите новые доводы, позиции (например, роли учителя и сильного ученика, учителя и слабого ученика, учителя и директора). Учитель внутренне обогащается, видя у других участников разные способы решения ролевых конфликтов. Здесь активизируются языки общения, что учит самого человека быть выразительным, чтобы быть лучше понятым. Концентрация внимания на другом человеке снимает барьер публичного выступления.

Например, такая ситуация: вы — молодой специалист. Опытные учителя дают вам рекомендации. Как вы их принимаете? Покажите себя в этой роли. Другая ситуация: вы как учитель оцениваете результаты контрольных работ учащихся, оцените их с позиций проверяющего методиста, другого учителя, самого себя. Применяется и ролевая стажировка, когда молодой учитель на месяц становится директором.

Умение адекватно воспринимать себя и других формируется в перцептивно-ориентированном тренинге (Л. А. Петровская), который повышает чувствительность и тем самым интерес к другому человеку. Здесь участники учатся уточнять представления о себе через оценку других (каким вы меня видите), учатся сопереживанию, соучастию, принятию друг друга, повышают свою компетентность в педагогическом общении [3].

Тренинг педагогического общения лучше всего проводить в форме тренинга сензитивности, перцептивно-ориентированного тренинга. Для выработки личностных профессиональных качеств можно использовать ролевой тренинг и мозговой штурм. Для обсуждения критериев знаний и воспитанности педагога рекомендуются деловые игры типа «Педагогический консилиум», «Аттестация учителя». Таким образом, правильно и своевременно организованные профессиональные тренинги дают возможность педагогу посмотреть на

себя со стороны и сделать правильный шаг и | выводы в процессе саморазвития.

ЛИТЕРАТУРА

1. Толковый словарь. Под редакцией Д.И. Ушакова. -М. Гос. инс-т Сов. энциклопедия. ОГИЗ.1935-1940. 2том С.185.
2. Т. Щербакова. Психологическая компетентность учителя: акмеологический анализ. Автореферат по ВАК 19.00.13, доктор психологических наук. -М.: 2013г С.3.
3. Петровская Л. А. Теоретические и методологические проблемы социально-психологического тренинга. -М., 1981 С.95.

РЕЗЮМЕ

XXI аср бошида педагогнинг касбий компетентлиги муаммоси муҳим аҳамият касб этмоқда. Касбий компетентлиги шакллантириш маълум фан, модул, умумқасбий ва махсус фанлар йиғиндисиди пайдо бўлади. Компетентлиги, маълум нотик (нотаниш) вазиятда фаолият ютириш қобилиятидир. Педагогнинг профессионаллиги ривожлантиришда умумшахс фазилатлари, касбий ўз-ўзини англаш, педагогик фаолиятидаги профессионал позицияси муҳим аҳамиятга эга. Буни шакллантиришда ўз устида ишлаш, малака ошириш курсларига бориш билан бир қаторда касбий тренингларида иштирок этиш зарур. Мақолада ўқитувчининг касбий тренинглари орқали касбий компетентлиги ривожлантиришга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: компетентлиги, компетенция, маълумотга эга бўлиш, акмеология, ўз-ўзини актуаллаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш, психологик тренинг, касбий тренинг, бихевиористик ёндашув, фаол имитационний методлар, ишчан ўйинлар.

RESUME

Competence ability to act in situations indefinite in formation of professionalism of the teacher which plays a major role improving his professional positions as the system of relations with other people. And the teacher can help not only self raising courses and professional training. In the article special attention is paid to professional training as a means of competence development.

Key words: competency, competence, its actualization, acmeology, its development, professional activity, psychological training, professional training, behavioral approach, active simulation methods, business plays.

**ПСИХОАКТИВ МОДДАЛАР(ПАМ)ГА МОЙИЛ ШАХСЛАРДА ЎЗ-ЎЗИНИ
БАҲОЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Газиева Ф. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада муаллиф психоактив моддаларга мойил инсонлар реабилитациясига ўз-ўзини баҳолашининг таъсирини очиб беришга ҳаракат қилган. Тадқиқотчи мазкур ишда синалувчиларнинг саломатлиги, характери, ақли ва бахтлилик даражаси каби субъектив баҳоларини тадқиқ этишга мўлжалланган Дембо-Рубинштейн методикасидан фойдаланган. Методиканинг бошқа методикалар билан умумий корреляцияси ҳамда хусусий корреляциялари текшириб таҳлил қилинган ва яқиний ҳулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: субъектив назорат даражаси, ўзгариш индекси, мулоҳазаолди, мулоҳаза ва ҳаракат даври, ўзгаришга тайёрлик босқичлари, умумий корреляция, хусусий корреляция, умумий, ютуқлар, муваффақиятсизликлар борасида, оилавий ва шахслараро муносабатларда, ишлаб чиқариш муносабатларида, саломатлик ва хасталик бобида интерналликлар, эмоционал ностабиллик, ҳаётдан қониққанлик, яшайдан мароқ, ютуқлардан мамнунлик.

Жамият ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан бакуват, рухан бой фуқароларни вояга етказиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан шуғулланиши муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат истиқболи у қайғураётган фуқаролар саъй-ҳаракатига боғлиқ. Юқоридаги сабабларга кўра, давлат мураккаб ҳуқуқий, тиббий, социал, таълим-тарбиявий, иқтисодий, молиявий инфратузилмани ташкил этган. Мазкур инфра-тузилма механизмлари жамият аъзоларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқига эга барча эркинликларни рўёбга чиқаришда асосий восита саналади [1].

Давлатимиз ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялаш билан бир қаторда, нурунийлар, ногирон, тазйиқ остида қолганлар, адашганларга ҳам ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда физиологик ва руҳий саломатликка масъул кўплаб муассасалар ишга туширилди. Шу қаторда кризисли ҳолатни бошидан кечираётган аҳоли учун спецификаси ҳар хил бўлган ижтимоий-психологик реабилитация марказлари ҳам яратилди ва уларга етук мутахассислар жалб этилмоқда. Тараққий этган Европа мамлакатлари ва АҚШда қўлланиладиган реабилитацион дастурлар модификацияси амалга оширилмоқда [2].

Илмий ишимиш доирасида психоактив моддаларга мойил беморларнинг Дембо-Рубинштейн методикаси асосида ўз-ўзини баҳолашининг реабилитация жараёнига таъсирини тадқиқ этдик. Саломатлик индекси бўйича умумий корреляцион таҳлил қуйидаги натижаларни берди: Саломатликни баҳолаш билан ишлаб чиқариш борасидаги интерналлик ўртасида тескари корреляцион алоқа (252 (**)) аниқланди, саломатлигини юқори баҳолайдиган беморларда ишлаб чиқариш борасидаги интерналлик ҳам юқори кўрсаткичга эга ва аксинча. “Ҳаёт моҳияти” методикасининг Натижа (-,182 (*)) ва Ҳаёт (-,189 (*)) субшкаллари ҳамда саломатлик индекси ўртасида манфий корреляцион боғлиқлик мавжуд, бу саломатлигини юқори баҳолайдиган синалувчиларда ҳаётдан қониққанлик даражаси ва ҳаётий масъулият ҳисси шунчалик юқори бўлади ҳамда бунинг акси. Эмоционал беқарорлик ва саломатликни баҳолаш мусбат корреляцион алоқа (,293 (**)) га эга, саломатлигини юқори баҳолай-

диган беморларда эмоционал ностабиллик қуйи даражага эга ва бунинг тескариси. Саломатлик ва Характер индекслари ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик (,245 (**)) кузатилди, биринчи индексни юқори баҳолайдиган синалувчиларда иккинчи индекс ҳам юқори бўлади ва аксинча [3].

Хусусий корреляцион таҳлил бўйича мазкур натижалар олинди:

Мулоҳазаолди даврини бошидан кечираётган беморларда саломатлик қуйидаги кўрсаткичлар билан бевосита боғлиқ: Саломатлик индекси ҳамда ютуқлар борасидаги интерналлик ўртасида мусбат корреляцион алоқа (,508(**)) аниқланди, саломатлигини юқори баҳолайдиган беморларда ютуқларга масъулият ҳисси пастроқ, саломатлик даражасини қуйи баҳолайдиган синалувчиларда ютуқлар борасидаги интерналлик катта кўрсаткичга эга бўлади. Эмоционал беқарорлик ҳисси ва саломатликни баҳолаш ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик (,577(**)) мавжуд, яъни саломатлик юқори кўрсаткичга эга синалувчиларда эмоционал ностабиллик паст кўрсаткичга эга бўлади ҳамда бунинг акси. Ақл (,378(*)) ва Характер (,562(**)) кўрсаткичлари ҳамда Саломатлик ўртасида мусбат корреляция аниқланиб, саломатлигини юқори баҳолайдиган беморларга ўз ақлий имкониятларини ва характер хусусиятларини юқори баҳолаш ҳосдир.

Мулоҳаза давридаги синалувчиларнинг хусусий корреляция маълумотлари таҳлили: Мулоҳаза даврини бошидан кечираётган синалувчиларда саломатлик ва ўзгариш индекси ўртасида манфий корреляцион боғлиқлик (-,453(**)) мавжуд, саломатлигини юқори баҳолайдиган беморларда ўзгаришга нисбатан эҳтиёж ҳам юқори бўлади ва аксинча дегани. Ишлаб чиқариш борасидаги интерналлик ва саломатликни баҳолаш ўртасида тескари корреляцион алоқа (-,281(*)) кузатилди, саломатлигини юқори баҳолайдиган беморларда ишлаб чиқариш борасида масъулият ҳам юқори кўрсаткичга эгалигидан ва бунинг аксидан далолат беради. “Ҳаёт моҳияти” методикасининг Жараён (-,225(*)), Натижа (-,287(*)), Ҳаёт (-,382(**)) субшкаллари ҳамда саломатлик индекси ўртасида манфий корреляцион уйғунлик аниқланди, ҳаётнинг

* Газиева Ф. – ЎзМУ ўқитувчиси.

кечишидан, ундаги ютуқлардан ва ҳаётнинг бошқарилишидан қониққанлик ҳисси қанча юқори бўлса, саломатлигини шунчалик юқори баҳолаш хосдир ва аксинча. Эмоционал беқарорлик ва саломатлик кўрсаткичи тўғридан-тўғри мувофиқлик (,252(*)) ка эга, бу эмоционал ностабиллик юқори кўрсаткичга эга бўлганда саломатлик даражаси қуйи баҳоланиши ва бунинг аксини ифодалайди.

Харакат даври беморларининг хусусий корреляция натижалари таҳлили: Ҳаракат давридаги беморларда саломатлик кўрсаткичи ва CFIT интеллектуал тести натижаси билан мусбат корреляция (,889(**)) кузатилди, саломатлигини юқори баҳолайдиган синалувчиларда интеллектуал имкониятлар қуйи кўрсаткичга эгаллиги ва бунинг акси аниқланди. Ёлғизлик ҳисси ҳамда саломатлик даражаси ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик (,738(**)) мавжуд, бу саломатлигини юқори баҳолайдиган беморларда ёлғизлик ҳисси паст кўрсаткичга эга бўлади дегани ва аксинча. Ҳаётнинг бошқарилиши ва саломатлик ўртасида мусбат корреляцион алоқа (,632(**)) аниқланиб, саломатлигини юқори баҳолайдиган синалувчилар ҳар доим ҳам шахсий ҳаётининг ҳақиқий эгаси деб ҳисобламаслигини ва ҳаётини ўзи бошқара олишига ишонган беморлар ҳар доим ҳам ўз саломатлигини юқори баҳоламаслигидан далолат беради. Ҳаракат даври синалувчиларида саломатлик ва бахтлилик даражаси ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион мувофиқлик (,889(**)) акс этган, саломатлигини юқори баҳолайдиган беморлар ўз бахтлилик даражасини ҳам шу тарика баҳолашлари мумкин ва аксинча.

Тадқиқотимиз синалувчиларида характер коэффициентни бўйича **умумий корреляция** натижалари: Характерни баҳолаш ва ўзгариш индекси ўртасида манфий корреляцион алоқа (-,344 (**)) мавжуд, ўз характер хусусиятларини юқори баҳолайдиган беморларда ўзгаришга нисбатан эҳтиёж ҳам юқори ва аксинча. “Ҳаёт моҳияти” методикасининг Мақсад (-,189 (*)), Жараён (-,259(**)), Натижа (-,226(*)) ва Ҳаёт (-,214(*)) субшкаллари ҳамда характер индекси ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди, характерини юқори баҳолайдиган синалувчиларда ҳаётда аниқ мақсадлари, ҳаётнинг кечиши, ундаги ютуқлардан ва ҳаётининг бошқарилишидан қониққанлик ҳисси ҳам юқори бўлади ва бунинг тескариси. Характер индекси билан низоларга мойиллик кўрсаткичи ўртасида манфий корреляцион мувофиқлик (-,183(*)) кузатилди, характерини юқори ёки қуйи баҳолаш низоларга мойилликда аналогик ифодаланади. Характернинг Саломатлик (,245(**)), Ақл (,331(**)) ва Бахтлилик (,191(*)) кўрсаткичлари билан мусбат корреляцияга эга, паст баҳоланган характер, ўз навбатида, саломатлик, ақл ва бахтлилик кўрсаткичларининг шу тарика баҳоланишига сабабдир ва бунинг акси.

Мулоҳазаолди давридаги синалувчиларнинг хусусий корреляция маълумотлари таҳлили: Мулоҳазагача давр беморларида характер индекси ва ютуқлар борасидаги интерналлик ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик (,401(*)) мавжуд,

характерини юқори баҳолайдиган синалувчиларда ютуқларга масъулият даражаси паст бўлади ва бунинг акси. Характер кўрсаткичи ва Саломатлик (,562(**)) ҳамда Ақл (,545(**)) индекслари ўртасида мусбат корреляцион алоқа аниқланди, характерини юқори баҳолайдиган беморларда саломатлик ва ақлий имкониятларини ҳам юқори баҳолаш хосдир ва аксинча.

Мулоҳаза давридаги синалувчиларнинг хусусий корреляция маълумотлари таҳлили: Мулоҳаза даври синалувчиларида Характер индекси ва интеллектуал кўрсаткич ўртасида манфий корреляция (-,253(*)) кузатилди, характерини юқори баҳолайдиган синалувчиларда CFIT натижалари ҳам юқори кўрсаткичга эга ва интеллектуал кўрсаткичлар қуйи бўлса, характер индекси ҳам паст натижага эга бўлади. Характер ҳамда Иу ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик (-,261(*)) мавжуд, умумий интерналлик юқори бўлса, характер хусусиятлари ҳам юқори баҳоланади ва бунинг тескариси. “Ҳаёт моҳияти” методикасидаги Мақсад (-,337(**)), Жараён (-,370(**)) ва Мен (-,382(**)) субшкаллари ҳамда Характер индекси ўртасида манфий корреляцион алоқа мавжуд, характерини юқори баҳолаш ҳаётининг мақсадларининг аниқлиги, ҳаётнинг кечишидан ва ўзидан қониққанлик билан тавсифланади ва бунинг акси. Мулоҳаза даври беморларида Характер ва низоларга мойиллик кўрсаткичи ўртасида тескари корреляция (-,232(*)) кузатилди, характерни юқори кўрсаткичга эга синалувчиларда низоларга мойиллик ҳам юқори бўлади ва аксинча. Характер ва Ақл индекслари ўртасида мусбат корреляцион мувофиқлик (,266(*)) аниқланди, характерини юқори ёки қуйи баҳолаш ақлий имкониятларда аналогик тенденцияда ифодаланади.

Харакат даври беморларининг хусусий корреляция натижалари таҳлили: Ҳаракат давридаги беморларнинг характер индекси ва ПАМ истеъмол стажи ўртасида мусбат корреляцион уйғунлик (,738(**)) аниқланди, характерини юқори баҳолайдиган синалувчиларда стаж пастроқ кўрсаткичга эга, стажи катта беморларда эса характер қуйи баҳоланади. Иу ва Ио ҳамда Характер индекси ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик мавжуд, характерини юқори баҳолайдиган синалувчиларда умумий интерналлик (,738(**)) ва оилавий муносабатлардаги масъулият (,778(**)) ҳисси шунчалик қуйи кўрсаткичга эга бўлади ва бунинг тескариси. “Ҳаёт моҳияти” методикасидаги Мақсад (,949(**)), Жараён (1,000(**)), Натижа (,833(**)), Мен (,738(**)) ва Ҳаёт (,949(**)) субшкаллари ҳамда Характер индекси ўртасида мусбат корреляцион алоқа кузатилди, мақсадларнинг аниқлиги, ҳаётининг кечишидан мамнунлик, ҳаётдаги ютуқ ва камчиликлардан, ўзидан ва ҳаётининг бошқарилишидан қониққанлик ҳисси юқорилиги қуйи характер индексини тақозо этади ва аксинча. Ҳаракат даври синалувчиларининг эмоционал беқарорлик кўрсаткичи ҳамда характер индекси ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик (,632(**)) ка эга, характерини юқори баҳолайдиган беморларда эмоционал ностабиллик паст кўрсаткични ташкил этади ва бунинг акси.

Тадқиқот синалувчиларида ақл кўрсаткичи бўйича **умумий корреляция** боғлиқликларининг таҳлили: Ақлни баҳолаш ва беморларнинг ПАМ истеъмол стажи ўртасида тескари корреляция (-,335(**)) аниқланди, ақлий имкониятларни юқори баҳолаш стажнинг ҳам юқори бўлиши билан характерланади. Ёлғизлик ҳисси ва ақлий имкониятлар ўртасида мусбат корреляцион алоқа (,228(*)) мавжуд, ақлий имкониятларни юқори баҳолайдиганларда ёлғизлик ҳисси паст кўрсаткичга эга ва аксинча. Эмоционал беқарорлик ва ақлий имкониятлар тўғридан-тўғри корреляцион мувофиқлик (,229(**)) га эга, эмоционал ностабилликнинг паст кўрсаткичлари ақлий имкониятларнинг юқори баҳоланиши билан тавсифланади ва аксинча. Ўзгариш кўрсаткичи ва ақлни баҳолаш ўртасида манфий корреляцион боғлиқлик (-,363(**)) кузатилди, ақлий имкониятларини юқори баҳолайдиган синалувчиларда ўзгариш эҳтиёжи ҳам катта бўлади ва бунинг тескариси. Ию (-,293(**)) ҳамда Иш (-,183(*)) ва Ақл индекси ўртасида тескари корреляцион мувофиқлик аниқланди, ақлий имкониятларини юқори баҳолайдиган беморларда ютуқлар ва шахслараро муносабатларда ҳам масъулият ҳисси баландроқдир ва бунинг акси. Ақл индекси ва Характер кўрсаткичлари ўртасида мусбат корреляцион алоқа (,331(**)) мавжуд, битта индексдаги юқори кўрсаткичлар иккинчисидagi юқори кўрсаткичлар билан характерланади ва аксинча.

Мулоҳазаолди давридаги синалувчиларнинг хусусий корреляция маълумотлари таҳлили: Ақл индекси билан ўзгариш кўрсаткичи ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик (,467(**)) кузатилди, бу мулоҳазаолди давр синалувчиларида ақлий имкониятларини юқори баҳолаш ўзгаришга нисбатан эҳтиёжнинг пастлигидан далолат беради. Иу (,482(**)), Ию (,493(**)) ҳамда Ақл индекси тўғридан-тўғри корреляцион уйғунликка эга, умумий интерналлик ва ютуқлар борасидаги масъулият ҳиссининг юқорилиги ақлий имкониятларни қуйи баҳолаш билан тавсифланади ва аксинча. Мулоҳазагача давр беморларида Ақл индекси ҳамда Саломатлик (,378(*)) ва Характер (,545(**)) кўрсаткичлари ўртасида мусбат корреляцион алоқа мавжуд, ақлий имкониятларининг юқори баҳоланиши қолган икки индексда ҳам юқори кўрсаткичларни тақозо қилади ва бунинг акси.

Мулоҳаза давридаги синалувчиларнинг хусусий корреляция натижалари таҳлили: Мулоҳаза даври беморларида Ақл индекси билан ПАМ истеъмол стажи ўртасида манфий корреляцион мувофиқлик (-,372(**)) аниқланди, ақлий имкониятларнинг юқори баҳоланиши стажнинг ҳам юқори бўлишига тўсқинлик қилмайди ва аксинча. Ёлғизлик шкаласи ва Ақл кўрсаткичи тўғридан-тўғри корреляцион алоқа (290(*)) га эга, ўз ақлий салоҳиятини юқори баҳолаган синалувчиларда ёлғизлик ҳисси паст кўрсаткичга эга ва бунинг тескариси. Эмоционал беқарорлик ва ақлни баҳолаш ўртасида мусбат корреляцион уйғунлик бўлиб, эмоционал ностабиллик қанчалик паст кўрсаткичга эга бўлса, шунчалик ақлий имкониятлар юқори

баҳоланади ва бунинг акси. Ўзгариш индекси ҳамда Ақл кўрсаткичи ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик (-,270(*)) мавжуд, ўзгаришга нисбатан эҳтиёжи юқори беморларда ақлий имкониятлар ҳам юқорироқ баҳоланади ва аксинча. Иу (-,354(**)), Ию (-,575(**)) ва Иш (-,363(**)) шкалалари ҳамда Ақл индекси ўртасида манфий корреляция коэффициенти кузатилди, ушбу интерналлик индекслари бўйича юқори баллар ақлий имкониятларни баҳолаш борасида ҳам юқори кўрсаткичларни тақозо этади ва бунинг тескариси. “Хаёт моҳияти” методикасидаги Жараён (-,334(**)) ва Натижа (-,294(**)) субшкалалари ҳамда Ақл индекси ўртасида тескари корреляцион алоқа аниқланди, хаётнинг кечилишидан мамнунлик ва ундаги ютуқлардан қониққанлик ҳисси қанчалик юқори бўлса, ақлий салоҳият шунчалик юқори баҳоланади ва бунинг акси. Мулоҳаза даври синалувчиларида Ақл ва Характер индекслари мусбат корреляцион боғлиқлик (,266(*)) га эга, бу юқоридаги индексдан бирининг қуйи баҳоланиши иккинчисининг ҳам паст кўрсаткичга эгаллигидан далолат беради ва аксинча.

Харакат даври беморларида хусусий корреляция маълумотларининг таҳлили: Харакат даври синалувчиларида Ақл кўрсаткичи ва ёш ўртасида манфий корреляция (-,949(**)) намоён бўлди, бу ўз ақлий имкониятларини юқори баҳолайдиганларнинг ёши ҳам каттароқ бўлишини англатади. ПАМ истеъмол стажи ва Ақл индекси ўртасида мусбат корреляцион мувофиқлик (,632(*)) мавжуд, ақлий имкониятларини юқори баҳолайдиганларда стаж ҳам кичикроқ муддатга эга ва аксинча. Ўзгариш индекси ҳамда Ақл кўрсаткичлари манфий корреляцион боғлиқликка эга, ақлий имкониятларини юқори баҳолаш ўз навбатида ўзгаришга нисбатан катта эҳтиёж билан мувофиқликка эга ва бунинг акси. Иу (,632(*)), Им (,949(**)), Иш (,833(**)) шкалалари ҳамда Ақл индекси ўртасида мусбат корреляцион уйғунлик кузатилди, ақлий имкониятлар қанчалик юқори баҳоланса, интерналликнинг умумий, муваффақиятсизликлар ва шахслараро муносабатлардаги кўринишлари шунчалик паст кўрсаткичга эга бўлади ва бунинг тескариси. Эмоционал беқарорлик ва ақлий имкониятларни баҳолаш тескари корреляцион алоқага эга (-,738(**)), ўз ақлий имкониятларини юқори баҳолаш эмоционал ностабилликнинг қуйи кўрсаткичини тақозо этмайди ва аксинча.

Тадқиқот иштирокчиларида бахтлилик кўрсаткичининг **умумий корреляция** боғлиқликларининг таҳлили: Дембо-Рубинштейн методикасидаги Бахтлилик индекси ҳамда ёлғизлик ҳисси ўртасида тўғридан тўғри корреляцион боғлиқлик (,445(**)) аниқланди, ўз бахтлилик даражасини юқори баҳолаган синалувчиларда ёлғизлик ҳисси паст кўрсаткичга эга ва аксинча. Бахтлилик ҳисси ва Ио индекси ўртасида манфий корреляция (-,283(**)) мавжуд, бахтини юқори баҳолайдиган беморларнинг оилавий муносабатларда ҳам масъулият ҳисси юқори бўлади ва бунинг тескариси. “Хаёт моҳияти” методикасидаги Мақсад (-,212(*)), Натижа (-,214(*)), Мен (-,285(**)), Хаёт (-,187(*))

субшкаллари ва Бахтлилик индекси ўртасида тескари корреляцион алоқа кузатилди, ҳаётининг мақсадлари аниқ, ютуқлари, ўзи ва ҳаётининг бошқарилишидан мамнун беморларда бахтлилик даражаси ҳам юқори кўрсаткичга эга ва бунинг акси. Характер ва Бахтлилик индекслари мусбат корреляцион мувофиқлик ($,191(*)$) ка эга, битта индекснинг қуйи ёки юқори кўрсаткичга эгаллиги иккинчисида ўз аксини топади.

Мулоҳазаолди давридаги беморларнинг хусусий корреляция маълумотлари таҳлили: Мулоҳазаолди давр беморларида Бахтлилик индекси ва Ёлғизлик шкаласи ўртасида тўғридан-тўғри корреляция ($,651(**)$) аниқланди, бахтлилик даражасини юқори баҳолайдиганларда ёлғизлик ҳисси қуйи кўрсаткичга эга бўлади ва аксинча. Бахтлилик ва Ис индекслари ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик ($,460(*)$) мавжуд, бу саломатлик борасида юқори масъулиятга эга синалувчиларда бахтлилик даражаси қуйи кўрсаткичга эгаллиги ва бахтлилик индекси юқори кўрсаткичга эга беморларда саломатликка интерналлик паст натижада ифодаланади.

Мулоҳаза давридаги синалувчиларнинг хусусий корреляция натижалари таҳлили: Бахтлилик ва ёш индеклари ўртасида манфий корреляцион алоқа ($-,243(*)$) аниқланди, бахтлилик даражаси қанча юқори бўлса, ёш ҳам улғайиб боради ва бунинг тескариси. Ёлғизлик ҳисси ҳамда бахтлилик индекси мусбат корреляция ($,324(**)$) га эга, ёлғизлик ҳисси қанчалик паст кўрсаткичга эга бўлса, бахтлилик шунчалик юқори баҳоланади ва бунинг акси. Оилавий муносабатлардаги интерналлик ва бахтлилик ўртасида манфий корреляцион боғлиқлик ($-,285(*)$) кузатилди, бахтлилик индекси юқори баҳоланса, оилавий муносабатларга масъулият ҳам юқори кўрсаткичга эга бўлади ва аксинча. Бахтлилик индекси ва Жараён ($-,255(*)$), Натижа ($-,255(*)$), Мен ($-,311(*)$) субшкаллари ўртасида тескари корреляцион мувофиқлик мавжуд, ҳаётнинг кечиши, ундаги ютуқлардан, ўзидан мамнунлик ҳисси юқорилиги бахтлилик даражасини юқори баҳолашга сабаб бўлади ва бунинг тескариси.

Харакат даври беморларида хусусий корреляция маълумотларининг таҳлили: Харакат даври синалувчиларида Бахтлилик индекси ҳамда

ёш ўртасида мусбат корреляцион алоқа ($1,000(**)$) намоён бўлди, бахтлилик ҳисси қанчалик юқори баҳоланса, беморлар ёши шунча кичик кўрсаткичга эга ва бунинг акси. Ёлғизлик ҳисси ва бахтлилик мусбат корреляцион мувофиқлик ($,949(**)$) ка эга, бахтлилик даражаси қанчалик юқори баҳоланса, ёлғизлик ҳисси шунчалик паст кўрсаткични ташкил этади ва аксинча. Ию ($-,833(**)$) ва Ии ($-,816(**)$) ҳамда Бахтлилик индекслари ўртасида тескари корреляция кузатилди, бахтлилик даражаси қанча юқори баҳоланса, ютуқлар ва ишлаб чиқариш борасидаги масъулият ҳисси ҳам юқори кўрсаткичга эга бўлади ва бунинг тескариси. “Ҳаёт моҳияти” методикасининг Мен субшкаласи ҳамда Бахтлилик индекси манфий корреляцион боғлиқлик ($-,632(*)$) аниқланиб, бахтлилик қанчалик юқори баҳоланса, бемор шунчалик ўз тақдири соҳибчилигидан мамнунлик ҳисси юқори бўлади ва бунинг тескариси. Бахтлилик ва Саломатлик индекслари ўртасида мусбат корреляцион уйғунлик ($,889(**)$) мавжуд, бу бахтлилигини юқори баҳолайдиган синалувчиларда саломатлигини ҳам юқори баҳолаш хослигидан далолат беради ва аксинча.

Тадқиқот натижалари асосида қилинган хулосалар:

1. Умумий корреляция таҳлилиги мувофиқ Ўзгариш коэффициенти бевосита Характер ва Ақл индекслари билан алоқага эга экан.

2. Хусусий корреляция натижаларига кўра:

а) Мулоҳазаолди давридаги ПАМга мойил беморларда Ақлий имкониятларни қуйи баҳолаши уларда ўзгариш кўрсаткичи паст бўлишини таъминлаши аниқланди.

б) Мулоҳаза даврини бошидан кечиратгаётган синалувчиларда эса Саломатлик ва Ақл кўрсаткичлари ҳамда ўзгариш индекси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди.

в) Ҳаракат давридаги тадқиқот иштирокчиларида фақат Ақл индекси Ўзгариш коэффициенти билан корреляцион мувофиқликка эга экан.

3. Ақлий имкониятларни баҳолаш ва Ўзгариш индекси ўртасида бевосита алоқа акс этади. Битта индекснинг қуйи ёки юқори кўрсаткичи бошқасида ҳам худди шу тенденцияда ифода топади [3].

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. «Баркамол авлод йили» давлат дастури. – Т.: Ўзбекистон, 2000, Б. 86.
2. Газиёва Ф.Э. Аддиктив хулқилар психологияси. – Т.: Nosir, 2014, Б. 3-5.
3. Газиёва Ф.Э. Аддиктив хулқилар беморларнинг эмпирик тадқиқоти. – Т.: Nosir, 2014, Б. 93-115.

РЕЗЮМЕ

Автор данной статьи пытается раскрыть влияние самооценки в процессе реабилитации людей с психоактивной зависимостью. В экспериментальной работе исследователь пользуется методикой определения самооценки «Дембо-Рубинштейна», где отдельно субъективно оцениваются здоровье, характер, ум и уровень счастья. По данной методике проведен общий и частный корреляционный анализ, сделаны соответствующие выводы.

Ключевые слова: уровень субъективного контроля, индекс готовности к изменениям, стадия предразмышления, размышления, готовности к действию, общая корреляция, частная корреляция, общая интернальность, интернальность в области достижений, неудач, семейных отношениях, межличностных отношений, производственных отношениях, в отношении здоровья и болезни, эмоциональная нестабильность, удовлетворенность жизнью, удовольствие от процесса бытия, гордость за достижения.

RESUME

The author of article tries to discover the impact of self-esteem to rehabilitation process of psychoactive addicted people. There was used "Dembo-Rubinshteyn"s method of self-concept, that reveals subjective attitude of addicted people to health, character, mind and happiness. There are private and total correlations concerning to above-mentioned method, emotional stability, satisfaction with life, pride in achievement.

Key words: locus control level, readiness to changes, precontemplation, contemplation, action stages, the total correlation, private correlation, total internality, internality in achievements, failures, family relationships, interpersonal relationships, production relationships, in health and disease.

БИЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

Ғозиев Э. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада билишнинг психологик янгича талқини тўғрисида фикр билдирилади. Билишга анъанавий икки босқичи ўрнига унинг тўрт босқичи мавжуд эканлиги илмий-психологик нуқтаи назаридан далиллаб берилди. Билиш назариясининг манбалари, негизлари, босқичлари, шакллари кўриниши, жараёнлари, маҳсуллари юзасидан схема яратилиши ҳақида янгича ёндашув моҳияти талқин қилинади.

Калит сўзлар: Билиш назарияси, онтогенетик давр, шахслилик, индивидуаллик, субъективлик, гетерогенлик, гомогенлик, гетерозиготлик, гомозиготлик, билиш босқичлари, имитация, рефлексия, креация, “Мен” концепцияси, Ақлий билиш, Ижодий тархий.

Билиш муаммоси қадимги замонлардан бери кишилиқ дунёсини қизиқтириб келади, аммо у бугунги кунда фан ва техниканинг ривожланиши билан янада долзарб масалага айланиб қолди. Шу боисдан билиш назарияси фалсафа, тарих, филология, психология, кибернетика, педагогика каби фанларнинг тадқиқот предметига айланиб, фанларнинг ҳар қайсиси ўзининг қидирув моҳиятидан келиб чиқиб, унинг у ёки бу жабҳаларини ўрганди. Бошқа фанлардан фарқли ўларок, психология фани инсоннинг онтогенезида билишнинг вужудга келиши, унинг ўзига хос психологик механизмлари, унда эҳтиёж, мотив, эмоция ва ироданинг роли, танишиш зарурат ҳисобланган объектнинг нотанишлиги, кўриниши (ранги, ҳажми, тузилиши, фазовий жойлашуви) ҳамда материаллар мазмунининг аҳамиятини текширади.

Бизни қуршаб турган объектив борликни билиш хусусиятига оид жаҳон психологияси фанида кўплаб илмий назариялар, мустақил концепциялар, тугал қарашлар, пухта позициялар, хилма-хил ёндашишлар мавжуддир, аммо шунга қарамадан, биз бу аснода ўзимизнинг шахсий фикримизни умумлашмалар умумлашмаси даражасида талқин қилишга ҳаракат қиламиз, холос. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, билишнинг филогенетик қонуниятлари, тараққиёт босқичлари, уларнинг бунёдкор механизмлари, муайян ўзига хослик, улардаги барқарорликни таъминловчи шарт-шароитлар, ҳаракатлантирувчи кучлар, объектив ва субъектив омилларнинг таъсирчанлик имконияти ранг-баранглиги туфайли онтогенетик даврнинг хусусиятлари тўғрисида мулоҳаза юритишнинг ўзи етарлидир. Мазкур ёндашишни амалга ошириш орқали ижтимоий-тарихий даврнинг мураккаб боғлиқликлари, уларнинг иерархик тузилиши, уларни келтириб чиқарувчи манбалари, ижтимоий-психологик илдизи, сабаб ва оқибат билан уйғунлиги ҳақидаги тафсилотлардан мумкин қадар чекланиш имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида, муаммо ечими, унинг таҳлили, изоҳи, изчиллиги, ўзаротаъсир этиш эҳтимоли (ўзаротаъсир, ўзаромуносабат) бўйича мулоҳазалар кўламини кенгайтиришга муайян шарт-шароитлар яратади, яққолроқ ва аниқроқ фикрлаш учун муҳим замин ҳозирлайди.

Мақоланинг бундан кейинги саҳифаларида билишнинг психологик фазалари, босқичлари, даражалари, кўлами, кенглиги, чуқурлиги, тўлаллиги, аниқлиги, яққоллиги, ифодаланиш шакллари ва

воситалари, барқарорлиги, пухталиги, мустақиллиги, унинг ижтимоий-психологик механизмлари тўғрисида мулоҳаза юритишга, онтогенезда гетерохронликка тааллуқли маълумотлар шарҳланади ва таҳлил қилинади. Хўш, инсоннинг онтогенетик ҳаёти ва фаолиятида билиш жараёни қайси даврдан бошлаб ўз функциясини бажаришга киришади, у қай тариқа ривожланади, қандай йўсинда такомиллашади ва ўзига хос мазмун ҳамда моҳият касб эта боради? Бу жараёнда шахслилик, индивидуаллик, субъектлик, гетерогенлик, гомогенлик, гетерозиготлик, гомозиготлик хусусиятлари қандай роль ўйнайди?

Бизнингча, объектив дунё тўғрисидаги маълумотлар, фан асослари бўйича ахборотлар, ижтимоий ва индивидуал тажрибалар, шахслараро муносабат ва муомала ўрнатиш, муайян фаолиятни ташкил қилиш ва уни бошқариш, ўзини ўзи англашга тааллуқли таркибий қисмлар билан қуролланишга, ижод ва янгилик яратишга қаратилган, мураккаб, иерархияли, интеграл хусусиятли, фақат инсониятагина хос бўлган, ақлий ва жисмоний негизга қурилувчи интилиш ва фаолликнинг мажмуаси *билиш* деб аталади (курсив – Э.Ғ.). Фан тарихида билишнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган (йўналтирилган) фалсафий таърифлар мавжуд бўлса-да, лекин улар туб маънода унинг психологик хусусиятини ёритиб бериш имкониятига эга бўлмаганлиги учун, биз ўз фикримизни ифода қилишга ҳаракат қилдик, бироқ бу таъриф асло мутлақликни билдирмайди.

Билиш жараёнининг асосий маҳсули – муайян тизимли ва тузилмалли, турли шаклдаги билимлар мажмуасидан иборатдир. Билимларнинг шакли, кўриниши, мазмуни ва акс эттириш имкониятига биноан, уларни қуйидаги турларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

- 1) эмоционал-ҳиссий, маъноли
- 2) пиктограммавий моҳиятли,
- 3) чизма-график кўринишли,
- 4) шартли белгилли, аломатли, символик хусусиятли,
- 5) ифодали ҳаракатли,
- 6) вербал (сўз) ифодали кабилар.

Дунёда мавжуд билимларнинг тузилиши, моҳияти ва маънолиги, фаоллиги, аниқлиги ва кўламига кўра, уларни қуйидаги кўриниш ва турларга ажратиш мумкин: 1) содда, 2) мураккаб, 3) маъноли, 4) маъносиз, 5) чуқур, 6) юзаки, 7) тартибли, 8) тартибсиз, 9) барқарор, 10) бекарор,

* Ғозиев Э. – ЎзМУ профессори, псих.ф.д.

11) пухта, 12) мустақил, 13) кенг қамровли, 14) тор ҳажмли, 15) назарий, 16) амалий ва ҳоказо.

Билимларнинг муайян туркумларга алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотлар таълим психологияси ва дидактика каби фан соҳаларида атрофлича берилганлиги, шарҳланганлиги туфайли уларнинг моҳиятини очишга ҳеч қандай ҳожат йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Навбатдаги мулоҳазаларни юқорида ўз олдимишга қўйилган саволларга илмий ва назарий жиҳатдан жавоб беришни намойиш қилиш мақсадида даставвал билишнинг таркибий қисмлари тўғрисидаги ахборот таҳлиliga, кейинчалик эса унинг босқичларига тааллуқли маълумотлар келтиришга ва ниҳоят ҳар бир тушунчани изоҳлашга, шунингдек, анъанавий ёндашишдан нима учун узоқлашганлигимизни асослашга бағишласак, лекин мазкур фикрлар юзасидан бу борада илмий баҳс давом этишини таъкидлаб ўтсак, ҳақиқатан ҳам мақсадга мувофиқ саъй-ҳаракат амалга оширилган бўлар эди.

Инсоннинг онтогенезида билиш жараёнини амалга оширувчи, уни юзага келтирувчи асосий манбалар мавжуд бўлиб, бизнингча, улар тахминан куйидагилардан иборатдир: 1) туғма инстинктлар, 2) шартсиз рефлекслар, 3) шартли рефлекслар, 4) идеомотор ҳаракатлар, 5) предметли ҳаракатлар, 6) тақлид ва имитация, 7) тажриба, 8) машқ, 9) кўникма, малака, одат (уларни ўзлаштириш имконияти ва эгаллаш вазияти), 10) идентификация (тимсолга айнан ўхшашликка интилиш), 11) рефлексия (хулқ ва ақлни онгли бошқариш), 12) ижод (креация), 13) илҳом, 14) муайян (ҳам объектив, ҳам субъектив) шарт-шароитлар.

Билиш жараёнининг моҳияти ва ўзига хослигини вужудга келтирувчи асосий психологик негизлар тарикасида: 1) эҳтиёж, 2) мотив (мотивация), 3) майл, 4) мойиллик, 5) қизиқиш, 6) установка, 7) туғма, табиий аломатлар, 8) фаоллик, 9) руҳий ҳолатларнинг барқарорлиги, 10) объектив ва субъектив хусусиятли регулятив функциялар (физиологик ва психологик механизмлар, хоссалар, тана аъзоларининг ўзаротаъсири, шахслараро таъсир ўтказиш сеҳри, диққатнинг тўпланиши, унда мавжуд доминантликнинг мавжудлиги кабилар) хизмат қилиши мумкин.

Инсоннинг билиш жараёнида ўзлаштирилган ва эгалланган билимларнинг шакллари: 1) содда тарздаги таъсирланиш (биологик ва физиологик, нисбатан психологик даражада), 2) муваққат таассуротлар, 3) ташқи белгиларга асосланган танишиш, 4) илк тасвирлар, 5) тасаввур тимсоллари (ҳар хил даражада ва турлича аниқликдаги), 6) тушунчалар (яққол, мавҳум, яққа, хусусий, умумий, тўпланма), 7) ҳукм (чин, тахминий, зид, қарама-қарши ва ҳоказо), 8) хулоса чиқариш (индуктив, дедуктив, аналогия), 9) ижтимоий ва индивидуал тажрибалар (амалий ва касбий кўникмалар, малакалар ва одатлар).

Объектив дунёни акс эттиришнинг юксак босқичи тушуниш ва англаш даражалари билан

ифодаланган бўлиб, улар куйидаги таркиблардан тузилгандир:

1. Тушуниш: а) фикрий, б) мантикий, в) интеллектуал (ақлий), г) креатив (ижодий).

2. Англаш: а) мавҳумни мавҳумлаштириш, б) умумлашмани умумлаштириш, в) антиципация (ақл-идрок майдонидаги нарсалар моделини яратиш), г) рефлексия (ҳаёт ва фаолият жабҳаларини онгли равишда бошқариш имконияти) ва бошқалар.

3. Ўзини ўзи англаш: а) ўтмишдаги “Мен” (“ўзлик”), б) ҳозирги “Мен” (“ўзлик”), в) бўлгуси “Мен” (“ўзлик”), г) идеал “Мен” (“ўзлик”), д) динамик “Мен” (“ўзлик”) каби таркибий қисмлардан ташкил топади [1; 86].

Мавжуд реалликни инсон томонидан акс эттиришнинг негизида борлиққа нисбатан шахснинг индивидуал-субъектив муносабати ва муомала услуби ётиши, уларни ифодаланиш имконияти онга, онгостлиликка ва ўзини ўзи англашга бевосита боғлиқдир. Юқорида билдирилган схематик тарздаги фикрлар баёнидан кўриниб турибдики, инсон нафақат муайян ахборотлар, хабарлар, маълумотлар ва билимларни ўзлаштириш, уларни эгаллаш (ўзи ёки ўзгалар ёрдами билан) орқали қаноат ҳосил қилмасдан, балки ўша шахс янгилик яратиш, ўзининг ижодий маҳсуллари билан маънавий бойликларни янада кўпайтиришга интилади. Бу нарсаларнинг барчаси инсондан онглиликнинг онглилигини (ўта онглиликни) тақозо этади, билишнинг энг юксак даражасини талаб қилади, бинобарин, мазкур психологик ҳолат, ўз навбатида ижодий-тархий (лойиҳавий) жараёни вужудга келтиради (алломалик, даҳолик, бетакрорлик ва бошқалар). Ана шундай мураккаб психологик ҳодисаларни атрофлича илмий-назарий жиҳатдан далиллаш мақсадида бир қатор омилларга мурожаат қилишга, уларнинг ёрдамида интеграллик моҳияти ва иерархик хусусиятларини таҳлиллашга, бунда таркибий қисмларнинг ўрни, вазифаси, роли ва аҳамиятини очиб беришга муҳим имкон туғдиради.

Онтогенезда инсон билишининг психологик тузилиши, унинг ўзига хос хусусиятларини шарҳлашда моддий манба, уни ҳаракатлантирувчи туртки, куч-қувват негизи, теварак-атрофни акс эттиришнинг босқичлари, намоён бўлиш шакллари ва кўринишлари, унда билиш жараёнларининг қагнашуви, шахслараро муносабат таъсири, ўзини ўзи баҳолаш ва борлиқ тўғрисидаги таассуротлар билимлар сифатида вужудга келишини муайян тартибда жойлаштириш оригинал тизим схемани юзага келтирди. Навбатдаги вазифа мазкур тизим-схеманинг психологик талқини юзасидан илмий, назарий, методологик, фаразий мулоҳазалар юритишдан ва уларни мукамал тарзда шарҳлашдан иборат. Ушбу ғояни илгари суриш жараёнида баҳсли, муаммоли фикрларнинг намоён бўлиши шак-шубҳасиз, лекин бу воқелик унинг оригиналликдан далолат беради, худди шу боис билиш босқичлари ўртасидаги узилишларни тўлдиришга хизмат қилади, деган умиддамыз.

БИЛИШНИНГ							
МАНБА- ЛАРИ	НЕГИЗ- ЛАРИ	БОСҚИ ЧЛАРИ	ИФОДАЛИ		ЖАРАЁН ЛАРИ	МАҲСУЛЛАРИ	
			шакллари	кўриниши		БИЛИМ	
						шакли	тури
Инстинкт Рефлекс Харакат Таклид Тажриба Машқ Функция Регуляция	Эҳтиёж Мотив Майл Мойиллик Установка Қизиқиш Кайфият Фаоллик Кўникма Малака Одат Идентификация Рефлексиялаш	Харакатли хиссий	Таъсирланиш Таассурот Танишиш	Импринтинг Тасодифий Идеомотор	Тана аъзоси Адаптация Реакция	Хиссий Пиктографик Чизма график Символик Ифодали Вербал	Содда Мураккаб Маъноли Маъносиз Чуқур Юзаки Тартибли Тартибсиз Барқарор Бекарор Пухта Мустақил Кенг Тор Назарий Амалий
		Хиссий	Илк тасвир Образ Тасаввур	Сенсомотор Сенсор Субсенсор Перцепция Апперцепция	Сезги Идрок Тасаввур		
		Ақлий	Тушунча Хукм Хулоса	Манتيкий Фикрий Ижодий Тимсолий	Хотира Тафаккур Хаёл Интеллект		
		Ижодий тархий	Англаш Креация Антиципация Рефлексия	Мавҳумни мавҳумлаш Умумлашма Регулятив Функционал	Онглилик Остонглилик Ўзини ўзи англаш Ўта онглилик		

Инсон онтогенезида билишнинг дастлабки манбаи вазифасини инстинктив (онгсиз, табиий, ирсий аломатларга асосланувчи) хатти-ҳаракатлар бажаради, одамзоднинг табиат, ҳаёт ва тажриба билан илк танишуви атроф-муҳит ва яққол воқелик хусусиятларига мослашиш ёки кўникиш (адаптациялаш) тарзида намоён бўлиб, табиий эҳтиёж негизидан келиб чиққан ҳолда, муҳофаза, асраш, ҳимоя функциясини ижро этади. Ҳар қандай моддий нарсага нисбатан инсон муносабати, унинг реакцияси акс эттиришдан иборат бўлиб, ташқи таъсирга нисбатан жавоб ёки унга мослашиш, ўзаро табиий алоқа ўрнатиш билан тугалланади ва муайян маҳсулани вужудга келтиради, бинобарин, мазкур “инсон – муҳит” муносабати содда таассуротларни келтириб чиқариш билан яқунланади. Боланинг онгсиз тарздаги жавоб реакциялари эмоционал-хиссий кечинмалар орқали ифодаланадиган ўта содда билимларни ўзлаштирганлигидан далолат беради [2].

Инсон камолотининг навбатдаги босқичида, яъни гўдаклик даврида хатти-ҳаракатлар орқали теварак-атроф ва шахслараро мулоқот (муомала) хусусиятларини ўзлаштириш кезида рефлекслар асосий вазифани бажариб, олдин шартсиз, кейинчалик шартли рефлекс шакллари сифатида намоён бўлади. Мазкур паллада борликни билиш ҳаракатли хиссий (1) босқич ёрдамида вужудга келиб, оддий таъсирланиш (тана аъзолари: қўл, оёқ, кўз, лаб, оғиз) ва содда таассурот шаклида ифодаланиш даражаси эса импринтинг (қиска муддатли акс этиш), тасодифий (кутилмаган, экстремал), идеомотор кўринишларга эга бўлиб, жавоб реакция адаптация тарзида юзага келади. Ташқи олам ва ижтимоий ҳаётдан олинган содда билимлар таъсирланиш, таассурот, танишиш даражаларида акс эттирилган бўлиб, эмоционал-

хиссий кўринишга эгадир. Гўдак руҳиятида вужудга келаётган эҳтиёж, мотив турли хусусиятли майл, муайян нарсага мойиллик (инсон ташқи ифодасига ва ҳидларга) ҳаракатларнинг узлуксизлигини келтириб чиқаради, уларни кетма-кет такрорланишининг содда кўникмалар шаклланишига пухта замин ҳозирлайди.

Инсон камолотининг кейинги босқичида ихтиёрий бўлмаган, маъносиз ҳаракатлар нисбатан таракқиёт даражасига эришган болалар, вояга етган одамларнинг феъл-атвори, иш-ҳаракати, имо-ишорасини таклид (имитация) қилишга интилиш туйғуси шаклида намоён бўлади. Бунинг натижасида инсон зотида илк тасвирлар, содда образлар, тасаввурлар юзага келади, улар сенсомотор, сенсор, субсенсор, перцепция кўринишини эгаллаб, сезги, идрок жараёнлари функцияси натижасида туб маънодаги хиссий билишнинг иккинчи босқичини ўзида акс эттиради. Бу даврга келиб, болада таклидий ҳаракатлар ўрнини содда тарздаги турмуш тажрибалари эгаллай бошлайди, нарса ва ҳодисаларга, шахслараро муносабатга нисбатан қизиқиш уйғонади, бирон-бир ҳолатга йўналтирилган диққат ташқи ифода, кўриниш, ранг, жило хусусиятига қараб кайфият ва хиссий тортилганликни муайян даражада барқарорлаштиради (танишиш, уни ёктириш туйғуси туғилади). Бунинг натижасида ифодали ҳаракатлар, мулоқотга (муомалага) киришиш истаги, фаолликка интилиш таассуротлар, образлар, нисбий барқарор хиссиётлар, тасвирлар яхлитлигини келтириб чиқаради, жисмларнинг шакли, ҳажми, тузилиши, фазовий жойлашуви билан танишиш орқали символик хусусиятли билим шакли инсон томонидан эгалланади, уни ўзлаштириш жараёни табиий равишда кечади [3].

Инсон томонидан ҳаёт ва фаолият кўникмаларини эгаллаб бориш, одатий тусга айланган тараққиётнинг ушбу даври шундай шахс хусусиятини келтириб чиқарадики, унинг натижасида табиат ва ижтимоий турмушга, уларнинг хоссаларига нисбатан маънавий эҳтиёж, мақсадга мувофиқ келувчи мотивларни вужудга келтиради. Бу даврга келиб тажриба, машқ муҳим аҳамият касб этиб, идрок (перцепция) ни юқорирак даражага эришишни, яъни апперцепцияни тақозо қилади, табиат ва жамият тўғрисидаги таассуротлар турли кўриниш ва шаклдаги билимлар тизимини яратади. Сезги, идрок жараёнларини акс эттириш имконияти чекланганлиги сабабли, инсон бундан юксак даражали билиш жараёнларига ва уларнинг маҳсулларига бошқачароқ тарзда ифодалашга кўчишни талаб қилади. Лекин инсон камолотининг мазкур даврида ақлий билишнинг айрим воситаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади, жумладан, хотиранинг таркибий қисмлари табиат ва жамият ҳодисаларини тушуниб етишга хизмт қилади. Инсон атроф-муҳит, жамият ва амалиётнинг мураккаб томонлари, жиҳатлари, жабҳаларини билишга нисбатан эҳтиёж ҳис этади, натижада ҳиссий билишдан аста ақлий билиш даражасига ўсиб ўтиш зарурияти туғилади, диалектик қонуниятга биноан тараққиёт даражалари ўз устуворлигига эришади.

Ақлий билиш (3) босқичида мураккаб функциялар, регулятив механизмлар негизида

идентификация, рефлексия устқурма тариқасида вужудга келиб, тушунча, ҳукм ва хулоса чиқариш шаклида ифодаланиб, мантиқий, фикрий, ижодий, тимсолий кўринишда намоён бўлиб, хотира, тафаккур, хаёл, интеллект жараёнлари маҳсуласи тарзида мураккаб, маъноли, назарий, кенг кўламли билимлар тизимини ҳосил қилади. Аксарият ҳолларда билимлар вербал ифодали, пиктограммавий, чизма-графикли, мавҳум-символик шаклли хусусият касб этади, барқарорлиги, пухталиги, чуқурлиги билан бошқа босқичлардан кескин тафовутланади.

Инсон билишининг энг юксак (4) босқичи ижодий-тархий ҳисобланиб, реал, мавжуд нарса ва ҳодисаларни ўзлаштириш билан чекланиб қолмасдан, балки инсоният учун номаълум қонуниятларни очиш, кашф қилиш, ижод маҳсулларини яратиш ва умумбашарий ўзгартишни амалга оширади. Оламда ҳаёт ва фаолият кўрсатаётган барча инсонлар бундай юксак тараққиёт кўрсаткичига эриша олмайди, чунки бу нарса кўп жиҳатдан истеъдод, талант, даҳолик сингари қобилиятларга боғлиқ. Илҳом, ижод негизида англаш, креация, антиципация, рефлексия шакллари вужудга келиб, мавҳумни мавҳумлаштириш, умумлашмани умумлаштириш, регулятив ва функционал ҳолат тарзида ифодаланиб, онглилик, ўзини ўзи англаш, ўта (супер) онглилик жараёнлари маҳсули ҳисобланади [4].

АДАБИЁТЛАР

1. Брунер Дж. Психология познания. – М., Изд-во «Прогресс», 1977.- С. 412.
2. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 1990. – Б. 184.
3. Ғозиев Э. Психология методологияси. – Т.: “Noshir”, 2013. – Б. 312.
4. Ғозиев Э. Педагогик психология. – Т.: “Noshir”, 2014. – Б. 352.

РЕЗЮМЕ

В статье характеризованы особенности, закономерности, механизмы теории познания. Изложен новый психологический подход к проблеме познания, раскрыта сущность современной интерпретации относительно к изучаемому вопросу.

Ключевые слова: теория познания, фазы онтогенеза, личность, индивидуальность, субъективность, гетерогенность, гомогенность, гетерозиготность, гомозиготность, этапы познания, имитация, рефлексия, креация, концепция «Я», рациональное познание, планово-креативное познание.

RESUME

The article describes features, patterns, mechanisms of cognition (epistemology). It states new psychological approaches to cognition theory, contemporary interpretation of learning problem.

Key words: cognition theory, ontogenesis phases, personality, individuality, subjectivity, heterogenic, homogeneity, heterozygote, homozygote, cognition stages, imitation, reflexion, creation, self concept, rational cognition, plan-creative cognition.

ЎСМИРЛИК ДАВРИДА КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИГА ТОБЕЛИКНИНГ ПСИХОПРОФИЛАКТИКАСИ

Далимова Н.М. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола ўсмирлик давридаги компьютер ўйинларига тобеликнинг психопрофилактикаси масалаларига бағишланган бўлиб, унда бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика босқичлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: ўсмирлик ёши, тобелик, агрессивлик, безовталиқ, виртуал олам, компьютер ўйинларига тобелик, профилактика.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти терминологиясида келтирилишича, бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика босқичлари фарқланади. Компьютердан патологик равишда фойдаланишнинг ривожланишини олдини олиш бирламчи профилактика чораси ҳисобланади. У тўртта асосий йўналишда амалга оширилади: биринчидан, ёшлар ўртасидаги кенг қамровли тарбиявий ишлар; иккинчидан, халқ оммасини санитар-гигиеник жиҳатдан тарбиялаш; учинчидан, компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича умумжамоавий тадбирлар; тўртинчидан, административ-конуний тадбирлар.

Бирламчи профилактика, ўқувчиларда психик адаптацияни, шахслараро муносабатларни яхшилашга, компьютерга тобелик белгилари ва улар келтириб чиқарувчи оқибатлар билан таништиришга қаратилган. Олинган маълумотларни ўрганиб чиқиб, компьютерга тобеликни бошланғич ривожланишини ўрганиб, қуйидаги бирламчи профилактика чора тадбирлари тавсия этилади:

1. Ахборот йўналиши (нашрлар, психологик хизмат, ишонч телефони).

Бу йўналишнинг мақсади – маълумотлардаги маънавий бўшлиқни тўлдириш бўлиб, бунинг учун: а) компьютер ўйинларига тобелик бўйича материаллар, мақолалар тўплаш, ишонч телефонига эга бўлиш; б) мутахассислар, профессионал психологлар билан ишлаш; в) тармоқда “психологик хизмат”ни ташкил этишдир. Маълумот олиш босқичи яна ўсмирларни шахслараро муносабатлар маданияти, муомала технологияси, стресс ҳолатларини энгиш, конфликтлар ва аддиктив хулқ муаммоларини аддиктивлик механизми орқали қўриб чиқиш, аддиктив хулқ динамикаси, у келтириб чиқарадиган асоратлар ҳақида маълумотлар бериши лозим.

2. Таълим йўналиши (ота-оналарни, ўқитувчилар, психологлар ва компьютер клуби ходимларини, мактаб лицей, коллеж ўқувчиларини ўқитиш дастури). Таълим йўналишига бутун халқ оммасини интернетдан ва компьютердан ҳаддан зиёд фойдаланиш муаммосига оид ўқитиш дастурлари қиради. Бундан асосий мақсад – ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан ўзаро ишончга асосланган муносабатга киришишлари ва уларни эмоционал жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир. Таълим йўналиши ўз ичига педагоглар, психологлар, социологлар ва компьютер клуби ходимларини компьютердан фойдаланишга оид ўқув дастурлари ёрдамида ўқитиш (бир кунлик меъёр, гомоген ва гетероген хусусиятлар). Бунда компьютерга тобеликнинг илк

белгилари намоён бўлишига аҳамият бериш керак. Булар, компьютер билан кейинги «учрашув» вақтини доимо кутиш, ўсмирни компьютердан узок вақт фойдаланаётганлиги ҳақидаги атрофдагиларнинг шикоятлари, компьютер ўйинларида ўйнаш учун ўсмир жуда кўп пул сарфлаётганлиги ҳақидаги шикоятлари ва х.

Мактаб, лицей-коллеждаги таълим субъектлари учун ўқув дастурлари ўқувчиларни шахсий компьютерлардан фойдаланишга доир билимларини тўлдириши лозим.

3. Бандлик йўналиши (тўғарақлар иши, қўшимча ўқиш, вақтинчалик ишга жойлашиш).

Биз бандлик йўналиши ўсмирларнинг бўш вақти муаммосида жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқчи эдик. Зеро, ўсмир ёшига хос хусусиятлардан бири – бу ҳаётда ўз ўрнини қидиришдир. Спорт секциялари, бадий тўғарақлар, қўшимча дарслар, факультативлар – булар ўсмирнинг бўш вақтини камайишига ва топшириқларни кўпайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида бўш вақтни самарали ўтишига ёрдам берибгина қолмай, балки қўшимча янги билимлар олиш имконини ҳам беради.

4. Оилавий муносабатлар коррекцияси йўналиши (тўлақонли фарзанд тарбиялаш учун шахслараро муносабатни яхшилаш, барча оила аъзоларининг умумий қизиқишлари, уларни эмоционал жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улардаги психологик мунофаа механизмини ўзига хослигини инобатга олиш) [1].

Оилавий йўналиш профилактик чоратадбирлар ичида энг аҳамиятлиларидан биридир. Оиладаги шахслараро муносабатларнинг ижобийлиги, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган муносабат, бутун оила аъзоларининг умумий қизиқишлари – буларнинг ҳаммаси ўсмирнинг тўлақонли шаклланишини таъминлашнинг муҳим омилларидир. Ўсмирлар ўз ҳаракатларига нисбатан мустақил бўлишга, ўз ҳаёти учун ўзи жавобгар бўлишга интилиб, катталарнинг назорати камайтирилишини ва бу борада оила аъзолари унга тўла ишонишларини хоҳлайдилар.

Бир қатор чет эл тадқиқотчиларининг фикрича, компьютер ўйинларига тобеликнинг психопрофилактикаси ва коррекцияси сифатида онлайн-психотерапияни қўллаш ижобий натижа беради деб ҳисобласалар, айрим тадқиқотчилар ушбу мақсадни амалга оширишда компьютер технологияларидан фойдаланиш йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат эканлигини таъкидлашади. Психопрофилактик ва коррекцион дастурларнинг

* Далимова Н.М. – ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети доценти.

етарлича самара бермаётганлиги боис ҳам компьютер ўйинларига тобе ўсмирларнинг яқинлари ва уларнинг ўзлари ҳам компьютерга тобеликни касаллик сифатида ривожланаётганлигини кўрсатувчи белгиларни ўз вақтида тан олмайдилар, оқибатда мутахассисларга компьютерга тобелик анча ривожланиб кетгандан сўнггина муружаат қиладилар.

Шунингдек, компьютер ўйинларига тобе ўсмирлар, уларнинг оила аъзолари, ўқитувчилар, компьютер ўйинларига тобеликнинг белгилари, унинг психопрофилактик чора-тадбирлари ҳақида етарлича билимга эга эмасдилар.

Мутахассислар компьютерга тобеликнинг ривожланмаслиги, уларни интервенция қилиш чоралари сифатида ота-оналарга қуйидаги психопрофилактик тадбирларни тавсия этишади [2]:

1. Ижобий намуна кўрсатиш. Айтилган сўз билан ишнинг ўзаро мутаносиблигига эришиш муҳим. Зеро, агар ота-она фарзандига компьютерда 1 соат ўйнашга рухсат берсалар, ўзлари ҳам компьютерда 1 соатдан кўп ўйнамасликлари керак.

2. Компьютерда ўйнаш вақтини чегаралаб қўйиш, яъни ўсмирга компьютерда ўйнаш эркинлик эмас, балки имтиёз эканлигини тушунтириш керак. Компьютердан фойдаланишни бирданга таъқиқлаш асло мумкин эмас. Агар ўсмирда компьютер ўйинларига тобеликка мойиллик бўлса, у компьютердан оддий кунларда 2 соат, дам олиш кунларида эса 3 соатдан ортиқ фойдаланмаслиги зарур. Албатта бу орада дам олиш вақтлари ҳам бўлиши шарт.

3. Вақт ўтказишнинг бошқа усуллари тақлиф этиш. Бўш вақтда бажарилиши мумкин бўлган ишларни рўйхатини тузиб олиш мумкин, бунда рўйхатда биргаликдаги, оилавий тадбирлар бўлиши мақсадга мувофиқдир, масалан, кинога

бориш, табиат қўйнига сайрга чиқиш, шахмат, шашка, нарда, дамино ўйнаш, биргаликда бассейнга бориш ва ҳ.

4. Компьютердан самарали тарбия воситаси сифатида фойдаланиш, масалан, рағбатлантириш (ўз вақтида бажарилган уй вазифалари ёки уй ишларини амалга оширгани учун ва ҳ.)

5. Ўсмир ўйнаётган ўйинларга алоҳида аҳамият бериш. Чунки баъзи компьютер ўйинлари уйқусизлик, агрессивлик, кўрқув, аччиқланиш каби ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

6. Компьютер ўйинларини ўсмир билан ҳамкорликда муҳокама қилиш. Ривожлантирувчи ўйинларга аҳамият бериш. Энг асосийси, ўсмирни компьютер ўйинларига салбий жиҳатдан қарашини шакллантириш, унга компьютер ўйинлари қўнғил очиш воситаларининг фақатгина кичик бир қисми эканлигини тушунтириш, ҳаётда компьютер ўйинларидан бошқа ҳам жуда қизиқарли нарсалар кўп эканлигини ва ўйин ҳеч қачон атрофдагилар билан мулоқатда бўлишни ўрнини боса олмаслигини тушунтириш лозим.

7. Агарда ота-оналар ўз кучлари билан муаммони ҳал қила олмасалар, мутахассисларга муружат қилишлари лозим.

Хуллас, таъкидлаб айтиш жоизки компьютер ўйинларига тобелик профилактикасида барча педагоглар, ота-оналар, тегишли муассаса ходимлари бирдек иштирок этишлари лозим. Ёш авлодни бундай зарарли иллатга чалинишига қарши курашиш ва олдини олиш ҳаммамизнинг бурчимиз деб айтиш мумкин. Бу борада доимий равишда фаол иш олиб бориш зурурлигини таъкидлаш билан бирга махсус психокоррекция дастурлар ишлаб чиқиш компьютер ўйинларига тобе бўлиб қолган ўсмирларнинг бу дарддан халос бўлишларига самарали ёрдам бериши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Далимова Н.М. Компьютер ўйинларига тобе ўсмирларнинг психологик диагностикаси ва коррекцияси хусусиятлари. Психол. ф. номз. диссертацияси. –Т., 2010. Б.140-144.
2. Краснова С.В., Казарян Н.Р., Тундалева В.С. Как справиться с компьютерной зависимостью. – М.: Эксмо, 2008. С.224.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрена разработка методов психологической профилактики зависимости от компьютерных игр в подростковом возрасте, а также раскрыты этапы первичной, вторичной, третичной профилактики зависимости от компьютерных игр.

Ключевые слова: подростковый возраст, зависимость, агрессивность, тревожность, виртуальный мир, зависимость от компьютерных игр.

RESUME

This article describes the development of methods for the prevention of psychological dependence on computer games as a teenager. It deals with the stages of primary, secondary, tertiary prevention video game addiction.

Key words: adolescence, addiction, aggression, anxiety, virtual reality, game addiction.

БОТАНИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИ

Исмаилов Х., Шералиев А. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада академик лицейларда ботаника фанини ўқитишда қўлланиладиган таълим усуллари учта гуруҳга бўлиниб, уларни дарс жараёнида қўлланганда ўқитувчининг ва ўқувчиларнинг фаолият мазмуни баён қилинган.

Калит сўзлар: Ботаника, таълим усуллари, ақлий ҳужум, инсерт, пинборт, тоифали жадвал, баҳолаш мезони, диаграмма, ҳикоя, амалий иш.

Ботаника фани Академик лицейларнинг табиий фанлар йўналишида ДТС асосида ўқитиладиган асосий фанлар қаторига киради. Бу фаннинг асосини ёшларга ўсимлик дунёси тўғрисида билим бериш ва улардан кишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг сирларини ўргатиш ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёни бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, уни амалга ошириш усуллари, методлари ва йўллари турли тоифадаги мутахассислар томонидан турлича талқин қилинган.

Таълим методлари деб, инсон тамонидан эгалланган, аниқланган, кашф қилинган назарий ва амалий билимларни ўқувчилар онгига етказиш йўл йўриқлари тушунилади.

Ҳозирги вақтда мавжуд фанларни ўқитиш учун барча таълим муассасаларида, академик лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида ўқитиш усулларининг бой тажрибаси яратилган. Тўғри, танланган усул мавжуд бўлган шароитда кўзланган мақсадга эришиш осон кечади.

Таълим-тарбия жараёнининг янги даврда ривожланиши, янги вазифаларни ҳал қилиши анъанавий ўқитиш усулларидадан воз кечмасдан, халқ педагогикаси дурдоналаридан самарали фойдаланиш ва хорижий мамлакатларнинг тажрибасини умумлаштиришни тақозо қилади.

Ўқитишнинг дидактик усулларида замон талаби даражасида қўлланилиши ёш авлодга билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилишда ва таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда муҳим босқич ҳисобланади.

Ўқитиш жараёнида қўлланиладиган усул ўқитувчининг ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишга қаратилган йўллари тўғри белгилайди.

Ўқитиш усули деганда, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳамкорлик фаолияти тушунилади. Уларнинг ҳамкорлиги таълим жараёнини амалга оширишда билимлар ҳажмини, унинг сифатини ва самарасини аниқлаш имконини беради.

Ўқитиш усулини тўғри танлаш ўқитувчи томонидан берилладиган билим, кўникма ва малакаларнинг ўқувчиларга етказилиши йўллари кўрсатиб берса, уни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши ва амалиётда қўллаш даражасини аниқлаш имконини беради. Лекин, тажрибада ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабатлар ҳамиша кутилган даражада бўлавермайди. Бунга асосий сабаб, ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ва ақлий фаолиятининг савияси бир хил бўлмаслигидадир. Таълим жараёнидаги бу тофовут-

ларга барҳам бериш мақсадида, мутахассисларни мунтазам изланишга, усулларида такомиллаштиришга мажбур қилади ва янгидан-янги усуллари яратишни тақозо қилади.

Усул маълум ўқув материалларини ўқувчилар онгига етказишда қўлланиладиган асосий ўқитиш йўлини иккинчи бир усул билан бирга қўллаш асосида мақсадга эришиладиган йўл ҳисобланади. Маълум бир мавзунинг мактаб маърузаси билан тушунтириш жараёнида кўргазмалик усулидан фойдаланиш, ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказиш, изоҳлаш асосида маъруза усули ўзгартирилиб, янги усулнинг вужудга келишига сабаб бўлинади.

Таълим жараёнида кўзланган мақсадга эришишда маълум воситалардан фойдаланилади. Ёрдамчи ўқув воситаларига асбоб-ускуна, аппаратлар, жиҳозлардан фойдаланиб ўқув материали баён қилинади. Дарс жараёнида табиий ва тасвирий кўргазма материаллари (чизма, диаграмма, сурат), лаборатория машғулотида қўлланиладиган жиҳозлардан: микроскоп, кино аппаратларидан фойдаланишни тақозо қилади. Демак, ўқитиш жараёнида қўлланилган усулга қўшимча равишда фойдаланилган усул ва воситалар ўқитилладиган фанларнинг хусусиятларидан келиб чиқиши керак. Масалан, физика, химия, биология фанларини лаборатория машғулотида ўтказиб бўлмаганидек, математика, она тили грамматикасини машқ ва мисоллар ечмасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Илмий билимларни ўқувчиларга етказишда ўқитиш усуллари кенгайтиришни тақозо қилади[1].

Ўқитишнинг ҳикоя, суҳбат, маъруза, намоиш қилиш, турли асбоб-ускуна ва жиҳозлардан фойдаланиш, тажрибаларни ўтказиш, билишга ёрдам берадиган ўйинларни ўтказиш, халқ педагогикаси материалларидан фойдаланиш, ўқув материалларини муаммоли баён қилиш, тадқиқотлар ўтказиш, аналитик, индуктив, дедуктив мулоқотлардан фойдаланиш, китоб устида ишлаш ва ўрганувчи машқларни биргаликда бажариш, назорат ишларининг оғзаки, ёзма, оралик, жорий, якуний турларини ёзма, оғзаки, ёки автоматлаштирилган курилмалар ёрдамида дастурланган топшириш усулларида фойдаланиш дарс жараёнининг мазмунини яхшилаб қолмасдан, таълимнинг самарадорлигини оширишга сабаб бўлади.

Таълим тизимида замонавий ўқитиш усулларида қўллашда халқ педагогикаси дурдоналаридан фойдаланиш талабаларда билим олиш

* Исмаилов Х. – ТошДАУ қошидаги академик лицей ўқитувчиси.
Шералиев А. – ТошДАУ ўқитувчиси.

жараёнида миллий кадриятларнинг таркиб топишига, бу борада илғор педагогларнинг тажрибаларига суянишни тақозо қилади.

Таълим жараёнида ўқувчиларга билим беришда кенг қўлланиладиган таълим усуллари ўз моҳияти ва мазмунига, ўтказиш шароитига қараб уч гуруҳга ажратилади: оғзаки таълим усуллари; ёзма таълим усуллари, амалий таълим усуллари.

Ўқитиш усулларини қуйидаги турларга бўламин:

I гуруҳ усуллар: маъруза, хикоя, тушунтириш, йўриқнома бериш, намойиш, кўрсатиш, видеоусул.

Шакиллар: маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория машғулоти, мустақил иш.

Воситалар: диапроектор, графпроектор, доска-блокнот, доска-стенд, флипчарт, видеофильмлар, ёзув тахтаси ва бошқ.

Фаолият мазмуни: *таълим берувчи*: энг кам вақт ичида катта ҳажмдаги ўқув ахборотини етказиши ва хотирада қабул қилиш, англаш ва йиғишни ташкиллаштиради.

Таълим олувчилар: хотирага қабул қиладилар, англайдилар, йиғадилар, бироқ хатосиз, онгли равишда қайта тикламайдилар.

II гуруҳ усуллар: китоб билан ишлаш, лаборатория усули, машқ, амалий иш усули, вазиятлар усули.

Шакиллар: кундузги, масофавий.

Воситалар: модел, муляжлар, графикли диаграммлар, намуналар, чизма, схема ва бошқ.

Фаолият мазмуни: *таълим берувчи*: билимларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш, янги билимларни қидириш, намуна бўйича ҳаракатларни бажариш кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича таълим олувчилар фаолиятини ташкиллаштиради.

Таълим олувчилар: бевосита таълим берувчининг бошчилигида таҳлил қиладилар, таққослайдилар, умумлаштирадилар, тайёр намуна бўйича амалий ҳаракатларни бажарадилар.

III гуруҳ усуллар: суҳбат, баҳс, ақлий ҳужум, таълимий ўйин, пинборд, инсерт.

Шакиллар: оммавий, жамоавий, гуруҳларда ишлаш, якка тартибда ишлаш.

Воситалар: иш варақаси, эслатма, назорат варағи, ўқув топшириғи, матнлар ва бошқ.

Фаолият мазмуни: *таълим берувчи*: фақат билимнинг бир қисмини маълум қилади, таълим олувчиларни билимни излаб топиш қадамларини бажаришга йўналтиради, турли муаммоларни вазиятларда ўқиш-ўрганиш жараёнини ташкиллаштиради.

Таълим олувчилар: таълим берувчининг кузагуви остида мустақил таққослайдилар, умумлаштирадилар, хулоса қиладилар, баҳолайдилар ва таҳлил қиладилар, муаммоларни ҳолатларни ҳал этадилар ва ностандарт топшириқларни ечадилар, мураккаблаштирилган шароитдаги амалий ҳаракатларни бажарадилар.

Таълим усулларини танлашда ўқув ахборот мазмуни, ҳажми ва мураккаблиги; таълим бериш усулларини ўқув ахборотини эгаллашларига таъсири; таълим олувчиларни ўқув имкониятлари; Вақт сарфи; Таълим бериш шароитлари; таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари; таълим олувчилар сони; таълим берувчининг чуқур билимдонлиги ва шахсий сифатлари; мақсадни белгилаш омилларини эътиборга олиш керак.

Ўқув машғулотининг ушбу босқичида фойдаланилган таълимнинг усул ва воситалари:

- ақлий ҳужум - (брейнстроминг-ақллар тўзони) - амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтириш;

- пинборд (инглизчадан: *pin-board* – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат;

- инсерт усулидан фойдаланиш;

- тоифалаш усулидан фойдаланиш[3].

Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат. Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Тоифали шарҳлашни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ақлий ҳужум / кластер тузиш/ янги ўқув материали билан танишишдан сўнг, кичик гуруҳларда, олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излайдилар. (1- илова)

Тоифаларни жадвал кўринишида расмийлаштирадилар. Ғояларни / маълумотларни тоифага мос равишда бўладилар. Иш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин. Иш натижаларининг тақдимоти ўтказилади.

Ботаника курсининг охирида тубан ва юксак ўсимликлар дунёси ўтиб бўлингандан кейин ўқувчиларнинг курс бўйича билим, кўникма ва малакаларини умумлаштириш учун тоифалаш жадвалидан фойдаланиш мумкин.

1- илова

Тубан ва юксак ўсимликларнинг асосий гуруҳларини ва аҳамиятини тоифалаш жадвали

Тубан ўсимликлар	Юксак ўсимликлар	Гулли ўсимликларнинг аҳамияти
Вируслар	Мохлар(йўсинлар)	Фотосинтез
Бактериялар	Папаротниклар	Нафас олиш
Замбуруғлар	Қирқбўғимлар	Органик моддалар ҳосил қилиш
Сув ўтлар	Очиқ уруғлилар	Энергия манбаи

Лишайниклар

Ёпик уруғлилар

Тупроқ ҳосил қилиш

Метод (усул) юнонча сўздан олинган бўлиб, “Metodos”- бирор нарсага йўл маъносини англатади.

Таълим бериш усули белгиланган таълим бериш мақсадига эришиш бўйича таълим берувчи ва таълим олувчилар ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўли.

Усулларни танлашнинг асосий қондаси турлича эмас, балки таълим бериш мақсадига мос келиши керак. Усулларга қўйилган асосий талаб, натижа берадиган, фақат биттасини қўллаш ҳисобланади.

Усул самарадорлигининг асосий мезони белгиланган вазифани ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва тежамкорлигига эришиш ва таълим технологиясини лойиҳалашда усулни онгли танлаш, ҳар бирининг имкониятларини кўра билиш керак.

Усул самарадорлигининг асосий мезонлари: белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва тежамкорлиги, уни қўллашда соддаллик ва осонлик нафақат энг яхши натижаларни таъминлаши, балки уларга эришишнинг юқори ишончлилигини таъминлай олиши керак.

Таълим усулларини таснифлаш.

Ўзаро боғлиқ фаолиятни ташкиллаштириш йўли.

Фаол таълим бериш усули таълим олувчиларнинг билим фаолиятларини рағбатлантирувчи усулдир. У ёки бошқа муаммони ечиш тўғрисидаги фикрларнинг эркин алмашинувини назарда тутувчи диалог асосида курилади.

Интерфаол (Interactive) - диалогли. Интерфаол таълим бериш диалогли таълим бериш, бунда таълим берувчи ва таълим олувчи, таълим олувчи ва компьютернинг ўзаро ҳаракати амалга оширилади.

Ўқув тошириғи: **“Ботаника ўсимликлар дунёси ҳақидаги фан”** номли матни Инсерт усулидан фойдаланган ҳолда ўқиб чиқинг, қуйидаги белгилаш тизимидан фойдаланинг:

• (√) - мен биламан деганни тасдиқловчи белги;

• (+) - янги ахборот белгиси;

• (-) - мени билганларимга, зид белгиси;

• (?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак белгиси.

1. Ўсимликлар дунёси тўғрисида Сиз нимани биласиз? Жавоб беришда ақлий ҳужум қоидаларидан фойдаланинг.

2. Олинган маълумотларни қайси тоифалар бўйича тизимлаштириш мумкин?

3. “Ўсимликлар дунёси” номли тоифали жадвални тузинг.

Инсерт усули (техникаси): Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилашнинг интерфаол тизими; Инсерт – аввалги билимларни фаоллаштириш ва матнда белгилаш учун саволларнинг қўйилиши муолажаси. Шундан сўнг матнда учрайдиган, ҳар турдаги ахборотларнинг белгила-ниши.

Инсерт – матн билан ишлаш жараёнида таълим олувчига ўзининг мустақил билим олишини фаол кузатиш имконини таъминловчи кучли асбоб.

Инсерт бу, – ўзлаштиришнинг мажмуали вазифаларини ечиш ва ўқув материални мустаҳкамлаш, китоб билан ишлашнинг ўқув малакаларини ривожлантириш учун фойдаланиладиган ўқитиш усулидир (2-илова).

Ботаника ўсимликлар дунёси ҳақидаги фан

√ Ер шарининг умумий майдони 510 млн км² бўлиб, шундан 149 млн км² ни қуруқлик ва 361 млн км² ни океан ва денгизлар ташкил этади. Планетамизда 500 млн. турга яқин ўсимликлар ва 1 млнга яқин ҳайвон турлари борлиги аниқланган. Ўсимликлар дунёси Ер шарининг барча жойларида: Арктикадан Антарктикагача бўлган масофалардаги қуруқликда, денгиз ва океаннинг чучук ва шўр сувларда кенг тарқалган.

? Тубан ўсимликлар споралари 1 г. тупроқда 300-500 млн. дона, 1 см³ сутда 1 млн. , 1 см³ сувда 25 минг дона, , 1 м³ дала ҳавоси таркибида 100 дона , ёзда 1 см³ шаҳар ҳавоси таркибида 25 минг дона, кишда 4,5 минг дона спора учрайди.

√ Мавжуд ўсимликларни ички ва ташқи тузилишини, тарқалиши, уларни атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини, ўсиши ва ривожланишида бўладиган ҳаётий жараёнлардан озикланиш, нафас олиш, кўпайиш, транспирация, фотосинтез ва ҳ.к. ўрганадиган биология фанларнинг бир бўлими ботаника фанига оиддир.

–“**Ботаника**” сўзи грекча **“botane”** сўздан олинган бўлиб, кўкат, сабзавот деган маънони билдиради. Демак, ботаника умуман ўсимликлар тўғрисидаги фан бўлиб, биологиянинг бир бўлими ҳисобланади.

√ Ҳозирда ботаника фанининг олдида турган муҳим вазифалардан бири табиий шароитда учрайдиган ўсимлик гуруҳларини: чўл, дашт, ўрмон, ўтлоқ минтақаларида тарқалишини ўрганиб, улардан ҳалқ хўжалигида онгли равишда фойдаланишга тавсиялар беришдир.

? Ўсимликларнинг келиб чиқишини, ер юзида тарқалиш қонуниятларини ҳамда уларнинг яқин ва узок белгиларига асосланиб маълум бир системага (филогенетик система) солишни, ўсимликлардан онгли равишда ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш, захираларини аниқлаш ҳамда уларни муҳофаза қилиш йўллари ботаника фани ўргатади.

+Ўсимликлар табиатда ва инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Уларнинг космик аҳамияти тўғрисида К.А.Темирязов тадқиқотлари асосида хлорофилл дончаларининг мавжудлиги туфайли куёш нури таъсирида аорганик моддалардан органик моддаларни ҳосил бўлиш жараёни фотосинтезни амалга оширишини аниқлагандир[2].

√ Яшил ўсимликлар ҳавонинг таркибидаги қорбонад ангидрид (СО₂) газидан углеродни ўзлаштириб, тупроқдаги сув, минерал моддалардан

органик модда глюкозани ҳосил қилади. Ўсимликларнинг нафас олиш жараёнида ҳосил бўладиган дисахаридлар: ёғлар, оксил, лигнин, смолаларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлиб, тирик организмларнинг энергия манбаи бўлиб хизмат қилади.

–Яшил ўсимликлар Ер шарида кўмир, торф, нефт каби энергия манбаининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Ўсимликлар ҳосил қилган органик моддалар инсонлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар,

ҳашаротлар учун озуқа манбаи ҳисобланади. Ҳар йили ўсимликлар томонидан 83 млрд тонна органик моддалар ҳосил қилинади.

+Жумладан, қуруқликдаги ўсимликлар 53 млрд тонна, денгиз ва океан ўсимликлари 30 млрд тонна органик моддаларни ҳосил қилади. Тундра зонаси ўсимликлари 12,5 -25 т/га, ўрмон тундрада 50 т/га, ўрмонларда 400 -500 т/га, даштларда 125 -150 т/га, чўлларда 2,5 т/га қуруқ масса ҳосил қилади[4].

2-илова

Инсерт жадвали

√	+	-	?
4	2	2	2

Матинни ўқиб белгилар сони ва ўқувчиларнинг сонига қараб янги ахборотни ўқиб ўрганиш жараёнида тушунарли ва тушуниб бўлмайдиган, номалум ёки эътироз билдирадиган гуруҳларга ажратиб, баҳолаш имкони вужудга келади. Яъни ўқувчи ўқиётган материални шунчаки ўқиши эмас, уни ўқиши, яъни тушуниши, баҳо бериши, умуман олганда, танқидий ўрганишга эришилади.

Шундан кейин гуруҳ ўқувчилари 4 та гуруҳга бўлиниб, улар А,В,С,Д деб номланилади ва синф доскаси 4 га бўлиниб, гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлайдилар, матнни муҳофаза қилдилар.(3-илова)

3-илова

Пинборт усулидан фойдаланиб ўсимликларнинг аҳамиятини изоҳланг

А Гуруҳ	В Гуруҳ	В Гуруҳ	С гуруҳ
50 млн. турга яқин ўсимликлар	500 млн. турга яқин ўсимликлар	500 млн. турга яқин ўсимликлар	5000 млн. турга яқин ўсимликлар
денгиз ва океан нинг шўр сувларда кенг тарқалган.	қуруқликда, денгиз ва океаннинг чучук ва шўр сувларда кенг тарқалган.	қуруқликда, ден гиз ва океаннинг чучук ва шўр сувларда кенг тарқалган.	денгиз ва океан нинг чучук ва шўр сувларда кенг тарқалган.
ўсимликлар спора лари 1 г. тупроқда 30-500 млн. дона,	ўсимликлар спора лари 1 г. тупроқда 300-500 млн. дона,	ўсимликлар спора лари 1 г. тупроқда 300-500 млн. дона,	ўсимликлар спора лари 1 г. тупроқда 300-50 млн. дона,
-	1 см ³ сувда 1 млн.	1 см ³ сувда 1 млн.	-
1 см ³ сувда 20 минг дона	1 см ³ сувда 25 минг дона	1 см ³ сувда 25 минг дона	-
-	1м ³ дала ҳавосида 100 дона	1м ³ дала ҳавосида 100 дона	1м ³ дала ҳавосида 10 дона
ёзда 1 см ³ шаҳар ҳавосида 25 минг дона	ёзда 1 см ³ шаҳар ҳавосида 25 минг дона	ёзда 1 см ³ шаҳар ҳавосида 25 минг дона	ёзда 1 см ³ шаҳар ҳавосида 20 минг дона
қишда 4,5 минг дона спора учрайди.	қишда 4,5 минг дона спора учрайди.	қишда 4,5 минг дона спора учрайди.	қишда 4,5 минг дона спора учрайди.
“ Ботаника ” сўзи грекча “ botane ” ўсимлик деган маънони билдиради	“ Ботаника ” сўзи грекча “ botane ” кўкат, сабзавот де ган маънони бил диради.	“ Ботаника ” сўзи грекча “ botane ” кўкат, сабзавот де ган маънони бил диради.	“ Ботаника ” сўзи грекча “ botane ” кўкат деган маъно ни билдиради
Ўсимликларни ўрганади	ўсимликлардан фойдаланиш, захираларини аниқлаш, уларни муҳофаза қилиш ни ўргатади.	ўсимликлардан фойдаланиш, захираларини аниқлаш, уларни муҳофаза қилиш ни ўргатади.	кўпайтиришни
Фотосинтез	Фотосинтез	Фотосинтез	Фотосинтез
Нафас олиш	Нафас олиш	Нафас олиш	Нафас олиш
-	83 млрд тонна органик моддалар ҳосил қилинади.	83 млрд тонна органик моддалар ҳосил қилинади.	Анарганик модда ҳосил қилади
6-балл	12-балл	5-балл	5-балл

46%	92%	38%	38%
-----	-----	-----	-----

Хар бир гуруҳнинг ҳамкорликда ишлаши натижасида аниқлаган тўғри жавобларни доскадаги гуруҳ учун ажратилган устунларга гуруҳ вакили томонидан ёпиштирадilar.

Шундай қилиб, дарс жараёнида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, ўқитиш жараёнида интерфаол усулларни қўллаш шахсга нафақат маълумот беришга, балки уни машқ қилдиришга қаратилган бўлиб, улар шахс фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Интерфаол усуллардан Пинбортни қўллаш ўқувчилар онгида тўғри ва аниқ илмий тасаввурларни шакллантириши, уларни ҳаётдаги ўз ўринларини топишларига қўмаклашиши, уларда маънавий-ахлоқий фазилатларга нисбатан ижобий ҳис-туйғуларни шакллантиришга эришади.

Шундан кейин ўз тушунчаларини мустаҳкамлаган гуруҳ аъзолари олган билимлари муҳокама қилинади. Ўқитувчи савол-жавоб ўтказади ва баҳолаш мезони асосида ўқувчилар баҳоланади (Илова 4).

Илова 4

Баҳолаш мезонлари

Гуруҳлар	Баҳо	Тоифалаш жадвали учун	Инсерт жадвали учун	Дарсдаги фаоллиги учун	Пинборт усули учун	Баллар йиғиндиси
А Гуруҳ	5-балли	0.7	0.7	1.5	0.7	3.6
	100% ли	11.66	11.66	25	11.66	60%
В Гуруҳ	5-балли	1	1	1.5	1	4.5
	100% ли	20	20	30	20	90%
С Гуруҳ	5-балли	0.6	0.7	1	0.8	3.1
	100% ли	12	14	20	16	62%
Д Гуруҳ	5-балли	0.6	0.8	1.5	0.9	3.8
	100% ли	12	16	30	18	76%

Хулоса

Академик лицей ўқувчиларига ботаника фанидан бериладиган билимларни тизимли, кўргазмалли ва услубий жиҳатдан тўғри ташкил қилишда

замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Тошмухаммедов Б.О., Нишонбоев К.Н., Ғафуров А.Т., Пратов Ў., Дадаев С., Толипова Ж. Академик лицейларнинг Табиий фанлар йўналишидаги тармоқ таълим стандарти ва чуқурлаштирилган фанлар ўқув дастурлари. Тошкент, “АРНАПРИНТ” МЧЖ 2005. Б.85.
2. Пратов Ў.П., Одилов Т., Тошмухаммедов У. Ботаника, Тошкент, “Ўқитувчи” 2002. 5-6 синф ўқувчилари учун дарслик, 3 наشري.Б.81.
3. Толипова Ж. Умаралиева М. Биология фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси. Тошкент 2012. ТДПУ Ризограф нашри.Б.40.
4. Шералиев А.Ш., Исмаилов Х.Э, Ботаника (Академик лицейлар учун ўқув қўлланма) ТошДАУ Таҳририят нашриёт бўлими, Тошкент, 2014. Б.7.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается процесс преподавания курса ботаники и три типа обучения данного курса, так же роль и связь преподавателя с учащимися.

В статье описываются такие методы обучения как «Мозговая атака», интерактивность, инсерт, пути использования метода пинборт, а так же график оценивания знаний учащихся.

Ключевые слова: ботаника, методы образования, мозговая атака, инсерт, таблица пинборт, график оценивания, диаграмма, рассказ, практическое занятие.

RESUME

The article describes the process of teaching the course of botany and three types of learning in this course, as the role and relationship of the teacher with the students.

This article describes the teaching methods such as "brainstorming", interactivity, insert, pinbort ways of using the method, as well as the schedule of assessment of students' knowledge.

Key words: botany, methods of education, brainstorming, insert, table pinbort, graphic evaluation, chart, narrative, practical training.

ЭКОЛОГИК ПАРАДИГМА: ИРРАЦИОНАЛЛИКДАН РАЦИОНАЛЛИК САРИ

Исмоилов М.И. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада экологик муаммо ечими билан боғлиқ бўлган парадигма иррационаллик ва рационаллик диалектикаси асосида таҳлил қилинади. Шунингдек, экологик ахборотлашган жамият моделини яратишга тааллуқли бўлган муаммолар ечими фалсафий нуқтаи назардан асослаб берилган.

Шунингдек, экологик муаммолар ечимида рационаллик ва иррационаллик ўртасидаги диалектик муносабат механизмлари, унинг назария ва амалиёт учун аҳамиятли жиҳатлари ҳам эътироф этиб ўтилган. Шу билан бир қаторда илмий интуиция иррационаллик билан боғлиқ экологик парадигма муаммоларини ҳал этиш босқичидаги ўзига хос методологик калит сифатида талқин этилган.

Калит сўзлар: *экологик парадигма, коэволюция, экологик макон, норматив билиш, иррационаллик ва рационаллик.*

Инсоният XXI аср бўсағасига келиб, кўплаб муаммолар қуршовида қолди. Бу муаммолар ичида айниқса инсоният ноўрин ҳаракатлари ифодаси бўлган экологик инқирозли ҳолатлар ҳозирда жиддий ташвишларни вужудга келтирмоқда. Холбуки, инсоният мавжудлигини унинг ҳаётини табиатсиз, соф экологик муҳитсиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди.

Эндиликда экологик муаммони ҳал этиш зарурияти ҳар қачонги даврларга нисбатан ҳам ўта долзарблашди. Бу муаммо ечими билан боғлиқ глобал ва регионал даражалардаги турли илмий анжуманлар, фаолиятлар дунё мамлакатлари фаолиятининг диққат марказида турибди.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсир ўтказган Орол муаммоси ҳақида батафсил тўхталдилар. “Орол фожеаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди”[1]. Демак, ҳозирга келиб қандай чора тадбирлар асосида экология муаммосини ҳал этиш бутун дунёдаги илғор фикрловчи инсонларнинг асосий вазифаларидан бирига айланиб улгурди.

Мазкур мақолада биз ҳозирги замон гносеологиясида муҳим ўринни эгаллаган иррационаллик ва рационаллик орасидаги диалектик муносабат призмаси орқали экологик барқарор жамият қарор топтирила боришида муҳим роль ўйнавчи инсон-жамият-фан-техника-табиат орасидаги юқори даражадаги коэволюцион жараённинг ифодаси бўлган экологик парадигма таҳлилига, у орқали эса экологик ахборотлашган жамият моделини яратишга тааллуқли бўлган муаммолар ечимига эътибор қаратмоқчимиз. Бизнинг фикримизча жаҳон ҳамда республикамиз миқёсида экологик муаммо ечими билан боғлиқ кўплаб илмий ишлар эълон қилинган бўлишига қарамасдан унинг ҳал этилиши билан боғлиқ яхлит парадигма(юнонча-намуна) ҳозирга қадар тўла асослаб берилмаган.

Экологик парадигма бу – инсон билан табиат, жамият, фан ва техника орасидаги ўзаро уйғунликни

ифодаловчи ҳамда ўзида мужассамлаштирувчи, тизимли тамойилларга таянувчи, шаклланаётган интегрatív характердаги билимлар мажмуасидир.

Экологик парадигманинг ҳозирги замон фанига номаълум жиҳатлари гносеологик маънода иррационал ҳолатларни, уни ҳал этиб бориш билан бевосита боғлиқ бўлган, яъни ҳали тўла ҳал этилмаган, лекин ҳал этилиши кутилаётган ҳолатлардир. Рационаллик эса экологик парадигма субъекти бўлган инсон фаолиятини ўзига хос оптимал даражадаги меъёрлар билан бевосита боғлиқ бўлган фаолиятдир. Шунинг учун ҳам оптимал вариантлардан бири – бу экологик парадигма эволюцияси билан боғлиқ иррационалликдан рационаллик сари илмий изланишлар фалсафий маънода муаммо ечими йўлидаги муҳим қадам бўлиб ҳисобланиши шубҳасиздир.

Экологик парадигмани шакллантириш билан боғлиқ иррационал моментлар ҳамда унинг рационалликка ўтиш жараёни билан боғлиқ муаммолар асосан қуйидагилар ҳисобланади:

- экологик борлик ҳақидаги ахборотлар кўламининг меъёр даражада эмаслиги;
- экологик онгнинг бошқа ижтимоий онг шакллари ичида ҳозирга қадар тўла мақоми аниқлаб берилмаганлиги;
- экологик онгнинг нисбий мустақиллиги билан боғлиқ муаммолар ҳамда унинг экологик борлиқдан орқада қолаётган ҳолатларининг учраб тураётганлиги;
- жамиятимизнинг айрим табақаларида табиатга нисбатан эҳтиёжни қондириш психологияси устунлиги ҳолатларининг мавжудлиги;
- дунё мамлакатлари фаолиятларида яхлитликка нисбатан тарқоқликнинг сақланиб туриши ҳамда ягона экологик маконни қарор топтирилиши билан боғлиқ муаммоларнинг сақланиб турганлиги;
- глобал ва локал фаолиятлар орасидаги амалдаги интеграциянинг меъёр даражада эмаслиги;
- дунё миқёсида биохилма-хилликни сақлаб қолиш билан боғлиқ экологик сиёсатнинг янада кучайтириш зарурлиги билан боғлиқ муаммолар;
- экологик парадигманинг эволюцияси билан боғлиқ норматив билимлар даражасининг меъёр даражада эмаслиги;

* Исмоилов М.И. – НамМПИ профессори, ф.ф.д.

- экологик муаммолар ечими билан боғлиқ кўп вариантли ҳамда ноанъанавий жиҳатларни янада такомиллаштириш зарурияти билан боғлиқ муаммолар;

- ёшлар экологик онги ва тафаккурини фаоллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар тизимини янада янги босқичга олиб чиқиш зарурияти ҳамда у билан бевосита алоқадор бўлган онгости безлари фаолиятини физиологик ва психологик муаммоларига тааллуқли тадқиқотларни юқори даражада эмаслиги;

- олинаётган экологик ахборот моҳият ва мазмунида сифат параметрларининг миқдор параметрларидан орқада қолаётганлиги ҳамда ахборотни қайта ишлаш ва уни амалиётга тадбиқи билан боғлиқ узилишларни зудлик билан бартараф этиш муаммолари;

- ҳозирги ёшларимиз фаолиятида экологик парадигма муаммоларини бартараф этиш билан боғлиқ қатор омиллар, шу жумладан илмий, ахлоқий, эстетик, экологик, иқтисодий ва фалсафий дунёқарашлар орасидаги яхлитлик парадигмаси муаммоларининг тўла ҳал этилмаганлиги;

- экологик парадигма муаммоларининг мураккаблигидан келиб чиқиб глобал этика ҳамда фан этикаси каби фанлар ривожига эътиборни янада кучайтириш зарурияти, назариёт ва амалиёт орасидаги юқори туташув билан боғлиқ бўлган коэволюцион муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этиш зарурияти.

Юқорида қайд этилган муаммолар гносеологик маънода экологик билиш билан бевосита боғлиқ бўлган иррационалликдан рационаллик сари фаолиятларни янада жадаллаштиришни тақазо этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги босқичда экологик парадигма муаммоларини ҳал этишда ҳамда келажак экологик барқарор жамият моделида иррационаллик ва рационаллик диалектикаси асосида илмий изланишлар олиб борилиши методологик маъно ва мазмун касб этади. Ана шу тарзда иррационалликдан рационалликка диалектик тарзда ўтиш экологик парадигма эволюциясининг фундаментал асосини ташкил этади дейиш учун тўла асос бор.

Ҳозирги замон илмий тасаввурларига кўра, рационалликнинг илмий билиш жараёнидаги ўрни маълум даражада фалсафий таҳлил қилинган бўлсада, аммо иррационаллик мақоми, шу жумладан, улар орасидаги диалектик муносабат механизмлари, унинг назариёт ва амалиёт учун аҳамиятли масалалари мунозараларга сабаб бўлмоқда[2].

Масалага аниқлик киритиш ҳамда қўйилган муаммо ечимига имконият даражасида ҳисса қўшиш мақсадида биринчи навбатда рационаллик ва иррационаллик тушунчаларининг фалсафий таҳлилига, иккинчи томондан эса уларнинг ўтиш диалектикасига эътибор қаратиш ҳамда шу тарзда уларнинг ҳозирги замон экологик барқарор жамият қарор топишининг методологик асоси билан боғлиқ бўлган экологик парадигманинг фалсафий-методологик таҳлилига бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги замон илмий манзарасида фикр юритилаётган муаммога етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги ҳамда уни таҳлил этиш жараёнида объектив характерга эга бўлган айрим қийинчиликларга сабаб бўлади.

Рационалликнинг билиш жараёнидаги ўрни ва роли ҳозирги замон фанида, қолаверса, фалсафа тарихида ҳам етарли даражада ўрганилган дейиш учун асос бор. Аммо бизнинг фикримизча, бу тушунча ўта тизимлашган характерга эга бўлган ўзига хос билимлар мажмуасидир. Фикрларимизнинг исботи сифатида рационалликнинг муҳим қирраларидан бири бўлган илмий рационаллик тушунчасининг фалсафий таҳлилига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Илмий рационаллик тушунчаси моҳиятида худди рационаллик ўзида бўлгани каби мантиқий билиш устувор бўлиб, бунда айниқса илмий ижодий фаолият диққат марказида туради. Яъни унда илмий ижодий фаолиятнинг муҳим қирралари ҳисобланган илмий фантазия, илмий интуиция, инсон эрудицияси, илмий рационаллик тушунчасининг структурасини ташкил этади. Илмий рационалликда шу тарзда келажак илмий моделлари ҳамда у билан бевосита боғлиқ бўлган экологик парадигма мақоми ўз ифодасини топади. Фикр юритилаётган илмий моделга хос бўлган муҳим хусусиятлар мантиқий изчиллик, узвийлик, маълум меъёрларга мос тушувчи ижтимоий нормалар бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари илмий рационалликда индуктивлик, дедуктивлик, олам ва унинг ходисаларини тадрижийлик асосида ёритувчи эволюцион, объективлик мезонларидан келиб чиқиб реал ёндашувлар, келажакни кўриш, башорат қилиш билан боғлиқ жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Шундай қилиб, ўзига хос ўта тизимлашган тушунча бўлган рационалликда XX аср охири XXI аср бошларига келиб, ўзига хос сифат ўзгаришлари юз берди. Яъни олам ва унинг ҳозирги замон экологик манзарасида субъектнинг объект билан йўлга қўйилиши зарур бўлган мақсадга мувофиқ фаолияти, илмий рационаллик асосида шаклланаётган экологик парадигманинг янги қирралари тобора асослаб беришда муҳим ўрин тутади. Ана шу асосда экологик муаммо ечими билан боғлиқ янгича билимлар системаси вужудга келади. Рационал билимнинг юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса сифатида айтиш мумкинки, унинг асосини диалектик тафаккур ташкил этади. Фикр юритилаётган усул экологик билиш жараёнининг эмпирик ва назарий даражалари орасидаги диалектик муносабатни ҳар томонлама тадқиқ этиш асосида гносеологик маънода иррационалликдан рационаллик сари муҳим фаолиятлар содир бўлиши мумкинлигига ишора қилади. Бу ўзгаришлар уларга хос бўлган зиддиятли моментларни ҳал этиш, оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига ёки аксинча бўлган жиҳатларни ўзида мужассамлаштиради.

Шу асосда билиш жараёнида тинимсиз ўзгариш янгиланиш жараёнлари содир бўлиб экологик билиш жараёни билан боғлиқ субъектда объектга нисбатан оқилона муносабатлар кенг қулоқ

ёйиб боради. Бу муносабатларда ноанъанавий ёндашувлар, чизиксизликдан чизиклиликка бекарорликдан барқарорликка ўтиш диалектикаси билан боғлиқ илмий изланишлар ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон гносеологиясида иррационаллик экологик парадигма билан боғлиқ тўла билиб олинмаган, лекин келажакда билиб олинishi муқаррар бўлган ҳолатларни ўзида ифодалайди. Иррационалликнинг фалсафий маънодаги ўзига хос томони шундаки, у рационаллик тўла ҳал этилиши ўта долзарб муаммоларга, шу жумладан экологик парадигма эволюциясига ҳозирги замон фанларининг диққат марказини жалб этади. Яъни у инсон ақлу заковати томонидан ҳозирга қадар ҳал қилинмаган муаммоларга эътиборни жамлаб, фанлараро интеграцияни янада чуқурлаштиради. Агар рационалликда аниқланганлик ҳолатлари устивор бўлса, иррационалликда эса аниқланмаганлик ҳолатлари мавжуддир. Ана шу асосда рационаллик ва иррационаллик орасидаги ўзаро диалектик муносабатни аниқланганлик ва аниқланмаганлик тамойиллари асосида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Иррационалликда аниқланмаган ҳолатларнинг мавжудлиги унинг экологик парадигма муаммоларини ҳал этиш жараёнида фалсафа билан бир қаторда ҳозирги замон синергетикасининг муҳим принциплари бўлган диссипативлик, чизиксизлик, орқага қайтмаслик каби тушунчаларидан кенг фойдаланишниобъектив зарурият қилиб кўяди. Чунки иррационалликда экологик парадигма билан боғлиқ муаммоли масалалар рационалликка нисбатан кўпроқ учраб тургани учун ундан нисбий маънода тартибсизлик, тасодифийлик элементлари мавжуд бўлиб туради. Шундай қилиб, синергетик нуқтаи назардан иррационалликни мураккабликдан оддийликка, чизиксизликдан чизиклиликка ўтиб туриш билан боғлиқ бўлган ўзига хос билимлар тизими деб талқин қилиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экологик парадигма билан боғлиқ диалектик маънодаги иррационалликдан рационаллик сари, яъни сифат босқичига кўтарилиши зарур бўлган муайян тарздаги имкониятларни воқеликка айланиши билан боғлиқ бўлган реал шарт-шароитларини ҳозирлайди. Бошқачасига айтганда, иррационаллик рационалликда сифат ўзгаришлари юз бериши учун ўзига хос стимул яратади. Ана шу тарзда иррационаллик рационаллик каби илмий ижод жараёнидаги ўзига хос сифат босқичи бўлиб, улар орасидаги диалектик муносабатни чуқурлашуви туфайли ҳозирги замон экологик парадигма эволюцияси билан боғлиқ фаолиятларда оригинал идея ва ғоялар пайдо бўла боради. Агар рационалликда экологик билиш жараёни билан боғлиқ конкретлилик, аниқлилик кўпроқ кўзга ташланса, иррационалликда эса нисбий маънода унинг аксини кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам илмий билиш жараёнидаги рационаллик ва иррационаллик орасидаги диалектик муносабат асосида экологик инқирозли ҳолатларни бартараф этиш билан боғлиқ муҳим фаолиятлар амалга оширилиши мумкин.

Бундан ташқари экологик парадигма муаммоларини ҳал этишда ёки у билан бевосита боғлиқ бўлган рационаллик ва иррационаллик диалектикасида интуиция фалсафий методологик маънода қатта аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, илмий интуицияни иррационаллик билан боғлиқ экологик парадигма муаммоларини ҳал этиш босқичидаги ўзига хос методологик қалит сифатида талқин этиш мумкин. Чунки интуиция инсон онгости безларига қутилмаган ҳолатларда юзага келувчи оригинал билимлар тизимидир. Унга асосланувчи интуитив билимлар қатъий мантиқий боғланиш ва умумлаштиришларсиз ҳам шаклланиши мумкин.

Фалсафий маънода интуиция ўзига хос биосоциал мазмун касб этиб, фикр юритилаётган биологик ва ижтимоий жиҳатлар интуицияда диалектик маънода бир-бирларини тўлдиради. Шунинг учун ҳам интуицияни иррационал билиш босқичидаги экологик парадигма билан боғлиқ ўзига хос сакраш, узлуксизликнинг узилиши деб қараш мумкин. Лекин бунда интуиция асосан тасодифийлик элементлари асосида шаклланади деб хулоса қилиш ҳам доим тўғри бўлавермайди. Чунки унинг замирида инсониятнинг бой илмий тажрибаси, экологик билиш жараёни билан боғлиқ амалиёт билан назариёт орасидаги диалектик муносабатлар ётади.

Шундай қилиб, иррационал билишдаги интуитив фаолият инсон томонидан илмий жараёнлар билан боғлиқ бўлган экологик парадигмага тааллуқли бўлган янги ғояларни пайқай билишга жиҳаз қилади. Шу тарзда иррационал ва интуитив билиш диалектик маънода бир-бирларини тўлдирадилар. Айти пайтнинг ўзида интуитив билиш даражаси инсоннинг кенг қамровли фикрлашига аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, унинг эрудицион қобилиятига бевосита боғлиқ бўлади. Шу сабабли иррационаллик ўз табиати ва моҳиятига кўра фалсафий оптимизмнинг манбаларидан бири эканлигига тўла асос бор.

Рационаллик эса билиш жараёнининг субъекти бўлиб ҳисобланган инсон фаолиятида мақсадга мувофиқликни, ундаги келажакда шаклланиши ўта муҳим бўлган экологик парадигма билан боғлиқ гносеологик маънодаги янгича билимлар тизимини шакллантириб боради. Шунинг билан бир қаторда иррационаллик инсон фаолиятидаги мустақил жараёнлар кенг қулоқ ёйилишига бевосита сабабчи бўлади. Чунки иррационал билишда назарий билишнинг роли бекиёсдир.

Ҳозирги замон илмий билишдаги рационаллик ва иррационаллик орасидаги диалектик муносабат таҳлилидан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

биринчидан, ҳозирги замон фанида экологик парадигма учун илмий томондан асослаб берилиши ўта зарур бўлган фаолиятлар учун реал база яратилади;

иккинчидан эса, субъект-объект муносабатларида ўзига хос фаоллашув кўзга ташланади;

учинчидан, янги экологик тафаккур эволюциясини объектив заруриятга айлантиради;
тўртинчидан, экологик билиш жараёнидаги амалий-назарий томонлар (фундаменталлик) орасидаги диалектик муносабатни янада чуқурлаштиради. Чунки иррационал билим доирасидаги ноаниқликдан-аниқликка ўтиш ҳозирги замон фанида ўта фундаментал аҳамиятга эга бўлган экологик парадигма муаммоларини ҳал этишда методологик мақом касб этади;

бешинчидан эса экологик билиш фаолиятидаги бекарорликдан барқарорликка ўтишни таъминловчи ўзига хос босқич бўлиб ҳисобланади.

Яқуний хулоса шундан иборатки, ҳозирги замон илмий билишидаги иррационаллик ва рационаллик диалектикаси илмий фаолиятда вужудга келган ўзига хос синтез, интеграция жараёнлари чуқурлашуви билан боғлиқ бўлган ўзига хос билимлар тизими бўлиб, бунда инсониятни экологик барқарор тараққиётини таъминловчи ўта муҳим мақомга эга бўлган экологик парадигма муаммоларини ҳал этишда ўзига хос босқич бўлиб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. БМТ Бош Ассамблеясининг минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи. –Т.:Ўзбекистон, 2010. Б.7.
2. Исмоилов М.И. Экологик парадигма: моҳият ва мазмун.//Ижтимоий фикр.Инсон ҳуқуқлари №4.2015. Б.134.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализировано решение экологической парадигмы с точки зрения диалектики иррационального и рационального. В том числе было обосновано решение проблем моделирования экологическо-информационного общества с философской точки зрения.

Также, в статье рассмотрено признание механизмов диалектических отношений между рациональностью и иррациональностью, их особенности в теории и практики, пути решения экологических проблем. В том числе проповедуется научная интуиция как методологический ключ в степени решения экологических парадигм в связи с иррациональностью.

Ключевые слова: экологическая парадигма, коэволюция, экологическое пространство, нормативное познание, иррациональное и рациональное.

RESUME

The article analyzes the decision of ecological paradigm in terms of the dialectic of the irrational and the rational. It was justified the decision of problems of modeling of ecological information society from a philosophical point of view. Also, the article discusses the recognition mechanisms of the dialectical relationship between rationality and irrationality, their characteristics in theory and practice in the path of the solution of environmental problems. Including taught research intuition as a methodological key in the degree of the solution of environmental paradigms of communication with irrationality.

Key words: ecological paradigm, co evolution, ecological space, regulatory knowledge, irrational and rational.

СПОРТЧИЛАРНИНГ ПОРТЛОВЧИ ҲАРАКАТ ҚОБИЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Иштаев Ж.М. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола тезкор-куч спорт турларида муҳим аҳамиятга эга бўлган спортчининг портловчи қобилиятини ривожлантириш масаласи бўйича республикамиз ва хорижий адабиёт манбалари таҳлиliga бағишланган. Адабиёт таҳлилида портловчи қобилиятни портловчи куч деб таърифлаган ва уни жисмоний сифат деб қабул қилган. Л.П.Матвеевнинг фикрича, портловчи куч таърифи номувофик, чунки сифат термини аниқ предмет ва ҳодисага айтилади.

Калим сўзлар: спортчилар, портловчи ҳаракат, ривожлантириш, қобилият, СПОРК, мослама, вертикал сакраш, фаолият, мақсад.

Портловчи ҳаракат қобилияти аслида портловчи куч билан биргаликда намоён бўлади. Шунинг учун замонавий адабиётларда муаллифлар портловчи ҳаракат қобилиятини куч билан бирга кўшиб ўрганишган.

Юқорида айтилган портловчи куч маълум бир ҳаракат бажарилиши натижасида намоён бўлади. Ушбу ҳаракатлар ихтиёрий ҳаракатларга киради. Ҳар бир ихтиёрий ҳаракат бу онгли ҳаракатдир. И.М.Сеченов таърифлашча, ҳар бир онгли бошқариладиган ҳаракат актлари психомоторика деб аталади. Шу нуқтаи назардан портловчи куч ҳаракатини шартли равишда иккита таркибга ажратиш мумкин. Яъни портловчи ва куч таркиблари. Портловчи – мускулнинг тезкор қискаришини таъминловчи таркиб. Кейингиси нерв импульси таъсири остида вужудга келувчи куч таркиби. Кучнинг намоён бўлиши албатта физиологик ва биокимёвий жараёнлар билан боғлиқ. Яъни эфферент нерв тизими билан бирга у бошқа физиологик, биокимёвий жараёнлар таъсири остида намоён бўлади. Гарчи бу икки таркибнинг бир-бирига таъсир этиш контексти қаралса, бунда биринчи таркиб (портлаш)нинг иккинчиси (куч)га нисбатан устунлиги кўзга ташланади. Чунки портловчи кучнинг намоён бўлишида у ишга тушириш механизми ҳисобланади. Мускулнинг портловчи вақти камайиши натижасида портловчи кучнинг намоён бўлиш шиддати кучаяди. Шу билан бирга, портловчи куч шиддатини мускулнинг мутлақ кучи катталигини орттириш орқали ҳам оширса бўлади.

Биз олиб борган эксперимент натижалари шуни кўрсатдики, махсус ишлаб чиқилган мосламада портловчи ҳаракат қобилиятини ҳар хил спорт турларида ўлчанганда (белбоғли кураш, эркин кураш, турон спорти, оғир атлетика, футбол ва енгил атлетикачиларда) спортчиларда сакраш катталиги бир-бирига тенглиги аниқланди. Бунда савол туғилади, бу ўлчовларни портловчи куч деса бўладими ёки йўқми? Бунга табиий жавобни эксперимент жараёнида олдик. Аслида куч килограмм ёки Джоулда ўлчанади. Яратилган янги вертикал сакрашни ўлчайдиган “СПОРК” номли мослама ўлчови сантиметрда. Сантиметрда олинган натижаларни биз ҳар хил спортда солиштирсак, унда ногўғри хулосага келиш мумкин. Масалан, бир хил вазндаги оғир атлетикачи ва футболчиларнинг натижалари тенг бўлса, у ҳолда уларнинг портловчи кучи тенг деб айтиб бўлмайди. Чунки оғир

атлетикачининг кучи футболчиникига нисбатан ортик бўлади. Бошқача айтганда, тенг сакраган футболчи оғир атлетикачини кўтарган штангадаги вазни кўтара олмайди. Оғир атлетикачининг мутлақ кучи футболчига нисбатан катталиги ҳаммага маълум.

Ўрганилган адабиётлардан маълум бўлдики, портловчи ҳаракат қобилиятининг шаклланиши ҳамда ривожланиши алоҳида таърифланмаган, у куч билан кўшилган ҳолида таърифланган. Аслида биз ўрганаётган муаммо спортчи кучини кўпайтиришга қаратилган. Шунинг учун қуйида портловчи куч тўғрисидаги адабиётларни таҳлил этамиз.

Куч ва унинг турларининг тавсифи.

Куч деганда спортчининг ташқи қаршилиқни енгиб ўтиш ёки мушак кучланиши ҳисобига унга қаршилиқ кўрсатиш қобилияти тушунилади. Муаллифлар куч сифатини қуйидаги турларга бўлиб тавсифлашган.

Умумий куч – бу спортчининг махсус ҳаракатларига тааллуқли бўлмаган ҳолда спортчи томонида намоён қилинадиган куч.

Мутлақ куч – инсон кучи потенциалини тавсифлайди ва изометрик тартибда чекланмаган вақтда максимал эркин мушак ҳаракатининг катталиги билан ёки кўтарилган юкнинг энг юқори оғирлиги билан ўлчанади.

Нисбий куч, яъни спортчининг 1кг вазнига тўғри келадиган куч спортчининг шахсий оғирлигини енгиб ўтиш имконияти кўрсаткичи ҳисобланади. Бу усулларнинг тезкорлик билан бажарилишида муҳим аҳамиятга эга.

Куч чидамлилиги – бу спортчининг нисбатан узоқ вақт давомида мушак кучланишларини намоён қилишга бўлган қобилиятдир, деб таърифлашади.

Тезкор куч мушакларнинг нисбатан кичик ташқи қаршилиқни енгиб ўтиш билан боғлиқ ҳаракатларни тез бажаришга бўлган қобилиятида акс этади.

Портловчи куч – қисқа вақт ичида ўз шиддатига кўра катта кучланишларни намоён қилиш қобилиятини тавсифлайди.

Юртимиз муаллифлари Куч қобилиятларини икки турга ажратади:

1. Статик ва суст ҳаракатлар шароитларида намоён бўладиган шахсий куч қобилиятлар.

2. Енгувчи ва ён берувчи хусусиятли тез ҳаракатларни бажаришда ёки кўникувчи ишдан енгувчи ишга тез ўтишда намоён бўладиган тезлик куч қобилиятлари [1,3,4,5,10,12,15].

* Иштаев Ж.М. – ЎзДЖТИ ўқитувчиси.

Юқорида келтирилган муаллифлар кучнинг яна икки турини кўрсатишади, яъни тезлик куч ва нисбий куч:

Тезлик – куч қобилиятларининг муҳим тури “портлаш” кучидир. Портлаш кучининг юқори кўрсаткичларини кам вақт ичида намоён этиш қобилиятларидир.

Нисбий куч – мутлак куч катталигининг жисм массасига нисбатан муносабати билан, яъни жисмнинг бир кило оғирлигига тўғри келадиган куч катталиги билан баҳоланади. Бир кўрсаткич ҳар хил вазндаги инсонларнинг тайёргарлигини таққослаш учун қулай, деб куйидаги формуладан фойдаланишни тавсия этади.

$$\text{Нисбий куч} = \frac{\text{Максимал куч}}{\text{Жисм оғирлиги}}$$

Портловчи кучни жисмоний тарбия назарияси ва услубиятига оид хорижий ва юртимиз адабиётларини таҳлил этиш натижасида маълум бўлдики, спорт турлари назариясида (гандбол, футбол, волейбол, баскетбол, оғир атлетика, кураш ва бошқаларда) алоҳида мақолаларда муаллифлар портловчи кучни жисмоний сифат деб таърифлаганлар. Л.П.Матвеев жисмоний сифат атамасини номувофиқ деб, жисмоний қобилият атамасини киритишни таклиф этади. Шу тариқа, сўнги йиллардаги адабиётларни таҳлил қилиш натижасида кўпчилик муаллифлар ушбу қобилият атамасини қабул қилишган [2,6,11,13,].

Тезкор куч ҳамда портловчи куч тушунчалари ва уларни ривожлантириш ҳақида. Ўрганилган адабиётларда портловчи куч ва тезкор куч терминлари маъно жиҳатдан бир бирига жуда яқин қўлланилган, шунинг учун бир гуруҳ муаллифлар тезкор куч деб таърифласа, бошқалари буни портловчи куч деб изоҳлаган. Кўп муаллифлар спортда тезкор-кучни ривожлантиришнинг аҳамияти катта эканлигини ёзади. Шу билан бирга, улар тезкор-кучни ривожлантириш воситаларини ўз ишларида келтирадилар.

Ўрганилган олимларнинг фикрича, тезкор-куч сифатларини такомиллаштиришда енгилдан максимум темпга, турли оғирликлар билан машқ бажариш тавсия этганлар [14,16,17].

Фақат махсус машқлар билан чегараланиш нотўғри, чунки тезкор-куч ва махсус жисмоний сифатларни ривожлантиришга умумривожлантирувчи машқлар (УРМ) ҳам асос бўлиб хизмат қилади деб таъкидлайди. Буларга турли хил югуриш, сакраш, бошқа спорт турларининг машқлари киради. Шу билан бирга, ҳамма УРМ тезкоркуч тавсифига хос бажарилиши лозим эканлигини айтади.

Курашчиларнинг ҳаракат сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш юқори натижаларга эришишнинг зарурий шартларидан бири ҳамда уларнинг ривожланиш даражаси техник-тактик ҳаракатларга ўргатиш самарадорлиги билан ўзаро боғлиқ, тезкоркуч моҳиятидаги машқларни бажариш давомида қулай иш тартиби белгиланишини таърифлашган.

Беллашувнинг асосий машқлари курашчиларнинг тезкор куч сифатларини ривожлантиришда анча самарали воситадир, муаллифлар курашда намоён бўладиган мушак кучи тавсифига яқин бўлган махсус машқлар қўллашни макул кўрадилар.

Мусобақавий курашда тезкор-куч босим ўтказувчи ҳаракатлар каторига киради ва бундан келиб чиқадики, бу сифатларни ривожлантиришни спорт кураши техникасини такомиллаштириш билан бирга боғлаб ўтказиш зарур. Шу мақсадда, махсус тайёргарлик воситаларидан фойдаланиш таклиф қилинади.

Тезкор куч йўналишдаги воситаларни танлашнинг асосий критерияси, у ёки бу техник ҳаракатларга машқларнинг ички ва ташқи тузилишининг асосий ўлчамлари мос келиши керак. Чунки кураш бўйича махсус илмий услубий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, тезкор-куч тайёргарлиги восита ва услубларни такомиллаштиришга катта аҳамият берилган. Аммо тезкор куч сифатлари куч тайёргарлиги тушунчаси, кураш назарияси ва амалиётида спортчиларнинг турли хил куч кўринишларидан бири бўлиб келган. Ривожланиш учун умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик воситалари ичига кирувчи турли хил машқлар қўлланилади. Бу асосий спорт ҳаракатлари доирасида тезкор-куч сифатларини оширади ва бир вақтнинг ўзида техникани ҳам ривожлантиради деб ёзади.

Ваҳоланки, 11-12 ёшли болаларда тезлик-куч сифатларининг шиддатли ўсиши кузатилади. Тезкор-куч сифатларини ривожлантиришда портлаш хусусиятига эга бўлган динамик машқларга устуңлик берилади, чуқурликка сакрашдан юқорига сакраб чиқишнинг самарадорлиги жуда юқори, 12-14 ёшлар орасида асосан тезкоркуч сифатларининг ривожланиши ҳисобига ҳаракатланиш тезлиги ҳам жадал суръатлар билан ўсиб боради. Шунинг учун тезкор-куч машқларидан кенг фойдаланиш мазкур сифатнинг кучайишига қулай шароит яратади.

Ўзбекча миллий спорт кураши ҳақидаги китобда тезкор-куч ҳақида шундай ёзилган: “Тезкор куч сифатларининг яна бир кўриниши сакровчанлик ҳисобланади. Мушак қисқаришининг портловчи типи сакровчанлик учун хосдир. Агар бу кўрсаткични кўп марталик динамик кўринишда кўриб чиқилса, унда тезкор-куч қобилиятларининг бошқа шакли, яъни сакраш чидамлилиги намоён бўлади” [7,8,9]

Спорт курашида тезкоркуч тайёргарлиги услубиятининг асосий йўналиши, одам ҳаракат физиологиясининг учта асосланган жиҳатига қаратилиши керак эканлигини таъкидлаб ўтади, улар:

-мушаклараро координация тузилиши ва даражаси

-мушакнинг ички координация тузилиши ва даражаси.

-мушакларнинг алоҳида тузилиши.

Бундай омилларни ҳисобга олиб, асосий машқлардан ёки асосий машқларга ўхшаш махсус кучланишли машқлардан фойдаланишни таклиф этади.

Спорт амалиётида тезкор-куч сифатлари ўзига хос шаклларида намоён бўлади. Асаб жараёнларининг ҳаракатчанлиги, мушакка берилган асаб импульсининг амалга ошиш тезлиги ва самарадорлиги тезкорликнинг физиологик шартлари саналади. Тезкорлик сифатининг намоён бўлиши АТФ қисқаришлар қувват манбаининг ресинтезини таъминловчи биокимёвий реакциялар тезлигига ҳам боғлиқ. Катта тезлик билан ҳаракатланишда инсоннинг фақат функционал хусусиятлари эмас, морфологик сифатлари, яъни бўйи, тана оғирлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳар бир муаллиф тезкор-куч сифатини ривожлантириш йўлларига ўзгача ёндашган.

Сифат бу нарсанинг, кимсанинг ижобий ёки салбий хусусияти, фазилати, хислати. Қобилият эса маълум бир фаолиятни эгаллаш учун хосса ёки холати.

Шуни айтиш жоизки, тезкор кучни сифат деб аташ мантиққа тўғри келмайди. Сифат бу предмет ва ҳодисаларга хос бўлган томон. Шунинг учун тезкор-куч, портловчи куч булар инсонда генетик томондан туғма эмас, улар ҳаёт ва фаолият жараёнида ривожланади. Психологик нуқтаи назардан уларни қобилият деб номласа мақсадга мувофиқ бўлади.

Замонавий адабиётларда жисмоний қобилият, куч қобилияти, тезлик қобилияти, портловчи қобилият ва бошқа атамалар кенг миқёсда ўз аксини топмоқда. Бунга интернет сайтларидаги маълумотлар мисол бўлади. Ўрганилган илмий ва назарий адабиётлар таҳлили асосида қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Таҳлил этилган адабиётларда портловчи ҳаракат қобилияти алоҳида кўриб чиқилмаган. Спортчиларнинг портловчи ҳаракат қобилияти куч билан биргаликда портловчи куч деб адабиётларда тавсия этилган. Шунинг учун адабиёт таҳлилида портловчи кучни ўлчаш ва ривожлантириш усуллари ўрганилиб чиқилди. Ваҳоланки, хорижий ва юртимиз адабиётларини ўрганиш натижасида портловчи кучни ўлчаш ва ривожлантириш усуллари бир-бирларидан фарқи йўқлиги аён бўлди. Портловчи кучни ўлчаш ва ривожлантириш усуллари асосан қуйидаги 3 хил йўналишда амалга оширилган экан. Булар: 1-ўз вазнини енгиш орқали, 2-маълум бир оғирликлар билан, 3-изометрик машқлар орқали.

2. Ҳозирги кунда портловчи кучни ўлчаш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади, чунки у ҳамма тезкор-куч спорт турларида техник ва тактик кўникма ва малакаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Айрапетьянц Л.Р., Пўлатов А.А. Волейбол назарияси ва услубияти/ Дарслик. –Тошкент: “Фан ва технология” нашриёти, 2012. Б. 120-121.
2. Айрапетьянц Л.Р., Пўлатов А.А., Исроилов Ш.Х. Волейбол ЎзДЖТИ нашриёт бўлими 2009.Б 42-43.
3. Акрамов Ж.А. Гандбол/ Дарслик.-Тошкент: “VORIS-NASHRIYOT”, 2007. Б.57-59.
4. Акрамов Р.А. Футбол/ Дарслик.-Тошкент: “ЎзДЖТИ” нашриёт-матбаа бўлими, 2006. Б.189-190.
5. Ачилов А.М., Акромова Г.А., Ганчрова О.В. Болаларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш/ Ўқув қўлланма.-Тошкент: ЎзДЖТИ. “LIDER PRESS” нашриёти 2009. Б.53-56.
6. Ачилов А.М., Халмухаммедов Р.Д., Шин В.Н., Тажибаев С.С., Ражабов Ф.Қ. Ёш боксчиларни тайёрлаш асослари/ Ўқув-услубий қўлланма.-Тошкент: “MUMTOZ SO’Z”, 2012. Б.206-225.
7. Верхошанский В.Ю. Основы специальной физической подготовки спортсменов/ Основы тренировки.-М.: Физкультура и спорт, 1988.-С.23. 331с.
8. Верхошанский В.Ю. Основы специальной силовой подготовки в спорте - М.: Физкультура и спорт, 1970. С. 80, 263 с.
9. Верхошанский В.Ю. Основы специальной силовой подготовки в спорте. -М.: Физкультура и спорт, 1977. С.183, -214 ст.
10. Казаков П.Н. под общей редакцией “Футбол”/ Учебник для институтов физической культуры. - М.: Издательство ФиС, 1978.С. 140-141.
11. Казаков П.Н. Футбол/ Дарслик. –Тошкент: “Ўқитувчи”,1981. Б.156.
12. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти. -Тошкент: ЎзДЖТИ. Нашриёт-матбаа бўлими, 2005. Б. 92.
13. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти/ -Тошкент: ЎзДЖТИ. Нашриёт бўлими, 2008. Б. 85.
14. Керимов Ф.А. Умаров М.Н Спортда прогностлаштириш ва моделлаштириш/ Жисмоний тарбия институтлари ва жисмоний тарбия факультетлари магистрлари учун дарслик.-Тошкент: ЎзДЖТИ. Нашриёт матбаа бўлим, 2005. Б.280.
15. Матвеев Л.П. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси /Дарслик. –Тошкент,1975. С.175.
16. Матвеев Л.П. Общая теория и её прикладные аспекты. издание пятое исправленное и дополненное./ - Москва: Яовгтское издательство, 2010. С. 110-111.
17. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры /Учебник для вузов ч.1.-Москва: 2004. С. 177.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена анализу одного из актуальных вопросов в отечественной и зарубежной литературе – развитию взрывных способностей спортсмена в скоростно-силовых видах спорта. В литературе взрывные способности трактуются как взрывная сила и его определяют как физическое качество. Л.П.Метвеев отмечает, что термин взрывная сила неудачное определение, потому что термин качество обозначает свойство присущее конкретному предмету или явлению.

Ключевые слова: спортсмены, взрывные действия, развитие, способности, «СПОРК», устройство, вертикальный прыжок, деятельность, цель.

RESUME

This article is devoted to the analysis one of pressing questions of the domestic and foreign literature - development of explosive abilities of the sportsman in high speed - power kinds of sports. In the literature explosive abilities are treated as explosive force and a yoke define as L.P.Metveev's physical quality notices, that the term explosive force unsuccessful definition because the term quality designates property inherent in a concrete subject or the phenomenon.

Key words: sportsmen, explosive actions, development, abilities, «SPORK», the device, a vertical jump, activity, the purpose.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Камолов И.Б. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада композицияни ўрганиш жараёнида ўқувчининг ижодий тасаввурлари ривожланишининг психологик-педагогик шарт шароитлари қуйидагилардан иборатлиги: бадиий идрок ва бадиий ижодий фаолиятга йўналтирувчи муҳитнинг мавжуд бўлиши; бадиий-ижодий ривожланиш механизмларидан фойдаланиш – визуал хотирани машқ қилдириш; ҳиссий-эмоционал тажрибани орттириб бориш, дунёқарашни кенгайтириш; бадиий комбинаторика қобилиятларини ривожлантириш; ассоциациялаш қобилияти ва маълумотларни кўчирш (ўтказиш, етказиш); бадиий фаолият воситалари ёрдамида илқ нишонларни, куртакларни ўзгартириш; кўз билан реал кўрилганни фаол идрок этиш, уни бадиий ишлов бериш йўли билан бадиий образга айлантириш хусусида фикр юритилади.

Калим сўзлар: *ижодкорлик, қобилият, талабалар, рассом, заргар, ақлий иш, ижодий иш.*

Психолог олимларнинг таъкидлашича, ижодий жараёни тадқиқ этишдан мураккаброқ масала йўқдир. Дарҳақиқат ижод жараёнининг характери, шакллари, ўрганиш методлари ижодкорнинг шахсий услубига боғлиқ ҳолда доимий ривожланишда бўлади ва шаклан ўзгариб туради. Ижод жараёнининг психологик муаммолари билан таникли рус психологлари Б.Г.Ананьев, Л.С.Виготский, А.А.Мелик-Пашаев, Я.А.Пономарёв, Л.С.Рубинштейн, Б.М.Теплов ва бошқалар шуғулланганлар. Улар ижоднинг ижодий, ҳиссий-эмоционал, интеллектуал ва шахсий ибтидолари яхлит, ажралмас интегратив хусусиятга эга эканлигини таъкидлаганлар.

Инсон фаолияти моҳияти назарияси (Леонтев А.Н., Бакушинский А.В.); шахс психологик ривожланишининг маданий-тарихий концепцияси (Виготский Л.С., Лурия А.Р.); касбий таълим муаммосига замонавий ёндашувлар (Гершунский Б.С., Слостенин В.А. ва бошқалар); заргарлик санъати соҳасининг ривожланиш тарихи (Гончарова И.И., Перфильева И.Ю. ва бошқалар); заргарлик иши назарияси ва амалиёти бўйича тадқиқот ишлари (Бреполь Э., Марченков В.И.) мазкур тадқиқотимизнинг методологик асосини ташкил этди.

Фалсафий, психологик-педагогик, бадиий фанлар таълими бўйича методик адабиётларни ўрганиш ва назарий жиҳатдан таҳлил қилиш; анъанавий амалий санъат соҳасидаги ва “Заргарлик буюмлари устаси” кичик мутахассислиги бўйича ўқув дастурларини таҳлил қилиш тадқиқотимизнинг методларини ташкил этди.

Ижод – бадиий асарнинг образли ғояси шаклланишидан бошлаб, уни рўёбга чиқаришгача бўлган жараён, борлиқни кузатишнинг бадиий образга айланиш жараёнидир [7]. Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, ижод ғоянинг “шаклланишидан унинг рўёбга чиқишигача” бўлган босқичли ривожланиш жараёни бўлиб, унинг бу жиҳати ўқувчиларнинг ижодий ривожланиши педагогик жараёнини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Биз олиб бораётган тадқиқотлар мана шундай йўналтирилганлиги билан характерланади. Шу ўринда таълим бериш жараёнини бир неча босқичларга ажратиш амалга оширилади ва таълим

олувчиларнинг таълимнинг ҳар бир босқичидаги бадиий-ижодий ривожланишларини ўрганиш, таҳлил этиш имконияти яратилади.

Ўз даврининг руҳиятини акс эттирувчи образ ўтмиш уста-заргарларининг диққат марказида бўлган: “Уста заргарлар... теварак олам билан бевосита узвий алоқадаги муҳитда, унинг шакллари, кўринишлари, воқеликлари намоён бўладиган муҳитда ижод қилганлар. Улар ҳайвонлар, паррандалар, ўсимликлар оламининг ҳаётини кузатиб борганлар. Ўтмишнинг уста заргарлари ўз ижодларида ўзлари учун одатий бўлган, ўз турмуш тарзларида мавжуд бўлган, меҳнат жараёнида амалга ошириладиган нарсаларни ўзларининг тушунчалари, тасаввурларидан келиб чиқиб акс эттирганлар” [2].

А.А.Мелик-Пашаев ижод фаолиятининг илқ асосларини қуйидагича таснифлайди: “Узоқ даврлар давомида психологлар инсон қобилиятлари бирор-бир фаолият турини эгаллаш жараёни билан боғлиқ равишда ривожланган деб ҳисоблаганлар. Мусиқага, ҳайкалтарошликка, математикага нисбатан боланинг қобилияти мусиқа, ҳайкалтарошлик, математика билан шуғулланиш жараёнида шаклланади. Бола юқоридагилар билан шуғулланиш жараёнида ўз қобилиятларини намоён этмайди, уларни ривожлантирмайди, балки уларни илқ кўринишда шакллантира бошлайди [5]. Таълим олувчи билан иш олиб боришнинг энг муҳим вазифаларидан бири шуки, унинг натижасида бола “ўз қобилиятларини ривожлантира олсин, ўзида табиатан мавжуд бўлган ижодий куртакларни, ибтидонини намоён эта олсинки” [5], касбий таълимнинг пировард натижасида ўз индивидуал хусусиятларига, ўз ижодий услубига эга бўлган уста-заргар шакллансин.

А.А.Мелик-Пашаевнинг фикрига кўра “бадиий қобилиятларнинг асоси мусаввирлик, мусиқа ва санъатнинг бошқа турлари билан шуғулланиш учун зарур бўлган сифатлардан иборат эмас, балки қобилиятларнинг асоси мусаввирнинг (рассомнинг) борлиқ теварак оламга яхлит тарздаги ва ўз диққатини жалб этган, ўзи тасвирлайдиган ҳар қандай нарса, воқеликларга ўзига хос муносабатларидан иборат” [5].

* Камолов И.Б. – ҚарДУ катта илмий ходим-изланувчиси.

Маълумки, психология инсон қобилиятлари ривожланишининг умумий қоидаларини, қонуниятларини аниқлайди. Қобилиятлар фаолият жараёнида намоён бўлади ва улар фақат шу қобилиятлар мавжуд бўлмаганда амалга ошириш мумкин бўлмаган фаолият турларидагина намоён бўлади. Шунинг учун ҳам инсонни заргарлик ишига ўқитишга киришмасдан, унинг қобилиятлари ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Қобилиятлар ўқувчининг иш услубларини, ранглар мутаносиблигини қанчалик тез ва осон ўзлаштиришларида ва меъёр ритм хиссиётларининг қай даражада ривожланганлигида намоён бўлади.

Бадий қобилият компонентлари орасида ўқувчиларнинг ижодий ривожланишлари учун муҳим аҳамиятли бўлган қуйидаги компонентларни ажратиш мумкин: материални умумлаштириш қобилияти, ташқи кўринишлардаги тафовутларда асосий моҳиятни ажрата билиш, улардаги умумийликни кўра олиш; белгили символикалар билан ишлай олиш қобилияти; фикрлашнинг мослашувчанлиги, фикрлашни бошқа йўналишга кўчира билиш қобилияти; бадий хотира; фазовий тасаввурга эга бўлиш қобилияти.

Бизнинг фикримизча, ижодий тафаккурнинг ривожланиши учун дивергент фикрлаш, тасаввур, фараз қилиш қобилиятлари, шунингдек, ички мотивациянинг мавжуд бўлиши, теварак борлик оламни, унда рўй бериётган воқеа-ҳодисаларни образли идрок этиш, тасаввур қилиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади.

“Идрок этиш – предметлар, вазиятлар, воқеликларнинг яхлит акс этирилиши. Идрок этиш – психик билиш жараёни бўлиб, бу жараённинг натижаси предмет ва ҳодисаларнинг, уларнинг хусусиятлари ва белгилари билан ҳиссиёт органларига бевосита таъсир кўрсатувчи субъектив образлар ҳисобланади” [3]. Композицияга оид таълим бериш (ёки композицион таълим) жараёнида визуал ва вербал идрок этиш бир хил аҳамиятга эга. Визуал идрок этиш ташқи олам таъсирида шаклландирган шахсий ҳиссий кечинмалар билан уйғун бўлган ассоциатив ҳиссиётлар, гўзалликни ҳис қилиш кабилар билан боғлиқ бўлади. Идрок этиладиган нарса ва воқеликларнинг моҳиятини кўрилганлари билан қиёслаш орқалигина англаш ва тушиниш мумкин (визуал кўрилган нарсаларни аконстант ва констант идрок этиш).

Ўтмиш тажрибасини билиш, ҳозирги даврга оид ахборотларни, фикрларни, ғояларни ўзлаштириш, уларни келажакда зарурий интеграциялаштириш кабиларни қамраб олувчи ижодий онг шаклланишининг биринчи босқичи - хотирадир” [3]. “Хотира - ҳаётий тажриба ва касбий маҳоратнинг хазинасидир” [6].

Замонавий психологик-педагогик луғатларда хотира қуйидагича тасниф берилган: жорий маълумотларни эслаб қолиш, аввал эсда қолдирилган нарса ва ҳодисаларни такрор идрок этиш орқали уларни фаолиятда қўллаш ёки эсга тушириш жараёнлари. Хотира касбий фаолиятнинг муайян бир турига оид махсус қобилиятларнинг асосий кўрсаткичи бўлган ҳаракатга келтирувчи

малакалар шаклланишининг тезлиги ва мустаҳкамлиги асосида ётади. Касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим ва ҳаётий тажриба хотирада жамланади [3]. Хотира фикрлаш операцияларини билиш ва уларни қўллаш олиш малакасини талаб этадиган интеллектуал ривожланишининг негизида ётади.

Уста – заргар ўзида хотирани, яъни кўриб ёдда олиб қолиш қобилиятини (визуал хотира) ривожлантириши лозим. Заргарларнинг кўриб эсда олиб қолиш хотираларини (визуал хотира) машқ қилдириш ва ривожлантириш мақсадида махсус топшириқлар ишлаб чиқилган. Улар: 1) Хотирага таяниб заргарлик санъати маҳсулотлари ва уларнинг элементлари чизгиларини яратиш; 2) Ишлов берилган қимматбаҳо ва оддий тошлар шаклини хотира асосида рангли тасвирлаш; 3) Кўриб чиқилган каталоглардан ёдда қолган заргарлик буюмларини чизиб (яхшилари ва сифатсизларини, ёққан ва ёқмаганларини); 4) Турли хил музейлар ва кўргазмаларга ташрифдан сўнг хотирада қолган заргарлик санъати намуналарининг чизмаларини чизиб, ҳисобот тайёрлаш.

Ўқувчи қанчалик кўп буюмларни кўриб, ўрганса, унда ҳиссий кечинма ва амалий тажриба қанчалик кўп бўлса, у ўқув материални шунча яхши ўзлаштиради, ўз ҳаётий тажрибасида шунча кўп фаолият компонентларига эга бўлади, унинг тасаввурий фаолияти шунчалик сермахсул ва самарали бўлади. Фантазия ижоднинг муҳим компоненти ҳисобланади. Фантазия хотирага зид эмас, у хотирага таянади ва унинг маълумотларидан янгидан-янги бирикмалар яратади [1]. Композицияга оид янги вазифани бажаришга киришаётганларида одатда ўқувчилар: “мен муайян маълум мотивларни қўлламоқчи эмасман, мен ўзим “ниманидир” яратаман ва мен яратган нарса жуда гўзал бўлади”, деб фикр юритадилар. Бу ўринда улар “тасаввур борлиқда мавжуд нарсаларнигина акс этирилишини” унутиб қўйган бўладилар. Энг фантастик ижод намуналари ҳам пировард натижада реал борлиқдан олиниб, тасаввур ёрдамида қайта ишланган ёки ўзгартирилган элементларнинг янги комбинацияси, бирикмасидир.

Тасаввурни одатда мавжуд тушунчалар, билимлар, тажриба асосида янги образ, фикр, ғоялар яратиш қобилияти, шунингдек, шахснинг ташқи оламдан олган образлари захираси билан эркин муомала қила олиши, уларни эркин равишда комбинациялаш натижасида инсон тажрибасида аввал учрамаган бирикмаларни яратиши деб тушунилади. “Тасаввур қилиш кўзга кўринмайдиган мазмунни ифодалаш воситасини топиш демакдир” [5].

Тасаввурнинг икки шакли мавжуд: пластик ва ҳиссий-эмоционал ёки ички ва ташқи тасаввур мавжудлиги қайд этилган [1]. Пластик тасаввур асосан “ташқи таассурот маълумотларига асосланиб, ташқи олинган элементлар таяниб қурилади; ҳиссий-эмоционал тасаввур ички элементларга асосида шаклланади. Уларнинг биринчисини объектив тасаввур, иккинчисини эса субъектив тасаввур деб аташимиз мумкин. Эмоциялар турли

хаётий воқеликларга реакция, муносабатларда юзага келади ва хурсандлик ҳамда ғамгинликда, яхшилик ва ёмонликда номоён бўлади. Заргарлик безакларида ҳам худди шундай ҳиссий-эмоционал чизгилар мавжуд. Пасайиб борувчи чизиқ ва шакллар ғамгин кайфият уйғотишини сезиш мумкин. Модернда меланхоликлик айнан шундай чизиклар билан яратилади. Юқорига йўналтирилган байрамона кайфият яратади.

Уста – заргар шахсини самарали шакллантиришнинг уч модулдан: мазмуний, психологик ва моддийликдан иборат бўлган психологик-педагогик шарт-шароитларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Мазмуний модулга қуйидагилар: ўқув режалари ва дастурлари; дарсликлар ва ўқув қўлланмалари; ўқув топшириқлари; билим ва кўникмаларни назорат қилиш шакллари; қўшимча ахборотлар қиради.

Психологик модулга қуйидагилар: эмоционал қулай муҳит; ўзлаштириш мумкин бўлган даражадаги билимлар; иш жараёнида ўзлигини ҳис этиш, ўзига, ўз билим ва кўникмаларига ишонч; жамоатчилик (жамоа) фикри; машғулот шакл ва методларининг қизиқарли бўлиши, ўзига жалб этиши қиради. Ўқувчи учун яратилган психологик оптимал шарт-шароитлар ҳиссий-эмоционал қулай бўлган муҳитни вужудга келтиради. Ҳиссий-эмоционал қулай муҳит деганда ўқувчилар ва педагог орасидаги ҳамжихатлик, гуруҳ, курс,

коллежда ўқувчилар орасида дўстона (ҳеч бўлмаганда толерант) муносабатлар мавжуд бўлиши, шунингдек, бир-бири учун жонқуярлик, оқибатлилиқ, ўзаро ёрдам муҳитининг мавжуд бўлиши англанади.

Моддий модулга қуйидагилар қиради: жиҳозланган устахоналар; асбоб-ускуна жамланмалари; зарурий материалларнинг мавжуд бўлиши (металлар, тошлар, бензин, полировка пасталари; заргарлик маҳсулотлари намуналари; ўқув жадваллари ва кўргазмалари қурооллар; заргарлик санъати тарихи ва технологияларига оид китоблар, каталоглар, альбомлар; мультимедиа қурилмалар.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, композицияни ўрганиш жараёнида ўқувчининг ижодий тасаввурлари ривожланишининг психологик-педагогик шарт шароитлари қуйидагилардан иборат: бадий идрок ва бадий ижодий фаолиятга йўналтирувчи муҳитнинг мавжуд бўлиши; бадий ижодий ривожланиш механизмларидан фойдаланиш – визуал хотирани машқ қилдириш; ҳиссий-эмоционал тажрибани орттириб бориш, дунёқарашни кенгайтириш; бадий комбинаторика қобилиятларни ривожлантириш; ассоциациялаш қобилияти ва маълумотларни кўчириш (ўтказиш, етказиш); бадий фаолият воситалари ёрдамида илк нишонларни, куртакларни ўзгартириш; кўз билан реал қўрилганни фаол идрок этиш, уни бадий ишлов бериш йўли билан бадий образга айлантириш.

АДАБИЁТЛАР

1. Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. - М.: Просвещение, 1991. – С. 93.
2. Гольдберг Т.Г., Мишуков Ф.Я., и др. Русское золотое и серебряное дело XV-XX вв. - М.: Наука, 1967. – С. 304.
3. Ермолина—Томина Л.Б. Психология художественного творчества. - М.: Академический проект: Культура, 2005. – С. 145.
4. Kamolov I.B. Major components and topics of disciplines according to the composition of jewelry as a pedagogical objective of the creative development of college art students. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. Progressive Academic Publishing, UK. Volume 4 Number 2, 2016. ISSN 2056-5852, P.41-46.
5. Мелик-Пашаев А.А. Способности человека к художественному творчеству // Искусство в школе. 1996. № 4. – С.30-34.
6. Петрушин В.И. Психология и педагогика художественного творчества: учебное пособие для вузов.- 2-е изд. -М.: Академический проект; Гаудеамус, 2008. – С. 490.
7. Художественно- педагогический словарь/Сост. Н.К. Шабанов, О.П.Шабанова и др. М.: Академический Проект: Трикта, 2005. – С. 480.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается изучение и освоение окружающего мира в понимании будущего мастера-ювелира, его реальность и многочисленные нюансы составляют арсенал интеллектуального, эмоционального, мировоззренческого опыта учеников. Все это позволяет моделировать новые формы непохожие на реальные, хотя в их основе всегда лежат образы реального мира. Они возникают часто неожиданно на основе ассоциаций, запас которых зависит от степени развитости ассоциативного мышления и опыта восприятия. Гипотезы развиваются на основе представлений. Представления обычно понимаем как способность, заключающуюся в создании новых образов, идей мыслей на основе имеющихся воображений, знаний, опыта, а также умений свободно обращаться с тем запасом образов, которые человек получает из внешнего мира, произвольно их, комбинировать создавая или предугадывая такие сочетания, которые не встречались в прежнем опыте человека.

Ключевые слова: творчество, способность, учащиеся, художник, ювелир, умственный труд, деятельность.

RESUME

The article describes the study and exploration of the surrounding world in understanding the future artist-jeweller its reality and many nuances is an arsenal of intellectual, emotional, ideological experience students. And it allows you to simulate different new forms for real, although they always lie real world images. They occur suddenly, often based on associations, which depends on the degree of associative thinking and experience of perception. The hypothesis is based on the submission. Representations are usually understood as the ability of position to create new images, ideas, thoughts, imaginations, based on existing knowledge, experience, and ability to freely treat those stock images that a person receives from the outside world, arbitrarily combine them, creating or anticipate such combinations that have not met in previous human experience.

Key words: creativity, ability, students, artist, jeweler, brainwork, activity.

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРЛАРНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Камолова Д.А. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада қадриятлар тушунчаси, умуминсоний ва миллий қадриятлар, ҳамда уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни масалалари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, мақола муаллифи айрим ўзбек миллий қадриятларининг ўзига хос жиҳатларини ҳам муҳокама қилади.

Калим сўзлар: қадрият, умуминсоний, маданият, маънавият, миллий, миллий онг, миллий гоёя, глобаллашув.

Юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қатори маънавий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Мамлакатимизда ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳар бир миллатнинг мавжуд бўлиши учун унга хос бўлган хусусиятлар, яъни миллатнинг ўзига хос жиҳатлари сақланиб қолиши муҳимдир. Мазкур мақолада биз умуминсоний қадриятларнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишни мақсад қилдик.

Қадриятлар маълум бир жамият ва миллатга мансуб кишилар ҳаёт тарзи ва маданиятининг у ёки бу турдаги неъматлари бўлган табиат ва жамият ҳодисаларининг асл моҳиятидир. Бу унсурларнинг қадриятлар деб аталишига сабаб шуки, кишилар уларни қадрлайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойтади. Шунинг учун ҳам кишилар ўз тасарруфларидаги қадриятларни асраб-авайлашга интиладилар ва ўзлари учун мақсад ва идеал бўлган қадриятларни амалга оширишга ҳаракат қиладилар.

Қадриятлар орасидаги энг асосийси ва бирламчиси бу ҳаётнинг ўзидир, чунки инсон фақат ҳаёт бўлгандагина қадриятларга амал қилишга имкон бўлади.

Қадриятларни уларнинг моҳиятига кўра бир неча турга бўлиш мумкин. Энг олий қадрият сифатида инсон ва унинг ҳаётини ажратиш кўрсатиш мумкин, чунки фақат инсон тирик бўлган ҳолатдагина маълум бир нарсанинг қадр-қиммати ҳақида сўзлаш мумкин бўлади. Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг асл мақсади ҳам айнан инсоннинг яшаш шароитларини яхшилаш, уни эъзозлаш, билим олиши ва малакали тиббий хизмат олишига шароит яратиш ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг барчаси ҳам аслида фуқароларнинг ҳаёти тўқ, бой, гўзал бўлиши, уларнинг ҳар бири ўзини чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнати натижасининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

Миллий қадриятлар ҳақида сўз юритар эканмиз, ўз тарихимиз ҳақидаги аниқ ва ҳаққоний маълумотларни ёшларимизга етказишимиз лозим бўлади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганларидек “... Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас”

[1]. Шу нуқтаи назардан таъкидлаш лозимки, ўзбек халқининг миллий қадриятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш бевосита равишда миллат тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Маълум бир миллатга хос бўлган қадриятларнинг намоён бўлиши ва тарихий ривожланишда айрим жиҳатларга эътибор бермоқ керак. Улар:

- маълум бир макондаги бир жамиятга ёки миллатга мансуб кишиларнинг яшаш шароити, жамиятнинг тарихий ривожланиши ва ижтимоий ҳолати кишиларнинг онгига, ҳаётига ўзига хос тарзда таъсир қилади;

- маълум бир миллатга мансуб кишиларнинг ўзаро муносабатларида, биргаликдаги фаолиятларида юзага чиқади; айнан шу муносабатлар биргаликдаги бошқа ҳаракатлар учун ўзига хос асос бўлади;

- барча соҳалардаги кишилар учун зарурият сифатида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиши ҳам мумкин;

- миллатнинг ижтимоий ривожланиши асносида ўзгариб, такомиллашиб, турфа хил жиҳатлар кашф этиб боради, доимий равишда янгилашиб туради, шу билан бирга авлоддан-авлодга ўтади, мерос қолади.

Бизнинг фикримизча, миллий қадриятларнинг қуйидаги шаклларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- миллатнинг ўзига хос жиҳатларга эга бўлиши, табиий бетакрорлиги, маълум бир тарихий ўзгаришларга учраш имконияти ва ижтимоий ранг-баранглиги (генофонди);

- миллат тарихи, ўтмиши, келажаги ва маънавий мероси;

- миллий ҳудуд, моддий ва маданий яшаш шароитлари;

- урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, турмуш тарзи ва бошқалардаги миллийлик;

- миллий тил, миллий маданият ва маънавият, миллий онг ва миллий рух, миллий туйғулар ва гоёялар [2].

Бугунги кундаги глобаллашув жараёни натижасида ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатлар юзага чиқмоқда. Албатта, бирон-бир давлат ёки миллат ўз қобиғига ўралиб олган ҳолда тараққий эта олмайди. Афсуски, шу билан биргаликда, айнан халқлар ўртасидаги ўзаро алоқалар натижасида айрим ҳолларда миллий ўзига хосликка путур етиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Шу маънода ҳам умуминсоний, ҳам ҳар бир миллатга хос бўлган қадриятларнинг йўқолиб боришига олиб борувчи омилларга қарши курашиш ҳозирги куннинг энг

* Камолова Д.А. – ЎзДЖТУ ўқитувчиси.

актуал муаммоси бўлиб қолмоқда. Бирок, бу кураш фақатгина маълум бир миллат ёки давлат доирасида эмас, балки бутун инсоният томонидан олиб борилган ҳолдагина натижа бериши мумкин.

Урф-одат ва анъаналари ҳамда дини, тарихий ўтмишлари, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатлари хилма-хил, ҳаттоки, бир-бирларига зид бўлган миллат ва элатларни тараққиётнинг турли босқичида, ҳаттоки, қарама-қарши ижтимоий-иқтисодий тузумда турган халқларни бир-бирларига яқинлаштиришда, уларни қайси миллат ва элатга, синф ва ижтимоий гуруҳга мансуб бўлишларидан қатъи назар бир инсон фарзанди эканликларини ҳис этишида ва бу омилнинг устувор омил эканлигини тушуниб етишида ҳамда шу асосда жаҳон ҳамжиҳатлигини вужудга келтиришда умуминсоний маънавий кадриятларнинг аҳамиёти беқиёсдир.

Умуминсоний маънавий кадриятлар мураккаб қисмга эга бўлиб, инсон маънавий ҳаётининг барча соҳаларида намоён бўлади. Умуминсоний маънавий кадриятлар – бу барча халқлар урф-одат ва анъаналаридаги, дин ва ҳис-туйғулардаги, ўзаро муносабатлар, уларнинг ахлоқий ва эстетик қарашларидаги, ҳуллас, инсонлар маънавий ҳаётидаги умумий томонлардан иборатдир. Умуминсонийлик, айниқса, илм-фан соҳасида намоён бўлади. У ўз мазмуни билан умуминсоний характерга эгадир. Лекин илм-фан айрим халқларнинг забардаст фарзандлари томонидан ривожлантирилади ва буюк кашфиётлар қилинади, бу жиҳатдан ҳамда уларнинг миллий тилларида ифодаланиши нуктаи назардан олганда, уларнинг миллийлигидан далолат беради.

Умуминсоний кадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳақида сўз очар эканмиз, ҳурматли биринчи Президентимизнинг “Ҳеч бир халқ, ўз-ўзини англамасдан, миллий маданияти, миллий кадриятларини авайлаб-асраб сақламасдан туриб, бошқа халқларининг кадриятларига ҳурмат-иззат билан қарай олмайди”, [3] деган фикрлари ёдимизга тушади. Шунинг учун миллий кадриятларнинг тикланиши умуминсоний кадриятлар сари ривожланишнинг яқкаю ягона йўлидир.

Ўзбек миллатининг ҳалол яшашга, бошқаларга, ҳатто ўз рақибига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлганлиги ҳақида тарихий манбалардан кўп маълумотлар олиш мумкин. Ана шундай кадриятларнинг ёрқин мисолини биз миллий спорт тури бўлмиш курашда ҳам кузатишимиз мумкин. Икки рақиб кураш тушишдан олдин бир-бирларига таъзим қилишлари лозим бўлади. Баҳс давомида эса рақибнинг курагини ерга теккиза олган курашчигина ҳаққоний ғолиб бўлади. Бу жиҳатни биз мазкур миллий спорт турида қўлланилувчи “ёнбош”, “чала”, “ҳалол” каби ибораларда ҳам кўришимиз мумкин. Фақатгина сўнги “ҳалол” эътирофига муносиб курашчигина ҳақиқий ғолиб бўла олади. Ҳозирда бу спорт турининг бутун дунёга тарқалганини ва ундаги юқорида қайд этилган ибораларнинг дунё

ареналарида баралла янграши эса барчамизни ғурурлантиради.

Ҳар бир халқга хос бўлган кадриятларни шу халқ маданиятида ўз аксини топиши табиий ҳолдир. Шу нуктаи назардан биз ўзбек маданиятига хос бўлган бошқа бир инсонга мулозамат қилган ҳолда ҳурмат билан муомалада бўлишини яққол кўрсатувчи бир мисолни ҳам таҳлил қилишни ният қилдик. Бу жиҳат ўзбек халқининг нутқ маданиятига хос жиҳат бўлиб, унга кўра бирор-бир кишининг исмига қўшимча равишда –*жон* қўшимчасини қўшиб қақиришади. Бунда мурожаат қилинаётган шахснинг ўзбек миллатига хос бўлиши шарт эмас, зеро биз кўп ҳолларда “*Игоржон*”, “*Максимжон*” каби мурожаатларни тез-тез эшитишимиз мумкин. Агар биз бошқа инсонлар билан мулоқот улarga бўлган мурожаат билан бошланишини ҳисобга олсак, бу жиҳатнинг нақадар муҳимлигини ҳис қиламиз. Қуйида келтирилган иккита гапдаги ҳолатни инглиз тилига таржима қилдик ва ўзбек маданиятига хос жиҳатнинг инглиз тилида ифодаланишига эътибор қаратдик:

Erkin, mana buni ko'tarishib yubor. / Erkinjon, mana buni ko'tarishib yubor.

Help me to lift this, Erkin. / Dear Erkin, please help me to lift this.

Бу икки ҳолатни солиштирар эканмиз, биз қайси ҳолатда тингловчи ёрдамга тезроқ ёрдамга шошишини тушунимиз қийин кечмайди. Бу ҳолат эса ўзбек миллатига хос бу жиҳатнинг ўзига хос эканлиги ва уни бошқа бир тилда айнан шу мазмунда ифода қилиш осон юмуш эмаслигини англашимиз мумкин.

Миллий-маданий хусусиятлар ва кадриятларнинг тилда қандай намоён бўлиши масаласи бир қатор тилшунослар тадқиқотларида ёритилган. Мазкур соҳадаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, миллий-маданий хусусиятларга эга тил бирликлари сифатида, асосан, реалиялар ва фразеологизмлар эътироф этилади. Аммо, Д.Ашурованинг фикрича, миллий-маданий хусусиятларга эга тил воситалари реалиялар ва фразеологизмлар билангина чегараланмай, миллий-маданий ўзига хослик тилнинг барча сатҳларида: фонетик, лексик, грамматик, фразеологик, сўз ясалишида ҳам акс этади. Миллий-маданий ўзига хосликни ифода этувчи воситаларига: стилистик воситалар (метафора, метонимия, ўхшатиш, символ ва б.), экспрессив деривация, фразеология, ва бошқалар киришини таъкидлайди [4].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги глобаллашув жараёнида умуминсоний кадриятлар билан биргалликда ҳар бир миллатга хос бўлган жиҳатларнинг ҳам асраб авайланиши ва улarga риоя этилишини таъминлаш жуда муҳимдир. Зеро ўз миллий кадриятларидан яхши хабардор бўлган халқни енгиб бўлмайди. Шу маънода юртимиздаги ҳар бир ёши улуг инсон ёшларимизга ўзбек миллатининг кадриятларига ҳурмат руҳини сингдириши ва биринчи навбатда ўзлари улар учун ўрнатилган бўлишлари лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. - Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.153.
2. Муҳамедова З.А. ва бошқалар. Умуминсоний қадриятларнинг жамиятимиз маънавий покланишидаги роли (Услубий қўлланма). - Т.: Маънавият, 2002. – Б.18.
3. Ислон Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б. 36.
4. Ашурова Д.У. Новые подходы к лингвистике текста // Хорғижий filologiya. – Самарқанд, 2011. -№3. – С. 27.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются также понятия как “ценность”, общечеловеческие и национальные ценности и их роль в жизни человека. А также автор статьи рассуждает особенности некоторых узбекских национальных ценностей.

Ключевые слова: ценность, общечеловеческий, культура, духовность, национальный, национальное сознание, национальная идея, глобализация.

RESUME

The notions as value, universal and national values and their role in the life of people are discusses in this article. The author of the article also discusses the peculiarities of some Uzbek national values.

Key words: value, universal, culture, spiritual, national, national perception, national idea.

ЦЕННОСТНОЕ ОТНОШЕНИЕ ЛИЧНОСТИ К ЗДОРОВЬЮ: ОБЗОР ЗАРУБЕЖНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

Карамян М.Х. *

РЕЗЮМЕ

Цель данной статьи – анализ зарубежных исследований ценностного отношения личности к здоровью. В статье рассматриваются сложность, целостность и многоаспектность понятия «здоровье». Кратко раскрывается суть биопсихосоциального и культурно-деятельностного подходов к пониманию здоровья. Подчеркивается значение теории отношений В.Н.Мясищева для исследования феномена ценностного отношения к здоровью. Обсуждаются результаты исследований когнитивного, эмоционального и мотивационно-поведенческого компонентов ценностного отношения личности к здоровью. Показано, что психосоциальные особенности личности, в том числе локус контроля здоровья и самоофективность оказывают влияние на следование человеком здоровому образу жизни.

Ключевые слова: здоровье, психология здоровья, биопсихосоциальный подход, культурно-деятельностный подход, ценностное отношение к здоровью, когнитивный, эмоциональный и мотивационно-поведенческий компоненты отношения к здоровью, здоровое поведение, локус контроля здоровья, самоофективность личности.

Здоровье на всех этапах развития человеческой цивилизации обладало и обладает высокой индивидуальной и социальной ценностью, а вопросы его сохранения и укрепления являются глобальными для всего человечества. Представляя собой ключевую составляющую социально-экономического и культурного развития страны, здоровье выступает в качестве своеобразного стратегического потенциала и фактора благополучия общества. Именно в связи с этим охрана здоровья населения является одним из важных направлений социальной политики.

Ценностное отношение личности к здоровью – один из ключевых вопросов в современной социальной психологии здоровья, поиск ответа на который выражается в следующем: как способствовать тому, чтобы здоровье выступало для человека не средством достижения других целей, а как самоценная потребность?

Целью настоящей статьи выступает анализ результатов зарубежных исследований ценностного отношения личности к здоровью. Реализация этой цели требует обсуждения методологических подходов к пониманию феномена здоровья, определения и компонентной структуры ценностного отношения к здоровью.

Методологические подходы к пониманию феномена здоровья. Хотя в современной научной литературе существует более 100 определений понятия «здоровье», наиболее распространенным является определение здоровья, данное ВОЗ. Согласно этому определению, здоровье – это «состояние полного физического, психического и социального благополучия, а не только отсутствие болезней и физических дефектов» [13, с.1]. Это определение согласуется с биопсихосоциальной парадигмой Д.Энджела (1977), отражающей экосистемное понимание природы заболеваний и здоровья и лежащей в основе современной социальной психологии здоровья [5; 9; 16].

Биопсихосоциальный подход исходит из понятия о целостности человека, сложности причин, обуславливающих его поведение, о значении всех

аспектов жизни человека в понимании состояния здоровья и болезни, поэтому другое название этой модели – «холистическая». Это понятие, по мнению, Н. Берковитц (1998), является одновременно и экологическим, и системным. Оно является экологическим, так как подразумевает существование взаимозависимости между индивидом и окружающей средой, которая представляет собой связанные и взаимоизменяемые уровни социальной организации. Системным же это понятие считается потому, что включает в себя представление о биологических, психологических, социальных факторах как важных детерминантах здоровья и болезни [9].

Биопсихосоциальная модель здоровья учитывает психосоциальный контекст при рассмотрении здоровья и болезни и подчеркивает роль эмоциональных, мотивационных и личностных характеристик человека в определении состояния его здоровья [5; 9; 16].

Феномен здоровья также рассматривается в контексте культурно-деятельностного подхода. По мнению М.Г.Чесноковой, «проблема здоровья как системного качества тесно связана с разрешением индивидом реальных жизненных противоречий и коллизий и выступает перед ним как индивидуальная жизненная задача» [17, с. 27]. М.Г.Чеснокова предлагает рассматривать здоровье человека как высшую психическую функцию (ВПФ), которая есть продукт развития, включающего две стадии – интерпсихическую, социальную и интрапсихическую, индивидуальную.

В культурно-деятельностном подходе придается значение влиянию социальных факторов на состояние здоровья человека, которое как ВПФ представляет собой произвольно регулирующуюся систему. Важным при этом выступает понимание здоровья как динамического образования, связанного с достижением баланса на каждом новом этапе социального и личностного развития. Формирование человеком своего здоровья определяется его психофизиологическими особенностями и уникальностью его социальной

* Карамян М.Х. – доцент кафедры психологии НУУз, канд. психол. наук.

жизненной ситуации. Этот подход раскрывает роль культурных средств, которые используются человеком для выстраивания своего здоровья и которые зависят от данного исторического этапа [17].

В контексте обсуждения ценностного отношения личности к здоровью особое значение приобретает развитие самосознания человека. В культурно-деятельностном подходе рассматриваются стадии формирования представления о здоровье: «осознание здоровья как инструментальной ценности; осознание здоровья как цели; осознание здоровья как способа существования» [17, с.29].

Таким образом, анализ показывает, что в науке при определении сущностных признаков здоровья постепенно происходит смещение акцента с медицинского в сторону биопсихосоциального подхода, учитывающего особенности культурного развития человека. Здоровье предстает как интегративная характеристика личности и рассматривается сквозь призму личностного роста человека, его стратегии совершения выборов в процессе жизни.

Ценностное отношение личности к здоровью. Одним из важных факторов, воздействующих на состояние здоровья человека, является его отношение к своему здоровью. Согласно ВОЗ, отношение к здоровью – это «любая мера, предпринятая индивидуумом, независимо от фактического или субъективно воспринимаемого состояния здоровья, с целью укрепления, защиты или поддержания здоровья (при этом объективная эффективность такого поведения с точки зрения цели в расчет не берется)» [8, с.23].

В психологической науке понятие «отношение к здоровью» рассматривается с позиции теории отношений В.Н.Мясищева и определяется как «система индивидуальных, избирательных связей личности с различными явлениями окружающей действительности, способствующих или, наоборот, угрожающих здоровью людей, а также определенная оценка индивидом своего физического и психического состояния» [11, с. 279].

В психологии принято обсуждать отношение к здоровью, используя прилагательное «ценностное». Именно сочетание термина «отношение к здоровью» с понятием «ценностное» раскрывает не только социокультурную обусловленность данного феномена, но и подчеркивает его психосоциальную природу, роль собственно психологических механизмов в его формировании.

Ценностное отношение к здоровью представляет собой индивидуально своеобразную установку человека «быть здоровым». Эта установка, в частности, выражается в поддержании человеком оптимального уровня физической активности, приверженности нормам правильного питания и отказе от употребления табака. Например, согласно данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), отсутствие у человека физической активности является четвертым по значимости фактором риска смерти в мире;

физически активные люди имеют более низкие показатели ишемической болезни сердца, высокого кровяного давления и инсульта, легче поддерживают нормальный вес [7]. Риск развития инфаркта или инсульта начинает снижаться сразу же после прекращения употребления табачных изделий, а через год может снизиться на 50 % [7].

Т.А.Березовская определяет ценностное отношение к здоровью как своеобразный механизм регуляции поведения, которому придается высокая субъективная значимость. Согласно ее взглядам, осознание здоровья в качестве ресурса для реализации своих жизненных задач способствует совершению человеком действий по его сохранению и укреплению [2]. По мнению Т.В.Белинской (2005), психологическим механизмом развития ценностного отношения к здоровью является целенаправленная активная деятельность субъекта по преодолению противоречия между осознанием ценности здоровья и реальным поведением, опосредуемая внутриличностными условиями и применяемыми средствами развития [1].

Согласно концепции В.Н.Мясищева, отношение к здоровью включает в себя три основных компонента:

- когнитивный компонент, характеризующий представления человека о здоровье, здоровом поведении и здоровье;
- эмоциональный компонент, отражающий переживания и чувства человека в связи со здоровьем и болезнью;
- мотивационно-поведенческий компонент, связанный с определенными действиями, поддерживающими здоровье и преодолевающими болезнь, т.е. здоровое поведение [11].

Выделение когнитивного, эмоционального, мотивационно-поведенческого компонентов в структуре отношения к здоровью на основе концепции отношений позволяет изучить данную проблематику с позиций системного подхода к пониманию здоровья.

Когнитивный компонент ценностного отношения к здоровью. Формирование у человека ценностного отношения к здоровью не может быть основано только на информировании людей о пользе или опасности для здоровья определенного стиля поведения. Однако, исследования показывают, что люди не всегда понимают конкретные опасности для здоровья, например, связанные с употреблением табака. Так, изучение представлений курильщиков о курении и его последствиях для здоровья, проведенное в 2009 году в Чили, выявило интересные факты: только 38% курильщиков знают о том, что курение приводит к развитию ишемической болезни сердца, а 27% – о том, что оно вызывает инсульт [7].

Представления человека о своем здоровье как составляющие когнитивного компонента отношения к здоровью являются предметом исследований многих авторов. Так, исследование О.С. Васильевой и Ф.Р. Филатова указывает на то, что у младших школьников недостаточно развиты представления о

здоровье. Они преимущественно связаны с негативными аспектами (с болезнью), что говорит также о влиянии уровня личностной зрелости на отношение к здоровью [6].

В.М. Кабаева (2002) отмечает, что можно выделить три группы подростков, условно названные «нигилистами», «нейтралами», «фанатами», на основе их описательно-поведенческих характеристик отношения к здоровью. «Нигилисты» характеризуются потребительской установкой к собственному здоровью и отсутствием интереса к проблеме здоровья и ведения здорового образа жизни. «Нейтралов» отличает последовательная заинтересованность в получении знаний о психическом благополучии, методах поддержания и укрепления своего здоровья. «Фанаты» выделяются активной позицией в формировании себя как уверенной личности, стремлением овладеть разными здоровьесберегающими технологиями и вести здоровый образ жизни [10].

И.Б. Бовина (2005) выявила, что здоровье ассоциируется у молодежи с характеристиками физического благополучия (внешними характеристиками здоровых людей, физическими ощущениями здоровья), позитивными эмоциональными проявлениями и поведением. В ядро представлений о здоровье включаются спорт, красота, сила, радость, бодрость и жизнь, а в периферическую систему – хорошее настроение, болезнь, хорошее самочувствие, счастье, правильное питание, веселье, уверенность в себе, витамины, энергии, активность, свежий воздух [3].

Ю.В.Филатова изучала ценностное отношение к здоровью у женщин с раком молочной железы (РМЖ). Было выявлено, что женщинам с РМЖ свойственно определение здоровья через следующие характеристики: когда ничего не болит (не думаешь о болезнях) – 42%; гарантия будущего, спокойствие, уверенность в завтрашнем дне – 36%; когда оно есть, его не замечаешь – 34%; это основа всей жизни, без него ничего невозможно – 31%. Другими словами, у женщин с РМЖ понятие «здоровье» чаще всего связывается с отсутствием болезненных ощущений, заболевания. Можно сказать, что важный смысл ценность здоровья приобретает в контексте всей жизни (особенно ее активности, полноценности), перспектив будущего [14].

Исследования когнитивного компонента ценностного отношения к здоровью связаны и с грамотностью человека в вопросах здоровья, его способностью осуществлять поиск и понимание необходимой информации. Fernandez и др. (2016) выявили у взрослых людей положительную взаимосвязь между высокими показателями самооценки своей грамотности в вопросах здоровья и физической активностью и регулярным проведением маммографического обследования [21].

Эмоциональный компонент ценностного отношения к здоровью. Рассмотрим результаты исследований самооценки здоровья как

составляющей эмоционального компонента отношения к здоровью. Так, исследование В.Бодровой (2008) показало, что 83,2% респондентов оценивают свое здоровье в рамках положительных параметров (хорошее и удовлетворительное). По результатам исследования выяснилось, что мужчины более оптимистичны в оценке своего здоровья по сравнению с женщинами; что испытуемые 18-29 лет максимально высоко оценили свое здоровье в сравнении с другими возрастными группами [4].

А.В. Решетников (2003) считает, что самооценка человеком состояния своего здоровья носит субъективный характер и определяется такими факторами как психологические особенности индивида (пессимисты и оптимисты); самочувствие в момент опроса; состояние здоровья окружающих; частота и тяжесть заболеваний, перенесенных респондентом в последние годы; информированность о результатах медицинского обследования; состояние окружающей среды; степень удовлетворенности уровнем медицинского обслуживания. Вероятно, во избежание неверных результатов, следует исследовать самооценку здоровья в сочетании с другими факторами и переменными [12].

Э.А.Фомин, Н.М.Фёдорова отмечают также влияние психоэмоционального переживания или ощущения одиночества на оценку человеком своего здоровья. Среди испытуемых, часто чувствующих себя одинокими, неудовлетворенных своим здоровьем почти в два раза больше, чем среди не знакомых с одиночеством (51,5% против 24,3% соответственно). Одиночество проявило себя в данном исследовании в качестве сильного фактора, в наибольшей степени влияющего на снижение у людей оценки жизненных возможностей своего здоровья. При этом на снижение потенциала здоровья женщин одиночество оказывает наиболее сильное воздействие. Эти данные свидетельствуют в пользу необходимости системного рассмотрения категории здоровья с позиции биопсихосоциального подхода, т.е. с учетом максимального количества факторов. Так, женщины, более склонные к эмоциональному восприятию внешней среды, нежели мужчины, в большей степени подвержены снижению оценок своего здоровья в связи с психоэмоциональными переживаниями [15].

Мотивационно-поведенческий компонент ценностного отношения к здоровью. Этот компонент связан с конкретными действиями человека, позволяющими поддерживать то или иное состояние здоровья. Так, в структуре собственно здорового поведения часто выделяют физическую активность и занятия спортом, практику безопасности и контроль за несчастными случаями, соблюдение норм правильного питания, режима дня, правил дорожного движения. К мотивационно-поведенческому компоненту отношения к здоровью также относят мотивационные характеристики личности, связанные с сохранением и поддержанием своего здоровья.

Высокая эффективность непосредственных действий по сохранению здоровью или поведения,

направленного на здоровье, несомненно. Так, согласно данным ВОЗ, 80% преждевременных инфарктов и инсультов может быть предотвращено посредством отказа от употребления табака, через соблюдение правильного питания и регулярной физической активности [7].

Проведенные исследования раскрывают различия в поведенческой активности, направленной на здоровье, между мужчинами и женщинами в зависимости от социокультурных характеристик маскулинности и феминности. Так, показано, что у мужчин и мальчиков больше, чем у женщин и девочек наблюдаются такие особенности, влияющие на здоровье и здоровое поведение, как субъективно воспринимаемая неуязвимость к риску, высокий уровень субъективного контроля и маскулинность [19]. Исследования выявили, что мужчины реже, чем женщины, оценивают высоко свою восприимчивость к болезни и травме, хотя в реальности они чаще, чем женщины, подвержены злоупотреблению наркотическими веществами, инфекциям, передаваемым половым путем, раку кожи, автокатастрофам. Мужчины и мальчики-подростки с более традиционными и стереотипными представлениями о маскулинности, чем их сверстники с менее традиционными взглядами, чаще подвергаются рискам, связанным со здоровьем [19].

В некоторых исследованиях доказано (Radley и др., 2000), что независимо от пола более высокие показатели маскулинности коррелируют с высокой самооценкой состояния своего здоровья, а высокие показатели феминности могут выступить предиктором того, что человек указывает на большее количество симптомов, характеризующих состояние здоровья [22].

Локус контроля выступает одной из характеристик, детерминирующих поведение личности, связанное со здоровьем. К. Wallston и В. Wallston ввели три различных типа локуса контроля – интернальный локус контроля здоровья, локус контроля здоровья, связанный с влиянием на него значимых других, локус контроля здоровья, связанный с тем, что оно зависит от удачи. Можно сказать, что перечисленные выше измерения являются своеобразными убеждениями человека в том, кто несет ответственность за его здоровье [24].

Психологические исследования выявили отсутствие взаимосвязи между поведением типа А и интернальным локусом контроля здоровья. В психологии здоровья было установлено, что лица с интернальным локусом контроля и с высокой оценкой своего здоровья демонстрируют большую готовность читать информацию по гипертензии, чем те, кто оценивают свое здоровье высоко, но характеризующиеся экстернальным локусом контроля. В исследовании психологических особенностей пациентов с почечным диализом обнаружено, что интерналы знали больше о своем состоянии и даже хотели знать еще больше, чем экстерналы [24].

Различные исследования выявили взаимосвязь между интернальным локусом

контроля и превентивными действиями. Так, было обнаружено, что женщины, оценивающие свое здоровье как очень важное для них и склонные к интернальности, чаще, чем экстерналы, практиковали самообследование молочной железы. Для лиц с высокими баллами по шкале интернальности в области здоровья характерны высокие показатели регулярности посещений занятий по физической культуре [24].

F. J. Zuuren и R. Dooreg приводят различия в мотивации достижения успеха и избегания неудач применительно к здоровью. Мотивация достижения предполагает движение к желаемому результату (например, бегать три раза в неделю, чтобы сбросить вес), тогда как мотивация избегания неудач демонстрирует уклонение от нежелательного исхода (например, держаться подальше от жирной пищи). В первом случае человек настроен на успех, во втором – на предотвращение неудачи, что предполагает наличие пессимистичных убеждений [25].

Другой важной личностной характеристикой, оказывающей положительное влияние на реализацию человеком действий по сохранению и укреплению здоровья, является самоэффективность (саморезультативность). Эта характеристика определяется А. Bandura (1998) в рамках социальной когнитивной теории как убежденность человека организовать и реализовать свои действия для достижения своих целей [18]. Другими словами, люди верят в свою способность справиться с обстоятельствами, в которых их здоровье подвергается высокому риску, и больше не возвращаются к вредному для здоровья или рискованному поведению.

Исследования показывают, что осознание самоэффективности способствует соблюдению людьми гигиены полости рта, совладанию ими со стрессом, регулярному самообследованию женщинами молочных желез. Доказано, что лица с высоким уровнем самоэффективности лучше контролируют боль, чем лица с низким уровнем самоэффективности [23].

Выводы и рекомендации. Проведенный обзор зарубежных исследований показал, что ценностное отношение личности к здоровью имеет сложную структуру, состоящую из когнитивного, эмоционального и мотивационно-поведенческого компонентов. Исследование отношения личности к здоровью в контексте биопсихосоциального и культурно-деятельностного подходов дает возможность рассмотрения здоровья как интегративной характеристики личности, детерминированной взаимодействием биологических, психологических и социальных факторов на определенном этапе культурно-исторического развития.

Исследовательский подход, рассматривающий ценностное отношение личности к здоровью с позиции концепции отношений, раскрывает перспективы более глубокого психологического изучения этого сложного и многофакторного феномена. Обзор показывает

важность проведения исследований комплексного взаимодействия различных компонентов ценностного отношения личности к здоровью и психологических факторов. Понимание особенностей этого взаимодействия служит

необходимым подспорьем для разработки социально-психологических рекомендаций для формирования у человека ценностного отношения к своему здоровью.

ЛИТЕРАТУРА

1. Белинская Т.В. Психологические составляющие развития ценностного отношения к здоровью у студентов педагогического вуза: дис. ... канд.психол.наук. – Калуга, 2005. – 138 с.
2. Березовская Р.А. Ценностно-мотивационные особенности отношения человека к своему здоровью // Материалы конференции «Психолого-социальная работа в современном обществе: проблемы и решения. 22–23 апреля 2010 года». – СПб., 2010. С. 111–114.
3. Бовина И. Представления о здоровье и болезни в молодежной среде//Вопросы психологии. 2005. № 3. С. 90-97.
4. Бодрова В. Отношение населения к здоровью и здравоохранению// Вестник общественного мнения. 2008. № 1. С. 86-91.
5. Борелл-Каррио Ф., Сачмен Э.Л., Эпстайн Р.М. Биопсихосоциальная модель 25 лет спустя //Отечественные записки. 2006. № 2(29). С. 133-145.
6. Васильева О.С., Филатов Ф. Р. Психология здоровья человека (эталон, представления, установки): Учебное пособие. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. – 352 с. – С. 178-186.
7. Вопросы здравоохранения [Электронный ресурс]/Сайт Всемирной организации здравоохранения. URL: <http://who.int/ru/> (дата обращения: 15.12.2016).
8. Глоссарий терминов по вопросам укрепления здоровья. – Женева: Всемирная организация здравоохранения, 1998. – 48 с.
9. Гуманистический подход к охране здоровья/Отв.ред. Н. Берковитц. – М.: Аспект Пресс, 1998. – 254 с. – С. 279-283.
10. Кабаева В.М. Формирование осознанного отношения к собственному здоровью у подростков: дис. ... канд. психол. наук: 19.00.07.– Москва, 2002. – 280 с.
11. Психология здоровья: Учебник для вузов/Под ред. Г.С.Никифорова. – СПб.: Питер, 2006. – 607 с.
12. Решетников А. В. Социальный портрет потребителя медицинских услуг в России в период перехода к рыночной экономике //Социологические исследования. 2003. №1. С. 92-101.
13. Устав (Конституция) Всемирной организации здравоохранения [Электронный ресурс]/Сайт Всемирной организации здравоохранения. URL: <http://who.int/ru/> (дата обращения: 15.12.2016).
14. Филатова Ю.В. Контексты ценностного отношения женщины к здоровью//Вестник Московского государственного гуманитарного университета им. М.А. Шолохова. Педагогика и психология. 2011. Выпуск № 3. С.99-104.
15. Фомин Э.А., Федорова Н.М. Стратегии в отношении здоровья// Социологические исследования. 1999. №11. С. 35-39.
16. Фролова Ю.Г. Биопсихосоциальная модель как концептуальная основа психологии здоровья//Философия и социальные науки: научный журнал. 2008. № 4. С. 60-65.
17. Чеснокова М. Г. Понятие здоровья в контексте ключевых категорий культурно-деятельностного подхода// Вестн.Моск.ун-та. Сер.14. Психология. 2015. № 2. С. 23-37.
18. Bandura, A. Health promotion from the perspective of social cognitive theory//Psychology and Health. 1998. № 13. P. 623-649.
19. Courtenay W., McCreary D., Merighi J. Gender and ethnic differences in health beliefs and behaviours//Journal of Health Psychology. 2002. № 7 (3). P. 219-231.
20. Engel G.L. The Need for a New Medical Model: A Challenge for Biomedicine//Science. 1977. № 4286. P. 129-136.
21. Fernandez D. M., Larson J. L., Zikmund-Fisher B. J. Associations between health literacy and preventive health behaviors among older adults: findings from the health and retirement study// BMC Public Health, 2016, 16:596. DOI:10.1186/s12889-016-3267-7
22. Radley A., Grove A., Wright S. & Thurston H. Gender-role identity after heart attack: links with sex and subjective health status// Psychology and Health. 2000. №11. P.123-133.
23. Schwarzer R., Fuchs R. Self-efficacy and health behaviours//Predicting health behaviour: Research and practice with social cognition models. – Open University Press, 1996. – P. 163-196.
24. Wallston K., Wallston B. Who is Responsible for Your Health? The Construct of Health Locus of Control. In: Sanders, G., Suls, J. (Eds) ‘Social psychology of health and illness’. – Lawrence Erlbaum Associate, Inc., 1982. P. 65-95.
25. Zuuren F. J., Dooper R. Coping style and self-reported health promotion and disease detection behavior//British Journal of Health Psychology. 1999. № 4. P.81–89.

РЕЗЮМЕ

Ушбу тадқиқотнинг мақсади хорижий мамлакатларда шахснинг саломатликка қадрият сифатидаги муносабатни ўрганишга бағишланган тадқиқотларни таҳлил этишдан иборат. Мақолада “саломатлик” тушунчасининг мураккаблиги, яхлитлиги ва кўпқирралилиги ҳақида мушоҳада юритилган. Саломатлик тушунчасига биопсихосоциал ҳамда маданий-фаолиятга асосланган ёндашувларнинг моҳияти очиқ берилган. Саломатликка қадрият сифатидаги муносабат феноменини тадқиқ этишда В.Н.Мясищев муносабатлар назариясининг аҳамияти алоҳида эътироф этилган. Саломатликка қадрият сифатидаги муносабатнинг когнитив, эмоционал ва мотивацион-хулқ-атвор компонентларини тадқиқ этиш натижалари талқин қилинган. Шахснинг психосоциал хусусиятлари, шу жумладан, саломатлик локус назорати ҳамда ўз фаолияти самарадорлигига ишончи унинг соғлом турмуш тарзига риоя қилишига таъсир этиши кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: саломатлик, саломатлик психологияси, биопсихосоциал парадигма, маданий-фаолиятга асосланган ёндашув, саломатликка қадрият сифатидаги муносабат, когнитив, эмоционал ва мотивацион-хулқ-атвор компонентлари, саломатлик билан боғлиқ хулқ-атвор, саломатлик локус назорати, шахснинг ўз фаолияти самарадорлигига ишончи.

RESUME

The aim of the present paper is to analyze foreign studies of valuable attitude towards health in personality. The complexity, integrity and multidimensionality of notion ‘health’ are considered in the paper. The essence of biopsychosocial and cultural activity approaches to the understanding of health is briefly revealed. The importance of V.N.Myasischev’s theory of attitudes to study the phenomenon of valuable attitude towards health is emphasized. The results of studies of cognitive, emotional and motivational-behavioural components of valuable attitude towards health in personality are discussed. It is shown that psychosocial peculiarities of personality including health locus of control and self-efficacy influence on adherence of human being to health life style.

Key words: health, health psychology, biopsychosocial paradigm, cultural activity approach, valuable attitude towards health, cognitive, emotional and motivational-behavioural components of attitude towards health, health behaviour, health locus of control, self-efficacy.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИ ҚУРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИ

Кахарова М.М. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистонда ҳуқуқ фалсафасининг шаклланишига оид айрим масалалар очиб берилган. Бу борада олим ва тадқиқотчилар кўпгина мураккабликларга дуч келиши мумкин. Шу боисдан ҳам ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларини атрофлича, ҳар томонлама, ўта аниқлик асосида таҳлил ва тадқиқ этиш орқали мазкур муаммоларни олдини олиш мақсадида аниқ амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек фалсафа ва ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган ҳуқуқ фалсафасига оид гоялар таҳлил этилган.

Калим сўзи: ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқшунослик, адолат, тенглик, давлат, демократия, борлиқ, ҳуқуқий маданият, диалектика, қонунчилик, маънавият, комил инсон.

Республикада ҳуқуқий-демократик давлатни қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, шахснинг жамият аъзоларига ва аксинча жамиятнинг ҳар бир шахсга бўлган муносабатлари мавжуд ижтимоий-ҳуқуқий тизимнинг ички объектив қонуллари билан бошқарилади. Айни вақтда, қонун доирасига кирмайдиган, бироқ шахс фаолиятига ўз таъсирини ўтказадиган объектив ва субъектив омиллар ва сабаблар ҳам мавжудки, уларни ҳисобга олмасдан бу масалага ёндашиш кийин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август 466-І сон қарори билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” қабул қилинди. Мазкур миллий дастурда фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш, давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, юридик кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг илмий асосларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш масаласига ҳам ойдинлик киритди. Шу маънода, ушбу дастур ҳуқуқнинг фалсафий масалаларини илмий-назарий ва методологик жиҳатдан таҳлил қилишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди, дейиш мумкин. Шундай экан, бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёнида ҳуқуқ фалсафаси муаммоси доирасига кирувчи масалаларни ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш катта амалий аҳамиятга эгадир. Негаки, ҳуқуқ фалсафасига оид илмий масалалар жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларнинг фалсафий моҳиятини англашда муҳим восита эканлиги билан бошқа фалсафий фанлардан алоҳида ажралиб туради. Аммо, ватанимиз истиқлолга эришгунига қадар бу фан доирасида деярли жиддий тадқиқотлар олиб борилмаган. Бугунги кунда эса, инсон ва жамият, инсоннинг инсонлараро муносабатини соф ҳуқуқий нуқтаи-назардангина ўрганиш ва уни тартибга солишнинг ўзи кифоя қилмаслигини жамиятдаги объектив ва субъектив омиллар яққол кўрсатиб турибди. Шу маънода, жамиятнинг биз билган ва билмаган нозик жиҳат-

ларини ҳуқуқ фалсафаси методологияси асосида текшириш, уни амалий ҳаётга жорий этиш, ахборотлашган жамиятда айниқса, долзарб аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларини фалсафий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади. Қолаверса, биз барпо қилаётган фуқаролик жамиятининг илмий асослари ҳам ҳуқуқ фалсафаси муаммолари доирасига кирувчи масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, бунда инсон ва жамият учун муҳим бўлган демократик тамойиллар, эркинлик, шахсий дахлсизлик, инсон омили, адолат, давлат ва жамият каби масалалар муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларини ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш юртимизда шаклланаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти илмий асослари ва муҳим тамойилларини аниқлаш, уларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ йўллари белгилаш имконини беради.

Мавзунинг долзарблигини яна куйидагилар билан ҳам белгилаш мумкин:

Биринчидан, илмий манбалардаги мавжуд фикрларга таянган ҳолда ҳуқуқ фалсафасини асосий тушунча ва тамойилларининг мазмун-моҳиятини аниқлаш, уларнинг ўзаро алоқаси ва ижтимоий-фалсафий таърифларини бериш, методологик аҳамиятини янада чуқурроқ таҳлил этишда кўринади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти илмий асосларини шакллантириш борасидаги ёндашувларни қиёслаш асосида бугунги кунда амалга оширилаётган ижтимоий – иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларининг устувор йўналишларини белгилаб олиш долзарб аҳамият касб этаётганлигини кўрсатади.

Учинчидан, ҳуқуқ фалсафаси доирасига кирувчи масалалар ва уларни таснифлаш муаммосини ўзимизга хос, миллий кадрларимизга мос равишда таҳлил ва тадқиқ этиш, мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш, бу соҳанинг ривожланишининг мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун қанчалик зарурлигини назарий асосда турли далиллар ва мисоллар орқали кўрсатишда ўз ифодасини топади.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг илмий-фалсафий асосларини янада кенг, чуқурроқ ўрганиш ҳар доим ҳам силлиқ тарзда, бир текисда кечавермайди. Бу борада олим

* Кахарова М.М. – ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси.

ва тадқиқотчилар кўпгина мураккабликларга дуч келиши мумкин. Шу боисдан ҳам ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларини атрофлича, ҳар томонлама, ўта аниқлик асосида таҳлил ва тадқиқ этиш орқали мазкур муаммоларни олдини олиш мақсадида аниқ амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларини ўрганишни оммалаштириш ва бу жараёнда ҳуқуқ фалсафаси доирасига кирувчи масалаларни шарқона асослари ҳам мавжуд эканлигини нафақат, халқимизга балки, кенг илмий жамоатчиликка етказиб бериш бугунги кунда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқ фалсафаси доирасига кирувчи илмий-методологик масалалар ва унинг ижтимоий-фалсафий асослари Шарқ мутафаккирлари Ал-Форобий [1], Ибн Сино[2], Абу Райҳон Бериуний[3]ларнинг қарашларидаги одил жамият қуриш ҳақидаги ғояларида ўз аксини топган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Шарқ мутафаккирларининг одил жамият ҳақидаги қарашлари комил инсонни тарбиялаш, адолатпарварлик, инсонпарварлик ҳақидаги ғоялар билан муштаракдир.

Ғарб мутафаккирлари ижодида ҳуқуқ фалсафаси доирасига кирувчи масалалар қадимги Юнонистонда дастлаб, Платон, Аристотель[4], Демокрит томонидан ўрганилган бўлса-да, аммо уларда муаммонинг илмий-методологик жиҳатлари жиҳдий тадқиқ этилмаган. Бу масала кейинги даврлар Ғарбий Оврўпо олим ва файласуфларининг диққат марказида бўлган. Шу маънода, ҳуқуқ фалсафасининг илмий-назарий масалалари XVII-XIX асрларда яшаб ижод қилган мутафаккирлар И.Кант[5], Ф.В.Гегель[6], Ж.Ж.Руссо[7], Ш.Л.Монтескье[8] ва бошқа шу каби файласуфлар ижодида ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Мазкур олим ва файласуфлар ҳуқуқ фалсафаси доирасига кирувчи ҳар бир муаммонинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-фалсафий асосларини методологик жиҳатдан ўрганиб, ҳуқуқ фалсафаси фанининг замонавий, янгича тамал асосларини яратдилар. Сўнги юз йилликда эса, бу фан доирасидаги муаммолар инсоннинг экзистенциал борлиқдаги ўзига хослигига оид кашфиётлар билан ҳамоҳанг равишда тадқиқ этилди. Кейинги даврларда АҚШ ва оврўпа мамлакатлари олимлари томонидан ҳуқуқ фалсафасига оид масалаларни янгича қарашлар ва методлар асосида таҳлил қилиш марказий ўринни эгалламоқда[9]. МДХ давлатларида, хусусан россиялик олимлар томонидан ҳам чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Уларнинг тадқиқотларида оврўпадан фарқли ўларок, асосан ҳуқуқ фалсафасининг тарихий аспектларини таҳлил қилиш асосий ўрин тутди[10].

Ҳуқуқ фалсафаси доирасига кирувчи масалаларнинг баъзи жиҳатлари илмий-фалсафий ва ҳуқуқий нуқтаи-назардан Ўзбекистонда ҳам Ш.З. Ўразаев, У. Таджихонов, А. Саидов, Х. Одилқориев ва бошқа шу каби ҳуқуқшунос олимларнинг илмий тадқиқот ишлари эътиборга моликдир[11]. Аммо, биздаги тадқиқотлар ҳам тарихий асосларга эътибор қилиниши билан бирга ижтимоий моҳиятига кўпроқ ёндашилган. Маълум даражада уларнинг илмий

изланишлари асосида нафақат жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш балки, ҳуқуқ фалсафасининг баъзи методологик масалаларини ўрганишга оид таклиф – тавсияларни ишлаб чиқишга кенг имконият яратилди. Нафақат бу фан таклиф ва тавсиялар яратиш, балки мавзунинг ўзини олдига бир қатор вазифаларни ҳам қўяди. Масалан кўйидагиларни келтириш мумкин:

- Ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларининг фалсафий мазмун ва моҳиятини ҳамда ғоявий-мафкуравий тамойилларини асослаш;

- Ҳуқуқ фалсафаси доирасига кирувчи масалаларни таснифлашдаги назариялар ва таълимотларни ижодий таҳлил этиш;

- Ҳуқуқ фалсафаси доирасига кирувчи масалаларнинг ўзаро алоқадорлиги кўрсатиб бериш;

- Ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларининг ижтимоий қийматига замонавий ёндашув ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган амалий таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш;

- Ҳозирги давр фани ва фалсафасида ҳуқуқ фалсафасига муносабатдаги турли тарихий ва замонавий ёндашувларни концептуал томонларини фалсафий асослаш;

- Ҳуқуқ фалсафасининг асосий тушунча ва тамойилларини ижтимоий-фалсафий таҳлил марказига олиб чиқиб, назарий асосларини чуқур тадқиқ этиш;

- Ҳуқуқ фалсафасини шаклланишига таъсир кўрсатган объектив ва субъектив омилларни аниқлаш;

- Ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларини фалсафий тадқиқ этишнинг бугунги кундаги ўзига хос аҳамиятини кўрсатиб бериш;

- Ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларини ўрганишга оид мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистонда ҳуқуқ фалсафаси ривожига оид масалалар борасидаги ислохотларнинг аҳамиятини ошириш юзасидан илмий хулоса ва аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқишдек вазифаларни ҳал этишдан иборат.

- Ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларини анъанавий усуллардан ташқари ноанъанавий усул ва воситалар асосида ўрганиш. Шунингдек, ҳуқуқ фалсафаси фанини тадқиқ этишда юзага келувчи мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг ҳуқуқий-фалсафий асосларини янада кенг, чуқурроқ ўрганиш борасидаги ислохотларнинг аҳамиятини ошириш юзасидан илмий хулоса ва аниқ амалий таклифлар ишлаб чиқиш билан белгиланади.

Бизнинг фалсафий адабиётимизда фалсафий-ҳуқуқий тусдаги муаммолар асосан тарихий-фалсафий йўналишда ёритилади. Камдан-кам холларда истисно бўлиши мумкин.

Юридик фанда фалсафий-ҳуқуқий муаммоларга, гарчи етарли равишда бўлмаса ҳам, анъанавий равишда катта эътибор берилади.

Гап шундаки, илгари ҳуқуқнинг умумий назариясининг таркибий қисми сифатида унинг доирасида ишлаб чиқилган ҳуқуқ фалсафаси аста-секин умумилмий мақом ва аҳамиятга эга бўлган мустақил юридик фан сифатида (ҳуқуқ ва давлат назарияси, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқий ва сиёсий таълимотлар тарихи, хорижий ва миллий ҳуқуқ ва давлат тарихи билан биргаликда) шаклланмоқда.

Ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқшуносликнинг фалсафа ва бошқа бир қанча гуманитар фанлар билан фанлараро алоқалари жиҳатидан ҳам, юридик фанлар тизимининг ўзидаги алоқалар жиҳатидан ҳам бир қанча муҳим методологик, гносеологик ва аксиологик тусдаги умумилмий функцияларни бажаришга даъват этилган.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг илмий-фалсафий асосларини янада кенг, чуқурроқ ўрганиш ҳар доим ҳам силлиқ тарзда, бир текисда кечавермайди. Бу борада олим ва тадқиқотчилар кўпгина мураккабликларга дуч келиши мумкин. Шу боисдан ҳам ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларини атрофлича, ҳар томонлама, ўта аниқлик асосида таҳлил ва тадқиқ этиш орқали мазкур муаммоларни олдини олиш мақсадида аниқ амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, ҳуқуқ фалсафасининг илмий-методологик масалаларини ўрганишни оммалаштириш ва бу жараёнда ҳуқуқ фалсафаси доирасига кирувчи масалаларни шарқона асослари ҳам мавжуд эканлигини нафақат, халқимизга балки, кенг илмий жамоатчиликка етказиб бериш бугунги кунда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР

1. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1993. – Б. 160.
2. Ибн Сино. Изб. Филос. Произведения. -М.: Наука, 1980. – Б. 478.
3. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. -Т.: Фан, 1968. – Б. 486.
4. Аристотель. Поэтика. -Л.: 1927. – С. 642.
5. История политических и правовых учений. Учебник для вузов. -М.: Норма-Инфра, 1999. -736 с.
6. Гегель. Сочинение в 12 томах. Т. 8. -М.: Наука, 1947. – Б. 326.
7. Жан Жак Руссо. Трактаты. -М.: Наука, 1969. – С. 522.
8. Монтескье Ш. О духе законов. -М.: 1955. – С.163.
9. Кнап В., Герлох А. Лошка в правовом сознании. М. 1987.
10. Керимов Д.А. Филосовские проблемы право М-1972., Нерсисянц Т. Философия права. М.: 2000., А лесеев С.С. Философия права. М-1999., Маминов И. П. Философия права. Екатеринбург.1995., Пеньков Е. М. Социальные нормы М 1987., Тихонравов “Основы философии права” М 1997.
11. Саидов А. Ҳуқуқ фалсафаси. Т.: 2002., Гуйчиев Б.Т. Ҳуқуқ фалсафаси Т-2004., Абдуҳолиқов С. “Ҳуқуқ фалсафаси ва юридик социология” Т. 1995 й.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются некоторые проблемы, связанные с формированием философии права в Узбекистане. Ученые и исследователи могут столкнуться со многими трудностями. Итак, существует закон философии научных и методологических вопросов, который тщательно, всесторонне, изучается на основе анализа так как играет важную роль в разработке предложений и рекомендаций. Философия и юриспруденция, разработанный в рамках анализа идей по философии прав человека также рассматриваются в статье.

Ключевые слова: права человека, философия, право, справедливость, равенство, демократия, будучи диалектика правовой культуры, права, духовности, совершенно человеческое.

RESUME

This article describes some issues related to the formation of the philosophy of human rights in Uzbekistan. The scientists and researchers may be faced with many difficulties. So, we have the law of the philosophy of the scientific and methodological issues thoroughly, comprehensively, through research and analysis on the basis of precision in order to avoid these problems is important in the development of proposals and recommendations. As well as philosophy and jurisprudence developed in the context of the analysis of ideas on the philosophy of human rights.

Key words: human rights, philosophy, law, justice, equality, democracy, being the dialectic of legal culture, law, spirituality, the perfect human

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА ДЕМОКРАТИК ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ МУАММОСИ ХУСУСИДА

Курбанов Э.Э. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада демократик қарашларнинг Шарқона назарияси, дашт аҳолисининг ўзига хос демократик қарашлари ёритилган. Унда чорвадорларнинг давлат бошқаруви тузишида диний билимлардан кўра амалий қобилиятига эътибор берилганлиги асослаб берилган. Бундан ташқари демократик бошқарув тизимининг ҳарбийлашган ўзига хос жиҳатлари тўғрисида фикр билдирилган. Мақолада яна Ўзбекистоннинг танлаган демократик йўли ҳақида ҳам сўз юритилган.

Калит сўзлар: Шарқона анъаналар, цивилизация ўчоғи, дашт демократияси, кўчманчи қабилалар, сайлов, инсон эркинлиги, ассимиляция, ёвузлик, бузгунчилик, бағрикенглик, Марказий Осиё, Уйғонши даври, сиёсий элита, Авестода маънавий нишонлар, демократия илдиллари.

Бугунги кунда Марказий Осиёдаги халқлардан ҳар бири умумий тарихда ўз изларини қидираётганида, замонавий миллий тараққиётнинг бошланғич чегараларини излаётганида, яъни тарихий хотирасини тиклаётганида, бу халқларнинг чамбарчас чагишиб кетган тарихий тақдиридаги демократия негизларини ҳам тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Марказий Осиё минтақаси Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой, Эрон билан бир қаторда Қадимги Шарқ ва жаҳон цивилизациясининг ўчоқларидан бири ҳисобланмоқда, шунинг учун ҳам таъкидлаш мумкинки, юнон ва рим цивилизацияси бу цивилизация одамлари ҳаётининг бир қатор хусусиятларини ўзлаштирган бўлиши мумкин.

Маълумки, Марказий Осиё халқлари ўтмишда ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвадор қатламларнинг бирлигини ташкил этган. Кўчманчи аҳолига нисбатан қандай демократик анъаналар тўғрисида гапириш мумкин, деган савол туғилади. Бироқ, қозок файласуфи Т.Бурбаевнинг фикрича, “дашт” (ёки “чўл”) демократияси этатизм ва либерализмнинг коллектив ва индивидуалистик ибтидоларининг оригинал, яъни ўзига хос бирикуви бўлиб, ҳар бир чорвадор ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга бўлган. «Дашт» демократияси нафақат ҳокимиятни намоён қилиш шакли бўлган, балки адолатлилик, инсонийлик, бағрикенглик, бир жойдан бошқа жойга бориб хизмат қилиш ва бошқаларни амалга оширишнинг усули ҳам бўлган [2]. Кўчманчи қабилалар учун динийликнинг паст даражаси, мансабдорларни кадрлашнинг ва ўтакетган мутаассибликнинг (фанатизмнинг) йўқлиги характерли бўлган. Қабила ва уруғ бошлиқлари тайинланмасдан, балки ўз қобилиятлари, масъулиятлилик даражасига қараб сайлаб олинганлар, чунки қабилалошларнинг ишончини оқламаслик иснод, шармандалик ҳисобланган. Кўчманчилар кундалик ҳовлиқмаликнинг фонийлигини тушунганлар, шунинг учун шахсларга улар ҳаётлик чоғида сиғинмаганлар [5].

Кўчманчи ёки дашт демократиясининг ўзига хослиги бугунги кунгача тарихий ва сиёсий фан нуқтаи назаридан етарлича тадқиқ этилгани йўқ. Масалан, яхши маълумки, хунлар, готлар, инглиз-сакслар, франклар, туркийлар ва бошқаларнинг кўчманчи қабилалари ич-ичидан чириб кетган антик давр империяларини (Хань, Гупта империялари – Осиёда, Рим империяси – Европада) ва

давлатларини (Парфия, Кушон ва б.) барбод қилишга қодир бўлган ташқи куч бўлиб хизмат қилганлар. Бу борада на Буюк Хитой девори, на Траян кўтармаси, на эски дунёнинг ҳарбий санъати ёрдам бермаган. Бироқ, аристократик (зодагонларга оид) ва монархия шаклидаги антик давлат тузилмаларини ҳарбий сиёсий тузилишга эга бўлган кўчманчилар демократияси ағдаргани барчага ҳам маълум эмас. Хунларда Аттила, туркийларда Бумин – сайланган ва қабила бошлиқлари кенгаши томонидан тайинланган ҳукмдорлардир. Босиб олинган ерларда ўтроқлашиб олган кўчманчилар аста-секин ўз турмуш тарзидаги уруғ-қабилачилик демократик тузилишни йўқотиб борганлар, рим ҳуқуқи, жаҳон динлари, ижтимоий табақаланиш эса кўчманчи демократиянинг сайловлар, инсон эркинлиги ва шу қаби институтларини аввал заифлаштириб, сўнгра сиёсий жиҳатдан кераксиз қилиб қўйган.

VII асрда араблар ва айниқса, XIII асрда мўғуллар янада каттароқ даражада кўчманчиларнинг демократик ташкиллашган ҳарбий кучининг метиндек мустаҳкам, енгилмас эканлигини намоиш этдилар. Кўпчилик медиевистлар Олтин Ўрдани ҳарбий-феодал тузилма деб баҳолайдилар. Ҳолбуки, агар мўғулларнинг сиёсий тузилмасидан келиб чиқсак, Ўрдани кўчманчи халқларнинг буюк демократик, ҳарбий тузилмаси деб аташ аниқроқ бўларди-ми, деган фикр туғилади. Албатта, Олтин Ўрда уч асрдан ортиқроқ вақт ичида бошқариб бўлмайдиган улкан босиб олинган худудий макони туфайли, ҳарбий ўлжалардан “семириб” кетиши маҳаллий деҳқонлар билан ассимиляциялашуви натижасида заифлашиб қолган эди. Аммо кўчманчилар ҳаётидаги демократик тузилманинг илдиллари бутунлай йўқолиб қолмади. Улар ўзига хос тарзда одамларнинг жамоадаги ўзаро муносабатлари, хунармандлар меҳнатининг бир касбдаги уюшмаларида, шаҳар аҳолиси маиший турмушини муниципал шаклда бошқарилишида ва ҳоказоларда намоён бўлди. Шарқда бундай илдиллар жамиятнинг ичкарасига – инсонга, унинг ахлоқига, адолатлиликка, ишончга, инсонпарварликка, маънавиятга, маърифатга чуқурроқ сингиб кетди.

Шарқ одами ҳеч қачон ўзи яшаган ва яшаётган муҳит билан алоқаларини йўқотмаган. Ўз фикр-ўйлари ва орзуларини у нафақат техника воситаларини яратишга, балки ўз қалби ва

* Курбанов Э.Э. – ГулДУ ўқитувчиси.

танини такомиллаштиришга ҳам йўналтирган. Шарқ одам учун дунё – бир бутун бўлиб, унда инсон хўжайин бўлмасдан, балки бу дунёнинг таркибий қисми бўлган. Табиат билан уйғунликда бўлишга, унинг қонунларини билишга, бу қонунларга риоя қилиб яшашга интилишни Шарқ фалсафаси ижтимоий муносабатларга ҳам ўтказган. Дунё фақат ўзида уйғунликни, яхлитликни мужассам этган инсон томонидан такомиллаштирилиши мумкин. Ёвузлик, бузгунчилик, ўзини жамиятга зўрлаб ўтказмоқ Шарқ одамнинг ички дунёси учун носоз, бекулай, ноохангдошдир.

Шарқ характери эркинликни бош қадрият деб фетишга айлантирмайди, сажда қилмайди. У эркинликни Ф.Ницшенинг ҳаёт фалсафаси руҳида тушунган: эркинлик бирор нарсдан эмас, балки бирор нарса учун. Эркинлик Шарқ одами учун шахсий ирода ва масъулиятнинг бирлиги, жамият олдидаги, яқин одамлар олдидаги бурчидир. Эркинликдан юқорироққа аънаналар, урф-одатлар, шакланган турмуш тарзи қўйилади. Бунда Шарқ одами бошқа қадриятларга очиқдир, уларни мақсадга мувофиқ деб билса, уларни идрок қилишга тайёрдир.

Хиндистон, Жанубий Корея, Япония ва Шарқдаги бошқа мамлакатлар уларга Англия ва АҚШ томонидан зўрлаб ўтказилган демократик меъёрлар ва тамойилларни қабул қилишди, бироқ, уларни ўзларича ассимиляция қилишди. Масалан, Япония Ғарбдаги кўплаб демократия институтларини – кўппартиявийлик, парламент сайловлари ва бошқаларни ўзлаштириб, уларга ўз аънавий меъёрларни мослаштириб солди: рақобатчилик ўрнига – ҳамкорлик, можаролилик ўрнига коалиция (иттифоқчилик) ва ҳоказо. Россиялик тарихчи С.В.Чугровнинг фикрича, вестернлашувнинг (яъни ғарблашувнинг) фаол исканжасига қарамасдан, япон аънаваларининг улкан мослашув салоҳияти ҳар доим японларнинг миллий психологиясига органик ўрнатилган бўлади [6].

Бизнинг демократияга бўлган замонавий мухлисизимнинг шаклланиш манбалари ҳақидаги ўзига хос ва чуқур фикрни медик - олим В.Исхаков билдирган эди. Кексаларга ва болаларга ҳурмат муносабатида бўлиш, овқатланишнинг ўзига хос фалсафаси, меҳмоннавозлик, хайрихолик, бағрикенглик, патернализм, меҳнатда ва маиший турмушдаги муомала психологияси, яъни бугунги кунда кўпчилик ўзбекистонликларга хос бўлган менталитетликнинг характерли хусусиятлари, В.Исхаковнинг фикрича, комил инсоннинг IX-XV асрлардаги Мусулмон Уйғониши, хусусан, унинг бир қисми ҳисобланган. Марказий Осиёдаги Уйғониш даврида изчил равишда мустаҳкамланиб келинган меъёрлардан содир бўлмоқда. Ушбу меъёрлар иккита ривожлантирувчи тизим – Одоб ва Шариатнинг синергетик, яъни, ўзаро шартланганлик, ўзаро бойитилганлик ўзаро таъсири ва боғланганлиги асосида шакланган. Одоб – бу муносиб турмуш тарзининг ахлоқий тизими, хушхулқликнинг, хулқ-атворнинг ўзига хос кодексидир. Шариат – мазкур турмуш тарзининг ҳуқуқий маданиятидир. Улар Ислолда Инсони

Комил – баркамол инсон деб белгиланган нуқтада учрашади, кесишади. Сиёсий элита, маданият, илм-фаннинг энг сара вакиллари ана шундай баркамол инсонлар бўлганлар [3].

Шуни таъкидлаш муҳимки, олим Одоб – Шариатнинг бинар бирлигида, **биринчидан**, ўша даврдаги жамият аъзоларини шакллантиришнинг қонун-қоидалари, аънавалари, урф-одатлари тизимининг асосини ташкил этган; **иккинчидан**, улар бугунги кунгача миллий ўзига хослик ва дунёқараш ривожига асос солишган; **учинчидан**, уларнинг Мовароуннаҳр ижтимоий ҳаётида вужудга келишининг ўзигина қадимги юнонлар ва римликлар турмуш тарзига, уларнинг ҳуқуқий маданиятига интилиш (мойиллик) билан, ижтимоий ҳаракат қилиш тизимини излаб топиш орқали ўзаро боғлаган [3].

Айнан ана шу даврда мусулмон дунёсида билимнинг обрў-эътибори илм-фаннинг қудратли таракқиёти учун асос бўлиб хизмат қилди, чунки билим эътиқоднинг асосий шартини, дунёни оқилона идрок этиш, аҳоли саводхонлигининг юксак даражаси сифатида тушуниланган. Буни ҳатто қадимда ҳам кузатиш мумкин. “Авесто”да, Зардушт панд-насихатларида ўша давр одамнинг маънавий нишонлари: ҳақиқат – энг яхши неъмат, эзгулик, бахт-саодатдир, эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал эса задуштийлик ахлоқининг асосий учлиги бўлиб майдонга чиқади. Бу ахлоқ қадимги жамият ҳаётида маънавий тўнтаришни амалга оширган. Бу ахлоқни Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Русд, Ибн Халдун ва бошқа мутафаккирларнинг исмлари билан боғлиқ бўлган етакчи фалсафий фикр гуллаб-яшнаши давридаги ижтимоий психологиянинг шарқона тури яна юксак даражага кўтариб, янада мустаҳкамлаб қўйди.

Таъкидлаш жоизки, номлари зикр этилган барча алломаларни инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳурмат қилинадиган, тан олинадиган ва таъминладиган, ҳокимият ахлоқ-одоб меъёрларига бўйсунадиган, ижтимоий тартиботни вужудга келтиришга ва умумий фаровонликка хизмат қиладиган ҳокимият механизмининг излаш бирлаштирган эди. Бу алломалар сиёсий тафаккурининг демократизми уларнинг жамиятнинг ягона моҳиятини таърифлашларидан келиб чиққанки, унга мувофиқ инсон жамиятнинг марказий бўғини ҳисобланган. Жамиятнинг ҳақиқий эркинлиги ижтимоий муносабатлар, эзгу ишларга эришиш, эзгулик, адолат ва инсонпарварлик ғояларининг юксалишида намоён бўлади, деб қаралган [4].

Улар Марказий Осиёдаги энг буюк ва машҳур мутафаккирларидан бири Алишер Навоийга катта таъсир ўтказган. Унинг ижтимоий қарашларида – инсонпарварлик, адолат, маънавий, ҳуқуқий тартибот давлат фаолияти билан узвий боғланган. Алишер Навоийнинг “Искандар девори” девонида халқнинг ўғли бўлмиш Искандар ҳақиқий ва адолатли, халқнинг золимлари бўлган мансабдорларни уларнинг суистеъмолликлари, тамағирликлари учун қаттиқ жазолаган халқ етакчиси сифатида кўрсатилган. Унинг шаҳар –

давлатида – Афина давридан бошлаб одамларнинг биргаликда яшашининг бундай шаклини мутафаккирлар ана шундай баҳолашади – барча одамлар, эътиқодларидан, урф-одатларидан, тилидан қатъий назар, аҳил-иноқ, эркин ва тенгхуқли бўлиб яшамоқдалар.

Шундай қилиб, Шарқ, Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон халқларида кўп асрлар давомида инсониятнинг маънавий ва маданий тараққиётини белгилаган демократия илдиз-

ларининг мавжуд бўлмаслиги мумкин эмас. «Халқнинг маданиятида ўрин топа олмаган демократия, турмуш тарзининг компоненти ҳам бўла олмайди», деб таъкидлаганлар И.А.Каримов [1]. Демократик илдизлар, анъаналар халқимизнинг характериға, менталитетиға, психологиясига, маърифатиға, маънавиятиға, маданиятиға сингиб кетган. Уларни тадқиқ қилиш, аниқлаш, замонавий жамиятға, инсонға таъсирининг ўзига хослиги кўриш лозимдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса.- Соч. Т.6. – Т., 1997. –Б. 145.
2. Бурбаев Т.К. Влияние демократических процессов в Республике Казахстан на состояние национального менталитета./ Перспективы развития философии и политологии в XXI веке.- А.,2002. –С 89-90.
3. Исхаков В. Восток и права человека./ Демократизация и права человека. 1999. №1. –С.110-112.
4. Корнев И.А. Основы формирования нового политического сознания общества./ Хуқуқ.- Право.1998. №4. –С.21.
5. Сапаров Н. Об особенностях «туркменской модели демократии»./ Центральная Азия и Кавказ. 2000. №2. –С.259-260.
6. Чугров С.В. К вопросу о сочетании традиционализма и модернизма в современном японском мышлении./ Политические институты на рубеже тысячелетий.- Дубна, 2001.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрываются специфические демократические взгляды степного населения, демократические взгляды Восточной теории, характеризуется формирование государственного управления скотоводами на основе практических умений чем на основе религиозных знаний. Кроме этого, рассматривается система демократического управления военизированным путем.

Ключевые слова: Восточные традиции, очаг цивилизации, степная демократия, кочевые племена, выборы, свобода человека, ассимиляция, жестокость, подстрекательство, толерантность, Центральная Азия, Эпоха Возрождения, политическая элита, нравственные признаки в Авесто, корни демократии

RESUME

The following article studies the peculiar democratic views of steppe population, democratic views of Oriental theory. In the following article is characterized the formation of government rule by cattle-breeders based on practical skills rather than religious knowledge. Besides, there were learnt the system of democratic rule through militarized method.

Key words: Oriental traditions, hearth of civilization, steppe democracy, nomadic tribes, elections, human freedom, assimilation, cruelty, sedition, tolerance, Central Asia, the Renaissance, political elite, spiritual signs in Avesto, background of the democracy.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ЎҚИТИШДА МАҚОЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Курбанова С.Р. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада хорижий тилларга ўқитиш жараёнида мақоллардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари ва устунликлари муҳокама қилинади. Муаллиф инсон ҳаётида тутган ўрни ва ҳар бир халқга хос бўлган мақоллардан инглиз тили дарсларида фойдаланишнинг айрим методларини муҳокама қилади. Аниқ мисоллар ёрдамида мақоллардан дарс давомида фойдаланиш масалаларини муҳокама қилади. Шунингдек, паремиологик минимум тушунчаси ҳақида ҳам мулоҳаза юритилади.

Калит сўзлар: мақоллар, паремиология, паремиолог, эквивалент, фольклор, миллий-маданий хусусиятлар, паремиологик минимум.

Барчамизга маълумки, мақоллар тил ва маданиятнинг бир бўлаги ҳисобланади. Мақоллар қадимдан инсонларни эзгуликка чорлашда, ҳаёт ҳақиқатларини англантишда кенг фойдаланиб келинади. Шунингдек, улардан фарзанд тарбиясида ҳам фойдаланиб келинади, чунки мақолларда биз одоб нормалари ҳамда миллатга хос бўлган маданият белгиларини кўришимиз мумкин. Мақолларга бўлган қизиқишнинг сабабларини қидириш эканми, кўплаб тилшуносларнинг илмий қарашларини топишимиз мумкин. Улардан бирида мақолларнинг миллат маданиятининг инъикоси сифатида талкин этилишини кўрсак [1], бошқаларида миллатнинг ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб пайдо бўлганлиги таъкидланади.

Америкалик машҳур паремиолог Волфганг Мейдернинг таъкидига кўра, мақоллар қадимдан тилларни ўқитишда фойдаланиб келинган ва бу ҳолат давом эттирилиши лозим, чунки улар билим беришнинг асосий дидактик воситаларидан биридир [2]. Олимнинг фикрича, мақоллар бир тилда гаплашувчи барчага хос бўлганлиги сабабли, инсон табиати ва умуман дунё ҳақидаги умумий билимларни беришнинг самарали воситасидир [2]. Хорижий тилларни ўқитишда эса улар ўзига хос маданий ва методик роль ўйнайди. Жумладан, инглиз тилига ўқитишда ҳам мақоллар ўқувчиларнинг сўзлашув қобилятига самарали таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай тилдаги мақолнинг ўзга тилдаги эквивалентини топиш учун унинг келиб чиқиш тарихига эътибор қаратиш лозим бўлади. Агарда мақолларга бўлган қизиқиш Шумерлар ёзуви ёки Аристотелнинг фалсафий ишланмалари давридан буён бўлиб келаётганини ҳисобга олсак, бу муаммонинг қанчалик муҳим ва тарихий эканлигини тушуниб етамиз.

Мақоллар ўрганилишининг тарихида биз иккита аспектни топишимиз мумкин: мақолларни йиғиш (паремиография) ва уларнинг ўрганилиши (паремиология). Табиийки, мазкур икки аспектни худди танганинг икки томонига ўхшатиш мумкин, шу сабабли мақолларга бағишланган ҳар қандай изланишда иккала аспект иштирок этиши муҳим саналади.

Агар биз кўплаб паремиологларнинг мақоллар тил ва шу тилда гаплашувчиларнинг маданиятини ўқитишга самарали таъсир кўрсатиши ҳақидаги фикрларига қўшилсак, у ҳолда юртимизда ҳам улардан таълим бериш жараёнида кенг фойдаланишимиз керак. Бироқ шу билан биргаликда

таъкидлаш лозимки, айрим паремиологларнинг фикрича, мақоллар ўқитишда юқорида таъкидланганидек ўрин тутмайди, чунки улар тез урфдан қолиши ва ҳаттоки, муомаладан чиқиб кетиши мумкин. Мазкур ишда биз асосан инглиз ва Америка маданиятига хос бўлган мақоллар, уларнинг қисқача таҳлили ва инглиз тилини ўқитишда тутган ўрни ҳақида фикр юритамиз.

Мақоллар оғзаки фольклор жанрига хос бўлиб, улар инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида ўзига хос ўрин тутиб келган. Мақоллар одатда содда, равон ва тушунишга осон бўлгани учун ҳам қадрланиб келинган. Шунга қарамадан, мақолларга берилган, уларнинг барча хусусиятларини қамраб олган таъриф яратилмаган. Кўпчиликнинг фикрича, мақолга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Мақоллар қисқа ва барчага тушунарли гаплар бўлиб, уларда миллатга хос донишмандлик, одоб-ахлоқ нормалари ва бошқа ижобий хислатларга чорлов мавжуд бўлиб, улар бир авлоддан иккинчисига ўтиб келади. Айрим мақолларнинг жуда қадимий асослари борлигини ҳисобга олсак, бу фикрга қўшилиш мумкин. Мақоллар вақт ўтиши ва миллат маданиятидаги ўзгаришлар натижасида маълум бир ўзгаришларга дуч келиши мумкин. Масалан, XVIII аср охиридаги “*Let the coffler stick to his last*” мақоли ҳозирда ишлатилмайди, чунки ‘*coffler*’ (яъни *этикдўз*) касби ҳозирда инглиз маданиятида деярли ишлатилмайди.

Мақолларнинг ўзига хос турғун формаси мавжуд, шу сабабли уларни эслаб қолиш жуда осон. Шунингдек, уларни биз ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқда бирдай ишлатилишини кузатишимиз мумкин. Биз уларни нутқни бойитиш, маълум бир умумий фикрни қисқача тушунтиришда, бошқа инсонларга таъсир ўтказишда, жамиятдаги баъзи носоғлом ҳолатларга ўз муносабатимизни билдиришда фойдаланамиз.

Ҳозирги замон паремиологиясида “паремиологик минимум” атамаси мавжуд бўлиб, унинг таркиби тилда энг кўп ишлатилувчи ва барчага маълум мақоллардан ташкил топади [2].

Бундай рўйхатлар луғатларда ёки махсус китобларда бериб борилиши мумкин. Шундай бўлсада, шунга ўхшаш рўйхатларда мақолларнинг аниқ бир миқдорини кескин равишда белгилаш нотўғри бўлади, чунки маълум бир тилдаги мақоллар бир жойдан бошқа жойга кўчганда ўзгариб бориши мумкин. Волфганг Мейдер ўз тадқиқотларида инглиз ва Америка маданиятига хос мақолларнинг паремиологик минимумини келтириб

* Курбанова С.Р. – ЎзДЖТУ ўқитувчиси.

ўтади ва унга 75 та мақолни киритади. Унинг фикрича, берилган рўйхатдаги барча мақоллар умуммиллий ва ҳаммага маълумдир.

Мақолларни таълим жараёнига жалб этишдан олдин ўқитувчи улар ҳақидаги барча маълумотларни, жумладан, уларнинг келиб чиқиш тарихи, она тилидаги эквивалентларини мукамал даражада билиши лозим. Инглиз тилидаги мақоллар шу тилни ўрганишни бошлаганлар учун инглиз маданияти билан танишиш имкониятини беради ва биз улардан шу тилда мулоқот қилиш кўникмасини ривожлантиришда фойдаланишимиз мумкин. Мисол учун, ўқитувчи дарс жараёнида *“To bring coal to Newcastle”* мақолини доскага ёзиб, ўқувчилардан мақолдаги ҳолатга изоҳ беришини сўраши мумкин. Саволга жавоб бериш жараёнида ўқувчи нафақат мулоқот қилади, балки инглиз тарихи ҳақида билганларини ҳам айтиб беради. Бу ерда мисол учун, “нимага айнан Ньюкасл шаҳри берилган, нега бу шаҳарга кўмир олиб келишга истехзо билан муносабат билдирилмоқда” каби саволларни бериш мумкин. Шу билан биргаликда ўқувчилар шу мақолнинг ўз она тилларидаги эквивалентини ҳам айтишлари лозим бўлади.

Тил ўқитишда мақоллардан фойдаланишнинг куйидаги асосий мақсадларини келтиришимиз мумкин: 1) кириш; 2) грамматик хусусиятлар; 3) тавсифланиш; 4) маълум бир гуруҳларга бўлиш; 5) матнни муҳокама қилиш каби. Кириш қисмида ўқитувчи юнит мавзусига тўғри келувчи мақолларни ўқувчиларига таништиради. Масалан, хушёрликка чорловчи *“All that glitters is not gold”*, *“Chrome never pays”* каби мақолларни. Грамматикага ўргатишда эса биз мақолларни ўзига хос грамматик хусусиятларига эътибор қаратиб, шу орқали баъзи грамматик маълумотларни тақдим этишимиз мумкин. Масалан, *“lay”* ва *“lie”* феълларини фарқлаш учун *“You shouldn’t kill the goose that (lays/lies) the golden egg”* мақолини бериб, ўқувчилардан тўғри феълни танлаб, уни изоҳлаш ёки нега *“golden egg”* сўздан олдин *“the”* аниқ артикли ишлатилганлигининг изоҳини сўрашимиз мумкин. Тавсифланиш қисмида эса ўқитувчи берилган мақолларга изоҳ беради ва ўқувчилардан фикрларини билдиришини сўрайди. Кейинчалик маълум бир мақолларни тақдим этиб, ўқувчилардан уларни гуруҳларга ажратишни сўраши мумкин. Жараён сўнггида эса умумий муҳокама ўтказилиши мумкин.

Гарчи биз мақолларни кўплаб бадиий адабиёт намуналарида ишлатилишини, уларнинг муҳокама-сига келтирилган талайгина илмий ишларга дуч келсакда, улар ҳар доим ҳам, мисол учун ибораларда, ишлатилавермайди [1]. Баъзи ўқитувчилар мақолларда эски тил нормалари мавжудлиги

сабабли уларни тил ўқитишда камроқ самара беради деб таъкидлашади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган “паремиологик минимум”га киритилган мақоллардан фойдаланилса, маълум бир маънода юқоридаги каби муаммолар ўз ечимини топади.

Мақолларда, шунингдек, таржима дарсларида ҳам фойдаланиш мумкин, чунки уларни ўз она тилидаги эквивалентларини қидириш асносида ўқувчи бир қанча фойдали маълумот олади. Шунингдек, икки тилда берилган мақоллардаги турли стилистик услублар, қочиримлар, сўз ўйинлари мавжудлигини ҳисобга олиб, стилистика дарсларида ҳам улардан фойдаланиш мумкин.

Мақолларни таҳлил қилар эканмиз, уларнинг нафақат тил, балки маданиятнинг ҳам бир бўлаги эканлигини англаймиз. Қадимдан мақоллар тилни тарқатишда, оқиллик, донолик, эҳтиёткорлик ва бошқа ҳаёт ҳақиқатлари ҳақида ўзига хос маълумотлар беришда кенг қўлланилиб келиниши кузатилади. Болаларга тарбия бериш жараёнида, жамиятда ўзини тутиш қоидаларини тушунтиришда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда ҳам мақоллар ишлатилади. Шунингдек, баъзида маълум бир ҳолатга таъриф беришда, уни батафсилроқ ва тингловчига тушунарлироқ қилиб етказишда ҳам мақоллардан кенг фойдаланилади. Масалан, бирон кишига маълум бир қарорга келишидан олдин бошқалар билан маслаҳатлашиб иш қилиш яхшироқ эканлигини уқтириш учун соатлаб гапиришимиз ёки соддагина қилиб *“иккита калла битмасидан яхшироқ”* деб уқтиришимиз ҳам мумкин.

Хулоса сифатида куйидагиларни айтишимиз мумкин. 1) ҳозирда хорижий тилга ўқитиш жараёнида мақоллардан фойдаланиш даражаси унчалик юқори эмас. 2) мақоллардан одатда дарс жараёнида маълум бир ҳолатга ўз муносабатини билдиришда фойдаланилади, бироқ бу ерда кўп ҳолларда уларга таъриф берилмайди. 3) мақоллар ҳақида гарчи кўпчилик хорижий тил ўқитувчилари ижобий фикр билдирсалар-да, уларни хорижий тилга ўқитишнинг дидактик воситаси сифатида қарашмайди. 4) хорижий тилга ўқитиш мақсадида мақоллардан фойдаланилганда нафақат бирон-бир китобда дуч келинган мақоллар муҳокамаси, балки газета ва журналлар, телевидение ва радиода берилган, шунингдек, кино ва видео материаллардаги кабилардан кўпроқ фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. 5) мақоллардан таълим жараёнида фойдаланилганда асосий эътибор мақолларнинг келиб чиқиш тарихи, мазмуни, эквивалентлари каби маълумотларгагина эмас, балки улардан фойдаланиб тилни тушуниш ва сўзлашиш кўникмаларини ўстиришга қаратилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Ш.Рахматулаев “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари”. Тошкент, “Фан”, 1966, 262. Б. 47, 238.
2. Wolfgang Milder (Ed.) “Wise Words. Essays on the proverbs”, New York; Garland Publishing Inc., 2003, P. 17, 20, 29.

РЕЗЮМЕ

В данной статье обсуждаются некоторые особенности и преимущество использования пословиц в процессе преподавания иностранного языка. Автор статьи рассуждает о роли пословиц в жизни человека и

некоторые методы использования пословиц на уроках иностранного языка. А также в статье обсуждается понятие паремиологический минимум, проблемы использования пословиц в процессе обучения на примере конкретных пословиц.

Ключевые слова: пословицы, паремиология, паремиолог, эквивалент, фольклор, национально-культурные особенности, паремиологический минимум.

RESUME

The features of using proverbs in the process of teaching foreign languages and their pre-eminence in this process are discussed in the present article. The author of the article discusses the role of proverbs in people's lives and methods of teaching proverbs which are peculiar to a specific nation. The notion of paremiological minimum is also discussed in the article. The author of the article discusses the problems of using proverbs in language lessons on the basis of concrete examples of proverbs.

Key words: proverbs, paremiology, paremiologist, equivalent, folklore, national-cultural features, paremiological minimum.

ИНТЕГРАЦИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ КАК ФАКТОР НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ И СТАБИЛЬНОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА

Кадырова З.Р., Кадырова Ф.Р. *

РЕЗЮМЕ

Интеграция науки и образования в современной цивилизации – это проблема глобального масштаба. Наука и образование вплетены во все сферы человеческой деятельности. Развитие науки и образования служит важнейшим фактором проводимых во всех сферах жизни реформационных процессов, углубления демократических реформ и развития гражданского общества в нашей стране и её стабильности.

Одной из самых важных задач в процессе становления личности является её нравственное воспитание. Наука и образование формируют и совершенствуют проявляемые нравственные качества человека в его сознании, поведении, поступках, равнодушии к проблемам окружающих.

Ключевые слова: наука, образование, интеграция науки и образования, непрерывное образование, нравственное воспитание, глобализация, модернизация, гражданское общество, молодежь, духовность, гуманизм, культура, мировоззрение, квалифицированные специалисты, гармонично развитая личность, стабильность.

Наука и образование составляют основные принципы образовательной политики Республики Узбекистан, которые определены в Законе «Об образовании» и «Национальной программе по подготовке кадров», совместном постановлении Академии наук РУз и Министерства высшего и среднего образования РУз «Об интеграции науки и образования» [1], а также постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшей оптимизации структуры Академии наук Республики Узбекистан и укреплению интеграции академической науки и высшего образования республики» [2].

Постановления принимались на основании того, что образовательные и научные структуры существовали отдельно. Между научными разработками, достижениями и образовательным процессом не было единой координации. Это уменьшало их совместный необходимый вклад в развитие различных сфер жизни Узбекистана. На основании принимаемых постановлений при университетах нашей страны были созданы научно-исследовательские центры, учебно-научные комплексы. Их деятельность направлена на то, чтобы научно-исследовательская работа сочеталась с педагогической и наоборот, преподаватели и учащиеся творчески, активнее занимались научно-исследовательской деятельностью. Такая интеграция образования и науки должна способствовать их взаимодействию, взаимопроникновению, взаимовлиянию, взаимообогащению.

Интеграция образования и науки служит совместному использованию потенциала науки и образования в общих интересах: в подготовке кадров, повышении их квалификации и переподготовке. Непрерывное образование способствует научно-исследовательской деятельности, а проведение совместных научных исследований опытных наставников и молодых специалистов приводит к внедрению научных разработок в образование и производство.

Говоря о глобализации современного мира, правомерно рассматривать не только позитивное, конструктивное, но и негативное, разрушительное использование достижений науки и образования на

развитие общества. Поэтому необходимо рассматривать роль науки и образования в тесной связи с нравственным воспитанием молодежи.

Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев отмечает, что: «Сегодня, когда мир стремительно меняется, возникают все новые вызовы и угрозы стабильности и устойчивому развитию народов, как никогда раньше важно внимание к просвещению, к духовному, нравственному началу, привитие молодежи стремления к знаниям, потребности в самосовершенствовании. Именно просвещение и образование являются ключом к процветанию народов. Именно просвещение и образование ведут людей к благодеяниям, добру, терпимости» [3].

Актуальность проблемы нравственного воспитания студенческой молодежи связана с тем, что молодежь живет и развивается в условиях развития гражданского общества и глобализации. Вместе с тем она окружена множеством разнообразных источников сильного воздействия на неё средств массовой коммуникации и информации. Они ежедневно влияют на формирующееся мировоззрение, чувства, духовный мир и нравственность молодого человека. В качестве критериев нравственного воспитания в системе высшего образования выступают повышение уровня знаний, интеллектуальных способностей, формирование и развитие моральных качеств молодежи, их умений и навыков, проявляемых в различных жизненных ситуациях. В целом, это можно определить как уровень нравственной культуры в условиях модернизации общества.

Нравственное воспитание студенческой молодежи является одной из самых важных задач в процессе становления личности в условиях углубления демократических процессов. Проявляемая интеллигентность как показатель нравственной и социальной зрелости молодого человека находит свое выражение в его образовании и высокой культуре, честности и порядочности, равнодушии к проблемам окружающих. Необходимо отметить, что подлинную интеллигентность всегда отличало высокое сознание гражданского долга и чувство собственного достоинства, ответственности перед

* Кадырова З. Р. – профессор НУУЗ, д.ф.н.

Кадырова Ф. Р. – профессор ТГПУ, д.п.н.

окружающими и высокая личная культура.

В современных условиях нравственное воспитание студенческой молодежи должно базироваться на изучении социокультурного опыта предшествующих поколений, представленного в культурно-исторической традиции. Система ценностей традиции народов Узбекистана складывалась на протяжении многих веков. Она вбирала в себя опыт поколений под влиянием истории, особенностей территории, на которой жили народы Узбекистана. С этих позиций современное молодое поколение изучает историю развития страны в школе, академическом лицее, профессиональном колледже, в высших учебных заведениях.

Одним из важных условий нравственного воспитания студенческой молодежи является использование этнокультурных традиций народов того региона, где оно осуществляется. Духовно-нравственное воспитание гармонично развитой личности и патриота, знающего и любящего свою Родину, не осуществимо без глубокого познания духовного богатства своего народа и приобщения к его этнокультуре.

Глобализация современного мира и трансформация общества поставили на повестку дня переход к новому духовно-нравственному типу социальных отношений. Для его осуществления необходимо формирование и массовое воспроизводство такого типа личности, который бы обладал развитой культурой нравственности. Открытие Узбекистана миру, плюрализация и дифференциация политического, экономического, идеологического, религиозного, культурного пространства выдвинули проблему духовно-нравственной культуры студенческой молодежи на авансцену современной жизни. «В годы независимости число высших учебных заведений в нашей стране выросло в 2,5 раза. Сегодня в них обучаются более 230 тысяч студентов. В Узбекистане функционируют филиалы семи ведущих зарубежных вузов, тысячи представителей нашей талантливой молодежи получают образование за рубежом - в престижных университетах мира» [4].

В нынешних условиях это нашло свое отражение в повороте общества к данной проблеме, чаще стали проводиться научные конференции, посвященные этой проблематике, появились соответствующие публикации в академических и общественно-политических журналах. Нравственное воспитание студенческой молодежи немислимо без коренных изменений в системе высшего образования. С первых лет независимости Узбекистан отказавшись от старых стереотипов и подходов в сфере высшего образования, основываясь на общечеловеческих и национальных ценностях, традициях, передовом мировом опыте, для коренного обновления жизни и достижения долгосрочных целей придавал приоритетное значение дальнейшему развитию системы высшего образования и воспитания студенческой молодежи, подготовки высококвалифицированных специалистов [5].

В соответствии с законодательной базой образование в Узбекистане обеспечивает принцип непрерывности и преемственности. Данный принцип можно рассматривать как целостный, поэтапный и стандартизированный комплекс образования от ученика первого класса общеобразовательной школы до академика. Образование в общем виде можно разделить на три этапа: первый – общеобразовательное (девять классов школы), второй – среднее специальное образование (академические лицеи и профессиональные колледжи) и, наконец, третий – высшее образование (обучение в университетах и институтах на получение степени бакалавра и магистра).

Высшее образование провозглашается приоритетным в сфере социально-экономического и общественного развития Республики Узбекистан. Основными принципами государственной политики в области высшего образования выступают гуманистический, демократический характер обучения и воспитания, добровольность выбора направления профессионального образования [6]. Особое внимание уделено общедоступности высшего образования в пределах государственных образовательных стандартов, светский характер системы высшего образования, единство и дифференцированность подхода к выбору программ обучения, поощрение образованности и таланта, сочетание государственного и общественного управления в системе высшего образования.

Каждому гарантируются равные права на получение высшего образования, независимо от пола, языка, возраста, расовой, национальной принадлежности, убеждений, конфессии, социального происхождения, рода занятий, общественного положения, места жительства, продолжительности проживания на территории Республики Узбекистан. Следует подчеркнуть, что в духовно-нравственном воспитании студенческой молодежи важнейшую роль играет изучение иностранных языков. В системе высшего образования в целом большое внимание уделяется овладению будущими специалистами широкими знаниями и профессиональными навыками, а также обязательным изучением иностранных языков. Это служит важнейшим условием активного общения со своими сверстниками, коллегами из зарубежных стран, широкому познанию всего того, что происходит в современном мире, овладению огромным мировым интеллектуальным богатством. В современных условиях в стране проводится дальнейшее углубление демократических процессов, а право молодежи на высшее образование обеспечивается дальнейшим развитием образовательных учреждений, в том числе совершенствованием организации обучения с отрывом от всякой иной деятельности, бесплатным обучением по государственным программам образования и подготовки кадров, а также платным профессиональным обучением в образовательных учреждениях на договорных началах. Граждане других государств вправе получать высшее

образование в Республике Узбекистан в соответствии с международными договорами.

Таким образом, интеграция образования и науки, их взаимодействие, взаимообогащение становится залогом их эффективности. Нравственное воспитание, совершенствуемое в процессе

образования и использования научных достижений, создает благоприятные условия для подготовки конкурентоспособных специалистов, повышая тем самым возможность процветания современного общества, вносящего значительный конструктивный вклад в стабильное и устойчивое развитие страны.

ЛИТЕРАТУРА

1. Совместное постановление Академии наук РУз и Министерства высшего и среднего образования РУз № 134 от 22 июня 2006 г. «Об интеграции науки и образования». http://www.academy.uz/ru/activities/part_7.php.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшей оптимизации структуры Академии наук Республики Узбекистан и укреплению интеграции академической науки и высшего образования республики» от 8 июля 2014 г. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?act_id=2443920
3. Выступление Исполняющего обязанности Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на церемонии открытия 43-й сессии Совета министров иностранных дел Организации исламского сотрудничества в Ташкенте. // Народное слово, 19 октября 2016 г.
4. Там же. // Народное слово, 19 октября 2016 г.
5. Кадырова З.Р., Кадырова Ф.Р. Модернизация процесса подготовки научно-педагогических кадров на современном этапе развития науки и общества республики Узбекистан. // «Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития». – Санкт-Петербург, 3-5 июня 2016. Часть 1. – С. 236-239.
6. Кадырова З.Р., Кадырова Ф.Р. Инновационная деятельность в образовании. // III Международная научно-практическая конференция «Инновации в образовании: поиски и решения». Астана, 26-27 мая 2016. – I том – С. 138 – 140.

РЕЗЮМЕ

Хозирги даврда фан ва таълим интеграцияси – бу глобал кўламли масаладир. Фан ва таълим инсон фаолиятининг барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқ. Фан ва таълимнинг ривожланиши мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга ошириладиган ўзгаришлар жараёни, демократик ислохотларнинг чуқурлашуви ва фуқаролик жамияти ривожланишининг энг муҳим омили ҳисобланади.

Шахс шаклланишидаги энг муҳим вазифалардан бири унинг ахлоқий тарбияси ҳисобланади. Фан ва таълим инсоннинг намойён бўладиган ахлоқий сифатларини унинг онгида, хатти-ҳаракатларида, атрофдагилар муаммоларига бўлган муносабатида шакллантиради ва такомиллаштиради.

Калит сўзлар: фан, таълим, фан ва таълим интеграцияси, узлуксиз таълим, ахлоқий тарбия, глобаллашув, модернизация, фуқаролик жамияти, ёшлар, маънавият, гуманизм, маданият, дунёқараш, малакали мутахассислар, баркамол шахс, барқарорлик.

RESUME

Integration of science and education in the modern civilization - this is a problem of global proportions. Science and education are interwoven into all spheres of human activity. The development of science and education is the most important factor in ongoing in all areas of its reform process, deepening democratic reforms and development of civil society in our country and its stability.

One of the most important tasks in the process of formation of the person is its moral education. Education, Science and perfect form displayed by the moral qualities of the person in his mind, behavior, actions, indifferent to the problems of others.

Key words: science, education, integration of science and education, continuing education, moral education, globalization, modernization, civil society, youth, spirituality, humanism, culture, ideology, professionals, harmoniously developed personality, stability.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИГА БИР НАЗАР

Маннанова Н.Х. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада таълим-тарбия тараққиёти жамият ривожини учун муҳим омил сифатида кўриб чиқилган. Узоқ тарихдан ҳозирги кунга қадар таълим-тарбия кўринишлари ўзгариб, ривожланиб келгани, жамиятнинг ривожланиши жараёнида таълимнинг янги кўринишига – масофавий таълимга эҳтиёж сезилаётганига эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: таълим, социал лифт, анъанавий таълим, масофавий таълим.

Инсоният ўзининг тарихий тараққиёти даврида таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжни қондириш учун объектив қонуниятларга таянади ва шу асосда таълим-тарбия услубларини яратади. Жамият тараққиёти жараёнида одамларни ерни ўлчаш, сув тошқинининг олдини олиш, кишиларни даволаш, жамиятни бошқариш усулларига оид билимларга эҳтиёжи орта борди. Натижада меҳнатни тақсимлаш тамойили вужудга келиб, ёзувга ва уни ўқитадиган ўқитувчиларга талаб пайдо бўлди. Дастлаб расм солиш ривожланиб, пиктографик хат юзга келган бўлса, кейинчалик ҳарф билан ёзиш усули пайдо бўлди ва тез тарқала бошлади.

Таълим-тарбия ривожланиб бориши билан маърифий жараённинг қонуниятлари аниқланиб, шу асосда билим бериш ва кўникма ҳосил қилиш усуллари ҳам яратила бошланди. Натижада маърифатнинг назарий асослари шакллана борди. Таълим-тарбия беришни касб қилган кишилар ҳам пайдо бўлди. Шу тарзда барча даврларда инсоният ўзи эга бўлган билим ва салоҳиятини авлодларига етказди ва янгидан янги цивилизация ютуқлари чуқур дунёвий билимлар асосида вужудга келди.

Юксак ривожланган мамлакатлар тараққиёти асосига назар ташласак, барчасининг замирида халқнинг илмий савияси, ижодкорлик ва инноваторлик қобилияти, ишлаб чиқаришдаги илғор малака ва кўникмалари каби сифатларни кўриш мумкин. Бунинг замирида, шубҳасиз, жамиятнинг таълим олишдаги юқори мотивацияси, таълимнинг замон билан ҳамнафас такомиллаштириб борилиши кўринади. Илм-фан, санъат ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган қадимги мамлакатлар цивилизацияси замонлар ўзгарсада дунё халқлари турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Қадимги Миср, Хитой, Юнонистон ва Рим тарихидан бугунги кунда ҳам инсоният ривожланишида катта сабоқ олиш мумкин. Кейинчалик тарихда намоён бўлган Европа давлатлари, АҚШ, Япония, Сингапур, Тайвань ва бошқа қатор мамлакатларнинг ўз фаровонлиги ҳамда ривожланишига илмий кашфиётлар катта таъсир кўрсатганидан далолат берувчи тажрибаси кўплаб давлатлар учун ўрнатилган олса арзийдиган намуна ҳисобланади.

Юртимизда ҳам қадим-қадимдан таълимга жамиятнинг турмуш тарзи фаровонлиги омили сифатида катта эътибор қаратиб келинган. Қадимги даврлар ҳақидаги тадқиқот манбаларида “Зардушт (милод. авв. 589-512 йилларда яшаган) етти яшарлигидан ўн беш яшарлигигача донишманд ва сарбоз Барзин Курас кўлида илм олади. У, хусусан,

ижтимоий билимлар, табиатшунослик, шеърят сеҳри, нотиклик санъатини пухта эгаллади; устози айтган шеърлар, асотирларни ёд олди, қабила баҳодирларидан жанговарлик, чавандозликни ўрганди. Ўн олти ёшида Зардушт белига оқил ва жасур йигит сифатида «мардлик камари»ни боғлади» [1] каби қайдларни кўриш мумкин.

Бу каби битиклар қадим-қадим даврларда мамлакатимиз ҳудудида болалар ўқитиладиган савод мактаблари бўлганлиги ва мактаблардан ташқари болалар махсус мураббийлар томонидан ҳарбий-жисмоний машқларга ва ҳунарга ўргатилганлиги, таълимдан мақсад болаларни ҳаётга тайёрлаш эканлиги ҳақида маълумот беради. Кейинчалик, юртимизда кўплаб мактаб ва мадрасаларнинг бунёд этилиши, унда минглаб талабаларнинг таҳсил олиши жамиятда таълимга эътибор, таълимнинг ўрни ва роли кучли бўлганлигини кўрсатади.

Жамиятимиздаги таълим, илм-фан ва маданиятга бўлган юксак эътиборли муносабат, инсонларнинг билимга бўлган кучли чанқоқлиги, интилиши натижасида аждодларимиз орасидан ҳозирга қадар дунё эътироф этаётган буюк энциклопедик олимлар, мутафаккирлар етишиб чиқди.

Бироқ давр тақозоси билан таълимий ислохотларни олиб бормаган давлатлар барча соҳалардаги тараққиёт ютуқларидан бебаҳра қолиб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан аянчли аҳволга тушганлиги ҳам тарихнинг аччиқ ҳақиқатидир. У ёки бу сабабларга кўра таълимга кам аҳамият берилган деярли кўплаб Африка давлатлари тарихи, Европанинг илк ўрта асрлардаги ва Жанубий ҳамда Марказий Осиё давлатларининг кейинги ўрта асрлардаги аянчли тарихи турғунлик даври сифатида эсланади. Бу даврда жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секинлашган, кўплаб кадрлар кадрини йўқотган ва бунинг натижасида аҳолининг муайян қисмида турмуш даражаси пастлиги кўзга ташланган эди [2]. Бироқ халқимизнинг илм ва маданиятни юксалтиришга бўлган истак ва интилишлари натижасида ҳар қандай мустабид ва турғунлик даврида ҳам аждодларимиз орасида турли соҳалар бўйича олимлар фозиллар етишиб жамиятни маърифатга етаклади.

Дарҳақиқат, таълим инсон ижтимоийлашуви, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа йўналишларда ривожланишининг асосий омилларидан бири саналади.

“Педагогика фанидан изоҳли луғат”да “таълим” - таълим олувчига махсус тайёрланган мутахассислар ёрдамида билим бериш ва улардаги

* Маннанова Н.Х. – ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси.

кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш жараёни бўлиб, кишининг шахс сифатида ҳаётга ва меҳнатга онгли равишда тайёрлаш воситаси.

Таълимнинг бошланғич (дастлабки) вазифаси таълим олувчини ўқитишдан иборат. Шунинг билан бирга оила, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга маълумот бериш вазифасини бажаради [3], дея таъриф берилади.

Америкалик олим П.Сорокин фикрига кўра, таълим ва тарбия институтлари, улар қандай муайян шаклга эгалитдан катъий назар, барча асрларда вертикал циркуляция воситаси ҳисобланган. Жамиятнинг барча аъзолари учун мактаблар очик бўлган жамиятда мактаб тизими ўзини “социал лифт” сифатида ифодалайди, яъни жамиятнинг энг куйи қатламидан энг юқориси томон ҳаракатланади.

Таълим туфайли индивид бир ҳаёт йўлидан бошқасига – студентлик, уй эгаси, зоҳид, мусофирлик ҳаётига ўтади, бир социал позициядан бошқасига, янада юқорироғига кўчади. Шу жиҳатдан мактаб бу ерда ҳам бошқа жойлардаги каби “социал элеватор” вазифасини ўтайди, дея таъкидлайди [4].

Шу нуқтаи назардан бугунги таълим-тарбия жараёнларида асосан икки муҳим жиҳат эътиборга олинishi лозим, деган фикрга келиш мумкин. Буларнинг биринчиси, алоҳида олинган шахснинг ҳар томонлама ривож, ривожланиш эҳтиёжи ва мажбурияти билан боғлиқ ҳолат бўлса, унинг иккинчи томонида ана шундай ҳар томонлама камол топган шахсга нисбатан эҳтиёж ва зарурат сезиб турган жамият туришидир.

Айни пайтда ушбу жамият алоҳида шахс манфаатларининг ўзига уйғун ва муносиб бўлишини ҳам тақозо этади.

Дарҳақиқат, таълимий эҳтиёжнинг кондирилиб борилиши жамият аъзоларининг шахс сифатида шаклланишига, ҳаётда ўз ўринларини топишига сабаб бўлади. Инсон капиталининг рақобатбардош кадр сифатида шаклланиб бориши турмуш фаровонлигининг ўсишига, барча соҳаларнинг ривожланишига олиб боради. Шу боисдан ҳам таълим инсон ижтимоийлашувининг муҳим омили саналади.

Инсон ривожланиши концепциясида ҳам таълим асосий таркибий қисмлардан бири сифатида эътироф этилади [5].

Таълимнинг инсон ижтимоийлашуви ва келгусидаги фаровон ҳаётининг муҳим омили эканлиги эътиборга олинган ҳолда халқаро ҳамжамият таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қатор халқаро ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиққан. “БМТ Бош Ассамблеяси

томонидан 1948 йилнинг декабрида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини эътироф этди ҳамда бу борада камситишларга йўл қўймаслик таъминларини тасдиқлади” [6]. Таълим соҳасида ҳар қандай камситиш инсон ҳуқуқларини бузиш ҳисобланиши алоҳида таъкидланди.


Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим ислохотларида жиддий эътибор берилди. 1992 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилди [7]. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинди. Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинди [8]. Мазкур қонун ҳужжатларида асосий эътибор ҳар бир шахснинг таълимий эҳтиёжлари кондирилишига қаратилди.

Давримиздаги глобаллашув жараёнлари, илмий-техника ютуқларининг ҳар дақиқа такомиллашиб бориши мунтазам таълим ислохотларини олиб бориш заруриятини юзга келтиради. Инсоният томонидан ҳам жаҳондаги ривожланиб бораётган илмий ютуқларни камраи оладиган ва жадал ўзлаштириб боришга қодир бўлган қулай, тезкор замонавий таълимга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу эса таълимнинг барча шакллари излаб топиш ва уларни мазмунли қўллашни тақозо этади. Шу сабабли бугун дунёда электрон таълим имкониятларидан фойдаланиш, масофадан ўқитиш-ни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Аҳолининг таълимий эҳтиёжини катта ҳажм ва тезкор суръатда самарали кондир оладиган, таълим олишда юзга келадиган мавжуд ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг мақбул ечимига эга бўлган масофавий таълим глобаллашув жараёнида дунёвий билимларни тезкор қабул қилишнинг инновацион шакли сифатида эътироф этилмоқда.

Масофавий таълим – ўқув ахборотлари алмашилиш воситалари (ер сунъий йўлдоши, телевидение, радио, компьютер алоқа ва бошқалар)га таяниб, ихтисослаштирилган ахборот муҳити ёрдамида масофадан мамлакат аҳолисининг кенг қатламига ва хорижий давлатларга тақдим этиладиган таълим хизматлари мажмуидир [9].

Жаҳон тажрибасига, шунингдек, дунёдаги ҳозирги пайтда тақдим этилаётган статистик маълумотларга назар ташласак, ер юзидаги аҳолининг таълим олишида анъанавий таълимдан кўра масофавий таълим олиш бирмунча қулайликлар яратаётганлигига гувоҳ бўламиз (1-расм).



Илмий манбаларда яқин ўн йилликда масофавий таълимга эътибор инсоният томонидан кескин кучайиши башорат қилинмоқда (1-расм) [10]. Бунга сабаб, асосан, тезкор замонда вақт ва маблағ жиҳатдан унумли бўлган таълим олиш шакллари самарали фойдаланиш бўлмоқда.

Кувонарлиси шундаки, Ўзбекистонда ҳам истиқлол йилларида турли жабҳаларда масофавий таълимнинг ташкил этилиши, механизмлар ишлаб чиқиши ва такомиллаштирилиши юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, мустақиллик йилларида жамиятни ахборотлаштириш, таълим тизимига АКТни мазмунли қўллаш, бошқарув тизимида ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишга доир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди. Дастлабки кадам сифатида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг Олий таълимга бағишланган қисмида “Ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш” алоҳида вазифа сифатида белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассаларида электрон таълимни жорий этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги, “2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур қарорларни амалга ошириш бўйича таълим тизимида режалаштирилган ишлар ва тадбирлар мажмуи инновацион ғояларнинг нечоғли мамлакатимиз ҳаётига кенг кириб бораётганлигидан далолат беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2016 — 2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сонли қарорида мамлакатимизда масофадан ўқитишни ривожланишга доир қатъий вазифалар белгиланди [11].

Таълим жараёнида педагогик самарадорликни таъминлашнинг муҳим жабҳаларидан бири

ўқитувчиларнинг инновацион таълимий фаолиятини ташкил этишдир. Педагогнинг инновацион педагогик фаолиятларини ташкил қилмасдан туриб, замонавий талабларга жавоб берадиган етук ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаб бўлмайди. Худди шундай таълимга ҳам янги инновацион технологиларни жорий этиш, АКТ имкониятларининг мазмунли қўлланилишини таъминлаш ҳам педагогнинг янги малака ва кўникмага эга эканлиги билан боғлиқдир. Бу борада педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимнинг самарали қўлланилиши айниқса диққатга сазовор. Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда мамлакатимизда малака ошириш тизимида масофавий таълим шакли кенг тадбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [12] мазкур соҳада масофавий таълим имкониятларидан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади. Мамлакатимизда бугунги кунда Алоқа ва ахборот вазирлиги, А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти, Бош илмий-методик марказ, “Истеъдод” жамғармаси қошидаги Республика масофавий ўқитиш маркази каби қатор етакчи ташкилотларнинг малака ошириш тизимида масофавий таълимдан самарали фойдаланилмоқда.

Шу ўринда мамлакатимиз олий таълим муассасаларида ҳам бу борада инновацион фаолият амалга оширилиши бошланган. Олий таълим муассасаларида MOODLE - масофавий таълим технологияси жорий этилмоқда. Бу, албатта, аҳолининг таълимга бўлган эҳтиёжини қондиришда замонавий кадрларни мунтазам шакллантириб боришдаги фаол жараёнлардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, масофавий таълим имкониятларини жамиятимиз микёсида қўлланилиши, таълим олишда жаҳон андозаларига мувофиқ таълимий ўсиш, касбий ижодкорлик ва рақобатбардош мутахассисларни шаклланиши

натижасида аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминланишда катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Бу эса мазкур соҳа ривожланиши учун муайян дастур яратилиши ва қатъий белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини талаб этади. Бунда айниқса, масофавий таълимнинг назарий ва амалий асосига оид чуқур илмий таҳлиллар, хориж тажрибаси, ютуқ ва камчиликларининг атрофлича ўрганилишини дастлабки муҳим вазифалар сифатида эътироф этиш мумкин. Шунингдек, ташкилий қисмда ўрганилган натижаларга мувофиқ Ўзбекистон халқининг, шунингдек, миллий таълим тизимининг ментал хусусияти инобатга олинган ҳолда соҳага оид қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилиши ўринли ҳисобланади.

Мазкур муҳим вазифаларни бажариш мамлакатимиз таълим тизими, халқимизнинг таълимий эҳтиёжининг ортиши ва илмий савиясининг ўсиши, мамлакатда рақобатбардош замонавий мутахассис кадрлар тайёрлашга, натижада юрт фаровонлигига катта таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаш зарурдир. Шу

сабабли, бизнингча, мазкур фаолият бўйича тегишли ташкилотлар томонидан ахборот технологияларини таълим тизимига жорий этиш ҳамда масофавий таълим бўйича илмий фаолият олиб бораётган мутахассисларни жалб этилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масофавий таълимни мамлакатимиз узлуксиз таълим тизими, шунингдек, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари учун касбий малака ва кўникма берувчи махсус ўқув муассасалари тарзида ташкил этилиши бўйича комиссия ташкил этилиши мазкур фаолиятнинг республикамизда жадал ривожланишига катта таъсир кўрсатади, деган фикрдамиз.

Таъкидлаш жоизки, бугунги Ўзбекистон барча соҳаларда, хусусан таълим соҳасида ҳам каттадан катта ютуқларга эришганлиги дунё эътирофидадир. Янгидан янги муваффақиятлар негизини излаш, жаҳоннинг илғор ютуқларини мамлакатимизга ўзимизга хос ва мос тарзда интеграция қилиш юртимиз равнақига улкан ҳисса қўша олишига ишонамиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳомидов Ҳ. Авесто файзлари. – Т., 2001. – Б. 9.
2. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. – Т.: 2007/2008. – Б. 29.
3. Ҳасанбоев Ж., Гўракулов Х. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: 2009. – Б. 463.
4. Сорокин. П.А. Человек. Цивилизация.Общество. / Общ.ред., сост. и предисл. А.Ю.Согомонов. Пер.с.англ. – М.: Политиздат, 1992. – С.310.
5. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. – Т.: 2007/2008. – Б. 10.
6. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: Адолат, 2002. – Б. 53.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 41-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т.: 1997. 9-сон, 225-модда.
9. Сайфуров Д.М. Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида масофадан ўқитишнинг илмий-услубий асослари. Дисс. – Т.: 2005.
10. Молодой учёный. Научный журнал. – Казань: 2015, №20. – С.207.
11. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.
12. Қонунлар. Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: 2002,10-11-12-сонлар. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2015, 24-сон.
13. www.lex.uz. [Электрон ресурс].

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрена развитие образования в качестве важного фактора для развития общества. Обращено внимание на форму образования которые изменялась и развивалась долгую историю до настоящего времени и на необходимость новую форму образованию - дистанционного образованию в процессе развития общества.

Ключевые слова: образование, социальный лифт, традиционное образование, дистанционное образование.

RESUME

In the article the improvement of education is seen as an important factor for the development of the society. It pays attention to the fact that the forms of education have changed through the history, developed and the society has a necessity for a new form of education- distance education in its development process.

Key words: the education, social elevator, traditional education, distance education.

МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАРИХИЙ ОНГ

Маҳкамов Қ. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ҳар қандай халқ ёки миллатнинг маданий-маънавий мероси, қадрият, анъана ва маросимлари унинг ижтимоий онги билан боғлиқлиги ёритиб берилган. Тарихий онг эса ижтимоий онгнинг муҳим ва асосий элементи ҳисобланади. Давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатида ҳам тарих ва тарихий онг алоҳида аҳамият касб этади.

Калим сўзлар: тарихий хотира, ифтихор, миллий гуруҳ, тарихий тараққиёт, анъана, тарихий тафаккур, миллий онг, маънавият, авлод, жамият.

Ҳар бир халқнинг миллий онги ўсиши, миллий ўзлигини англашида, тарихий меросини билиб, уни ўзлаштиришида, қолаверса, тарихий қадриятини тиклашида ижтимоий онг муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий онг халқнинг тарихий тақдирини белгилаб беради. Боиси у моҳият жиҳатидан жуда кенг бўлиб, жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Онг шакллари бир-биридан фарқ қилса-да, жамият тараққиётига ижобий ёки салбий тамонлардан таъсири бор. Унинг турли шакллари маънавият даражасига кўтарилганда жамият раванакига ижобий таъсир этади. Ижтимоий ҳаёт ранг-баранг, хилма-хил бўлгани учун ижтимоий онг ҳам тегишлича турли шаклларга бўлинади. Булар: иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, экологик онг каби шакллари бўлиб, биз яна тарихий онгни онгнинг таркибий қисми сифатида, шу жумладан, булар қаторига тарихий онгнинг муҳим элементи сифатида тарихий хотирани қўшмоқдамиз. Ижтимоий онгнинг бу каби барча шакллари ўзаро боғлиқдир ва улар бир-бирини тўлдириб туради.

Одатда, халқ ижодиётида буюк кишилар жасорати ва қахрамонлиги, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси куйланади. Тарихий хотира тарихий онгнинг зарурий, муҳим, айтиш мумкинки, марказий элементини, халқ маънавий ҳаётини ташкил қилади. Ўтмишнинг аҳамияти ва унинг талқини инсонда ватанпарварлик, ўзининг ушбу бирликка мансублигидан фахрланиш, ифтихор, мардлик, миллий гуруҳ туйғуси сингари фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилиши туйғайли ушбу ҳол юз беради.

Шунинг учун тарихий хотира кўпинча тарихий шахслар, ўтмиш етакчилари фаолиятини баҳолаш орқали шахсийлаштирилади, бирон-бир тарихий воқеа, даврлар, умуман, ўз тарихи тўғрисидаги таассуротларни, мулоҳазаларни, фикрларни шакллантиради. Немис файласуфи Ф.Ницше “тарих – бутун-бутун халқлар тақдирини ҳал этадиган ғайриинсонлар учрашадиган жой[1]”, деган концепциясини илгари суради. Адабиёт, санъат ва, айниқса, глобаллашув шароитида босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг жамият тарихий онги, таваажжуҳи ва антипатиясини шакллантиришдаги роли жуда улкан, лекин бу улар жиддий тарихий билимлар манбаи бўлиб хизмат қилади, дегани эмас. Улар кўпинча ўтмишнинг сунъий яратилган талқини моделидан иборат бўлади. Бундай тасаввурлар оммавий онг томонидан қўллаб-қувватлангудек бўлса, улар жамиятнинг босқичма-босқич ривожланишига таҳдид солиши

мумкин. Халқлар учун муҳим бўлган кўплаб ҳодисалар ошқора, баъзан эса муросасиз мунозарага, ҳатто, бошқа халқлар вакилларининг тўқнашувига олиб келиб, умуман тарихий онгни, шунингдек тарихий хотиранинг жуда салмоқли омили бўлиши мумкин. Шунинг учун эътибор қилинадиган нарсани тўғри танлаш ва тарихий ҳодисаларни тўғри талқин қилиш керак. Бунинг учун биринчи навбатда, халқларнинг бағрикенг-ларча ҳамкорлик қилишига кўмаклашиш зарур. Акс ҳолда узоқ сақланиб қолиш, ижтимоий кескинликни юзага келтириш ва можароларни келтириб чиқариш хусусиятга эга бўлган эҳтиёткорлик, нотўғри хулоса чиқариш, салбий қарашлар ҳосил бўлади.

Инсон психологиясига хос бўлган кек сақлаш, гинахонлик каби иллатлар ижтимоий онгда ҳам, индивидуал онгдан фарқли ўларок, анча юқори ва катта миқёсда “миллий кек”, “элатлараро гинакашлик” каби ҳодисаларда ҳам намоён бўлиш потенциал имконияти доимо сақланиб қолади.

Тарихий тараққиёт мобайнида турли халқлар, айниқса, туташган ҳудудларда асрлар мобайнида истиқомат қилган турли миллат ва элатлар ўртасида фақат дўстлик, ҳамкорлик, яхши кўшничлик алоқалари устувор бўлган, дейиш ҳақиқатга хилоф.

Турли сиёсий-ижтимоий кучлар манфаати йўлида кўшни халқлар орасига нифоқ солиш, ҳудуд ва бойлик учун кураш жараёнида ўзаро беҳур-маглик, таҳқир ва ҳақорат рецидивлари тарихда кўп учрайди. Территориал даъволар ва улар негизида келиб чиқадиган низо ва можаролар ХХI асрда ҳам айрим минтақаларда давом этмоқда. “Мана шундай тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда, биз хушёрлик ва сергаклигимизни йўқотмасдан, кимлар бизга хайрихоҳ, кимлар ғаразли кўз билан қараётганини, бугунги ҳаёт, бугунги давр бизнинг олдимизга қандай ўтқир талаб ва вазифаларни қўяётганини чуқур англаб, огоҳ сезгир ва сафарбар бўлиб яшашимиз талаб қилинмоқда[2]”

Тарихий онг, тарихий хотира ҳозирги даврга келиб умуминсоний маънавий ҳаётдаги глобал муаммога айланди, десак муболаға бўлмайди. Муайян геосиёсий кучлар бутун олам бўйлаб ахлоқсизлик рецидивларини ёйишга, қадимдан яшаб келаётган олижаноб анъаналарни таҳқирлашга, тарихни сохталаштириб, ёшлар ва катталар орасидаги ворисийликка раҳна солишга уринмоқда. Шу аснода, тарихий онг шаклландиган социал-демографик замин – ёшлар, шу жумладан уларнинг энг фаол қисми – бутун дунёда ҳам, бизнинг мамлакатимизда эса, мутлоқ кўпчиликни ташкил қиладиган ўқувчи ёшларда тарихий онг

* Маҳкамов Қ. – НамДУ ўқитувчиси.

шаклланишининг динамикаси ва статикасини ўрганиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Айниқса, ёш авлоднинг тарихий онгини янгилаш, юксалтириш асосий вазифа сифатида белгиланди. Боиси, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, “биз халқимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизни биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшашлари учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз холига, ўзи бўларчилиқка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.”[3] Дарҳақиқат, маънавий тарбия жиддий эътиборни талаб қиладиган, инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида энг асосий роль ўйнайдиган соҳа бўлиб, унинг муҳим функцияларидан бири тарихий онгни ривожлантириш, тарихий хотирани сақлашдир. Маънавиятли шахс ўз халқи тарихини, аجدодлари қолдирган меросни, миллий қадрият ва имкониятларни билиши зарурдир. Тарих тарихий онгнинг ривожланишида асосий ўрин эгаллайди. Тарихни ўрганишга, идрок этишга мутахассислар турлича ёндашдилар, ўтмишни англаш учун ягона бир тизимни яратишга кўпдан бери уринадилар. Лекин, таъкидлаш жоизки, ҳали ҳозир барчани бирдек қаноатлантирадиган ёндашув ишлаб чиқилмаган.

Тарих инсон учун ҳам, халқ учун ҳам буюк хотира вазифасини бажариши шубҳасиз.[4] Бирок хотира мураккаб психологик жараён сифатида ҳам

ижобий, ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлиши, шахс ва жамиятни ёки юксакликка кўтариши, ёки пастликка қулатиши ҳам мумкин. Ўз ўтмишига маҳлиё бўлиб, фақат хотирага берилиб, янги ғоя ва амал ижод этмаслик оқибатида, ижтимоий бирликлар йўқолиб кетиши ҳам мумкин.

Инсоният вужудга келтирган қадриятлар, маънавий ҳамда маданий мероснинг қўшиливи натижасида тарихий хотира юзага келади. Тарихий хотира ҳаётда содир бўлаётган ижтимоий ўзаришларнинг моҳиятини тушуниб етишга ёрдам беради. Тарихий тафаккур эса, тарихни англаш орқали инсоннинг ўзини англашига, ҳаёт мазмунини чуқурроқ тушунишига, шахс сифатидаги фаоллигини вужудга келтиришига ва баркамол инсон бўлиб шаклланишига ёрдам беради.

Бундан ташқари миллий ўзлик масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш керак. Чунки ўзликни англашда инсон ўтмишга маънавий-руҳий жиҳатдан яқин бўлишга, тарихий ҳақиқатни билишга интила бошлайди. Зеро, «тарихий ҳақиқатни англаш учун ва, айниқса, ўтмиши сохталаштирилган, бой маънавий ва маданий меросидан ажратиб ташланган, зўравонлик ва ҳукмрон ғояларга маҳкум этилган, унга хизмат қилдирилган тарих ҳақиқатини қайта тиклаш учун ана шундай маънавий-руҳий яқинликни ҳис этиш, ўша жараёнларни бевосита қалб орқали ўтказиш зарур»[5].

Тарихий онг қанчалик яхши шаклланса, ўзини шунчалик чуқурроқ англаган инсон онги кучлироқ ривожланади. Аввало ёшлар онгига ватан тарихини сингдириш ва ҳар бир миллатнинг аجدодлари кимлигини уқтириш, улар эришган илмий ва амалий ютуқларни ўргатиш, ватанпарварликни шакллантириш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ривожлантириш ғоят муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ницше Ф. По ту сторону добра и зла. //Сочинение В 2х т. - М.: 1990. Т. 2. - С. 242- 401.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2015. –Б. 71.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. -Б.4.
4. Фалсафа комусий луғат. - Т.: “Шарк”, 2004. -Б. 389
5. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. - Т.: “Шарк”, 2008. -Б. 20.

РЕЗЮМЕ

В этой статье изложена связанность культурно-духовного наследия, ценностей, традиций и ритуалов той или иной нации с социальным мышлением этой нации. А историческое мышление является одной из важных форм социального мышления и считается основным его элементом. История и историческое мышление также имеет важную роль в политике нашего государства в отношении молодёжи.

Ключевые слова: историческая память, гордость, национальная гордость, историческое мышление, национальное мышление, духовность, поколение, общество.

RESUME

In this article the connection of any nation's cultural and spiritual heritage, values, traditions and rituals with that nation's social thinking are discussed. Historical thinking is one of the essential forms of social thinking and it is regarded as the main element of social thinking. History and historical thinking also play important role in our state's policy concerning youth.

Key words: historical memory, pride, national pride, historical progress, tradition, historical thinking, national mind, spirituality, generation, society.

ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ТАРЗИ ТАКОМИЛЛАШУВИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Назаров М. *

РЕЗЮМЕ

Оила, ижтимоий институт сифатида бир қатор вазифаларни бажаради. Ҳар бир оила аъзоси оиланинг маънавий-руҳий ҳолатининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Ҳарбий хизматчилар оиласида бу жараён алоҳида тарзда кечиб, ижтимоий-ҳарбий омил тарзида ҳарбий хизматнинг шарт-шароити, ўз касбидан қониққанлик ҳисси каби масалалар таъсир кўрсатади. Мақолада мазкур масалалар юзасидан назарий мулоҳазалар юритилган.

Калим сўзлар: оила, оилавий роллар, оила муҳити, ҳарбий хизматчиларнинг оиласи, оила маърифати, низо, эр-хотин орасидаги низо, низоли вазият, психологик маърифат.

Оила турли фан соҳаларининг тадқиқот объекти ҳисобланиб, ҳар бир фан ўзининг категориявий аппарати ва мақсади асосида оилани ўрганади. Социология фанида ҳам оила институти турли кўрсаткичлари асосида классификация қилиниб, ҳар бир классификация вазифаси жиҳатидан ажралиб туради. Ана шундай классификация қаторларидан бири сифатида, бу эр-хотинларнинг касб-кори асосида гуруҳларга ажратишни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу классификацияда ҳарбий хизматчилар оиласи, ижтимоий, маданий, психологик, соҳавий хусусиятларига эгаллиги билан ажралиб туради. Ҳарбий хизматчиларнинг оиласи – бу эр ёки хотиннинг касб-корини ҳисобга олиниб, шартланган касбий одоб қондаларига, ўзига хос муносабатлар маданиятига, уй-рўзғор юритиш тартибига эга бўлган ўзига хос кичик ижтимоий гуруҳ дейиш мумкин. Уларнинг оиласи бевосита ҳарбий касб ва ижтимоий-ҳарбий муносабатлар тизими билан чамбарчас боғлиқдир. Буни эса қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- ҳарбий хизматни ўташ жойларини ўзгартириши натижасида фарзандларнинг таълим-тарбия муассасаси (боғча, мактаб, лицей ва коллеж)нинг ўзгариши;

- эр-хотинлар яқин қариндошларидан (узок ёки яқин) айро ҳолда мустақил турмуш кечириб, маиший ва ижтимоий муаммоларини мустақил ҳал этишлари;

- оила аъзоларининг кўчиш билан боғлиқ бўлган жисмоний, ижтимоий-маиший, маънавий муаммоларга тез-тез дуч келиши;

- мукамал турмуш тажрибасига эга бўлмасдан туриб, фарзандлар тарбияси билан эр-хотинларнинг ўзларини шуғулланиши;

- оилавий ҳаёт режаларини эр-хотин ўзаро тартибга солиши.

Ҳарбий хизматчилар оиласида вужудга келадиган ҳар қандай муаммо эр-хотинларнинг индивидуал маърифий салоҳияти асосида ўз ечимини топади. Шу сабабли улар эр-хотинлик муносабатлари маданияти, хўжаликни бошқариш тартиби, фарзандларга тарбия бериш, ижтимоий ҳаёт стратегиясини белгилаш каби масалалар бўйича алоҳида тайёргарликка эга бўлишлари лозим. Бу эса ҳарбий таълим тизимида ўтилаётган «Ижтимоий психология», «Ижтимоий педагогика», «Социология» каби фанларни ўқитишда «Оилавий ҳаёт маданияти» масаласига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Ҳарбий хизматчиларнинг оиласи ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятларга эга бўлиб, улар ҳарбий касб талаблари ва маданиятининг таъсири остида вужудга келганлиги кўрсатиб ўтиш мумкин[1]. Булар:

- эр ва хотин ўртасидаги мулоқот формасида авторитар муносабат тарзининг доминантлик қилиши (командирлик муносабатидаги стиль);

- оилавий ҳаётни режалаштиришда эр ва хотинни бир хил иштирок этиши (дам олиш, тўй ўтказиш, рўзғор буюмларини сотиб олиш ва бошқалар);

- оиладаги фарзандларнинг таълим-тарбияси билан асосан хотин шуғулланиши (уларнинг хулқини, ўқишини ва атрофдагиларга муносабатини назорат қилиш ва камол топтириш);

- оилавий тадбирлар ҳарбий касбнинг кадриятлари билан уйғунлашган тартиб ва тарзда нишонланиши (ҳарбий унвон олиш, қисм кунини нишонлаш, қасамёд кунни ва шунга ўхшаш тадбирлар) ва бошқалар.

Эмпирик тадқиқотларнинг натижаларига кўра ҳарбий хизматчилар оиласининг асосий қисми гетерогамлиги (турли ижтимоий фарқлар билан ажралиб туриш) билан ажралиб туради. Улар орасида байналминал никоҳлар кўпроқ учрайди. Бу ўзига хослик асосида оилавий анъаналар шаклланган бўлиб, кадриятлар тизми ҳам шу тарика ифодаланади.

Ҳарбий хизматчилар орасида байналминал никоҳларнинг мажудлиги ижобий хусусияти шундаки, буни жамиятда мавжуд кадриятларнинг амалий ифодаланиши деб баҳолаш мумкин. Улар эса қуйидаги ҳолатларга боғлиқ бўлиши мумкин:

- ижтимоий бағрикенгликнинг мавжудлиги;

- аҳоли таркибининг кўп миллатлиги;

- жамиятдаги ижтимоий-маданий ўхшашликнинг мавжудлиги;

- никоҳ-оила муносабатларида анъана ва одатларнинг сақланиб келинаётганлиги;

- жамиятда байналминал никоҳларга нисбатан ижобий муносабатларнинг мавжудлиги;

- оила-никоҳ масалаларига демократик ёндашувнинг мавжудлиги, яъни ишқ-муҳаббат асосида оиланинг вужудга келганлиги.

Ҳарбий хизматчиларнинг оиласини илмий жиҳатдан ўрганиш бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилган. Уларнинг оила-никоҳ муносабатлари 1991 йилгача илмий ўрганилмаган ва муҳокама қилинмаган мавзулар сирасига кирган.

* Назаров М.М. – ТДТУ мустақил изланувчиси.

Бунинг сабаби Собик Иттифоқ даврида мазкур масалага ҳарбий-сиёсий масала сифатида ёндашилган. Ваҳоланки, ҳарбийлар оиласида ижтимоий институт сифатида жамият ҳаёти билан бевосита боғлиқ тарзда амал қилиб келган. Шунингдек, жамиятда мавжуд меъёрлар ҳарбийлар оиласида ҳам ўз ифодасини топган. Ижтимоий муносабатлар динамик кўринишга эга бўлиб, фан, санъат ва маданиятнинг таъсири асосида такомиллашиб бораверади. Шу сабабли бўлса керакки, ҳарбий хизматчиларнинг оиласи ҳамма вақт давлат ва жамият арбоблари ва тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган. Негаки, ғалабага эришиш ва тинчликни таъминлаш учун, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий ҳаётини асосини оила ташкил этади. Шу сабабли, уларнинг оиласига алоҳида эътибор қаратилган.

Масалан, 1722 йилларда гардемаринлар махсус фармон асосида оила курганлар. Фармонга риоя этмаганлар учун жазо сифатида 3 йиллик муддатда оғир меҳнат қилишга сургун қилинган. Албатта ўша даврда ҳукумат учун бу қулай чора ҳисобланган. Чунки гардемаринлар (ҳарбий хизматчилар)нинг оилаларини таъминлаш учун ортикча сарф-харажатлар ажратилмаган. Лекин ўша даврда хизматни ўташ жойларида ҳарбийларнинг оиласи учун яшаш шароитининг йўқлиги ва жанг майдонида ҳалок бўлганда оила боқувчисисиз бўлиб қолиши инobatга олиниб, уйланишдан олдин улар ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот беришлари талаб этилган. Мазкур чоратadbирларнинг қўлланилишидан мақсад армиянинг жанговар-шайлик даражасини доимий таъминлаб туриш; ҳарбий хизматчи шайнини эъзозлашдан иборат бўлган[2].

Ҳарбий хизматчиларнинг оиласи ижтимоий хусусиятлари билан ҳам характерланади. Ҳарбий касбнинг хусусиятлари[3] хизматчиларнинг нафақат ижтимоий муносабатларига, балки хизмат фаолиятига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Тадқиқотчи С.Евенконинг “Психология отклоняющегося поведения военнослужащих Вооруженных Сил Российской Федерации” номли илмий ишида таъкидлашича, ҳарбий хизматчилар шахсида оғишли хулқни ифодаланишида касб ва оилавий муносабатларни таъсири даражалари ажратиб кўрсатилган. Таъкидланишича, “оилавий муносабатларнинг ҳарбий хизматга таъсир даражаси бошқа омилларга қараганда юқори”[4] эканлиги қайд этилган.

Шу сабабли, оилавий муносабатларни силлик кечишидан ҳарбий хизмат соҳаси манфаатдордир. Бу ўз навбатида ҳарбий хизматнинг муваффақиятли бажаришга таъсир кўрсатадиган омилларни эмпирик тарзда ўрганишни тақозо этади. “Ҳарбий хизматчилар оиласини ижтимоий-психологик ўрганиш сўровномаси”да ҳарбий хизматни ўташда таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлашга қаратилган “Хизматни муваффақиятли ўтишингизга қайси омиллар таъсир кўрсатади?”-деган саволга тадқиқотда қатнашганларнинг 58% “эр-хотинни бир-бирига бўлган муҳаббати”, 15% респондентлар “Ота-оналаримизнинг ўғити/кўрсатмалари” деб

жавоб берган. 13% респондентлар “хотинларнинг муҳаббати” ва яна 12% респондентлар эса “ўзимга берган установакаларим (кўрсатмаларим)” деб жавоб келтирган. 2% респондентлар, “бу саволнинг жавобини ўйлаб кўрганим йўқ” деб жавоб беган.

Ҳарбий хизматчиларга амалий психологик ёрдам кўрсатиш нуқтаи назари билан қараганда 12% респондентларнинг “ўзимга берган установакаларим (кўрсатмаларим)” деган жавоби эътиборга моликдир. Бу ўз навбатида ёшларни ҳарбийлик касбига тайёрлашда “Установа (кўрсатма) бериш психотехникаси”ни ўргатишни тақозо этади.

Бошқа оилалар каби ҳарбий хизматчиларнинг оиласида ҳам эр-хотин орасида турли сабабларга кўра тушунмочиликлар вужудга келади. Ижтимоий-психологик тадқиқотда қатнашган 59% респондентлар “Эр-хотин орасидаги муносабатларнинг чигаллашуви қайси сабабларга кўра пайдо бўлади?” деган саволга “Рафикам менинг руҳий ҳолатимни тушунмаслиги” натижасида деб жавоб келтирган бўлсалар, 27% респондентлар “Менинг кадриятларимни англамаганлиги сабабли” деб жавоб келтирган. Бу тоифадаги ҳарбий хизматчилар шахсининг камол топишида улар тарбия топган оиланинг муҳити ҳамда оила аъзоларининг, яъни ота ва она шахсининг таъсири юқори эканлигини кўрсатади. 8% респондентлар бу саволга маиший масалаларни, 6% респондентлар бир-бирларига айблов қўйишган. Яъни, “эрим/хотинимнинг айби билан” деб жавоб келтирган. Жавобнинг маъносидан шу аёнки, бу оилаларда низовий ҳолатлар кузатилади. Бу оилалар ҳаётини сақлаб қолиш учун амалий психологик ёрдам кўрсатиш тавсия этилади. Бунинг учун оилавий ҳаётни силлик кечишини таъминловчи омилларни аниқлаш талаб этилади.

Ҳарбий хизматчилар оиласидаги муносабатларнинг силлик кечишини таъминловчи омилларга муҳаббат, уй-рўзғор юмушларини бажара олиш қобилияти, маънавий-руҳий яқинлик, ташқи кўриниш, оилада фарзандларнинг мавжудлиги, терапевтик вазифани бажара олиш, кадриятларни ҳурмат қилиш, турли вазиятларда оила манфаатини устун қўйиш малакасига эгаллик қилиш кабилар кирди.

Ҳар қандай оиланинг, жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг оиласини бузилиши нафақат уларнинг ўзлари шахсига, балки улар оиласининг яқин қариндошларига, фарзандлари ва ҳарбий жамоасига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ҳарбий хизматчиларнинг оиласи жамиятда алоҳида ўрин эгаллаб, тинчлик, осуда ижтимоий ҳаётни таъминлаш йўлида турли хавф ва хатарлар билан юзлашади. Бу ўз оила аъзоларида оила етакчисининг жароҳатланиши, узоқ муддатда сафарга жўнаб кетиши ва ҳаттоки, оила етакчисини йўқотиш каби салбий ҳис-туйғуларнинг таъсирида ҳаёт кечиришни тақозо этади. Ўз навбатида, салбий ҳис-туйғулар субъектнинг (оила аъзоларининг) хулқида, муносабат билдиришида ўз аксини топади[5]. Шу сабабли, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ўз хулқ-атворларини регуляция қилишни (тартибга келтиришни) амалга оширишлари талаб этилади. Бу,

ўз навбатида ҳарбий қисм психологларининг зиммасига ҳарбий хизматчилар оила аъзоси билан психологик маърифат ишларини олиб боришни талаб этади. Агарда, ҳарбий хизматчилар оиласини миллий, байналмиллал, гетерогенлигини инобатга олсак, ҳарбий хизматчилар оиласи билан ишлашда “Оилавий тизимлар назарияси”дан фойдаланишни тақозо этади. “Оилавий тизимлар назарияси” М.Боуэн, А.Варга, С.Минухин, Э.Эйдемиллер, В.Юстицкис, Г.Шоумаров, Р.Самаров, В.Каримовалар томонидан таклиф этилган ва амалиётда қўллаш босқичлари асослаб берилган.

Оилавий ҳаёт тарзига унинг аъзоларини миллий мансублиги, байналминаллиги, эр-хотинларнинг маълумот даражасидаги фарқларнинг мавжуд эканлигидан қатъий назар, ўзаро муносабатларни силлиқ кечишига эр-хотин масъул ҳисобланадилар. Масъуллик ҳиссига ижтимоий-психологик ва ижтимоий-педагогик хусусият сифатида ёндашиш мақсадга мувофиқ. Шундагина психологик маърифат ишлари ижобий натижалар беришининг эҳтимоллиги юқори бўлади[6].

Ҳарбий хизматчилар оиласининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- никоҳдагиларнинг оилада юзага келадиган барча муаммолар юзасидан эр-хотинни ўзлари ҳал этишлари;

- фарзандларнинг таълим-тарбиясига асосий иштирокчи аёл масъул эканлиги;

- ҳарбий хизматнинг касб одоби ва кадрятлари, фарзандларнинг шахсий сифатларини шаклланишига таъсир кўрсатади;

- фарзандларнинг касб танлашида ота касбининг ижобий таъсир кўрсатиши юқори эканлиги ва бошқалар.

Ҳарбий хизматчилар оилавий муносабатларини силлиқ кечишини таъминлашда ижтимоий ва касбий омилларнинг таъсири муҳим ҳисобланади. Чунки бўлажак оила муҳаббат, ёхуд кимнинг тавсиясига биноан ёки бошқа сабаб билан қурилган бўлса, таъсир кўрсатилган омил эр-хотинларнинг ўзаро муносабатига у ёки бу тарзда таъсир кўрсатади. Ҳарбий хизматчилар оиласининг турли жиҳатлари аниқ илмий услублар асосида ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳарбий хизматнинг манфаатларидан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчиларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш учун “Ҳарбий оиланинг маънавияти” номли тадқиқот дастурини қабул қилиб, унинг асосида маърифий манбалар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Евенко С.Л. Психология отклоняющегося поведения военнослужащих Вооруженных Сил Российской Федерации // Диссертация доктора психологических наук. - Москва: ВУ, 2009. - С.379.
2. Ковалевский М. Очерк происхождения и развития семьи и собственности. Соч. В 2-х томах. - Спб., 1997. С.
3. Самаров Р. Проблемы психологической готовности военнослужащих к несению воинской службы Психология фани ХХ1 асрда // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: 2002. - С. 97-98.
4. Евенко С.Л. Психология отклоняющегося поведения военнослужащих Вооруженных Сил Российской Федерации // Диссертация доктора психологических наук. - Москва: ВУ, 2009. – С. 237.
5. Циринг Д. А. Психология личностной беспомощности // Диссертация доктора психологических наук. – Томск: Томский государственный университет, 2010. – С. 256.
6. Щеглов А. Ф. Фактор семьи в процессе нравственного формирования личности будущих офицеров // Дис. ... канд. филос. наук. – Омск: Университет, 2004. – С. 89.

РЕЗЮМЕ

Семья как социальный институт выполняет несколько функций. Личность каждого члена семьи влияет на становление семейного климата. Данный процесс происходит по своему и в семьях военнослужащих. На это влияет военно-социальные факторы, охватывающие условия труда военнослужащих, степень удовлетворенности своей деятельностью и т.д. В данной статье рассматривается данный вопрос с теоретической позиции.

Ключевые слова: семья, семейные роли, семейная среда, семья военнослужащих, семейное просвещение, конфликт, супружеский конфликт, конфликтная ситуация, психологическое просвещение.

RESUME

The family as a social institution performs several functions. The personality of each family member affects the formation of a family environment. This process takes place in their families and in the military. At this affects the military-social factors, covering the working conditions of servicemen, the degree of satisfaction of udovltvorennosti their activities, etc. This article examines the issue from a theoretical position.

Key words: family, family roles, family environment, military family, family education, conflict, marital conflict, a conflict situation, psychological education.

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА БЎЛГАН
ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР МАЗМУНИ**

Назарова Б.А. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада замонавий таълим тизимининг ўзига хослиги тавсифланган. Таълим жараёнида олий қадрият сифатида шахснинг роли ёритилган. Педагогнинг ахборот жамияти билан ўзаро алоқасининг аҳамияти таъкидланган. Профессional педагогнинг ижодий ва тадқиқотчилик фаолиятларидаги асосий вазифалар таҳлил этилган.

Калим сўзлар: шахс, инновацион жараён, ахборот жамияти билан ўзаро алоқадорлик, тадқиқот вазифалари, янги типдаги педагог.

Ўзбекистон Республикасида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида олиб бориладиган ислохотларнинг туб мақсади давлат ва жамиятнинг таълим жараёни олдига қўйган бу юртмасини таъминлашдан иборат. Жумладан, давлат ва жамият тараққиёти учун зарур, рақобатбардош, илмий салоҳиятга эга бўлган етук мутахассисларни тайёрлаш, уларга бериладиган таълим-тарбия ва илмий билимлар мазмунини такомиллаштиришга қаратилган.

Таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш муаммосига оид халқаро ва республика миқёсида илмий-амалий анжуманлар ўтказилган бўлиб, уларнинг натижалари, таҳлиллари асосида замонавий университет модели яратишнинг мақсад ва вазифалари аниқланган; бу жараёнда амал қилинадиган тамойиллар белгиланган; фаолият юритишнинг усуллари, воситалари ҳамда шакллари йўлга қўйилган; таълим жараёнининг бош объекти ва субъекти сифатида ўқувчи-талаба-бўлажак мутахассис сифатида технологик ёндашувлар бўйича эгаллаши лозим бўлган билимлар, амалий малакалар мазмуни ва қўлами белгиланган; уларнинг эҳтиёжи, қобилияти, қизиқиш ва имкониятлари, тайёргарлик даражаси ва таълим сўнггида эришиладиган натижалар аниқланган.

Таълим амалиётидан маълумки, ўқувчи талабалikka қабул қилингандан бошлаб, ҳар бир фаннинг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганиши билан бирга касб тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳозирда олий ўқув юртларида талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш технологиясига жиддий эътибор қаратиш зарурлиги долзарб педагогик муаммо сифатида эътироф этилмоқда.

Таълим тизими тузилишидаги кенг камровли ислохотларни Республика педагоглари илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш билан мустаҳкамлашлари зарур. Бунинг учун ўқув жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишда талабаларни илмий тадқиқот ишларига мақсадли йўналтиришга ўргатиш талаб этилади. Бўлажак ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этишга технологик ёндашувнинг илмий асослари ҳақида республикамиз педагог олимлари томонидан муайян даражада фикрлар билдирилган. Бу эса мазкур ишнинг жадал суръатда давом этаётганлигини кўрсатади. В.П.Беспалько, Ж.Йўлдошев, М.Кларин,

Мила Новик, Б.Фарберман кабиларнинг тадқиқот ишлари шулар жумласидандир.

Аммо қайд этилган тадқиқотларда айнан олий ўқув юртлари талабаларининг илмий дунёқарашларини шакллантириш орқали тадқиқот ишларига мақсадли йўналтириш масаласи алоҳида тадқиқот муаммоси сифатида қўйилмаган. Ваҳоланки, таълим жараёни кўп босқичли яхлит тизимга эга бўлиб, унинг ҳар бир босқичи таълим олувчиларнинг ёши ҳамда ўзига хос хусусияти, таълим-тарбия жараёнидаги интеллектуал қобилиятига, шунингдек, таълимнинг изчил, тизимли ва узвий амалга оширилишига боғлиқдир.

Ёшларни интегратив билимлар тизими билан қуроллантириш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш олий таълим тизими бош мақсадидан келиб чиққан, бажарилиши зарур бўлган асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Таълим технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади:

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқариш;

- таълим-тарбия ва илмий тадқиқот ишлари жараёнида ўқитувчи ва талабанинг ўзаро педагогик ҳамкорлик фаолияти самарадорлигини ошириш;

- баркамол авлоднинг илмий дунёқарашини шакллантириш мақсадида уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланиш.

Профессор Ж.Ф.Йўлдошевнинг фикрича, педагогик технологиялар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан ўзаро боғлиқ равишда шаклланиб ва ривожланиб бориши натижасида турлича кўринишларда намоён бўлади. Ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим – тарбия тизими, педагогик фаолият, таълим методикаси ҳамда алоқадор фанларнинг илмий тадқиқот соҳаси. Педагогик технология кенг қўламли ижтимоий ҳодиса бўлиб, у кўп фанларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Бунда ҳар бир фан ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ йўналишларда педагогик технологияларни такомиллаштириш йўли - йўриқларини белгилаб боради[1].

Бугунги даврга келиб, фан ва техниканинг жадал ривожланиши илмий ахборотлар қўламининг кўпайишига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, илмий билимлар асосида шакллантирилган ўқув фанларининг мазмуни йил сайин янги билим ва

* Назарова Б.А. – Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти мустақил-изланувчиси, п.ф.н.

тушунчалар билан бойитиб борилиши туфайли фан асосларидаги ўқув материали ҳажмининг ортишига сабаб бўлмоқда. Амалдаги ўқув машғулоти учун ажратилган вақт меъёрлари эса катта ҳажмдаги ўқув материалнинг ўқувчилар томонидан тўлақонли ўзлаштирилишига имкон бермайди[2].

Демак, мавжуд вақт меъёрларига амал қилган ҳолда ўқув материалнинг мазмунини ўқувчиларга етказиб бериш учун таълимда янгича ёндашув талаб этилади. Бундай ёндашув замонавий таълимда фанларро боғланиш тарзида амалга ошириб келинмоқда. Бироқ бу метод ҳам мавжуд муаммони тўла ҳал этиб беролмаслиги сабабли бошқа методлардан фойдаланиш эҳтиёжи вужудга келди. Бунда асосий эътибор ўқув материалнинг ҳажми ва мазмунини ихчамлаштиришга қаратилиши лозим.

Вужудга келган муаммони ҳал этиш йўлларида бири сифатида бугунги кунда методист олимлар томонидан **таълим мазмунини интеграциялаш** методи кенг эътироф этилмоқда. Эътиборли томони шундаки, интеграциялаш методи ўқув машғулотидаги мазмундан ташқари илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари интеграциясида ҳам муҳим аҳамиятга эга[3].

Фан ва таълимнинг турли соҳаларини интеграциялаш масалалари рус олимлари О.В.Петухин, С.Д. Смирнов ҳамда Ўзбекистонлик олимлар Р.Ҳ.Джураев, Б.Л.Фарберман кабиларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган.

Шахсга билим бериш ҳамда унинг илмий дунёқарашини шакллантириш, илмий-ижодий фаолиятга йўллашда энг кучли потенциалга эга бўлган жаҳон ахборот тармоғига боғланиш, турли хилдаги маълумотлар, амалий тажрибалар билан батафсил танишиш, энг сўнгги табиий ва гуманитар билимларни эгаллаш зарур. Бунда ахборот коммуникация технологияларидан, электрон дарсликлардан фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши давр талабидир[4].

Талабани ўзлаштирган билимларини умумлаштирган ҳолда уларни фикрлашга ўргатиш, илмий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларида жиддий камчиликлар мавжуд. Бу ўз навбатида, ДТС, ўқув дастури, дарсликларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Олий таълим тизимида талаба-ёшларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этишда интеграция жараёнлари муҳим аҳамият касб этади ва у илм-фаннинг турли соҳаларини ўзаро боғланган ҳолда ривожлантириш, бир бутун қилиб бирлаштириш, яхлит ҳолга келтириш деганидир.

Талаба-ёшларни таълим жараёнида илмий тадқиқот ишларига мақсадли йўналтиришга асосланган интеграцион жараён қисқа муддат ичида олий таълим муассасалари кафедраларининг илмий имкониятлари кенгайтиришга кўмаклашади. Бугунги кунда фан ва таълим интеграциясининг ривожланиши кўп жиҳатдан амалга ошириладиган тадқиқотларга ҳам боғлиқ.

Ҳозирги технологик жараёнлар ривожланган даврда, олий ўқув юрларида амалга ошириладиган тадқиқотлар мавжуд муаммолар ечимига

қаратилади. Бу ўринда илмий лабораторияларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги ахборот технологиялари асрида олий таълим жараёнида фақат мавжуд билимларнигина ўзлаштириб, сўнгра илм билан шуғулланиш эмас, балки таълим жараёнини илмий тадқиқот ишлари билан бир вақтда ва бир-бири билан боғлаган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки ахборот технологияларини татбиқ этган ҳолда ташкил этилган таълим жараёни жуда кўп маълумотларга асосланган тарзда амалга оширилиши туфайли талаба барча маълумот ёки ахборотларни ўзлаштириб олмайди ҳамда уларни тизимлаштириш имкониятига ҳам эга бўлмайди. Шунинг учун бўлажак мутахассиснинг билим даражаси мукамал бўлмай туриб ўз ишига юқори қизиқиш билан ёндашмайди. Таълим илмий тадқиқот жараёни билан қўшиб амалга оширилганда эса, талаба ўзи иштирок этаётган ёки олиб бораётган илмий тадқиқот натижаларининг аниқлиги ва ишончли бўлиши учун, мавжуд билим ва ахборотларни ўзи мустақил равишда ўзлаштирилади ҳамда танлаган, қизиққан соҳасини мукамал эгаллаш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Тадқиқот иши талабани масъулият ҳиссини англаб етиш ва олдига қўйилган вазифаларни бажаришда интизомга қатъий риоя қилишга ундайди[5].

Илмий тадқиқот ишларида фикр ифодалаш усули ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Уни бадиий асар билан қиёсласак, ўртадаги фарқ янада яққолроқ намоён бўлади. Илмий асар объектив ҳақиқатни мантиқий тафаккур маҳсули бўлган фикрлар тизими орқали акс эттиради. Шунинг учун илмий асар бошидан охиригача асосан мулоҳаза юритиш, муносабат билдириш ва исботлашдан иборат бўлади.

Илмий тадқиқот ишларида аниқлик, объективлик, мантиқийлик, изчиллик, ўзига хослик, қисқалик ва тўлиқлик каби меъёрлар мавжудки, бу меъёрлар илмий асарда ўз ифодасини топиши керак.

Ҳар қандай илмий тадқиқот ишида тадқиқ қилинган илмий ҳодиса аниқ тасвирланади. Илмий тадқиқот натижалари мантиқий фикрлаш ва мушоҳада юритиш орқали изчил баён этилади[6].

Талабаларнинг илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари натижалари ҳисобот, реферат, мақола, ихтиро, тавсиянома ва битирув - малакавий иш кўринишларида яқунланади. Шу сингари ишлар бўлажак мутахассисларнинг тадқиқотчилик ва ижодкорлик қобилиятларини шакллантириб, ривожлантирибгина қолмасдан, балки улар ўзлаштирган билимларнинг янада чуқур ва мустаҳкам бўлишига олиб келади ҳамда касбий-амалий кўникмаларини такомиллаштирилади.

Шундай қилиб, фан ва таълимнинг мақсадлари умумий бўлиб, муаммонинг ягона ечимини топишга қаратилгандир. Илмий тадқиқотлар олий таълимни кенг доирада ривожлантириш, илмий хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш ҳамда таълим-тарбия ва тадқиқот жараёнлари охириги натижаларининг такомиллашувига йўналтирилиши керак.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таълим жараёнига ахборот технологияларининг кириб келиши фанларни замонавий технологиялар асосида ўқитиш тизимининг шаклланишига асос бўлди. Бу тизим нафақат олий, балки бутун узлуксиз таълим тизимида ноанъанавий усулларни қўллаш имкониятини юзага келтирди.

Таълимда замон ва ривожланиш талаблари асосида янгица ёндашувлар усулларини излаш билан боғлиқ ҳолда олий ўқув юртлари фаолиятида илм орқали билим бериш усули устувор бўлмоқда. Бу усулнинг амалдаги намунаси сифатида Гулистон давлат университети базасида мавжуд ўқув лаборатория ва ўқув дала амалиётлари базаси билан бир қаторда кафедралар қошида илмий тадқиқотларга асосланган ҳолда ташкил этилган “Экспериментал биология” лабораторияси, “Илмий-амалий музей”, “Илмий адабиётлар кутубхонаси”, “Селекцион тажрибалар экспериментал майдонлари”, “Минтақавий тадқиқот маркази”, “Педагогик инновация маркази”, “Шўрга чидамли ўсимликлар уруғларининг генбанки”, “Ёш олимлар” мактаблари, “Кичик мактаб”лар, “Миллий ғоя ва мафкура” илмий амалий маркази, “ГулДУ таянч маскани” кабиларнинг ташкил этилганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Шундай марказларнинг ташкил этилиши талаба-ёшларнинг илмий тадқиқотларга асосланган илмий изланишларини йўлга қўйиш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришнинг маъмурий-ташкилий томонларига асос бўлади.

Буларнинг барчаси илмий тадқиқотларнинг йўлга қўйилиши ва илмий тадқиқотларга йўналтирилган фаолиятлар замирида фан ва таълим интеграциясининг бошланғич асослари яратилишига сабаб бўлади.

Тадқиқот натижаларидан олинадиган илмий хулосалар халқаро ва республика миқёсида ўтказилиши режалаштирилган илмий анжуманларда муҳокама этилиб, анжуманлар материаллари, илмий журнал ва тўпламларда чоп этирилиши мақсадга мувофиқдир. Олинаётган илмий натижалар асосида профессор-ўқитувчилар ва талабалар халқаро ва Республика миқёсида ўтказиладиган анжуман ва симпозиумларда маърузалар қилиши, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан бирга ижобий натижаларни амалиётга кенгрок қўллаш имкониятини беради. Натижада мутахассисларнинг ўзлари танлаган соҳасига бўлган кизиқишлари янада ортади.

Талабаларнинг илмий тадқиқотлари мавзу танлашдан бошланади. Талабалар танлаган илмий мавзуларини кафедранинг етакчи мутахассис олимлари илмий раҳбарлигида таҳлил қиладилар, мақсад ва вазифаларини белгилаб оладилар.

Олий таълим муассасалари талабаларини илмий фаолиятга йўллаш мақсадида бакалаврият таълими даврида “Илмий-ижодиёт методологияси”га оид ўқув машғулотларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Йўлдошев Ж. Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.-Т.:Ўқитувчи, 2004. –Б.104.
2. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. –М.: ИРПО. 1996. - С.336.
3. Джураев Р.Ҳ. Умумий ўрта таълимда интегралашган таълим-давр талаби. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.Т.: 2007. –Б.294.
4. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике: обучение на основе исследования, игры и дискуссии. - Рига: НПЦ Эксперимент, 1995. –Б. 108.
5. Мила Новик. Современные технологии в образовании (продолжение) // Новые знания.1999 №4 –С. 39-42.
6. Смирнов С.Д.Педагогика и психология высшего образования:от деятельности к личности: Учеб. пособие для студ. высш.пед. учеб. заведений.-Москва: изд. центр Академия., 2003. –С.304.

РЕЗЮМЕ

В статье характеризуется особенности современной образовательной системы. Определяется роль личности как главная ценность в процессе обучения. Подчеркивается значимость взаимодействия педагога с информационной средой. Определяются основные задачи педагога-профессионала в плане синтеза творческой деятельности с исследовательской.

Ключевые слова: личность, инновационный процесс, взаимодействие с информационной средой, исследовательские задачи, педагог новой формации.

RESUME

In article the features of modern educational system are characterized. The role of the personality as the main value of process of training is defined. The importance of interaction of the teacher with information environment is emphasized. Identifies the main tasks of a professional educator in the synthesis of creative activities with the research.

Key world: personality, the world community, innovative processes, interaction with the information environment, research tasks, the teacher of the new formation.

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Налибаева З.О. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада таълим тарихий-маданий ҳодиса сифатида таҳлил этилиб, бунда замонавий таълим ва унинг олдига қўйилган вазифаларнинг мазмун-моҳияти, инсон-мутахассис шахсини тарбиялаш учун таълим сифатини ошириш, таълим муассасаларида тарбиянинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида табақалаштирилган ёндашув ишларини кучайтириш, тарбия беришда талаба шахсига индивидуал ёндашиш ва унинг шахс сифатидаги фазилатларини шакллантиришда педагог ва педагогик жамоалар масъулиятининг оширилиши, талаба шахсига илмий ёндашув ва шахс ривожининг омиллари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: таълим тизими, ахборот узатиш, педагогик ва ўқув фаолияти, замонавий таълим, прогрессив таълим, профессионал маҳорат, илмий-техник инновация, таълимий ахборот, таълим берувчи, таълим олувчи.

Ҳар бир давлатнинг тараққиётида таълим тизими алоҳида ўрин тутати. Мукамал ва самарали таълим тизимини ташкил этиш ҳар бир даврда муҳим саналади. Бугунги кунда таълим тизими олдида етук инсон-мутахассис шахсини тарбиялаш учун таълим сифатини таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу долзарб масалани ечиш йўлида мамлакатимизда босқичма-босқич ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу ислохотлардан кўзланган мақсад жаҳон меҳнат бозори учун рақобатбардош миллий кадрларни тайёрлаш, жамият тараққиётини соҳавий таъминлашни миллий талаб ва эҳтиёжларни инobatга олган ҳолда такомиллаштиришдан иборат. Бу хусусида биринчи Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ўз-ўзидан аёнки, тобора чуқурлашиб бораётган ислохотлар натижасида эришиладиган ўта муҳим ўзгаришлар ҳеч қачон бир кунда, кимнингдир буйруғи ёки хоҳиши ҳисобидан бўлмайди. Бунинг учун албатта вақт керак, энг асосийси – бу ислохотларнинг мазмуни ва мақсадларини жамиятимиз, халқимиз чуқур англаб олиши ва қўллаб-қувватлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга”[1].

Маълумки, таълим кенг қамровли тарихий-маданий ҳодиса ҳисобланиб, унда муайян билимлар ва улар билан боғлиқ кўникмалар, хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштиришга йўналтирилган жамият аъзоларига таълим ва тарбия бериш фаолияти тизими сифатида қараш ўринлидир. Бу борада Пол Рамсен университет таълими ҳақида муносабат билдириб, таълим беришда қуйидаги классификацияни келтиради:

- ахборот узатиш тарзида таълим бериш;
- талабалар ўқув фаолиятини ташкил этиш сифатида таълим бериш;
- ўқишни таъминлаш тарзи сифатида таълим бериш[2].

Унинг фикрича, мазкур классификация педагогик ва ўқув фаолиятни баҳолашда амалий аҳамият касб этиб, ҳаттоки талим бериш техникасини типларга ажратиш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли, бугунги кунда жамият таълим олдида янги талабларни қўймоқда. Талаблар сонининг ошиши бир қанча омиллар билан боғлиқдир. Энг асосийлари сифатида меҳнат бозорининг кенгайиши ва янги касбий

ихтисосликларнинг вужудга келишини келтириб ўтиш мумкин. Шу туфайли мутахассисларда янги касбий сифатларни, касбий билимларни шакллантириш, уларда касбий онгини ривожлантириш масаласи долзарбланимоқда.

Чуқур билимга эга, етук малакали ёш мутахассис кадрлар мамлакатимиз эртанги тараққиёти учун муҳимдир. Бунда эса ўз навбатида замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини аста-секинлик билан такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир. Давлатимизнинг бош тамойилларидан келиб чиққан ҳолда барча соҳаларда бўлгани каби таълимни ҳам ислох қилишда тадрижий, босқичма-босқич амалга оширишиб борилиши йўлини танланиши узокни кўзлаб амалга ошираётган ишларимизнинг намунасиридир.

Замонавий таълим тизимида асосий эътибор таълим олувчига қаратилиши билан аҳамиятлидир. Бунда “таълим олувчининг индивидуал ҳаракати, билимни ўзлаштириши, кўникма ва малакаларни шакллантириши тизимнинг самарали натижа беришига асос бўлади. Бу тизимнинг тўлиқ фаолият юритиши, кўзланган натижа бера олиши эса, таълим бериш учун ўқув-методик базанинг мавжудлигига, уларни ишлатиш технологиясининг яратилганлигига боғлиқ”[3].

Кадрлар тайёрлашда инновацион ёки янгича, прогрессив таълим, акмеологик омилларни инobatга олиб, унда шахс, инсонпарварлик тамойиллари асосида ёндашувни, бу нарса, ўз навбатида, талаба - ўқувчилардаги профессионал маҳоратни ўстиришни назарда тутати [4]. Бу эса “олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда педагог кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади”[5].

Шунингдек, бугунги кунда ривожланиб бораётган фан-техника ва технологиялар, ахборот коммуникация технологиялари даврини замонавий билим, малака ва тажрибага эга бўлган мутахассисларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу эса ўз

* Налибаева З.О. – ТТЕСИ катта ўқитувчиси.

навбатида узлуксиз таълим тизими, жумладан, олий таълим муассасалари мутасаддилари ва профессор-ўқитувчилари олдига бир қатор муҳим вазифалар қўймоқда. Бугунги кунда бу соҳада мамлакатимизда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, “жаҳонда биринчилардан бўлиб, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши, узлуксиз таълим тизими ҳамда унинг асосий бўғини бўлган 12 йиллик бепул ва мажбурий таълимнинг киритилиши – Ўзбекистонда таълим тизими шаклан ва мазмунан янгилиги билан чет эл экспертлари ва мутахассислари, нуфузли халқаро ташкилотлари томонидан юқори баҳоланаётгани”[6] эътироф этилмоқда.

Буларнинг барчаси педагогик жараён билан боғлиқ бўлиб, унинг тузилишини профессор Р.Самаров қуйидагича кўрсатиб ўтган: “Тарқи педагогик жараён, тизим сифатида бешта элементдан таркиб топган бўлсада (булар: -таълим бериш мақсади (яъни, нима учун ўқитиш керак), таълимий ахборотнинг мазмуни (нимага ўқитиш керак), таълим бериш усуллари, педагогик коммуникация воситалари (қандай ўқитиш керак), таълим берувчи ((устоз, ўқитувчи) ким, қандай инсон-мутахассис ўқитиши керак), таълим олувчи ((талаба, тингловчи, ўқувчи) қайси ихтисослик бўйича), қайси соҳа мутахассиси бўлиб чиқиши керак)...”[7]. Кўрииб турибдики, ўқув, илмий ҳамда тарбиявий жараёнлар ўзаро мақсад сари чамбарчас боғланган бўлиб, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан айри ҳолда олиб бориш мумкин эмас.

Фикримизча, таълим муассасаларида тарбиянинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида табақалаштирилган ёндашув ишларини кучайтириш, тарбия беришда талаба шахсига индивидуал ёндашиш ва унинг шахс сифатидаги фазилатларини шакллантиришда педагог ва педагогик жамоалар масъулиятининг оширилиши, талаба шахсига илмий ёндашувга ва шахс ривожининг омилларига эътиборнинг кучайтирилиши ўз навбатида талабалар ўқув фаолиятининг фаоллашувини таъминлайди. Негаки, табақалаштирилган ёндашув:

- таълим олувчилар учун турли мураккабликларга эга бўлган ўқув материалларни етказиш;
- таълим олувчиларга уларнинг билим даражаси, қобилияти, таълим йўналишини инобатга олган тарзда муносабатда бўлиш;
- таълим вазифаларини ҳар бир таълим олувчининг ўзлаштириш кўрсаткичи, қобилиятини инобатга олган ҳолда топшириш;
- таълим олувчиларга нотакрор, микродунё эканлигини инобатга олган ҳолда таълим беришни таъминлайди.

Бу эса ўз навбатида ўқитувчи талабаларга билим бериш, дунёқарашни шакллантириш, ҳаёт йўлини танлашни ўргатиш, маданийлаштириш, ўз-ўзини англашни ўргатиш, позитив “Мен”ини шакллантириш, касбга тайёрлаш, ўзини назорат қилишни ўргатиш, рағбатлантириш, мотивлаштириш, насихат бериш, мулоқотга тайёрлаш (касбий), баҳолаш (педагогик), тартибга келтириш-ни ўргатиш, тасалли (терапевтик) бериш, билим бериш, кадриятларни шакллантириш (шу жумладан, касбий кадриятларни), мақсадни шакллантиришни ўргатиш ва унга эришишнинг маъқул йўлларини белгилаб бериш каби вазифаларни бажаришини кўрсатади.

Педагогик фаолиятни амалга оширишда восита сифатида, яъни таълим-тарбия бериш учун асос ҳисобланган назарий ва амалий билимлар, ўқув-услубий адабиётлар, кўргазмали ўқув курулларидан фойдаланилади. Бунда таълимнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, яъни талабалар томонидан билимлар мажмуасининг ўзлаштирилишини, касбий кўникма ва малакага эга бўлишини таъминлашни эгаллаш учун тушунтириш, намойиш этиш, кузатиш, биргаликда машқ бажариш, ақлий ўйинлар ўтказиш, ўзлаштириш жараёни ва хулқини назорат этиш, белгиланган камчиликларнинг коррекциясини ўтказишни таъминлаш учун таъсир кўрсатилади. Бир сўз билан айтганда, таълим олувчида шахсий ва касбий сифатларни ўзлаштириши натижасида камолотга эришиш таъминланади. Замонавий таълимда, касбий етукликка эришишга қаратилган технологиялари кўп ва назарий жиҳатдан уларни, таълимий маълумотни шарҳлаш – тасвирлаш технологиялари, таълимнинг шахсга йўналтирилган технологиялар ва таълимни ривожлантиришга қаратилган технологиялар каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Демак, бугунги кун талабаларидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи фаолияти давомида қуйидаги психотехника сифатларига амал қилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Таълим беришда аудиториянинг таркибини (ихтисослигини (техник, гуманитар ва б.), ёшини ва б.) инобатга олиши;
2. Мавзу юзасидан келтирадиган мисолларни реал ҳаёт (аниқ педагогик вазият) билан боғланган ҳолда етказиши;
3. Узатилаётган таълимий ахборотларнинг аниқлиги, долзарблиги, янгилигига алоҳида эътибор қаратиши;
4. Таълимий ахборотни визуаллаштиришда унинг амалий аҳамиятга эга эканлиги ва бошқаларга эътибор қаратиши муҳим саналади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилidir” маърузаси. - Тошкент., 2013 йил, 6 декабрь.

2. Ramsden P. Learning to teach in Higher Education. Rautledge Falmer, 2003.
3. Аллаярова С.Н. Замоновий таълимнинг айрим хусусиятлари // Мустақиллик йилларида Ўзбекистон таълим тизими: ислохотлар, ютуқлар ва истикболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2016 йил, 22 сентябрь. – Б. 25.
4. Анцыферова Л.И. Исследование личности в динамике: некоторые итоги // Психологический журнал. – М., 1992. №5. С. 13-35.
5. Обидов А. Вебинар технологиялари – замоновий таълим воситаси // ЎзМУ хабарлари журналы. – Тошкент, 2016. №1/4. – Б. 216.
6. Топилдиев В. Олий таълим муассасаларида ҳуқуқшунослик фанини ўқитишнинг замоновий услубларини жорий этиш истикболлари // Мустақиллик йилларида Ўзбекистон таълим тизими: ислохотлар, ютуқлар ва истикболлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ЎзМУ, 2016 йил, 22 сентябрь. – Б. 48.
7. Самаров Р. Таълим мазмунини белгилашнинг структуравий-функционал жиҳатлари (Шахсга йўналтирилган таълим мисолида) // Ж. Замоновий таълим 12-сон. 2015 й. 9-15 бетлар.

РЕЗЮМЕ

В статье показаны, историко-культурные мероприятия, их содержание цель современного обучения, обеспечение качества обучения специалиста, увеличивая будучи слоистые работы по совершенствованию непрерывного образования проведение отношение студенту как к личности в отдельности.

Ключевые слова: система образования, доступа к информации, педагогические и образовательные факторы, современные учебные, прогрессивное обучение, профессиональные навыки, научно-технические инновации, образовательная информация.

RESUME

The article illustrates historical-cultural events, their aims, content of modern teaching, providing the quality of teaching human-specialist, increasing being stratified works on improving continuous teaching in educational establishments, approaching a student as a person individually, the progress of human's factors.

Key words: the system of education, accessing information, pedagogical and educational factors, modern teaching, progressive teaching, professional skills, scientific-technical innovation, educational information.

ФОЖИАВИЙЛИК ВА КУЛГИЛИЛИКНИНГ ЭТНОЭСТЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Нишонава О. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада халқ ижоди ва санъатидаги фожиавийлик ва кулгилилик тасвири, уларнинг этноэстетик хусусиятлари ёритилган.

Калим сўзлар: халқ ижоди, санъат, фожиавийлик, кулгилилик, бадиий-эстетик, қаҳрамон, идеал, дoston, этноэстетик, этномаданият.

Халқ ижоди ва санъати асарлари халқнинг оламга, ён-атрофга фаол бадиий-эстетик муносабатларининг инъикосидир. Халқ ижодкор, яратувчи сифатида ижтимоий борлиқда содир бўлаётган воқеаларга, кечаётган ҳодисалар ва ўзгаришларга пассив муносабатда бўлолмайди. Шунинг учун халқ ижоди ва санъатида ўзбек халқининг ижтимоий-тарихий, маънавий, сиёсий, иқтисодий ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисаларнинг бадиий-эстетик инъикоси ўз аксини топган. Бу воқеа-ҳодисаларнинг айнан, фактологик тасвири эмас, улар халқимизнинг бадиий-эстетик олами, диди, дунёқараши ва қадриятлари синтезидан ўтган ифодасидир. Шу боис уларда фантазия, интуиция, иррационалик, бўртгирма, бадиий тўқима, муболаға, футурологик қарашлар мавжуд. Энг муҳими халқ ўз ҳаёти ва қаҳрамонларини реал тасвирлар, объектив ҳодисалар даражасига кўтара олган, улардаги бадиий-эстетик усуллар бадиий ғояга хизмат қилган.

Халқ ижоди ва санъатида гўзаллик, хунуқлик, улугворлик, тубанлик каби эстетик воқеликлар этномаданий ва этноэстетик меросга мувофиқ тарзда тасвирланади. Улар ўзбек халқининг гўзал ва олийжаноб фазилатларини, ҳаётини гўзаллаштириш ҳақидаги тасаввурларини, орзу – умидларини ифода этган. Шу билан бирга халқ ижоди ва санъатида кишилар ҳаётида учрайдиган фожиавийлик ва кулгилилик ҳам тасвирланади.

Тадқиқотчи А.Шер фожиа заминида чуқур ижтимоий зиддият ётишини таъкидлаб ўтади. “Фожиавий зиддият шахс орзу-истаклари, мақсадлари билан жамият талаблари орасидаги қарама-қаршиликдан вужудга келади, бошқача қилиб айтганда, фожиавий зиддият эркинлик ва зарурият орасидаги қураш дегани” [1]. Унинг ёзишича: “фожиавий ўлим оддий – табиий ўлимдан ҳам, фожиали ҳалокатдан ҳам фарқ қилади... Фожиавий ўлимнинг моҳияти шундаки, унда даврнинг, жамиятнинг, миллатнинг қаҳрамони ҳалок бўлади. Лекин қаҳрамоннинг ғоялари, идеаллари абадий қолади ва келгусида жамиятнинг янгилашиши, инсонийлашуви, эркинлашуви, фаоллашуви учун хизмат қилади” [2].

Фожиа алогенезида инсоннинг табиат билан муносабати жараёнида шаклланган тажрибалари ётади. Ёввойи табиатда инсон ҳаётига хавф солган фожиали ҳодисалар кўп эди, инсон улар билан тинмай қурашиб яшашга мажбур эди. Айтиш мумкинки, инсон ёввойи табиат олаmidан ушбу тинмай қурашлари туфайли ажралиб чиққан, фожиалар унинг ақлини чархлаган, ўстирган.

Баъзи халқлар этномаданий меросида мазкур қурашлар жараёнида:

– ҳаёт фожиалардан иборат;
– инсон ҳаётининг ўзи фожиа;
– артефактлар фожиали яқунга маҳкум, деган фалсафий-пессимистик қараш қарор топган.

Инсоннинг ҳаётга азоб-уқубатлар, фожиалар манбаи деб қараши, энг аввало унинг ёввойи табиат билан олиб борган қурашлари натижаси эди, албатта. У қояга у ёки бу жониворларни, ҳайвонларни беҳуда тасвирламаган, мазкур маҳлуқотлар унинг ҳаётига хавф солган, фожиалар келтирган. Демак, инсон илк бадиий-эстетик асарларидаёқ фожиаларни қамайтириш мақсадини кўзлаган.

Инсон ҳаётининг ўзи фожиа, деган фалсафий-фаталистик фикр аслида кишининг табиат, борлик олдида ожизлигини туйишдан келиб чиққан.

Ўзбек этномаданий меросида бундай фалсафий-фаталистик сюжетлар, фикрлар камдан-кам учрайди. Аммо ишқий-ҳаётий драмаларда фожиавийлик гоҳо бутун асар сюжетини ташкил этади. Бунга Фозил Йўлдош ўғли қуйлаган “Лайли ва Мажнун” достони мисол бўлиши мумкин. Мажнуннинг ҳаёти, турмуши фожиаларга тўла. Унинг бутун фикри, ўйи Лайлида, маъшуқасига етиш ғамида. Унинг ҳаёлига ҳеч нима, ҳеч ким, ҳатто ота-онаси, элу юрти ҳам келмайди. Чўлу биёбон – яшаш маконига, кийик-йўлбарслар ҳамроҳига айланади

Мажнуннинг фожиаси Лайлига ошиқ бўлганида, ҳатто унга етолмаётганида ҳам эмас, унинг ота-онасидан, одамлардан, жамиятдан ажралиб қолганида эди. “Бир куни Мажнун ётиб туш кўрди, тушида энаси, отаси ўлибди. Қариндошлари бориб кўмибди, қариндошлари унга: “Энам, отам, деб бир дуойи фотиҳа қиларни билмадинг, тоғларда сен ҳам ваҳший жондорлардан бири бўб кетдинг. Одам юрган ерда бўлмайсан, сен одамнинг ёввойиси бўлдинг, ҳайвонларни ўзинга жўра қилиб олдинг. Энам-отам деб кўнглингга бир олмадинг, бир одамга ёнашиб, мақсадингни гапирмадинг. Ўзинга маъқул гапдан қолмадинг, дейишди” [3]. Бу реал асосга эга туш эди. Ҳақиқатан ҳам Мажнун ота-онасини, қариндошлари, ҳатто эл-юрти борлигини ҳам унутган эди. Бу албатта, фожиали ҳолдир. Бундай сюжетларни дostonдан, Мажнун ҳаётидан яна келтириш мумкин. Демак, фожиа асарнинг маълум бир қисми, эпизоди бўлиб келиши мумкин.

Фожиавийликнинг этноэстетик хусусиятлари қуйидагилардадир:

1. Миллий маданиятнинг тизимлари, шакллари ва турлари билан уйғун, яъни уларнинг ичида, таркибий элементи сифатида келади.

* Нишонава О.Ж. – ЎзМУ “Маънавият асослари ва диншунослик” кафедраси мудири, ф.ф.д.

2. Халқнинг, миллатнинг эстетик кадриятларига зид чикувчи, бош қахрамон имкониятларидан кенг, катта тўсиқ тарзида келади.

3. Этноэстетик моҳиятига кўра, қайғу, ғам, хасрат, изтироб, йўқотишни англаувчи ҳодиса сифатида беҳад кучли ачиниш уйғотади.

4. Халқ, қахрамон эстетик идеалини маҳв этишни назарда тутадиган негатив хатти-ҳаракатлар сифатида тасвирланади.

Фожиавийликни идеалнинг маҳв этилиши билан боғлиқ воқеа эканлигини алоҳида қайд қилиш лозим. Ҳақиқатан ҳам кескин курашда бир-бирига ёв, зид икки қараш тўқнашади. Бу курашда қахрамонларнинг биологик ўлими эмас, балки идеалнинг маҳв этилиши фожиа яратади. Шунинг учун ўзбек этномаданиятида, айниқса халқ оғзаки ижодида қахрамон сон-саноксиз тўсиқларга, фожиали вазиятларга дуч келса-да, ўлмайди. Халқ севган ва оғзаки ижоди марказига олиб чиққан қахрамонини ўзининг идеали деб билади. Қахрамоннинг ўлгани – идеалнинг ўлганидир. Халқ бундай фожиага йўл қўя олмайди, у қахрамонини кутқариб, идеалини кутқаради. Ўзбек халқ адабиёти ва оғзаки ижодида тасвирланган фожиавийлик драматизмни кучайтирса-да, идеалга гуманистик моҳият бахш этади, ундаги ахлоқий ва эстетик кадриятларни таъсирчан, қимматли қилади.

Кулгилик воқеа-ҳодисалар, хатти-ҳаракатлар ва мулоқот мантиғига бўлган муносабат натижаси сифатида келади. Ушбу мантиқ бузилганини ёки унинг реал борлиққа, ҳаётий талабларга, социумда қабул қилинган ахлоқий-эстетик нормаларга мувофиқ келмаганини англаш, пайқаш кулги уйғотади. Кулгилик бадиий-эстетик ҳодиса сифатида асосан латифа, масхарабозлик, пайров, ҳажвий эртақлар ва ҳикоялар, айтишув, ҳазил-мутуйиба каби халқ оғзаки ижоди ва томошаларида яққол намоён бўлади. Ҳаётда ва кишилар хатти-ҳаракатларида учрайдиган беўхшовликлар кулги манбаи ҳисобланади.

Кулги халқнинг ўз идеалини пародия, мутуйиба, пичинг, ҳажв, тегажоклик, танқид, масхара орқали ҳимоя қилишидир.

“Уч ёлғонда қирқ ёлғон” эртагидаги подшо қизига уйланишга талабгор, кал йигит шундай нарсаларни тўқиб ташлайдики, ҳатто уни сўз устаси-ёзувчилар ҳам ўйлаб тополмайди. Охирида подшо тўй-томоша қилиб қизини калга беришга мажбур бўлибди [4]. Бу ўринда нафақат қахрамоннинг сўзга усталлиги, ёлғонни муайян воқелик сифатида тасвирлай олиш қобилияти, ҳатто унинг каллиги ҳам кулги уйғотади. Чунки қанчадан-қанча келишган, хушсурат ва бадавлат йигитларни рад этган маликанинг кал йигитни танлаши кулги уйғотмай қолмайди.

Насриддин Афанди, Алдарқўса, Бирбала билан боғлиқ латифалар, масхарабозлик томошалари кулги эпизодларига тўладир. Кулги халқ маданиятининг таркибий қисми, халқ кулги орқали дунёга “тротект-образли”, моҳиятан бадиий-эстетик муносабатини ифода этади. Чунки кулги шунчаки ўткинчи, бир онлик кайфият маҳсули эмас. Тўғри, айрим олинган эпизод ёки йўл-йўлакай

айтилган ибора, ўхшатиш, қочириқ ёки мазахона фикр кулги уйғотиши мумкин. Бироқ, улар негизда мавжуд воқеликдан йироқлашган вазиятни идрок этиш, пайқаш, хуллас, юқоридаги реал муносабатлар мантиғига зид ҳодисаларга нисбатан олдиндан шаклланган бадиий-эстетик, маънавий-руҳий ҳолат, шайлик бўлиши лозим. Бундай маънавий-руҳий ва бадиий-эстетик ҳолатга шай бўлмаган кишида энг замонавий латифа ҳам кулги уйғотолмайди.

Фожиали ҳоллар ҳам баъзан кулгили кўринади. Тўғрироғи, фожиа баъзан кулгини эргаштириб, бири-бирини тўлдириб келади. Масалан, Мажнуннинг Лайли висолига етиш арафасидаги қуйидаги сўзларини олайлик:

“Лайлижонга мен тўй берсам

Тўй бериб Лайлини олсам

Кўёвнавкар қилиб шерни,

Ёнбошимда олиб борсам...

Мен Лайлига кўёв бўлсам,

Йўлбарсларман ўтирарман,

Булар ҳам Лайлини кўрса,

Кўзини томоша қилса...” [5]

Достондаги Мажнуннинг кўй терисига ўралиб, пода билан туновга боргани, уни Лайли ёқтириб қолгани ва унга ўз дардини айтгани каби эпизодлар ҳам реал ҳаётдан узоқ бўлгани учун кулги уйғотади.

Насриддин Афанди латифаларида “ўтган тузум ва даврларнинг дарди, замонларнинг турфатурфа товланишлари, ғаму қувончлари, надомату шодликлари умрбоқий ва ўткир кулгилар орқали очиб берилади. Масалан, золим амалдор, ноҳақ ва нопок қози, чаламулла, порахўр вазир, ноҳон эр, айёр хотин, сохта олим, илмсиз домла – ҳамма-ҳаммаси Афандининг ҳақгўйлиги, донолиги ва ҳозиржавоблиги туфайли шармандаи шармисор бўладилар” [6]. Иллатлардан кулиш ҳажвия, латифаларнинг мақсадидир. Жамият, кишилар ҳеч қачон иллатлардан холи бўлмаганлар, бировга улар ён-атрофдан юккан, бошқа бировлар эса табиатан кулги уйғотадиган кўринишларга (пакананинг оддий кишиларга тақлиди, ўздан узун бўйли аёл кетидан юриши), хислат ёки иллатларга эга бўладилар. Албатта, социумда қабул қилинган нормаларга зид, ноодатий қилиқлар, масхарабозлик, истехзо каби хатти-ҳаракатлар кўпроқ кулги уйғотади. “Инсон билан жамият ўртасидаги қарама-қаршилик, англашилмовчилик ўз-ўзидан кулги, кулгили хислатларни келтириб чиқаради, муносабат ва меъёр бузилган жойда албатта кулги пайдо бўлади” [7].

Латифаларда, ҳажвияларда кўпроқ умум-инсонийлик бўртиб туради. Шунинг учун бир хил мавзуларни, ҳикояларни турли халқлар оғзаки ижодида учратамиз. Шу билан бирга уларда этномаданий, этноэстетик белгилар ҳам кўзга ташланади. Ўлкамиз халқлари ҳаётига, турмуш тарзига яқин кумғонда чой қайнатиш, шиппақда юриш, эшак аравада юк ташиш, сандал, чўкка тушиб ўтириш, жазирама иссиқда тандирда нон ёпиш, носковокни белбоққа ўраб юриш каби кўпдан-кўп хатти-ҳаракатларда этномаданий ва этноэстетик

белгилар намоён бўлади. Энг муҳим этномаданий ва этноэстетик белги беғаразлик, беғуборликдир.

Қаҳрамонлар ҳеч қачон инсон шаънини топовчи, унинг нафсониятига тегувчи сўзларни, ибораларни ишлатмайдилар. Кулги, ҳажв инсонга эмас, унинг иллатлари ва номақбул хатти-харакатларига қаратилгандир. “Аслида, кулгили нарса – бу ҳеч кимнинг дилини оғритмайдиган ва ҳеч кимга зарар келтирмайдиган баъзи бир нуқсон ва мажруҳликдир. Мисол излаб узоққа бормаслик учун шуни айтиш керакки, кулгили ниқоб азоб (ифодаси)сиз, хунуқлик ва айниганликни тасвирлашдир” [8]. Бу ўринда биз одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилганини кузатамиз. Ҳатто аскияда ҳам инсон шаъни эмас, ён-атрофда учраётган иллатлар, қусурлар, халқ идеалига мувофиқ келмайдиган юлғичлик, порахўрлик, дангасалик, хунуқлик, очкўзлик каби хислатлар танкид қилинади.

Кулиш барча инсонларга, халқларга хос хислатдир, лекин баъзи кишилар, элатлар камроқ, баъзилар эса кўпроқ кулишга мойил. Ҳазил-мутойибасиз, ҳажвсиз халқ, этномаданият йўқ. Халқ ўз устидан кулиб иллатлардан халос бўлади.

Ўзбек халқ ижоди ва санъатида этноэстетик белгилар, тасвирлар, артефактлар яққол намоён бўлади. Гўзаллик ва хунуқлик, улуғворлик ва тубанлик, фожиавийлик ва кулгилилик каби эстетик воқеликлар халқ китоблари, достонлари, эртаклари, амалий санъати, куй, қўшиқ ва рақсларида квинтэссенциялашади, уларда халқ қалби ва руҳи, орзу-умидлари ва эстетик ғоялари акс этади. Халқ ижоди ва санъати фақат кундалиқ, утилитар мақсадларни, эҳтиёжларни кондириш билан чекланмайди, турмуш учун ушбу нарсалар қанчалик аҳамиятли бўлмасин, улар орқали ижодкор умрбоқийликни, мангуликни яратишга ўз хиссасини қўшишни кўзлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Шер А. Эстетика. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. –Б. 216.
2. Ўша асар. –Б. 216-217.
3. Баҳром ва Гуландом; Зевархон; Фарҳод ва Ширин; Лайли ва Мажнун. Достонлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б. 337.
4. Ўзбек халқ эртаклари. –Тошкент: DAVR PRESS, 2010. –Б. 12-17.
5. Баҳром ва Гуландом; Зевархон; Фарҳод ва Ширин; Лайли ва Мажнун. Достонлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. –Б.343.
6. Жўраев А. Барҳаёт кулгу // Афандининг йигирма тўрт кифаси. –Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 461.
7. Ўша жойда.
8. Арасту. Поэтика (Нафис санъатлар ҳақида), Ахлоқи кабир (Катта ахлоқ китоби), Риторика (Хитоба). –Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. –Б.26.

РЕЗЮМЕ

В этой статье показана народное творчество и трагические а также комедийные моменты искусства, и освещена их этноэстетические свойства.

Ключевые слова: народное творчество, искусство, трагичность, комедийность, литературно-эстетическое, идеал, дастан, этноэстетик, этнокультура.

RESUME

This article shows the folk art and the tragic and the comic moments of art, and is illuminated by them ethnoaesthetic properties

Keyword: folk art, art, tragedy, comedy, literary-aesthetic, hero, ideal, poem, ethnoaesthetic, ethnoculture.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ОНГЛИ ЭХТИЁЖНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Омонов Б. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада глобал экологик муаммоларнинг юзага келиши, сабаблари ва оқибатлари ҳақидаги фикрлар ёритилган. Экологик муаммолар ечимида экологик онгли шакллантириш, таълим-тарбия тизимида оид фикрлар ўз аксини топган. Шунингдек, таълим-тарбия асосида инсоннинг экологик фаолиятини фақат шахсий эҳтиёжларини қондиришгагина эмас, балки жамият манфаатларига ҳам йўналтиришини эътиқод даражасига кўтариш зарурлиги ва ҳар қандай экологик фаолият фақат конкрет шахснинг эҳтиёжларини эмас, балки пировардида жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган долзарб муаммолиги ҳақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: экологик шахс, биосфера мувозанати, ижтимоий-экологик ҳалокат, экологик маданият, экологик мерос, экологик инқироз, экологик барқарорлик, экологик дунёқараш, экологик таълим-тарбия, экологик қадрият, экологик фаолият.

Дунё ҳамжамияти олдида турган муаммолар қаторида экологик муаммоларнинг ечимини топиш ҳар галгидан ҳам муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда экологик инқироз ҳолатидан чиқиб кетиш борасида турли хил қарашлар ва таклифлар билдирилмоқда. Хусусан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, биосфера мувозанатини сақлаш учун меъёрий истъёмол қилиш, ер курраси аҳолисини ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини мувофиқлаштириш, табиатдан экстенсив фойдаланиш концепциясини биосфера экологик мувозанат концепциясига алмаштириш, инсоният ҳаётини экологиялаштириш ғоялари илгари сурилмоқда. Жамият ҳаётида экологик барқарорликни таъминлайдиган мезонлар таркибида маънавий-маданий кўрсаткичлар, таълим ва тарбия жараёни асосий аҳамият касб этмоқда.

Аслида экологик муаммолар тизимини жадаллашиб кетиши дунё мамлакатларида оқибати ўйланмай олиб борилган “имконинг борида фойдаланиб қол” наздидаги сиёсатнинг таъсиридир. XX аср техника, XXI аср эса юксак информацион цивилизация асри сифатида қаралмоқда. Шу муносабат билан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий соҳаларни ислоҳ этишга дунё мамлакатлари асосий эътиборини қаратиб келмоқда. Айниқса, Европа давлатлари XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб бу жараёнга алоҳида эътибор қарата бошлаган эди. Натижада инсон турмуш-тарзини юқори босқичга кўтариш каби ислохотлар эволюцияси такомиллашди. Оқибатда, иқтисодиёт XX асрнинг 2-ярмидан сиёсий парадигмага айланиб, XXI асрда ҳам бош парадигмалигича қолмоқда. Юксак информацион технологияларнинг ривожланиши инсон турмуш тарзини анча осонлаштирди.

Инсоният сўнги 15 йил ичида технология соҳасида мисли кўрилмаган даражада (XX асрнинг сўнги 50 йилига қараганда) юқорига кўтарилсада, буларнинг асосий замирида кучли иқтисод ётгани ҳеч кимга сир эмас. Жаҳон иқтисодий инқирозининг ҳалигача давом этаётганлиги натижасида иқтисодий ислохотлар табиатга бўлган экстенсив ҳаракатини янада кучайтирмоқда. Ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш эвазига иқтисодий инқироздан чиқишни, ривожланиб келаётган мамлакатларнинг аксарияти эса ўз

худудидаги ер ости ва ер усти бойликларидан кўпроқ фойдаланиш эвазига муаммоларни бартараф этишга уринмоқда. Ишлаб чиқаришни жадаллаштириш хом ашёга бўлган талабни янада ошириб юборди. Экологик вазият эса кундан-кунга чигаллашиб борапти. Оқибатда ҳар йили қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг умумий ҳисобда 30 минг гектари яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Буни XXI аср ҳисобида кўриб чиқсак, бу ҳолат қанчалик даражада катта муаммога олиб келишига амин бўламиз.

Дунё аҳолисининг сезиларли ўсиб бораётганлиги, кундалик истъёмолчилик тизимида талаб ошиб кетаётганлиги стратегик муаммо эканлигини аллақачон кун тартибига кўйиб улгурди. Фан ва технологиянинг ривожланиши табиий маҳсулотлар ўрнида қўлланиладиган истъёмолчиликни такомиллаштириб борапти, аммо, бу маҳсулотлар табиий маҳсулот ўрнини боса олмаётгани аҳолига аниқ равшан кўриниб турибди. Натижада табиий маҳсулотларга эҳтиёж янада ортмоқда. Табиий маҳсулотларни топиш долзарб бўлиб борапти ва анча қимматга тушмоқда. Дунё аҳолисининг кўпчилиги табиий маҳсулотларни кундалик эҳтиёж сифатида фойдаланиши иқтисодий ночор (Осиё, Африка, Лотин Америкаси) мамлакатларнинг кўпчилигида кўзга ташланмоқда. Бугунги фан тараққиёти кўп ҳосил бераётган ўсимлик навларини яратётганидан кўз юммоқчи эмасиз, бироқ кўплаб қишлоқ хўжалиги ерларининг инқирозини ортиши муаммолар ечимини мураккаблаштириб бораверади. Олдин экин майдонларини соғломлаштириб, янада кўпроқ ҳосил берадиган навларни яратиш эвазига ечимни топмоқ зарур.

Бугунги кунда табиий маҳсулотлар анча қиммат бўлсада, уларни харид қилишга интилиш сусайгани йўқ. Айниқса, Европа аҳолисининг истъёмолчилик тизимининг юқорилиги уларга эҳтиёждан ортиқ интилиш тенденциясини юзага келтирмоқда. Тафаккур журнали 2014 йил 1-сонида Муҳиддин Раҳимнинг “Пойимизда муз чакнаганда” мақоласида – “Бугун Ғарб цивилизацияси Ер юзи аҳолисининг 10 фоизини ҳам ташкил этмагани ҳолда дунё табиий захираларининг 40 фоизини истъёмол қилмоқда ва атмосферага барча чиқиндиларнинг 60 фоизини чиқармоқда. Агар Ер юзининг қолган аҳолиси ҳам ғарблиқлардек “тўкин-сочин” яшаганида борми, глобал экологик ҳалокат

* Омонов Б. – ҚарДУ ўқитувчиси.

аллақачон рўй берган бўлар эди. Модомики, Ғарб цивилизацияси шундай салбий оқибатларни келтириб чиқарган экан, унинг талқинидаги Тараққиёт ғоясида қандай маъно қолади”[1] – деган мулоҳазаси устувор аҳамиятга эга.

Шу ўринда, баъзи муаммоли рақамларга эътиборни қаратамиз. Шу кунларда ер юзида ўзлаштирилмаган 28 фоиз майдон мавжуд. Ўтган асрнинг 40-йилларида Африка 28 фоиз, Лотин Америкаси 38 фоиз ўрмондан маҳрум бўлди, дунё океани тобора ифлосланмоқда. Йилга 12-15 миллион тонна нефть чиқиндиси тўкилиб, 150 миллион км. кв. сув юзаси қора парда билан қопланган. Агар дунё океани 361 миллион км кв.дан иборатлиги назарда тутилса, бу фожеа кўлами нечоғлик катталиги аён бўлади. Дунё океанидаги жонзотлар тури тахминан 500 тага камайиб кетди. Ер юзидаги барча парранда ва сут эмизувчиларнинг тўртдан бир қисми йўқ бўлиб кетиш арафасида[1], чучук сувга бўлган талаб ортди, 2 миллиарддан ортик аҳолининг чучук сувга бўлган эҳтиёжидан танқислик кузатилмоқда. Буларнинг барчаси инсоният ўз манфаати йўлида табиатдан шафқатсиз фойдаланишнинг натижасидир. Аслида табиат ва барча бойликлар инсон учун, унинг истикболи учун, аммо, барча манфаатлар инсониятнинг келажакдаги ҳаётига хавф солмаслиги кераклигини ҳамиша ёдда сақламоғимиз лозим.

Чексиз эҳтиёжларнинг яралиши-ю кондирлишидан чеки йўқ муаммолар занжири ҳосил бўлди. Инсоният фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш тизимини янада ривожлантиришдан чекинмайди. Бу объектив қонуният. Бироқ, барча ишлаб чиқариш, техника-технологияларни экологиялаштириш эвазига инсоният мавжуд муаммоларга ечим топиши учун ҳаракат қилмоқда, яъни, “Эҳтиёжга яраша истеъмол” – концепцияси муаммолар ечимига асосий йўл бўлиб, Кучли иқтисодиёт парадигмаси, Кучли Экологик иқтисодиёт парадигмасига ўз ўрнини бўшатиб бериш вақти етиб келди.

“Эҳтиёжга яраша истеъмол” концепцияси барча муаммолар тизимини бартараф этишда комплекс-системали функционал ёндашув тизимига қаратилган бўлиб, бунда асосий эътибор экологик таълим-тарбияни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу орқали одамлар онгини тубдан ўзгартириш экологик кадрлар тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Инсониятнинг тўла-тўқис, бекамукўст яшаши олий кадрлар ҳисобланади, лекин бу меъёрдан чиқиб кетиш дегани эмас. Шу боис, кишиларнинг онгли эҳтиёжини шакллантириш зарур. Бу эса таълим-тарбия масалаларига янада эътиборлироқ бўлишни, асрлар оша кадрларни келатиш ҳикматли ғояларни ёшлар онгига сингдиришни талаб қилади. Жумладан, Ислом динида – “Исроф қилмангиз! Албатта У исроф қилгувчиларни севмайди”[2] – деган мулоҳазали кадрларимиз мавжуд.

Шу аснода инсон экологик эҳтиёжи масаласига бир оз кенгроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Жамият тарихий тараққиёт тақозоси билан ижтимоий муносабатлар таркибида экологик муносабатларнинг устуворлашуви инсон

эҳтиёжини рационал қондириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Аниқроғи, табиатга оқилона ва тежамли ёндашув асосий сифатлардан, мезонлардан бирига айланди. Чунки, экологик эҳтиёжларнинг – реаллиги; мотив ва мақсадларнинг – умуминсонийлиги; фаолият усули ва воситаларининг – конструктив-рационаллиги экологик фаолиятнинг самарадорлигини белгилайди. Шу билан биргаликда экологик эҳтиёжлар, фақатгина кишиларнинг табиатни муҳофаза қилиш заруриятини англашидан келиб чиқмайди, балки уларнинг мавжудлиги, генезисига кўра – объектив ҳодисадир. Масалан, инсоннинг моддий ишлаб чиқаришида, унинг янги техника ва технологияга бўлган эҳтиёжи ҳам, табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган фаолияти асосларини таъминлаш зарурияти ҳам, объектив характерга эга.

Эҳтиёжларни рационал ва нораціонал турларга бўлиш мумкин. Лекин, ҳар қандай экологик эҳтиёж, мақсадига кўра, муқаррар равишда рационал бўлса ҳам, уларни реал ва нореал турларга ажратиб ўрганиш муҳим методологик аҳамиятга эга. Инсоннинг яшаши, меҳнат қилиши, дам олиши, соғлиги ва маънавий-интеллектуал ривожланишини таъминлаш зарурияти, бевосита реал экологик эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқдир. Нореал экологик эҳтиёжлар, ўз мазмунига ва амалга оширилиш имкониятларига кўра, утопик характерга эга бўлиб, уларни қондиришга бўлган интилишлар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий зиддиятларини кучайтириши мумкин. Лекин, бу эҳтиёжлар келажак идеалларини акс этиргани учун ҳам муайян амалий аҳамиятга эга. Давлатлар ўз аҳолисининг бетўхтов ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ва шу асосда ижтимоий барқарорликни сақлаш учун иқтисодиётни муттасил жадаллаштиришга мажбур. Бунинг учун эса, табиийки, иқтисодиёт манбаи ҳисобланган табиат янада кўпроқ ишғол қилинади, унга янада кўпроқ чиқинди чиқарилади. Дунёнинг аксар мамлакатлари иқтисодиётда Ғарбни қувиб етиш учун жонини жабборга бераётгани сир эмас. Ғарб ҳам ўз ҳаётини андозаларини бутун дунёга жорий этиш йўлини қатъий давом эттираётир. Аслида эса, бу йўл дунё аҳли орзу қилаётганидек камолотга эмас, аксинча, заволга [1] бошлаб нореал эҳтиёжларнинг авж олишини кучайтиради.

Қашқадарё вилоят телеканалда бургут ҳақидаги ҳикоянинг фалсафий мушоҳада рекламаси қайта-қайта намойиш этилди. Унда ҳикоя қилинишича, бургут 70-75 йил умр кўради. Бургут 40 ёшларга тўлганида тумшуклари ўсиб, озикланиши учун анча ноқулайликлар сезади. Тирноқлари қалинлашиб, эластиклик хусусиятини йўқотади. Қанотлари ва патлари йириклашиб учишига анча ҳалақит беради. Бургутнинг ҳаёт кечирishi жуда оғирлашиб бораверади. Бургут олдида икки йўл мавжуд биринчиси, жуда оғир бўлсада қайта туғилиш, иккинчиси, ўлиш. Яшаш ҳар бир жонзод учун жуда қадри. Бургут қанчалик оғир бўлмасин биринчи йўлни танлар экан. Тоғнинг юқори текисроқ жойига бориб тумшукларини тошга уриб синдиради ва янги тумшук ўсиб чиқишини анча кунлар кутади. Янги, бақувват ёш тумшук ўсиб

чиккач, тумшуклари билан тирноқларини бурдалайди ва янги навқирон тирноқларини ўсиб чиқишини кутади. Янги тирноқлар ўсиб чиккач, тирноқлари билан патлари билан қанотларини юлиб ташлайди. Хуллас қанотлар ўсиб чиккач, бургут қайтадан туғилгандек навқиронлик ҳолатига қайтади. Бу босқични босиб ўтгунча бургут очлик, азобли оғриқ, катта қийинчиликларни ўтказади ва бунга беш ой керак бўлади. Қанча қийин бўлмасин бургут машаққатларни енгиб ўтади. Қиссадан ҳисса шуни кўрсатадики, инсон ҳам қанчалик оғир, машаққатли бўлмасин бугунги ва эртанги кунга тўғри келмайдиган муаммоли одатлардан, нореал эҳтиёжлардан буткул воз кечиб, табиат эҳтиёжларига олий даража сифатида қараши вақти етиб келди.

Попальб Инглхорт ҳозирги даврда инсоннинг яшаш, тириклик қадриятлари, ўз-ўзини ифодалаш қадриятларига ўтишга олиб келади, деб ёзган эди. Шу аснода жамият ривожланиб бориши билан экологик тарбия функциялари такомиллашуви инсониятнинг биосфера мувозанатини сақлаб қолишдан иборат экологик эҳтиёжлар даражасига мос келади. Шу билан бирга норасмий ижтимоий-экологик фаолият ҳам умуминсоний ахлоқий тамойиллар ва қонунларда мустаҳкамланиб, ўз функционал фаолият доирасини кенгайтириб боради. Зеро, экологик маъсулиятни англаш, фақатгина жазодан қурқиш эмас, балки инсоннинг ички маънавияти билан боғлиқ бўлган уят, бурч, виждон, эътиқод каби мотивлар ролини кучайиши ҳамдир. Бошқача айтганда, норасмий ижтимоий-экологик механизмлар ўзининг табиатни муҳофаза қилишдаги эмоционал-руҳий жиҳатлари таъсирида намоён бўлади ва маънавий қаноатлашиш ёки ўз шахси фаолиятига танқидий муносабатни вужудга келтиради. Унинг самарадорлиги у ёки бу хатти-ҳаракатга нисбатан жамоатчилик фикрини қарата билишга боғлиқлиги умумий характер касб этишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда экологик эҳтиёжларни қондиришни, инсоннинг ўз ҳаёти табиий асосини яратишида эмас, балки ўзини ифодалаш усули деб қарайдилар.

Азалдан халқимиз оила муқаддас деб асраб авайлайди, фарзанд ўстиради. Уни етук шахс қилиб вояга етказиш учун қанча елиб югуради, хаттоки ўз хузур-халоватидан ҳам кечади. Бу эса, келажак авлодга соғлом экологик муҳитни етказиш масаласи Олий қадриятлар ичида қанчалик устуворлигини назарда тутаяди. Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб шаклланиб келаётган қадриятли ғояларни давомчисига айланиши ўзи Олий Қадрият бўлиб, унинг такомиллашиши эса таълим-тарбия жараёнида кечади. Чунки таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайдиган – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси[3].

Экологик қадриятлар тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, инсон меҳнати предмети бўлган табиатни ҳам (ер, сув, флора ва фауна, табиий ландшафтлар, қазилма бойликлар), инсон меҳнати натижаси бўлган “иккинчи сунъий табиатни” ҳам, кишиларнинг экологик сифатларини ҳам, экологик

фаолиятнинг регулятив нормалари, қоидаларини ва уларни назорат қиладиган институционал тизимни ҳам қамраб олади. Бунда инсоннинг экологик сифатлари, унинг маданий-техник даражаси, билимлари, малакалари, тажрибалари, дунёқараши, эътиқоди, идеаллари, унинг барча йўналишлардаги эҳтиёжларини қондиришга бевосита ёки билвосита алоқадор бўлиб, экологик қадриятлар ўз аҳамиятини баҳолаш жараёнида топади. Яъни, биринчидан, инсон мураккаб нарса ва ҳодисалар тизимидан уларнинг зарурий жиҳатларини ажратиб олиб, амалиётни баҳолаш фаолиятида кенг фойдаланади. Иккинчидан, кишилар экологик фаолиятнинг сабаблари, мақсадини белгилаб олиши ва амалиётларини мақсадга йўналтиришлари учун, энг аввало, нарса ва ҳодисаларни, шароитни баҳолашга мажбур. Учинчидан, инсоннинг экологик жараёнларни баҳолаш ва назорат қилиш фаолияти экологик қадриятлар тизимининг иерархиясини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳозирги жамиятда экологик таълим ва тарбиянинг долзарблиги ҳамда аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, унинг истиқбол вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш турли фаолият ва касбий йўналишларга эга аҳолининг, барча социал табақаларининг жамоавий куч-ғайратларини сарфлашни талаб қилишини ёдда тутган ҳолда, бу ишни шундай ташкиллаштириш керакки, уларда биосфера экологик мувозанатни мустаҳкамлаш заруриятини англаш ҳисси, инсонга бу мувозанат бузилган тақдирда қандай хавф-хатар таҳдид солиши мумкинлиги аниқ бўлиши лозим.

Республикамизда миллий таълим-тарбияни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида экологик маданиятни шакллантириш, фақат инсоният ва жамиятнинг табиатга, унинг муҳофазасини такомиллашувига муносабатларнинг ўзгаришида қатор муаммолар қайд этилмоқда.

Экологик маданият шаклланишида таълим-тарбиянинг функцияси нимага йўналтирилган, мақсадлари нима эканлигини аниқ акс эттириши керак. Ўз моҳиятига кўра бу функция комплекс характерга эга бўлиб, айти пайтда, табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш йўналишларини уйғунлаштирган ҳолда қамраб олишни тақозо этади. Экологик таълим-тарбия бутун ҳаёт давомида инсоннинг табиий муҳитга муносабатлари ҳақидаги билимларининг онгли ва изчил ривожланишини ўзида акс эттиради. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, таълим-тарбия табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги стратегияга умуммаданий ёндошувларни шакллантиришга йўналтирилиши билан муҳим ижтимоий-маданий аҳамият касб этади. Улар табиий ва ижтимоий фанларнинг инсон яшаш муҳити ҳақидаги билимларига таянади.

Инсоннинг экологик фаолияти жараёнида табиатни биосфера мувозанати қонунлари асосида ўзгартириши ва моддий, маънавий неъматларни истеъмол қилиши асосида инсон “Экологик шахс” сифатида шаклланади. Бошқача айтганда, инсонда экологик назарий билимлар, малака-кўникмалар,

истеъдод-қобилиятлар, амалий тажрибалар ҳосил бўлади. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб[3] экологик маданиятни такомиллаштириб бўлмайди. Умуман экологик тарбия, хусусан, экологик фаолият жамиятнинг табиий эҳтиёжидир. Чунки унда инсоннинг экологик маданияти учун зарур бўлган: билим ва малакалари, қобилият, истеъдод, мақсад, манфаатлари реаллашиб, орзу-истаклари, идеаллари, амалда рўёбга чиқади, бу эса экологик фаолият тизимининг функционал намоён бўлишидир. Обьектив идеализмга кўра, инсон, бир томондан, табиат оламига, бошқа томондан, руҳият оламига мансуб. Инсонни ана шундай иккиёқлама англаш унинг табиатга нисбатан манавий бурч туюшига имкон яратади. Маълумки, экологик эҳтиёжларнинг қондирилиши кишиларда табиатни муҳофаза қилишдан: маънавий қаноатланиш, эстетик завқланиш, эмоционал руҳий ҳолатини амалга оширган эҳтиёжлар камситилгани учун кишиларда экологик қулай яшаш шароити яратилмаганлиги мавжуд сиёсий тизимда норозилик, нофаоллик, азобланиш, тушқунлик каби салбий ҳиссиётларни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан экологик тарбиянинг бошланғич нуқтаси оила бўлиб, барча муаммолар илк ечимини оилада топади. Қисқача айтганда, хонадондаги ҳар бир нарса – дарахт ва ўсимликлар бўладими, турли ўйинчоқлар, уй ҳайвонлари бўладими – буларнинг барчаси боланинг кўзига гўёки оламнинг беқиёс мўъжизаси бўлиб кўринади ва шу тариқа у ёруғ дунёни ўзи учун кашф қилади[3].

Ёшлар экологик маданиятини шакллантириш ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш ёшларга доир давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, бу борада барча назарий ва амалий шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистонда ислохотларнинг биринчи босқичида давлат экологик сиёсатининг ҳуқуқий негизлари ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор берилди. Чунки, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, янги экологик муносабатларга мос келувчи ҳуқуқий қонунларни қабул қилишни тақозо қилади.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Экологик ҳаракат” ташкил қилиниб, экология соҳасида 9 та қонун қабул қилинди ва[4] ҳаётга жорий этилди. 2015 йилда ушбу жамоат тузилмаси томонидан табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш соҳасидаги давлат дастурларининг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш ва ахборот-тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича 900 дан ортиқ амалий-таҳлилий тадбир ташкил этилди[5].

Давлатнинг янги тузум манфаатларига мос рационал сиёсати ва стратегик вазифалари, инсон экологик эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган иқтисодий эркинлаштириш ва демократиялаштириш, экологик манфаатлар асосида чуқур структуравий ўзгаришлар яшаш, кишиларда янгича экологик тафаккурини шакллантириш жаҳон экологик сиёсатида интеграциялашиб, муносиб мавқега эга бўлиш давлат экологик сиёсатининг стратегияси қилиб белгиланди. Айниқса, таълим-тарбия соҳасида ҳам кўплаб ишларни амалга оширилаётгани ҳеч шубҳасиз ўз вақтида, яъни, бундан 19 йил олдин Кадрлар тайёрлаш ва шунингдек, мактаб таълимини ривожлантириш умумий дастурларини қабул қилиниши таълим-тарбия соҳасидаги эски қолип ва асоратлардан ҳоли бўлган, бугун ўзгаларнинг хавасини келтираётган янги тизимни ҳаётга тадбиқ этилиши[6] муаммолар тизимини бартарафлигини таъминлайди.

Таълим-тарбия асосида инсоннинг экологик фаолиятини фақат шахсий эҳтиёжларини қондиришгагина эмас, балки жамият манфаатларига ҳам йўналтиришни эътиқод даражасига кўтариш зарур. Чунки, ҳар қандай экологик фаолият фақат конкрет шахснинг эҳтиёжларини эмас, балки пировардида жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам “экологик эгоизм” муқаррар равишда ижтимоий мазмунга эга бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Муҳиддин Раҳим. Пойимизда муз чакнаганда. “Тафаккур” журнали 2014 й. 1-сон.
2. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тавсири. Аъном сураси 141-оят. –Т.: 2004 й. –Б.146.
3. Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2008.-Б.176
4. Каримов И. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошланган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. 23-том. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – Б.408.
5. Ботиров А. Талабалар экологик билимини бойитмоқда “ЕКО НАҲОТ” газетаси. 2016 йил, 24-февраль. №4 (289).
6. Каримов И “Асосий вазифаларимиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат” Ўзбекистон Биринчи Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси 2015-йил 6-декабрь.

РЕЗЮМЕ

В статье освещено появление глобальных экологических проблем, а также их причины и результаты. А Нашли свое отражение пути решения экологических проблем. Образование по экологической деятельности человека нужно не только для удовлетворения потребностей личности и необходимости повышения уровня

веры в потоке интересов сообщества в любых условиях, для конкретных потребностей человека, о в конечном счете, чтобы удовлетворить потребности сообщества.

Ключевые слова: экологическая личность, субординация биосферы, социально экологическая катастрофа, экологическая культура, экологическое наследие, экологический кризис, экологическая стабильность, экологическое мировоззрение, экологическое образование, экологическая ценность, экологическая деятельность.

RESUME

This article discusses the reasons for the emergence of global environmental problems and opinions about the effects of light. The formation of environmental awareness in addressing the environmental problems of the education system are reflected in the opinions. As well as education on human ecological activities not only to meet the needs of the individual and the need to raise the level of faith in the flow of the interests of the community in any environment, not only the specific needs of the person, but ultimately mention problems to meet the needs of the community.

Key words: environmental assets, the balance of the biosphere, social and ecological destruction, environmental, cultural and environmental heritage, ecological crisis, environmental sustainability, ecological worldview, environmental education, environmental values, environmental activity.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ САМАРАЛИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Отабаев И.А. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг касбий-билим, кўникма ва малакаларининг назарий таълим жараёнида ўзлаштирилиши, ишлаб чиқариш таълими жараёнида шакллантирилиши ҳамда назарий асослари очиб берилган. Касб-ҳунар коллежларида ишлаб чиқариш таълими дарсларида ўқувчиларда кўникмалар шаклланишининг мураккаблиги, янги кўникмани ўзлаштиришининг энгил ва қийинлиги ҳамда унинг аввал шаклланган кўникмалар билан ўзаро алоқаси, кўникмаларнинг тадбиқ этилиши таълим усулини танлашдаги барча ҳолларда ҳисобга олган ҳолда уларда касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш босқичлари, ҳисобга олиниши лозим бўлган кўпгина омилларнинг таъсири ҳамда уларни самарали шакллантириш йўллари таҳлил этилган. Кенг профилли дастгоҳчиларнинг мотор кўникмалари хилма хиллиги, уларнинг кўпчилиги детални ва кескични ўрнатиш ва керакли асбоблардан тўғри фойдалана олиши баён этилган.

Калит сўзлар: *ишлаб чиқариш таълими, кўникма, касбий кўникма ва малакалар, ақлий кўникмалар, сезги кўникмалари, ҳаракат кўникмалари, сезги-ҳаракат кўникмалари, профилли дастгоҳ.*

Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг касбий кўникма ва малакалари назарий таълим пайти ўзлаштирилган билимлар асосида ишлаб чиқариш таълими жараёнида шакллантирилади. Ишлаб чиқариш таълими сифатини оширишда ўқувчиларнинг касбий кўникма ва малакаларини самарали шакллантириш босқичлари ва уларга таъсир этувчи омилларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Кўникма ва малака тушунчалари турли тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилган бўлиб, бу тушунчаларнинг моҳиятини тўлароқ англаш учун улар томонидан ушбу тушунчаларига берилган баъзи таърифларни келтириб ўтамиз. Зеро, бу тушунчаларга қанчалик аниқ таъриф берилган-лигига қарамай мазкур тушунчалар янада чуқурроқ ўрганишга ва назарий жиҳатдан ҳар томонлама таҳлилга муҳтож. Изланишларда “кўникма” ва “малака” атамаларининг маъносини тўғри тушуниб, уларни шакллантириш кетма-кетлигини англаб олиш зарур.

В.А.Скакун кўникма ва малакаларга қуйидагича таъриф берган: кўникма – малаканинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатларнинг айрим қисмларини ниҳоятда тез ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажариш қобилиятини ифодалайди ва ўз навбатида ўқувчиларда машқларни кўп марта такрорлаш натижасида юзага келади; малака – ўқувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракат (ёки ҳаракатлар мажмуаси)ни муайян шароитда мақсадга мувофиқ бўлган ҳаракат усулларида фойдаланиб ва шу туфайли меҳнатда ижобий натижаларга эришиб, онгли ва тўғри бажаришга тайёр (қобилиятли) бўлишларидир [5].

О.Мусурмонова, А.Абдуллаев, М.Аҳмедовлар томонидан ишлаб чиқилган ўқув-методик қўлланмада қуйидагича таърифни кўриш мумкин: кўникма – инсоннинг билимларини амалиётда қўллаш йўли билан шакллантирилган фаолиятни мақсадли амалга ошириш қобилияти; малака – фаолиятни моҳирлик билан бажариш даражаси бўлиб, унинг айрим таркибий қисмлари автоматлашган тарзда бажарилади. Фаолиятнинг

автоматлашганлик даражаси қанча юқори бўлса, моҳирлик даражаси ҳам шунча юқори бўлади [3].

А.Ходжабаев, И.Хусановлар томонидан ишлаб чиқилган ўқув қўлланмада қуйидаги икки таъриф келтириб ўтилган [7].

Кўникма – малаканинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда аниқ, тез ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажариш қобилиятини ифодалайди ва бу нарса ўқувчиларда кўп марта такрорлаш – машқлар натижасида юзага келади.

Малака – ўқувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракат (ёки ҳаракатлар мажмуаси)ни муайян шароитда мақсадга мувофиқ бўлган ҳаракат усулларида фойдаланиб ва шу туфайли меҳнатда ижобий натижаларга эришиб, онгли ва тўғри бажаришга тайёр (қобилиятли) бўлишларидир.

Кўникма – янги шароитда инсоннинг (мутахассиснинг) ишни сифатли, керакли ҳажмда ва ажратилган – белгиланган вақтда бажариш қобилиятидир.

Малака – бу ўқувчининг автоматик равишда амалга оширилган ҳолда ишни бажариш қобилияти.

Ў.Қ.Толипов ҳам ўз илмий тадқиқот ишида бир нечта тадқиқотчилар ишини таҳлил қилиш асосида кўникма ва малака тушунчаларига ўзининг хулосавий таърифларини келтириб ўтган: “Кўникма – ҳаракатларни самарали бажариш имкониятидир; кўникма маълум даражада фикрлаб бажариладиган ҳаракатлар; кўникмалар – қандайдир ҳаракатни янги шароитларда бажариш усулидир; кўникма – мураккаб тизимли психик ва амалий ҳаракатларни эгаллашдир”; “Малака – юқори ўзлаштирилганлик даражасига эга бўлган ҳаракатлар мажмуасидир; малака – машқлар натижасида мустақамланган ҳаракат усулидир” [6].

Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда биз кўникма ва малакаларга қуйидаги ўз ишчи таърифимизни бердик:

Кўникма – инсоннинг ўзидаги билимларга асосланиб, маълум талабларга риоя қилган ҳолда меҳнат жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш қобилиятидир.

Малака – инсоннинг ўзидаги билимлар ва

* Отабаев И.А. – Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти мустақил изланувчиси.

кўникмаларга асосланган ҳолда меҳнат жараёнларини юқори унумдорликда амалга ошириш қобилияти бўлиб, бунда ҳаракатлар автоматик тарзда бажарилади. Аммо, онг майдонида ҳаракатлар кечадиган шароитлар ҳамда унинг натижасида эришиладиган мақсадлар қолади ва биринчи ўринга сурилади. Шу нуқтаи назардан амаларни бажариш умуман янада онгли бўлиб қолади.

Тадқиқотчиларнинг кўникма ва малакаларнинг турлари ҳақидаги фикрлари ҳам турличадир. К.К.Платоновнинг таъкидлашича, ҳаракатларнинг турларига қараб кўникмаларнинг қуйидаги турлари мавжуд: кўриш кўникмаси, ҳаракат кўникмаси, фикрлаш кўникмаси, чамалаш кўникмаси, иродавий-ақлий кўникма ва бошқалар. Кейинчалик булар шаклланиб шу турдаги мураккаб малакаларга айланади [4].

Н.И.Макиенко малакаларнинг қуйидаги турларини ажратади: ақлий малакалар; сенсор малакалар; двигателли (моторли) малакалар; сенсор-двигателли малакалар; иродавий малакалар [2].

Ақлий кўникмалар – бу вазифаларни бажаришда мавжуд билим ва тажрибаларни ўйлаб турмасдан зудлик билан қўллаш олиш, вазиятни фаҳмлаш. Масалан, метал кесиш дастгоҳида деталга ишлов бериш учун кесиш режимларини танлаш, ҳомаки детални дастгоҳга ўрнатиш учун мақбул базавий юзани танлаш.

Сезги кўникмалари – бу ерда сезги органлари фаолияти асосий роль ўйнайди. Масалан, чархларда чиқаётган учқунга қараб металнинг хусусиятини, металнинг ташқи кўринишига қараб хилини, ишлашдаги овозига қараб дастгоҳнинг бузилганлигини аниқлаш. Сезги кўникмалари тажриба ва амалий машқлар давомида кўплаб кузатишлар орқали шаклланади.

Ҳаракат кўникмалари – асосан қўллар ҳаракати билан баъзан қўл, оёқ ва бутун тана ҳаракати билан боғлиқ кўникмалар. Масалан, силлиқлаш, кесиш, дастгоҳ дастасини бураш, механизмлар билан ишлаш ва ҳоказоларда қўллар ҳаракати. Ҳаракат кўникмалари асосан амалий машқлар натижасида шаклланади.

Сезги-ҳаракатли кўникмалар – идрок ва ҳаракатларни ўз ичига оловчи кўникмалар. Бу типга машина ва қўлда бажарилиши керак бўлган жараёнларни ўрганишда шаклланадиган кўпчилик кўникмалар киради. Масалан, фрезалаш жараёнида қўлда суришни амалга оширишда қўлга таъсир этаётган вибрация орқали деталнинг қаттиқлиги, фрезанинг ўткир ёки ўтмаслиги, дарзи борлиги ва ишланаётган юзанинг сифатини билиш. Сезги-ҳаракатли кўникмаларнинг шаклланиши ғоят мураккаб жараён бўлиб, сезгирлик билан жуда кўплаб машқлар бажариш жараёнида шаклланади.

Иродавий – интизом кўникмалари. Ирода ва характерни шакллантиришнинг хилма-хил усулларида таълим жараёнида фойдаланиш зарур бўлади. Булар ўқувчиларнинг онгли, мақсадга интилишга таъсир этиш учун ўтказиладиган тушунтириш ва суҳбатлар бўлиши мумкин. Шахсий наъмуна кўрсатишнинг ҳам аҳамияти катта.

Бизнинг фикримизча, бирор бир кўникмани бу категориялардан бирига аниқ киритиш осон бўлмаса ҳам, ҳар бир касбий фаолиятда касбий кўникмаларнинг кўпчилиги аралаш хусусиятга эга бўлишига қарамай, ё сенсор хусусиятга эга элементлар, ёки ақлий фаолият элементлари, ёки бўлмаса мушак кучланиши билан боғлиқ ҳаракатли элементлари, яъни мотор ҳаракатлар бўлади. Кўникмаларнинг сенсорли, моторли ва интеллектуал кўникмаларга ажратилиши амалий ўқитишни ташкил этишни энгиллаштиради, чунки сезги органларининг фаолият юритишининг муҳимлигини кўрсатади, мазкур кичик мутахассис амалга оширадиган ақлий операциялар ва унинг мушак-мотор кўникмаларини таъкидлайди.

Н.Ш. Алметов ўқувчиларда касбий кўникма ва малакаларнинг шаклланишида қуйидаги дидактик тамойилларга: 1) ўрганилаётган махсус фан бўйича тажриба – амалий машғулотида шаклланишида ётадиган аниқлаштирилган кўникма ва малакаларга йўналтирилган машғулотларни ўтказиш; 2) ўқувчиларда касбий кўникмаларнинг бўлиши тасаввурларини шакллантириш; 3) дидактик асосланган ўргатиш мазмуни ва ўқув-ишлаб чиқариш машқларининг ҳажмини танлашга риоя этилганда муваффақиятга эришиш мумкин деб кўрсатади [1].

Н.И.Макиенконинг фикрича, кўникмалар қуйидаги шаклланиш босқичларини ўз ичига олади [2]:

1. Малакали фикрлашнинг бошланиши. Мақсадни аниқ тушуниш, аммо унга эришиш йўллари аниқ тушунмаслик. Ҳаракатни бажаришда кўпол хатолар;

2. Онгли, аммо укувсиз бажариш. Ҳаракатни қандай бажаришни аниқ тушуниш, аммо ўз диққатини қанча жамланишига қарамай ноаниқ, бўш бажариш, ортикча ҳаракатларнинг кўплиги, мазкур кўникмани ижобий тадбиқ этишнинг йўқлиги;

3. Кўникманинг автоматлашиши. Ҳаракатларни бўшаштирилган эркин диққат вақтида борган сари сифатлироқ бажариш ва унинг тақсимлаш имкониятининг мавжуд бўлиши, ортикча ҳаракатларни бартараф этиш, кўникмаларни ижобий тадбиқ этишнинг пайдо бўлиши;

4. Ўта автоматлашган кўникма. Бошқа мураккаброқ бир ҳаракатни бажариш воситаси бўлган ҳаракатни аниқ, тежамли қатъий бажариш.

Ўқувчиларда кўникмалар шаклланишининг мураккаблиги, таълим усулини танлашдаги барча ҳолларда ҳисобга олиниши лозим бўлган кўпгина омилларнинг таъсири билан изоҳланади. Кўникмаларнинг шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- ўқувчиларнинг муваффақиятларга эришишдаги қизиқишлари;

- уларда зарур билимларнинг мавжудлиги;

- ишлаб чиқариш таълими устаси йўриғининг самарадорлиги;

- машқлар жараёнида ўз-ўзини назорат қилиш, ишлаб чиқариш таълими устаси баҳосининг ўз вақтида бўлиши ва объективлиги;

- ўқувчиларнинг фаолиятдаги фаоллиги, улар фаоллигини оширувчи таълим методларини қўллаш;
 - машқлар миқдори;
 - кўникмаларнинг ривожланиш даражасига аниқлик, суръат ва бошқа жиҳатдан қўйиладиган талаблар;
 - кўникмаларнинг турли кўриниш ва хусусиятлари;
 - ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари.

Ривожланаётган кўникмалар пайдо бўлишлари биланоқ ўзаро алоқада бўладилар. Янги кўникмани ўзлаштиришнинг энгил ва қийин бўлиши ҳамда унинг аввал шаклланган кўникмалар билан ўзаро алоқаси кўникмаларнинг тадбиқ этилиши деб аталади. Кўникмаларнинг тадбиқ этилиши ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Кўникманинг салбий тадбиқ этилиши шундай ҳолларда учрайдики, унда маълум бир ҳаракатни бажаришда кўникмага эга бўлган ўқувчи уни бошқа йўл билан бажаради. Масалан, бошқариш дастаси аввалги дастгоҳга нисбатан бошқача жойлашган бошқа дастгоҳга ўтиб ишлаши натижасида.

Кўникмаларни ижобий тадбиқ этилишда ўқувчилар янги ва ўхшаш кўникмаларни тезда эгаллаб оладилар. Масалан, токарлик ишлов беришидаги кўникмалар жилвирлаб ишлов беришдаги кўникмаларнинг шаклланишига ижобий таъсир қилади.

Ҳар қандай малака билим ҳамда кўникмаларни ўзига олиб, мавжуд билим ва кўникма ва асосида шаклланади, уларни янги шароитларда етишмайдиган элементларини қайтадан шакллантиради. Малакани билим ва кўникмаларга зид деб билиш, ёки санаб ўтилганда улардан олдин қўйиш мумкин эмас, чунки малака улар асосида таркиб топади.

Касбий малакалар ўз шаклланишида қатор босқичларни босиб ўтади:

биринчи босқич – бошланғич малака. Ҳаракат мақсадини ва уни бажаришнинг илгари эгалланган билим ҳамда кўникмаларга таянадиган изланиш йўллари аниқлаш фаолият синови ва хатолар йўли билан амалга оширилади;

иккинчи босқич – етарли бўлмаган малакали фаолият. Ҳаракатни бажаришда муайян фаолият учун хос бўлмаган илгари эгалланган кўникмалардан фойдаланиш;

учинчи босқич – алоҳида умумий малака. Фаолиятнинг турли кўринишлари учун зурур бўлган қатор ўта ривожланган, аммо тор малакалар (ўз фаолиятини режалаштира олиш малакаси, ташкилотчилик малакаси ва ҳоказо);

тўртинчи босқич – ўта ривожланган малака. Муайян фаолиятга оид билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиш; фақат мақсадни эмас, балки унга эришиш йўллари танилаш сабабини ҳам аниқлаш;

бешинчи босқич – маҳорат. Турли малакалардан ишончли ижодий равишда фойдаланиш [2].

Юқорида таҳлил этилган тадқиқотларнинг натижаларини кенг профилли дастгоҳчиларнинг касбий фаолияти мисолида кўриб ўтаемиз.

Кенг профилли дастгоҳчилар металлларга кесиш йўли билан ишлов беришга ихтисослашган кичик мутахассисларнинг умумий вакили ҳисобланади. Унинг ишида қўлда бажариладиган операциялар иш вақтининг ярмидан кўпрогини эгаллайди. Мураккаб токарлик ишларини бажариш ҳам кузатувчанлик, ҳам мотор, ҳам ақлий кўникмаларни ривожлантиришни талаб этади.

Кузатиш соҳасида кенг профилли дастгоҳчи кўриш сезгиларига, айниқса, баъзан кўз билан чамалаб миллиметрнинг улушларини, қириндининг хусусиятларини, ишлов бериладиган деталнинг сирти кўринишини фарқлаб, катталикни визуал баҳолашга асосланади. Кўриш анализатори қабул қиладиган бу сигналлар кичик мутахассисни дастгоҳнинг ишлаётганидан, хом-ашё ёки маҳсулот сифати тўғрисида хабардор қилади. Ташқи кўринишга қараб кенг профилли дастгоҳчи хомаки деталнинг хоссаларини, шунингдек, кесувчи асбобнинг ҳолатини аниқлайди. Кескичнинг ҳолати, токарлик дастгоҳини ишлашидаги носозликлар ёки бошқа четланишлар тўғрисида кенг профилли дастгоҳчи одатда эшитиш орқали билади.

Кенг профилли дастгоҳчининг вазифаларини бажаришда, худди бошқа кўпчилик касблардаги каби турли хил кўзғотгичларга бир вақтда таъсирланиш кўникмаси, яъни уларнинг таъсирлари натижаларини синтез қилиш кўникмаси муҳим ҳисобланади, чунки уларнинг умумий намоён бўлиши ҳар доим ҳам айрим сигналларни вужудга келтирувчи сабабларни оддий кўришга келтирилмайди. Синтетик хусусиятли бундай умумий сифат дастгоҳга хизмат кўрсатиш учун, двигател шовкинларини интерпретация қилиш, олинаётган қиринди шовқини, шпинделнинг титрашини фарқлаш учун ва ҳоказолар учун зарур мушак зўриқишларини қисман автоматлаштирилган қайд қилишга асосланган “машинани ҳис этиш” ҳисобланади.

Сезги сигналларини қайд этиш билан юзага келган диққатни тўғри тўплашга керакли пайтда назорат ва назорат-ўлчаш операцияларининг бажарилиши боғлиқ бўлади. Бинобарин, ҳар бир жараённинг тўғри кечишини назорат қилиш ҳам кузатиш кўникмасига боғлиқ.

Кенг профилли дастгоҳчиларнинг мотор кўникмалари жуда хилма хилдир. Улардан кўпчилиги детални ва кескични ўрнатишда, калитлар, ричаглар, поналар, ўлчов асбоблари ва ҳоказолардан фойдаланиб, ишлов берилган детални ечиб олишда дастаки асбоблардан фойдаланиш билан боғлиқ. Шунингдек, қўлда узатишни амалга ошириш кўникмасини айтиб ўтиш лозим. Деталларни маҳкамлаш муҳим ҳисобланади, унга ричагнинг қаршилигини куч билан сезиш асосида эришилади. Детал пневматик ёки электромеханик усул билан маҳкамланадиган жойда кенг профилли дастгоҳчининг ўзи сезгига асосланиб сиқиш кучини белгилайди. Шунинг учун назарий тайёргарлик билан бир қаторда тегишли дастаки усуллар ва

операцияларни бажаришда етарлича узок вақт амалий машқлар бажариш зарур.

Чизгич ва штангенциркулдан фойдаланишда бу асбобларнинг тузилиши соддалигига қарамай, катта укув талаб қилинади. Яхши мотор кўникмаларига эга кенг профилли дастгоҳчи назорат қила туриб, металнинг совишини кутмасдан сиртнинг силликлигини бармоғи билан аниқлайди ва бажарилган ишнинг тўғрилигини асбоб ёрдамида текширишга киришишдан аввал буюм ўлчамидаги унча катта бўлмаган четланишларни кўз билан чамалаб аниқлайди.

Кўлда узатиш операцияси махсус кўникмаларни талаб этади, бунда кенг профилли дастгоҳчи бир вақтда икки йўналиш бўйича суради: ишлов берилган детал ўқига нисбатан параллел ва унга перпендикуляр равишда иккала қўл билан оҳиста ва бир текис ҳаракатга келтирилади, бу тегишли машқларни талаб этади. Шу билан бир вақтда иккала ричагнинг узатиш тезлиги ишнинг кечиши тўғрисида хабардор қилади. Узатишни кўз билан назорат қилиш операциянинг айрим онларини

автоматик бажариш кўникмаларини эгаллаш даражасига қараб камаяди.

Кенг профилли дастгоҳчиларнинг ақлий кўникмалари ҳам турли-тумандир. Кенг профилли дастгоҳчи чизмалар ўқийди, техник хужжатлар билан танишади, назорат-ўлчов асбоблари кўрсатишларини белгилаб олади ва талқин қилади. Янги топшириқни бажаришда ҳаракатларни режалаштириш катта маҳоратни талаб этади. Операцияларнинг навбатини аниқлаш каби, назорат операцияларини амалга ошириш ҳам тажриба ва билимни, суръатни белгилаш ва айрим ҳаракатларни амалга ошириш учун вақтни белгилаш кўникмаларини талаб қилади.

Ишнинг юқори сифатига ва яхши суръатига бир пайтда эришишда маҳоратнинг барча нозик жиҳатларини эгаллаш кенг профилли дастгоҳчининг меҳнат фаолиятини ифодаловчи турли хил сенсор-мотор ва ақлий операцияларни бажаришнинг юқори даражада ривожланган касбий кўникмалари тўғрисида далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Алметов Н.Ш. Дидактические условия формирования профессиональных навыков и умений учащихся СПТУ: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. -Т.: 1991. Б. 9.
2. Макиенко Н.И. Хунар-техника билим юртларида педагогик процесс.-Т.: Ўқитувчи, 1989. Б. 371.
3. Мусурмонова О.М., Абдуллаев А.Х., Аҳмедова М.Т. Ўқув ишлаб чиқариш таълими.-Т.: Халқ мероси, 2004. Б.144.
4. Платонов К.К., Голубев Г.Г. Психология. -М.: Высшая школа, 1977. С. 247.
5. Скакун В.А. Преподавание курса "Организация и методика производственного обучения: Методическое пособие.- М.: Высш.шк. 1990. С. 254.
6. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Дис. ... пед. фан. док. – Тошкент: 2004. Б. 314.
7. Ходжабаев А.Р., Хусанов И.А. Касбий таълим методологияси. - Т.: "Фан ва технология", 2007. Б. 41, 192.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описываются профессиональные навыки студентов и теоретической подготовки, теоретические принципы производственных знаний в процессе обучения, которые будут сформированы в процессе формирования профессиональных умений и навыков. Профессиональное обучение учащихся и сущность процесса формирования навыков у студентов, освоение новых навыков и его взаимодействия с существующими навыками, выбор метода внедрения навыков во всех случаях, с учетом этапов формирования их профессиональных навыков, развитие сложных навыков у студентов, выбор метода и влияние многих факторов, которые необходимо принимать во внимание во всех случаях эффективность их формирования. Благодаря широкому разнообразию профиля мастерских моторных навыков, и большинство из них детали и доступ к устройствам, которые можно установить разветвители и вперед. Этот анализ результатов процессов охватывает широкий профилированной мастерской.

Ключевые слова: образование, навыки, профессионально-технические навыки и умений, когнитивные навыки, сенсорные навыки, моторные навыки, профилированная мастерская.

RESUME

This article describes the skills of students and theoretical training, the theoretical principles of the production of knowledge in the learning process, which will be formed during the formation of professional skills. Vocational training of pupils and the nature of the process of formation of skills of students, development of new skills and interaction with existing skills, the choice of the method of implementation skills in all cases, taking into account the stages of the formation of their professional skills, development of complex skills in students, the choice of method and the influence of many factors, which should be taken into consideration in all cases the efficiency of their formation. Due to the wide variety of Profile motor skills workshops, and most of these details and access to the devices that you can install splitters and forth. This review process includes the results of a workshop profiled.

Key words: education, skills, vocational skills and abilities, cognitive skills, sensory skills, motor skills, profiled workshop.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДЕМОКРАТИК СИЁСИЙ ТАРТИБОТ

Отақулов Ш. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада демократик тараққиёт йўлини танлаган, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаб бораётган мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг қонун олдида тенглиги, жамиятнинг тараққиёти, юксалиши, фаровонлигининг асосида қонун устуворлигининг таъминланганлиги ётиши ҳақида фикрлар ёритилган.

Калим сўзлар: *фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, демократия, демократик сиёсий тартибот, концепция, ўзбек модели, давлат бошқаруви, конституция, референдум, жамоат ташкилоти, ижтимоий макон.*

Мамлакатимизда шаклланиб бораётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти кенг кўламли иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотлар асосида кечаётганлиги билан бир қаторда, жамият сиёсий тизими ва сиёсий тартиботида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ.

Жамият ўз тараққиёт йўлида муайян босқичларни босиб ўтар экан, давлат тузилиши ва бошқарувида ҳам қатор ўзгаришларни амалга оширади.

Жамият сиёсий тартиботи бундай ўзгаришларнинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Фуқаролик жамиятида жамият сиёсий тартиботининг демократлашуви даражасига қараб унинг ривожланишига баҳо берилади. Халқимизнинг асрий орзуси - одил, инсонпарвар, инсон кадр-қиммати устувор бўлган жамият барпо этиш йўлига ўтар эканмиз жамият сиёсий тузumi ва сиёсий тартиботини ҳам ушбу орзуга монанд қилиб ривожлантириш кўзда тутилади. Жамият сиёсий тартиботининг демократиялашуви пировард натижада фуқаролик жамиятини янада ривожланишига олиб келади. Бу хусусда И.А.Каримов шундай дейди: “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, инсонга ёрдам беради. Шахс муваффақиятлари унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдирди ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қоидалари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситилмаслигига йўл қўймайди. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз тўла риоя қилишлари шарт”[1]. Жамият сиёсий тартиботи ислохотларнинг бош бўғини вазият натижасида жамоат ташкилотлари ҳуқуқ ва эркинликларига кенг йўл очиш маҳалла институти ва сиёсий партияларнинг жамиятни модернизация-лаштиришдаги роли ва мавқейини оширишдир. Фуқаролик жамиятини қуриш босқичма-босқич жамият сиёсий тартиботини ҳам аста-секин демократлаштириш билан биргаликда кечади, 1999-йил 14-апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуннинг 7-моддаси бу йўналишда муҳим дастур бўлди. Бундан буён, ушбу қонунга кўра, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш

органлари давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмайди.

Бугунги кунга келиб, сиёсий тартиботнинг демократлашуви натижасида мамлакатимизда 10 мингдан ортиқ фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич йилдан йилга ортиб бормоқда. Шуниси эътиборлики, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари демократик асосда шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ва “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ, 1993-2016-йиллар оралиғида Республика-миз шаҳар, қишлоқ ва овуллардаги маҳаллаларда фуқаролик йиғинларига сайловлар ўтказилиб, икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайландилар. Жамиятимиз сиёсий тартиботи адолатли муқобиллик асосида, балки толерантлик асосида ҳам ислох этилмоқда. Масалан, юртимизда қарор топган миллатлараро тотувлик, ўзаро бағрикенглик сиёсий тартиботи-мизнинг демократия ва инсон ҳуқуқ ва эркинлик-ларининг тобора кенг таъминлана-ётганлиги, тараққиётнинг “ўзбек модели”да акс этган қонун устуворлиги ва бошқа тамойилларнинг ҳаётимизда тобора чуқур илдири отиб бораётганлигининг натижасидир.

Жамият сиёсий тартиботининг демократлашувини яна бир муҳим ифодаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг нисбий мустақиллик асосида фаолият юритиши таъминлаганидан ташқари, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти янада демократлашиб бораётганлигидир. Агар 2003 йил Республикада 609 та газетанинг 493 таси (81,8%) бир тилда, 116 таси (18,2%) аралаш тилларда чоп этилган бўлса, бугунги кунда 81 фоизи давлат тилида нашр қилинмоқда. Шу ўринда қайд этиш лозимки, оммавий ахборот воситалари умумий миқдорининг 64 фоизи нодавлат тузилмалари ҳисобланади.

Республикамизнинг биринчи Президенти И. Каримовнинг таъкидлашларича: “Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга” [2].

Буларнинг барчаси мамлакатимизда чинакам демократик принципларни қарор топтириш орқали миллий ўзлгимизни тобора чуқур англаш Ватан, миллийлик, Мустақиллик каби тушунчаларни ҳаётимизда қарор топтириш вазифаси билан боғлиқ. Зеро, олимларимиздан В.Қўчқоров тўғри

* Отақулов Ш. – ТДПУ ўқитувчиси.

таъкидлаганидек: “Халқ, миллат ўзликни англашга интилганидек, энг аввало, ўзининг қарамлигидан қандай қилиб қутулиш ва эркин яшашни ўйлайди” [3].

Жамиятнинг барча соҳаларида олиб борилаётган демократик ислохотлар сиёсий тартиботимизни тобора изчил, босқичма-босқич демократлашиб бораётганлигининг ифодасидир. Давлат ваколатларини босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига берилиб борилаётганлиги бундай фикрнинг амалий тасдиғидир.

Жамиятимиз сиёсий тартиботини босқичма-босқич демократлаштиришда муҳим босқич – сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қаратилган, сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги сиёсий иштирокини кучайтиришга эътибор берилган 2008 йил 1 январидан қучга кирган янги конституциявий қонун ҳисобланади. Ушбу қонун нодавлат ташкилот-сиёсий партияларга қатор ваколатлар беради. Жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтиради, халқ ва давлат манфаатларини тобора уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Бундай ислохотларнинг пировард мақсади фуқаролик жамиятини, яъни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарувиغا асосланган жамиятни шакллантириш, демократик жамиятни қарор топтиришдир. Бу ислохотлар тадрижий асосда, ривожланишнинг “ўзбек модели” асосида ҳаётимизда қарор топмоқда, жамият сиёсий тартиботи ҳам шунга монанд тобора демократлашиб бормоқда.

Тарихий тараққиётнинг “ўзбек модели” ҳам ушбу қонуниятни асос сифатида ўз таркибига олади. Бундай қонуниятни республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг босқичма-босқич амалга ошириб келаётган ислохотлар билан алоқадорлигини фуқаролик жамиятининг муҳим институти, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, ҳар бир фуқаронинг ўз хатти-ҳаракати, фаолияти учун маъсулиятининг ортиб бориши, давлат ҳокимиятидан нисбий мустақиллигининг тобора ўсиб боришини ташкил қилади. Фуқаролик жамиятини, нафақат, давлат бошқарувини, балки ушбу жамиятнинг асосий субъекти бўлган шахс маънавиятини ҳам тубдан янгилаш ва юксалтириш билан боғлиқ эканлигини фақат баркамол инсонгина фуқаролик жамиятида ҳаёт кечирishi, яратиш ва истеъмол қилишга муносиб эканлиги тўғрисида хулоса қилишга олиб келади. Шу маънода, Ислом Каримовнинг: “Давлат фақат имконият яратади”, - деган фикрларида жон бор. Фуқаролик жамияти кишиси истеъмолчи боқиманда шахс эмас. У жамият, давлат ва бошқалар олдида юксак масъулият сезувчи, ўз фаолияти оқибатлари учун жавобгарликни ўз бўйнига олишга қодир инсондир. Фуқаролик жамияти сиёсий тартиботи айнан шу икки омил - масъулият ва жавобгарлик омилларига таянади. Инсон эркинлигини шу омиллар орқали рўёбга чиқаради. Бу талаб барча фуқаролар учун оддий инсондан тортиб то раҳбар ходимлар учун ҳам бирдай. Бугунги мавжуд илмий ва юридик

адабиётларда фуқаролик жамияти, унинг институтлари, уларни ривожлантириш ҳақида кўп гапирилади.

2010 йил 12 ноябрда қабул қилинган концепция эса, нафақат, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, балки унинг муҳим таркибий қисми – инсон маънавиятини ҳам тубдан ислох қилиш механизмини яратишни талаб қилади. Зеро, Ислом Каримов таъбири билан айтганда: “Янги ҳаётни эскича қарашлар билан қуриб бўлмайди”. Инсон дунёқарашини, маънавиятини замон талаблари асосида ислох қилиш ва шунинг билан бирга, миллий маънавиятимиз хазинасида чексиз маънавий захирадан фойдаланишни таъминловчи янги сиёсий технологияларни яратиш ислохотларнинг асосий омили – инсон омилининг фаоллаштиришга олиб келади.

Бунинг учун Республикаимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Ислохотларнинг асосий субъекти бўлмиш инсон мамлакатда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларнинг зарурлигига, улардан аниқ манфаат топишига ўз ҳаётий тажрибаси мисолида ишонч ҳосил қилиши зарур” [4]. Бу, одатда, “демократия”нинг қарор топиши деб баҳоланади. Албатта, концептуал жиҳатдан демократия фуқаролик жамиятининг йўлдошидир, усиз фуқароларнинг ўзини-ўзи, мустақил бошқаришини тасаввур қилиш қийин демократияни қарор топтириш фуқаролик жамиятининг асосий мақсадидир. Бироқ демократия қарор топиши учун “Конституция ва қонунларга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, ҳар бир фуқаронинг, мансабдор шахснинг кимлиги ва қандай лавозимда бўлишидан қатъий назар, мавжуд конституция ва қонунларга сўзсиз риоя этишларини таъминлашга эришмоғимиз зарур. Бу жараёнларсиз ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мумкин эмас” [5].

Маънавий асосларнинг бош бўғини қонунга итоаткорлик, қабул қилинаётган қарор ва фармонларга ишонч, танланган тараққиёт йўлига эътиқод ҳисобланади. Бунинг учун асосий тамойил ушбу фармон ва қарорлар мазмуни ижтимоий фикрга асосланиши, демак, улар фуқаролар ўртасида кенг муҳокама қилиниши, сўнг қабул қилиниши даркор.

Демократияга ўтишда Ўзбекистонда айнан шу тамойил қарор топмоқда, қабул қилинаётган қонунлар лойиҳалари фуқаро йигинлари вакиллари, депутатлар, мутасадди раҳбарлар, кенг жамоатчилик иштирокида қуйи палатада дастлабки муҳокамадан ўтиши амалиёти шаклланган. Натижада, қабул қилинаётган қонунлар халқчиллиги, демакки, демократик характерда бўлишига эришилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, демократик сиёсий тартибот шароитида қабул қилинаётган қарор ва қонунларга фуқароларда даҳлдорлик, кизикиш ва манфаатдорлик ҳиссининг мавжудлиги, уларнинг реал ҳаётда самарадорлигини ошишига олиб келади.

Демократик тараққиёт йўлини танлаган, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаб бораётган мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг қонун олдида тенглиги таъминлаб берилди. Конституцияда “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади”[6], қонун устуворлиги сўзсиз тан олинади. Қонунларимиз фуқароларимизнинг барча ҳуқуқларига алоҳида эътибор беради, уларга кўра, фуқароларимиз жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқларига эга. Қонунлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш, давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, жамоатчилик назоратини ташкил этишни талаб этиб боради. Мамлакатимизда амалга ошириб борилаётган “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси тезлик билан қисқа муддатларда амалга оширилмайди, балки у босқичма-босқич қарор топиб боради ва унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган тақдирдагина мақсадга эришилади. Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этиб борилаётган тараққиётнинг “Ўзбек модели”даги қонун устуворлигида олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим омилларидан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Фуқаролик жамияти тушунчаси халқимиз учун янги тушунча эмас, аждодларимиз асрлар мобайнида энг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда жамоатчилик фикрига суяниб келганида, кўплаб масалалар жамоа билан бамаслаҳат тарзда ҳал этилган. Жамият аъзоларини давлат бошқарувида ўз ўрни бор эканлиги минтақамизда яшаб ўтган кўплаб буюк алломаларимизнинг асарларида кенг ёритиб берилган. Биз яшаётган қадимий ва табаррук заминда кўплаб буюк мутафаккирлар, фозилу

фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар этишиб чиққанлигини бутун дунё тан олади. Алломаларимизнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида адолат ғояси, қонунларга ҳурмат туйғуси муҳим ўрин эгаллаган. Кўплаб сиёсатчилар, саркардалар, давлат арбоблари ҳар қандай жамиятнинг тинчлиги, тараққиёти, юксалиши, фаровонлигининг асосида қонун устуворлиги туришини яхши англаганлар ва ўзларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятларида унга амал қилганлар.

Буюк алломаларимизнинг миллий давлатчилик ва давлатни бошқариш усуллари, инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни адолатли жамият куриш тўғрисидаги илғор фикрлари ўз даври сингари бугунги кунда ҳам фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда. Аждодларимизнинг жамиятни юксалтириш йўлидаги қимматли фикрларини бугунги кундаги аҳамияти шундан иборатки, улар қонун устуворлиги туйғусини ҳар бир инсон, ҳар бир халқ ва миллат интилиб яшайдиган олий мезон даражасига кўтарганлар. Барча алломаларимизнинг қарашларида қонун устуворлиги жуда кенг маънога эга бўлиб у бутун мамлакат ва жамиятга тааллуқлидир. Кўплаб давлат арбоблари ва сиёсатчилар ўз фаолиятларида халқ ҳаётини яхшилаш, адолатли тартиб-интизом ўрнатиш, қонунийликни қарор топтиришга интилганлар. Буюк тарихий шахсларимизнинг қонун устуворлигини таъминлашдан туриб жамиятни юксалтириб бўлмаслиги тўғрисидаги фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, бундай манбалар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил одимлаб бораётган мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириб бориш йўлида қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов.И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1998. Б. 151.
2. Каримов.И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2010. Б. 17-18.
3. Кўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва барқарор тараққиёт. Т.: “Академия”, 2013. Б. 154-155.
4. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17 жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. Б. 34.
5. Демократия тараққиёт гарови (Тўплам). Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти”, 2005. Б. 33.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2014. Б. 7.

РЕЗЮМЕ

Статья освещает вопросы особенностей узбекского пути демократического развития, обеспечения принципа равноправия граждан перед законом, дальнейшей демократизации и либерализации общества.

Ключевые слова: гражданское общество, правовое государство, демократия, политический режим, конституция, референдум, общественные организации, социальная жизнь, концепция, узбекская модель, государственное управление.

RESUME

This article is dedicated to the matters of peculiarities of Uzbek way in democratic development, providing the principles of citizens' equalities at the law, further democracy and liberty of society.

Key words: citizensociety, law state, democracy, democratic political order, concept, Uzbek model, government, constitution, referendum, social organization, social place.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҲБАР КАДРЛАРИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

(Германия мисолида)

Отамуродов Ғ.Р. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада олий таълим тизими раҳбар кадрларининг касбий компетентлигини белгиловчи омиллар ва уларни шакллантиришида хорижий мамлакатлар, хусусан, Германия давлати тажрибалари ёритилган. Шунингдек, раҳбар кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириши йўналишлари таҳлил қилинган. Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш концепцияси ёритилган.

Калим сўзлар: Олий таълим, раҳбар кадрлар, компетентлик, хорижий тажриба, касбий малака, ривожлантириши.

Бугунги илмий-техник тараққиёт ва глобаллашув жараёни шиддат билан ривожланаётган бир шароитда давлат ва жамият, умуман барча бошқарув субъектлари самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири – бу бошқарувнинг турли даражаларида замонавий бошқарув технологиялари ва усулларидан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Айнан шу сабабдан мамлакатимизда мазкур соҳага алоҳида эътибор берилмоқда. Электрон ҳукумат фаолиятини ташкил этиш, электрон хужжатлар айланишини таъминлаш, электрон тижорат ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Шунинг учун бугунги кунда замонавий раҳбарнинг нафақат ахборот технологиялардан фойдалана олиши, балки ўз соҳасидаги энг сўнгги илғор технологияларни қисқа вақт ичида амалиётга жорий этиши, зарур бўлса янги бошқарув технологиясини яратиш асосида бошқарув тизимида жорий этиши талаб этилади. [1]

Республикаимизда ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик ҳуқуқий давлат ва кучли ижтимоий жамият куриш борасида туб ислохотлар олиб борилаётган бир шароитда иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлардан бири ҳисобланган Германия давлатида раҳбар кадрлар касбий малакасини ошириш ва улар салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасида тўпланган бой тажрибани ўрганиш ва уни бизнинг шароитимизга мос келувчи жиҳатларини тўғри жорий этиш бугунги кундаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Германия – жаҳон илм-фани ва маданияти ўчоқларидан бири. Бу мамлакат илдизи асрларга бориб тақалувчи илмий мактаблари, Гёте, Гегел, Бетховен, Нитше, Эйнштейн сингари олим ва ижодкорлари билан дунёга машҳур. Халқаро доирада эътироф этилган олмон таълим даргоҳларида мустақил фикр ҳамда кенг дунёқараш шаклланишига алоҳида эътибор берилди.

Замонавий ахборот коммуникация технологиялари шароитида раҳбар кадрлар касбий компетентлигини ривожлантириш методик тизимининг хориж тажрибаси асосида (хусусан, Германия мисолида) шакллантириш ва такомиллаштириш имкониятларини ўрганиш, таҳлил этиш, шунингдек, раҳбар кадрлар касбий компетентлигини оширишда Германия тажрибаси ўрганилган. Бунда мазкур давлатда кадрлар касбий

малакасини оширишда қўлланиладиган замонавий ўқув усуллари қиёсий таҳлил этилган. Шунингдек, Германия кадрлар сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш орқали Ўзбекистон шароитида раҳбар кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий компетентлиги ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги шароитда бошқарувни жамиятнинг ҳар бир жабҳасида ўз ифодасини топаётган мураккаб ҳодиса сифатида тавсифлаш мумкин. Мутахассислар фикрича, қўплаб бошқарув ва ташкил этиш назариялари мавжуд бўлиб, улардан бирортаси универсал характерга эга эмас. Бироқ мавжуд ёндашувлар асосида ягона ғоя ётиши, яъни барча замонавий концепцияларнинг марказида инсон турганини таъкидлаш мумкин.

Инсон ресурсларига қайта йўналтирилган бошқарув сабабларидан бири инсоннинг ишлаб чиқаришдаги роли ва унинг паст даражадаги эҳтиёжларини қондиришдан юқори даражадаги эҳтиёжларини қондиришга ўтиши ҳисобланади.

Айнан раҳбар ўзида бор заҳираларини бошқарувни инновацион ёндашув асосида олиб боришга сафарбар қилиши лозим, шунда ташкилотнинг яшовчанлик даражаси ўзгарувчан шароитда мустаҳкамланиб бораверади. У кадрлар сиёсатини олиб боришда қўл остидаги ходимларининг билим ва қобилиятларидан унумли фойдаланган ҳолда жамоадаги ўзаро муносабатлар маданиятини ташкилотнинг истикболли мақсадлари сари йўналтира олиши лозим.

Германияда тарихан кадрлар хизматининг шаклланишини умумий тарзда уч босқичга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич ўз ичига 1890-1920 йилларни олади. Ушбу даврда ишлаб чиқариш ходимлари сонининг бирданига ортиб кетиши, меҳнат жараёнларини тадқиқ қилишда тажрибанинг камлиги, кадрлар бўлими ходимлари малакасининг паст даражадалиги даври;

Иккинчи босқич ўтган асрнинг 30-йиллар бошлари ва XX асрнинг ўрталаригача. Бунда турли ижтимоий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, “инсоний муносабатлар фалсафаси”нинг ходимларнинг чизикли раҳбарлар билан бўлган муносабатларига таъсири ижтимоий-психологик хизмат турларидан фойдаланиш даври;

* Отамуродов Ғ.Р. – БИММ катта илмий-ходим изланувчиси.

Учинчи босқич 60- йиллардан бошланиб, инсон омили тобора катта аҳамият кўрсатишни бошлаган давр билан изоҳланади. Айнан шунинг учун ҳам инсон омилига бирламчи эътибор қаратган ташкилотларда ривожланиш даражаси юқори бўлганлигини кузатиш мумкин.

Таълим тизимида раҳбар лавозимига номзодларнинг аксарияти зарурий махсус тайёргарликдан ўтган, ҳуқуқий билимларга эга бўлиши керак. Шунингдек, кадрлар билан ишлашнинг кўп йиллик тажрибаси бўлиши талаб этилади. Номзодлар куйидаги сифатларга эга бўлиши лозим:

- мулоқот олиб бориш малакаси;
- мулоқот санъати;
- мақсадга эришиш қобилияти;
- компетентлик;
- ижодкорлик;
- аналитик тафаккур.

Кадрнинг ёш хусусияти ҳам аҳамиятга молик. Кадрларни бошқариш хизматлари учун энг мақбул ёш 32 ёшдан 45 ёшгача ҳисобланади.

Германияда янги ходимларнинг мослашиш жараёнига катта эътибор қаратилади. Мутахассислар мослашиш жараёнини ходим аста-секин меҳнатнинг янги касбий, ижтимоий, ташкилий-иқтисодий соҳасига мослашуви сифатида қарайдилар. Бунда мослашувнинг куйидаги жиҳатлари алоҳида ажратиб кўрсатилади:

- психофизиологик – янги жисмоний ва психологик оғирликка кўникиш;
- ижтимоий-психологик – нисбатан янги жамоа, ўзини тутиш нормалари ва ўзаро алоқаларга мослашиш;
- касбий – меҳнат қобилиятини аста-секин қайта тўлдириш;
- ташкилий – иш жойи ва таркибий тузилмасининг умумий таркибий тузилмадаги ролини ўзлаштириш, шунингдек, ташкилотни бошқаришнинг ташкилий ва иқтисодий механизмини тушуниш.

Аттестация давомида ходимнинг профессионалиги, ижтимоий, ижодий ёндашиши, билим ва тажрибаси эса умумий ва махсус маълумоти ҳамда иш стажы асосида баҳоланади.

Германия кадрларни бошқариш ассоциациясининг таъкидлашича, компаниянинг кучли маданияти ва бошқарув тизимига қарши бўлмаган, барча ишчиларнинг ҳамкорлигига ва команда руҳиятига асосланган аниқ амалий мақсадларига эгаллиги ташкилот иқтисодий ютуқларининг ҳал қилувчи омиллари ҳисобланади. Айнан корпоратив маъданият оддий бажарувчидан фарқли ўларок барча шахсларни бирлаштиради, катта салоҳиятга эга бўлади, компаниянинг ўз вазифаларини ҳал қилишга ёрдам беради.

Саноати ривожланган мамлакатлар тажрибаси автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни жорий этиш учун муҳандислар билан бирга раҳбар кадрлар учун ҳам қўшимча билимлар талаб этилишини кўрсатмоқда. Бундай тайёргарликни фақат ўқув марказлари, ўрта махсус ва олий таълим

муассасаларида таълим олиш жараёнида олиш мумкин.

Шу билан бирга, жумладан, бошқарув соҳасида доимий равишда юқори малакали кадрлар етишмаслиги кузатилади. Бунинг асосий сабабларидан бири бўлиб уларнинг компетенциясига бўлган талаб доимо оширилиб борилиши ҳисобланади.

Мутахассислар компетентликни куйидаги омиллар асосида комплекс баҳолайдилар:

1. Шахснинг билими ва маълумоти;
2. Кўникма, иш тажрибаси ва олган билимларни амалда қўллаш олиши;
3. Мулоқот қилиш усулларида фойдалана олиши ва одамлар билан ишлай олиши.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ривожланган хорижий мамлакатларда раҳбар кадрларни тайёрлаш узлуксиз таълим концепциясига мувофиқ олиб борилади. Бу концепцияни инсонга, бутун умри давомида қаерда бўлмасин ҳар қандай таълим муҳим деган тамойил асосида таълим олишга имконият берувчи чора-тадбирлар мажмуи белгилайди. Шунингдек, шахснинг билим ресурслари анъанавий тарзда мантикий изчилликка мувофиқ маълум даврда йиғилишини эмас, балки бутун умри давомида тақсимлаш талаби илгари сурилади.

Раҳбар кадрларни тайёрлаш борасидаги аксарият назария ва бизнес вакиллари сўнгги 30 йил давомида ўқитилаётган курслар ва дастурлар мазмуни деярли ўзгартирилмаганлиги туфайли раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимида қийинчиликлар юзага келиши ва самарадорлиги пасайиши мумкинлиги тўғрисида фикр билдирмоқдалар. Раҳбарларнинг юқори малакага эга бўлиши ишни муваффақиятли олиб бориш учун зарур, лекин бунинг ўзи етарли эмас.

Психология соҳасидаги тайёргарлик дастури ҳамжихат гуруҳларни шакллантириш кўникмасини ўзлаштириш имконини беради. Рақобат курашининг кескинлашуви раҳбарлардан ҳодисаларнинг фақат миқдорий баҳолашни эмас, балки баъзи бир вазифаларни ностандарт ёндашувлар билан ҳал этиш йўллари қидиришни талаб этади. Бундай кўникмаларни тадбиркорлик сифатида тавсифлаш мумкин. Охирги вақтларда тадбиркорлик қобилияти юқори бўлган раҳбарларга талаб ошиб бормоқда. Бунинг учун янги дастурлар керак бўлади.

Бунда таълим бериш усуллари муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ичида моделлаштириш, ролли ўйинлар, семинарлар энг истиқболлилари ҳисобланади. Анъанавий услублар бора-бора ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда. 1-жадвалда хорижий компаниялар томонидан иш жойлари ва иш жойларидан ташқарида қўлланиладиган таълим усуллари кўрсаткичи таърифи келтирилган.

Шубҳасиз, таълим усуллари жадвалда келтирилган усуллари билан тамом бўлмади, чунки хорижий мамлакатлардаги деярли ҳар бир компания ўзининг тайёрлаш тизими ва ўзига хос усулларига эга.

Лекин, мавжуд усулларга қарамадан мутахассисларнинг яқдил фикрича, ташқи

таъсирларни баҳолашга, асосий фаолиятнинг иккинчи даражали ходисалар билан интеграциясига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Буларнинг барчаси раҳбарларнинг барча жабҳалар ва

даражаларда етакчилик ролининг кучайишига олиб келади. Улардан ўз ходимларини илҳомлантириш ва кучларни умумий вазифаларни ҳал этиш учун мобилизация қила олиш талаб этилади.

1-жадвал

Раҳбар кадрларни ўқитиш усуллари

Иш жойида ўқитиш	Иш жойидан ташқарида ўқитиш
<p>“Кўчириш” – ходим мутахассига бириктирилиб, унинг харақтларини кўчиради.</p> <p>Мураббийлик – менежернинг кундалик иш жараёнида машғулоти ўтиши.</p> <p>Жавобгарлик юклаш ходимларга олдиндан шартлашилган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш вақолатини берган ҳолда аниқ белгиланган вазифа бериш. Бунда раҳбар ходимларига ишни бажариш жараёнида таълим беради.</p> <p>Қийинлашиб борувчи вазифалар усули – иш жараёнининг махсус дастури бўлиб, вазифалар муҳимлиги даражаси ва мураккаблик даражаси ошиб бориши бўйича тузилган. Якуний даража – вазифани мустақил бажариш.</p> <p>Ротация – ходим кўшимча профессионал малакага эга бўлиш ва тажриба орттириш учун янги иш ёки лавозимга кўчирилади.</p> <p>Таълим йўриқномалари, методикаларини бажариш.</p>	<p>Иш ўйинлари – жамоавий ўйин бўлиб (одатда компьютерда), иш жараёнидаги ҳолатда иштирокчилар ролларни ижро этадилар ва қабул қилинган қарор оқибатини кўриб чиқади.</p> <p>Ўқув ҳолатлари реал ёки ўйлаб топилган бошқарув ҳолатлари. Бунда ишлаб чиқариш шароитида фикрлашни чегараламаслик мақсадида вақт чегараланганлиги бекор қилинади.</p> <p>Моделлаштириш – реал меҳнат шароитини яратиш.</p> <p>Таъсирчанлик машғулоти қабул қилувчанликни ошириш ва бошқалар билан ўзаро алоқани яхшилаш мақсадида гуруҳда иштирок этиш.</p> <p>Психолог иштирокида амалга оширилади.</p> <p>Ролли ўйинлар (инсоннинг ўзини тутишини моделлаштириш) – ходим амалий тажриба олиш мақсадида кимнингдир ўрнига ўзини кўйиб кўради ва ўз хатти ҳаракати тўғрилиги тасдиғини олади.</p>

Шундан келиб чиққан ҳолда раҳбар кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг 3 та концепцияси кўриб чиқилмоқда:

1) тўлиқ бўлмаган ёндашув, инвестициялар талаб этмайди, ташкилотнинг аниқ мақсадлари билан боғлиқ бўлмасдан, тренинг марказларида базавий тайёргарлик амалга оширилади ва мутахассислар томонидан истиқболсиз деб ҳисобланади;

2) расмийлаштирилган ёндашув, раҳбар кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўлғуси раҳбар учун карьеранинг бир қисми сифатида қаралади, у фирманинг ресурс эҳтиёжлари ва кадрнинг шахсий интилишлари билан биргаликда олиб борилади. Базавий билимлар ва алоҳида кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган махсус курслар асосий ҳисобланади;

3) вазифаларни ҳал этиш учун узлуксиз таълим сифатида қараладиган мақсадли ёндашув.

Таълим жараёнларининг шахсни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилганлиги таълим соҳасидаги замонавий инновацион ўзгаришлар тенденцияси сифатида таълим фаолиятининг, шу жумладан ушба соҳадаги бошқарув субъектларининг маъмурий-коммуникатив ёндашувдан гуманитар-коммуникатив ёндашувга ўтишни талаб қилади. Маълумки, олий мактаб раҳбарлари хатти-ҳаракатларида амалга интилувчанлик, авторитар тарзда фикрлаш, таъсир ўтказиш ва шу каби кайфиятлар устун бўлади. Шу билан бирга, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув фаолияти демократлашув ва жамоада ишбилармон руҳдаги алоқаларни талаб қилади ва бу ўз навбатида

раҳбар кадрлар малакасини ошириш соҳасидаги янги ёндашувларда ўз ифодасини топади. Замон талабларидан ортда қолмаслик учун таълим жараёнига интерактив таҳсил технологияларни жорий қилиш, тингловчиларга ўқитиш услублари ва шакллари эркин танлаш асосида соҳа ривожлантириб борилади[2].

ГФРда 1990 йиллардан бошлаб раҳбар кадрлар малакасини ошириш соҳасида интерактив усуллар таълим беришнинг устувор услублари ҳисобланади. Бунда илғор билим ва кўникмаларни амалий етказишга катта эътибор қаратилади. Ахборот оқими ортиб бораётган ҳозирга замон шароитида қисқа муддат ичида катта миқдордаги билимларни етказа оладиган, тингловчилар томонидан ўрганилаётган материалларни юқори даражада қабул қилиш ва уларни амалиётда мустаҳкамлаш имконини берувчи таълим услублари талаб қилинади.

Германияда раҳбар кадрлар малакасини ошириш жараёнларида куйидаги услублар кенг тарқалган: тренинглар, дастурлаш, компьютер таълимоти, гуруҳларда таҳсил олиш, конкрет амалий вазиятларни ўрганиш (“case-study”), тадбиркорлик ва роль ижро қилиш ўйинлари. Мазкур ишда ушбу услубларнинг Германия амалиётида қўлланилишини кўриб чиқамиз.

Ушбу мамлакатда раҳбар кадрлар касбий компетентлигини оширишда энг кўп қўлланиладиган услублардан бири – бу тренинг услуби бўлиб, тренинг деганда шундай таълим услуби тушуниладики, унда асосий эътибор ўрганилаётган материалга амалий ишлов беришга асосий аҳамият

қаратилади. Тренингда тингловчилар махсус танланган вазиятларни моделлаштириш жараёнида зарурий билим ва кўникмаларни ривожлантириш ва мустақамлаш ва шу орқали шахсий тажрибасига ва иш фаолиятида қўллайдиган услубларига ўзгартиришлар киритиш имкониятига эга бўлади.

Тренингни ўтказишда одатда фаол ўқитишнинг кенг тарқалган ва ҳар хил услублари ишлатилади: тадбиркорлик, роль ижро этиш ва имитация қилиш ўйинлари, конкрет вазиятларни таҳлил қилиш ва гуруҳ иштирокидаги муҳокамалар.

XX асрнинг 70-80-йилларида Германияда турли даражадаги раҳбар кадрлар касбий мулоқоти учун тренинг усулини қўллаш кенг тарқала бошлаган. Бунда раҳбар кадрларнинг ўз касбий мажбуриятларини муваффақиятли бажариши бошқалар билан алоқалари жараёнида тўплаган кўникма ва малакалари даражаси билан белгиланади. Касбий мулоқотга доир тренинг тингловчиларда нафақат ўзаро шахсий муносабатларни ривожлантиришнинг самарали усулларини ривожлантириш, балки уларнинг ўзлари масъул бўлган соҳалардаги умумий кўникмаларини оширишга қаратилган бўлади[3].

Германияда айни пайтда раҳбар кадрларни тайёрлаш муассасаларида раҳбарларда лидерлик кўникмаларини оширишга қаратилган тренингларни ўтказиш кенг тарқалган. Бундай тренинглар давомида улар бошқарувнинг турли жиҳатларини, масалан, ўз қўли остидаги ходимларни рағбатлантириш, қарорлар қабул қилиш, жамоавий ишларни ташкиллаштириш ва шу кабиларни ўрганишади. Натижада раҳбарлар нафақат бошқарув фаолиятини (режалаштириш, қарор қабул қилиш, баҳолаш, назорат ва бошқалар) таҳлил қилади, балки бошқарув вазифаларига доир билимларни ва қарор қабул қилиш алгоритминини ўзлаштиради ҳамда ўзининг лидерлик салоҳиятини ривожлантириш устида иш олиб боради.

Ҳозирги вақтда компьютерда ўқитиш Германияда раҳбар кадрларни тайёрлаш амалиётида қўлланиладиган бошқа услубларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Масалан, касбий компьютер ўйинлар етарли миқдорда ишлаб чиқилган ва улар таълим ташкилотини бошқариш, реклама кампанияларни ва музокараларни олиб бориш имконини беради.

Юқорида келтирилган иккита услубдан ташқари яна бир ўқитиш методи бу – ўқув баҳсларидир. Ўқитишнинг ушбу услуби тингловчиларнинг нисбатан катта бўлмаган гуруҳларда (6-15 нафар кишилар) муайян муаммо бўйича ўқитишларни ташкил этишни назарда тутати.

“Баҳс” деганда одатда турли шаклдаги фикрлар алмашинуви тушунилади. Тарихий амалиёт шуни кўрсатадики, фикрлар алмашинуви ва ундан келиб чиқадиган баҳс-мунозараларсиз жамият ҳеч қачон равнақ топмайди. Айниқса, бу инсоннинг маънавий ҳаёти ва касбий ривожланишига тааллуқлидир.

Жамоавий муҳокама тури сифади баҳс, ўрганилаётган жараёнга қараб, унинг мураккаблиги

ва бунинг натижаси ўлароқ айтилган фикр-мулоҳазаларга боғлиқ.

Илмий педагогик адабиётда баҳс фоалият компонентларига (субъекти, объекти, воситалари, мақсадлари, операциялари, эҳтиёжлари, шартлари, натижалари) қараб таснифланмасида, амалиётда баҳс бир соҳадан бошқа соҳага механик тарзда ўтказиш мумкин бўлган воқеълик сифатида қаралади. Масалан, илмдан профессионал педагогикага ёки хорижий тилни ўрганишга йўналтирилган услубга ўтказиш каби.

Ўқувли баҳс бошқа баҳс турларидан шуниси билан фарқ этадики, унинг янглиги фақат баҳсда иштирок этувчи шахсларнинг гуруҳларига тааллуқлидир, яни муаммо ечимини муайян аудиториядаги ўқув жараёнида топиш керак бўлади.

Таҳсиллий баҳсни ташкил этувчи ўқитувчи учун, муаммо ечими одатда олдиндан маълумдир. Бу ерда изланиш мақсади шундан иборатки, объектив аниқлик тингловчиларнинг субъектив фикрлаши ва таҳлили орқали янги билимни ўзлаштиришига олиб келади. Изланиш табиий ҳолда педагог томонидан режалантирилган вазифага олиб келиши керак. Бизнингча, бу фақат муаммо ечимини излаш (гуруҳларда баҳслашиш) тўлалигича педагог томонидан бошқарилган ҳолдагина юзага келиши мумкин.

Умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, ушбу ўқитиш усули тингловчилар тажрибасини улар томонидан ўрганилган материалларни яхши ўзлаштиришга имкон берган тарзда максимал даражада тўлалигича қўллаш имкониятини беради. Бу шуни англатадики, бунда гуруҳли баҳсда ниманинг ҳақиқий эканлигини педагог тингловчиларга гапирмайди, балки аксинча, тингловчиларнинг ўзлари педагог томонидан таклиф этилган тамойиллар ва ёндашувларга, ўзининг шахсий тажрибасига тўлиқ асосланган ҳолда асослашларни ишлаб чиқади.

Германияда раҳбар кадрлар касбий компетентлигини ошириш амалиётида бир мунча машҳур бўлган усул – конкрет амалий вазият таҳлилини (case-study – инглиз тилида, Fallstudie — немис тилида) кўриб чиқамиз. Охириги йилларда ушбу ўқитиш усули МДХ давлатлари бизнес таълимидаги турли хил фанларни (маркетинг, персонални бошқариш, ишбилармон хорижий тил ва бошқалар) ўрганишда кенг қўлланилиб келинмоқда[4].

Ушбу усул ўзида билимларни тўплаш фаолиятдан, нисбатан реал бошқарувдаги амалий – йўналтирилган ёндашувга ўтишни намоён этади. Ушбу усул немис амалиётида раҳбар кадрлар малакасини ошириш курсларида энг кўп синалган усуллардан ҳисобланиб, бунда раҳбар кадрларнинг қарорлар қабул қилиш ва муамоларни ҳал этиш малакаларини ривожлантириш соҳасида самарали қўлланилади.

Ушбу усулнинг мақсади – тингловчиларни ахборотларни таҳлил қилиш, муҳим муаммоларни аниқлаш, қарорларни ечишнинг муқобил йўллари танлаш, уларни баҳолаш, оптимал вариантларни

топиш ва фаолият юритиш дастурларини ташкил этишдаги кўникмаларини шакллантириш.

Аниқ вазиятларни таҳлил этишда энг муҳими – бу таълим олувчининг индивидуал иши гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан тайёрланган муаммоли вазият билан ва таклифларни гуруҳли муҳокама қилиш билан ўзаро уйғунлашади. Бу таълим олувчида гуруҳли, жамоавий ишлаш (Teamarbeit) кўникмаларини ривожлантиришга имкон беради ва бу ўз навбатида ўқув мавзуси доирасидаги ўзига хос муаммоларни ечиш борасидаги имкониятларни кенгайтиради.

Таълим олувчи индивидуал таҳлил қилиш, гуруҳда муҳокама этиш, муаммони аниқлаш, муқобилларини топиш, хатти-ҳаракатларни ва режани танлаш ҳамда уларни бажариш жараёнида таҳлил этиш ва режалаштириш кўникмаларини ривожлантириш имкониятларига эга бўлади. Ушбу усул асосан тингловчиларни ишбилармон хорижий тилларга коммуникатив ўқитишда ўзининг юқори самарадорлигини берган.

Лекин олиб борилган ўрганишлар ва таҳлиллар асосида шуни таъкидлашимиз мумкинки, Германияда амал қиладиган раҳбар кадрлар малакасини ошириш курсларида ва ОТМларда талабаларга билим бериш жараёнида профессор-ўқитувчилар томонидан бериладиган вазиятлар бизнинг реал амалиётимизга тўлиқ мос келмайди.

Бизнинг раҳбар кадрлар малакасини ошириш тингловчилари республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолдаги амалий вазиятларни таҳлил этишга қизиқишади. Бу ердаги муаммоларга янги раҳбарлар учун ўзгарувчан иқтисодий ҳолатни, шунингдек, турли даражадаги раҳбарлик қилувчи ходимлар томонидан ҳал этиладиган типик муаммоларни киритиш мумкин.

Муаммоли вазият одатда битта мавзу ёки курс фани билан чегараланмайди. Одатда улар бошқа муаммолар ва масалалар билан ўзаро боғлиқ бўлишади. Бунда тингловчилар предметлараро алоқаларни топиш кўникмаларидан фойдаланишлари лозим.

Муаммоли вазиятларни таҳлил этиш жараёнида тингловчилар уларнинг ташқи пайдо бўлишларини эмас, айнан ички сабабаларни аниқлашларни билишлари лозим.

Таълим олувчилар курсда берилган концепциялар, ғоялар ва ёндашувларни кўрсата олишлари, шунингдек, улардан аниқ вазиятларни таҳлил этиш учун ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун фойдалана олишлари лозим. Одатда муаммоли вазиятни бир нечта усуллар орқали изоҳлаш мумкин ва бунда тингловчилар ноаниқликларни ва турли хилликларни аниқлашга тайёр бўлишлари керак.

Вазиятнинг битта муаммоли жиҳатини аниқлаган ҳолда тўхташ керак эмас, балки таҳлилнинг бошқа муаммолари ва йўналишларини топишга ҳаракат қилиш лозим.

Тингловчиларга таҳлил қилиш ва таклиф этилган тавсияларнинг тўғрилигини тасдиқловчи ўз шахсий тажрибаларидан мисоллар келтириш тавсия қилинади.

Амалий вазиятли ишга бўлган ёндашув тизимли бўлиши лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, раҳбар кадрлар малакасини оширишнинг немис тизими бизда бериладиган вазиятлардан шуниси билан фарқ қиладики, бунда уларда таҳлил этиш учун ишлаб чиқилган вазиятли муаммолар интеллектуал мулкка муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақидаги федерал конунга мувофиқ ҳолда муаллифлик ҳуқуқи билан мустаҳкамлашни ва ўрганилаётган аниқ вазиятларни пуллик кўпайтиришни ўз ичига олади.

Ривожланган малакатлар, хусусан Германияда раҳбар кадрлар малакасини ошириш курсларида кенг қўлланиладиган Case-study усули таҳлили якунида шуни таъкидлаш лозимки, ушбу усулнинг тингловчиларда махсус, методик ва коммуникатив компетенцияларни шакллантиришдаги аҳамияти катта бўлиб, у:

- фанлараро алоқаларни ўрнатишда;
- таҳлилий ва тизимли фикрлашда;
- муқобилларни баҳолашда;
- олиб борилган таҳлиллар натижаларини презентация қилишда;

– қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ ҳолатларни баҳолашда;

– коммуникатив кўникмаларни ва жамоада ишлаш кўникмаларини эгаллашда тўлиқ намоён бўлади.

Раҳбар кадрлар касбий компетентлигини ва малакасини оширишда кенг қўлланиладиган услублардан яна бири бу – ишбилармонлик ва ролли ўйинлар усуллардир.

Бу усул ўз ичига иштирокчиларнинг бир-бирига қарши кизиқишлари ва ўйин давомида ёки сўнгида натижалар юзасидан зарур бўлган қарорларни қабул қилишни олади. Ўйинлар раҳбарларнинг коммуникатив қобилияти, кичик гуруҳларда ишлаш, мутақил фикрлаш каби асосий муҳим малакаларини шакллантиришга ёрдам беради. Ўқитувчилардан натижаларни прогноз қилиш, керакли хулосаларни шакллантириш учун ўйинларни ўтказиш бўйича катта дастлабки услубий тайёргарлик талаб қилинади.

Касбий педагогика соҳасидаги кўпчилик немис олимлари таълимнинг ўйинли услублари раҳбарларни касбий даражада ривожлантиришни таъминлашда жуда катта салоҳиятга эга бўлиб, замонавий шароитларда профессионал бошқарувни амалга оширишда амалиётнинг янги профессионал моделларини яратиш ва фаолиятни такомиллаштириш имконини беради.

Шундай қилиб, раҳбар кадрларнинг касбий малакасини оширишда қўлланиладиган иш ўйинларининг таҳлилдидан куйидаги хулосаларни олиш мумкин.

Олий мактаб раҳбарлари малакасини оширишнинг мақсади бошқарувнинг фаол моделлари, ташкилотнинг янги лойиҳаларга мослашишини қамраб олса, бунда энг самарали услуб бу таълимнинг ўйинли усулидир. Айнан иш ўйинлари ташкилот тизимидаги турли ташкилотлар билан кооператив-коммуникатив алоқалар билан

боғлиқ муносабатларни моделлаштириш ва лойиҳалаш имкониятларига эга. Шундай экан, таълим олиш жараёнида раҳбарларда нафақат ташкилий, балки усубий ва ўйин техникаси қобилиятлари ривожланади.

Германияда бошқарув кадрлари малакасини ошириш бўйича қўлланиладиган дастурлар орқали қизиқарли таълим услубларини таҳлил қилиш натижасида шуни кўриш мумкинки, бу усуллар раҳбарларнинг муаммоларни чуқур ўрганиш ва

уларга турли даражада таъсир кўрсатиш, ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, зарур бўлганда индивидуал ва жамоавий даражада муқобил қарорлар қабул қилиш ва энг оптимал вариантларни танлаш қобилиятларини оширади. Шунингдек, қизиқарли услублар асосида раҳбарлар малакасини оширишнинг Германия тажрибаси кўпгина давлатларда кадрлар касбий компетентлигини ва уларнинг малакасини ошириш амалиётида жуда кенг қўлланилмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 декабрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 351-сон қарори.
2. Исянов Р.Г., Бегимкулов У.Ш. ва б. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш технологиялари. Тошкент. “ДАВР-ПРЕСС” 2011й. Б. 33.
3. Андреев, А.Л. Компетентностная парадигма в образовании: опыт философско-методологического анализа // Педагогика. Журнал. №.2– 2005г. С.34.
4. Болотов, В.А. Компетентностная модель: от идеи к образовательной программе В.А. Болотов, В.В. Сериков // Педагогика. Журнал №.1– 2003г. С.60.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются факторы, указывающие на профессиональную компетентность руководящих кадров системы высшего образования. К тому же, в их формировании рассматриваются опыты зарубежных стран, в частности Германии.

Ключевые слова: высшее образование, руководящие кадры, компетентность, международный опыт и профессиональные навыки, развитие.

RESUME

This article highlights the factors indicating professional competence of executive staff of higher education system. Besides, to formulate them the expertise of overseas countries, particularly of Germany is discussed.

Key words: higher education, executive staff, competence, international expertise, and professional skills, development.

**АБУ АЛИ ИБН СИНО ФАЛСАФАСИДА ИНСОННИНГ РУҲИЙ-МАЪНАВИЙ
КАМОЛОТИ МАСАЛАСИ**

Рустамов И.А. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Абу Али ибн Синонинг фалсафий қарашлари ва унда инсоннинг руҳий маънавий камолоти масаласи таҳлил қилинган. Инсоннинг маънавий комиллиги масаласининг Ибн Синога хос таъқини баён қилинган. Шунингдек, инсоннинг руҳий - маънавий етуклигини ифодаловчи мезонлардан бири дўстлик ҳақида алломанинг фикрлари таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: гуманизм, муслмон фалсафаси, янги афлотунчилик, олам ва одам масаласи, исломизм, тана ва жсон, руҳий-маънавий қиёфа, Соломон ва Ибсол, дўстлик.

Муслмон маданиятининг муҳим хусусияти, у ўзининг кучли гуманистик характери, одамларни яхшилигу савоб ишлар қилишга, дўсту биродарликка даъват этиши, билимни, илмни, ақлни, маънавияту маърифатни эъозлаши, эътиқод-иймон, ҳалолликни қадрлаши билан характерланади. Аниқроқ қилиб айтганда, ўрта аср муслмон маданияти, айниқса фалсафасининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, инсоннинг инсонийлигини, яъни унинг баркамоллигини ифодаловчи мезонлар системасини яратишга қаратилганлигидир.

Муслмон маданияти “Осиё дарёлари каби кумликларга сингиб кетиб, ўз қобигидан чиқолмай номсиз-нишонсиз йўқолган”[1] эмас. Аксинча, Европа маданиятининг ривожланиши учун асос вазифасини бажарди. Аниқроқ қилиб айтганимизда, XIII-XV асрларда содир бўлган Европа Ренессансини тайёрлади. Муслмон маданияти туфайли жаҳолат чангалида бўлган Европанинг бир қатор мамлакатларида илм-маърифат чироғи ёқилди.

Инсон тўғрисидаги қарашлар ўрта аср муслмон Шарқи табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрларининг буюк намоёниси Абу Али ибн Сино томонидан ҳам ҳар томонлама ривожлантирилди. Абу Али ибн Синонинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, жумладан, инсон тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларининг асосида ўрта аср муслмон Шарқида кенг тарқалган исмоилизм ётар эди.

Исмоилизм, юқорида биз эслатиб ўтганимиздек, рационализмга таяниб эркин фикр юритишга интилган зиёлилар орасида катта эътибор қозонди. Исмоилизм тарафдорлари эксплуатация ва ҳақсизлик, адолатсизлик ва зулмга қарши эдилар. Ижтимоий адолат принциплари, нормаларига асосланган янги жамият қуришни орзу қилар эдилар.

Ибн Синонинг фикрига асосан, инсон тана ва жондан ташкил топган. Инсон жонини мия бошқариб туради. Инсон бошқа тирик мавжудотлар, хусусан, ўсимлик, ҳайвон жонидан ўзининг фикр юритиш қобилияти билан тубдан фарқ қилади. Инсон жони энг олий, энг етук жондир. Шунингдек, инсон жони бошқа тирик мавжудотлар жонидан оламда содир бўлаётган ўзгаришларнинг моҳиятини илғаб олиш, ўзи амалга ошираётган фаолиятни аниқ мақсадга йўналтира олиш қобилиятининг мавжудлиги билан ҳам тубдан фарқ қилади. Инсон жонининг энг олий ифодаси – ақлдир.

Бухоролик мутафаккир олам ва одам муносабатларини ўрганишда ақлнинг имкониятларига қаттиқ ишонар, уни мутлақ ҳақиқатни билишга қодир бўлган ягона қудрат деб билар эди. Ўзининг ақли кулл ва уқуллар назариясида бундай ғояни ҳар томонлама исботлашга ҳаракат қилди. Унинг тушунтиришича, оламни ягона вужуд – “Ақли кулл” бошқаради. Осмондаги барча jismlar ўша “Ақли кулл”ни ҳаракатга келтирувчи кучлардир. Худди шунинг учун ҳам, Абу Али ибн Сино ўзининг “Рисолат ат-гаир”, “Ҳайй ибн Яқзон” асарларида одамларни билим олишга, илм ўрганишга даъват этади. Илоҳий ва дунёвий билимларни ўрганиш инсон умрини сермазмун қилади, деган фикрни кун тартибига қўйди. Унинг эътироф этишича, илм ҳамма нарсадан устун турувчи илоҳий неъмат, инсон номини мангуликка муҳрлаб қўювчи воситадир.

Абу Али ибн Сино ўзининг “Ҳайй ибн Яқзон” қиссасида инсон руҳий-маънавий қиёфасини турли салбий, ғайриинсоний иллатлардан тозалашда “Ақли кулл”нинг имкониятлари беқиёс эканлигини тушунтириб берди. Шунингдек, инсоннинг ақлий имкониятлари билан оламнинг ҳақиқий манзарасини ўрганиш орасида диалетик алоқадорлик мавжудлигига эътиборни қаратди. Лекин айрим ҳолларда инсонни руҳий-маънавий тубанлашиши олдида, хусусан, инсон онги ва фаолиятини нафс деган бало ўз қомига тортиб кетганда ҳатто “Ақли кулл” ҳам ёрдам кўрсата олмаслигини алоҳида таъкидлади.

Абу Али ибн Сино “Ҳайй ибн Яқзон” асарида оламнинг ҳақиқий манзарасини билишда инсон ақлининг имкониятларини ошириш ҳақида тўхталар экан, бу борада мантиқ илмининг аҳамиятига катта баҳо берди. Унинг фикрига қўра, мантиқ олам ва одам муносабатларини билишда инсон бисотидаги энг ишончли восита – “оқар чашма”дир. Унда чўмилсанг ва сувидан ичсанг – билимлар денгизида бемалол сузаверасан. Кишининг камолоти, турли бадбахтликлардан холи бўлиши ҳам илмга, ақлга садоқат кўрсатиши туфайлидир. Аксинча, инсон хулқ-атвориға, хатти-ҳаракатиға ўрнашиб олган ғайриинсоний иллатлар унинг умрини бекорчи ишларга сарфлайди.

Абу Али ибн Синонинг таъкидлашича, ақлий ва ахлоқий етук инсон мустақил фикрлаш малакасиға эға бўлмоғи даркор. Мустақил фикрлаш малакасиға эға бўлишни хоҳлаган ҳар бир киши – мантиқ, яъни фаросат илмини яхши ўзлаштириб олиши зарур. Аллома ёзганидек: “Фаросат илми

* Рустамов И.А. – ТАТУ, Фарғона филиали ўқитувчиси.

фойдаси нақд бўлган илмлардандир. Сен бу илми билиб олсанг, у сенга кишиларнинг ўзаро яшириб юрган феълунатворларини билдиради. Мана шу фаросатнинг билдирилиши натижасида ўз билиминг билан унга боғланиб қоласан, ё ундан юз ўгирасан. Фаросат илми сенинг ўзингнинг аслингда бор бўлган инстинктив яратилмаларнинг ўзгартирилмаган табиатларини кўз ўнгингга келтириб кўяди. Агар сенга фаросатни тузатувчи қўли тегса, сен жуда ўткир бўлиб кетасан” [2].

Ибн Синонинг далиллашича, инсоннинг энг муҳим хислатларидан бири ўзи яшаётган атроф-муҳитда содир бўлаётган ҳодиса ва воқеаларнинг моҳиятини билиб олишга қодирлигидир. Инсон оламни ўзининг ички ва ташқи сезгилари ёрдамида билиб олади. Машҳур “Тиб қонунлари” асарида таъкидланишича, ташқи сезги (кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид ва тери) инсонни ташқи олам билан боғлайди. Ички сезгилар (тахмин этиш, ифодалаш, эслаб қолиш, хотира) тасаввур этиш имкониятини яратувчи сезгилардир. Ички сезгилар ташқи сезгилар асосида шаклланади. Ички сезгилар ташқи сезгилар орқали олинган маълумотларни қабул қилиб олиш, умумлаштириш, уни хотирада сақлаб, қайта тиклаб, тасаввур этиш учун хизмат қилади.

Ички ва ташқи сезгилар ёрдамида билиб бўлмайдиган олам сирларини инсон дунёвий ақлдан мадад олиб турган тафаккур орқали билиб олади. Дунёвий ақл инсон тафаккури қувватини, хусусан, муҳокама қилиш, мулоҳаза юритиш салоҳиятини оширади. Тафаккур қувватининг орта бориши билан инсон сезгилар ёрдамида билиб олинмаган олам сирларини билиб олишга қодир бўлади. Алқисса, Ибн Синонинг исботлашича, инсон жони дунёвий ақл ва дунёвий руҳ билан қўшилганда оламни билиш борасида муваффақиятга эришилади.

Инсон ҳеч қачон танҳо, якка ўзи яшай олмайди. У кундалик эҳтиёжларини қондириш, турли орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун жамоа бўлиб яшашга интилади. Ибн Синонинг фикрича, турли жамоаларга бирлашган кишилар фаолиятини оқилона бошқариб туриш, жамоанинг барча аъзоларини фойдали меҳнатга сафарбар қилувчи махсус қонунлар, йўл-йўриқлар, қоидалар бўлиши зарур. Ҳар қандай жамият, ҳар қандай давлат одамлар фаолиятини адолатли қонун-қоидаларга асосланиб идора этмоғи даркор.

Ибн Синонинг тушунтиришича, турли жамоаларга бирлашган одамлар фаолиятини ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи муҳим омиллардан яна бири – ахлоқдир. Инсон қанчалик билимдон, қанчалик тадбиркор бўлмасин умуминсоний ахлоқ қоидаларига таянмаса у адабсиз бўлади, ёмонликка йўл кўяди. Ибн Сино ўзининг “Қуш тили” асарида инсондаги адабсизлик, ахлоқсизлик аломатлари: иккиюзламачилик, ёлғончилик, хоинлик каби хислатларни, инсон устидан қилинган ҳар қандай зўравонликни қоралайди, чинакам ахлоқ ҳамиша илмга, билимга асосланишига эътиборини қаратади.

Ўрта аср мусулмон файласуфларининг эркин фикрлаш анъаналарини давом эттирган Абу Али ибн Сино инсонни камолотга етказувчи куч - чинакам муҳаббатдир, деб билади. Унинг фикрига асосан, муҳаббат умуминсоний воқеа бўлиб, инсонга “қойҳаний (космик) қувват” ато этади. Муҳаббат инсоннинг бутун руҳий-маънавий оламини қамраб олади, эзгуликка, хайрли, савоб ишларга ундайди. Лекин ишқ-муҳаббат ҳамиша ҳам эзгуликка олиб боравермайди. Чунки муҳаббатнинг икки кутби бор. Биринчи кутби яхшилик, эзгуликка қаратилган бўлса, иккинчи кутби инсондаги ҳирсий-ҳайвоний истакларни уйғотишга қаратилган бўлади. Мабодо инсон танасидаги ўша ҳирсий-ҳайвоний қувват ғолиб келса унинг руҳий-маънавий олами емирилади, инсон бахтсизликка гирифтор бўлади. Агар инсоннинг руҳий-маънавий оламида “Ақли кулл” устуворлик қилса у, шубҳасиз, бахт-саодатга эришади.

Абу Али ибн Сино ўзининг “Соломон ва Абсал” асарида инсоннинг руҳий-маънавий етуқлигини ва ўз навбатида инсонни руҳий-маънавий тубанлашувини тасвирлашга ҳаракат қилади. Асарда инсоннинг руҳий-маънавий етуқлиги уканинг акага садоқати ёрдамида тасвирланса, инсоннинг руҳий-маънавий тубанлашуви Абсолнинг акаси Соломоннинг енгилтак, зоҳирий гўзалликка ўч хотини мисолида, унинг турли макру хийлаларини тасвирлаш орқали очиб берилади. Саломоннинг хотини ҳайвоний-шаҳвоний ҳирсга берилиб, ўз қайниси Абсолни тузоғига тушуришга кечаю-кундуз ҳаракат қилади. Ўз мақсадига эришиш учун турли-туман ғайриинсоний қилиқлар, макру-хийлалардан омонлик билан фойдаланади. Лекин янганинг руҳий-маънавий тубанлашувидан Абсолнинг руҳий-маънавий етуқлиги устун келади. Ахлоқий тубанлик устидан ахлоқий етуқлик ғалаба қилади.

Абу Али ибн Синонинг тушунтиришича, инсоннинг руҳий - маънавий етуқлигини ифодаловчи мезонлардан бири дўстликдир[3]. У ўзининг “Рисолот ат-тайр” асарида ёзганидек, ҳақиқатдан ҳам чин дўст шод ва ғамгин пайтларингда ўз дилининг кудрати билан соф дўстликни сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам чинакам дўстликни улуглайди. У барча дўсту-биродарларига мурожаат этиб, ўзаро муомала-муносабатларда “сирти ялтироқ, ичи қалтироқ” бўлмасликка даъват этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўрта аср шароитида, мустақил, эркин фикрлаш маданиятига асосланган Абу Али ибн Сино – олам бир бутун вужуд экан, унда мавжуд бўлган барча хусусиятлар инсон танасида ўз ифодасини топади, деган хулосага келади. Унинг худди шу ғояси баъзи мусулмон файласуфларига (масалан, Мухаммад Ғаззолийга) ёқмайди. Шундай бўлишига қарамасдан, Ибн Сино ўз фикрига ҳеч қандай тузатиш киритмади.

АДАБИЁТЛАР

1. Чалоян В.К. Восток и Запад. М., 1979, Б.150-151. (Иқтибос Н.Комиловнинг “Тафаккур карвонлари” китобидан олинди. Тошкент, 1999, Б.57.
2. Абу Али ибн Сино. Саломон ва Ибсол. Лирика, Фалсафий қиссалар, шеър санъати. Тошкент, 1980.Б.22.
3. Абу Али ибн Сино. Рисолат ат-тайр. Соломон ва Ибсол. Тошкент, 1980.Б.71.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются вопросы духовно-психологического развития человека в философских взглядах Абу Али ибн Сина. Излагаются воззрения Ибн Сина о духовном совершенстве человека.

Ключевые слова: гуманизм, мусульманская философия, неоплатонизм, вопросы человека и мира, душа и тело, духовно-психологический облик, Соломон и Ибсол, дружба.

RESUME

In this article it is discussed Abu Ali Ibn Sina's philosophy and its matter in spiritual psychological development of human. Man's spiritual abuse problem set forth in the original version of the Ibn Sina.

Key words: Humanism, Muslim philosophy, Plato, the universe and human issues, Islamism, body and soul, mental and spiritual appearance, Solomon and Ibsol, friendship.

ТАЛАБАЛАР ЎҚУВ ФАОЛИЯТИДА МАСЪУЛИЯТ КЎРСАТКИЧЛАРИ НАМОЁН БЎЛИШИ

Сагиндикова Н.Ж. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахс шаклланишида зарур бўлган сифатлардан бири-масъулият ва унинг психологлар томонидан ўганилиши, ўқув фаолияти, гуруҳдаги ўзаро муносабат, масъулиятнинг талаба шахси ўқув фаолиятидаги аҳамияти, психодиагностик методикалар орқали олинган масъулият кўрсаткичлари эрглик, аэрглик, соціоцентрик, эгоцентрик, онглик, хабардорлик, предметли натижавийлик, субъектив натижавийлик, стеник, астеник, интерналлик, экстерналлик натижалари очиб берилди, амалий таҳлил этилиши сўз этилади.

Калит сўзлар: масъулият, ўқув фаолияти, масъулият кўрсаткичлари, эрглик, аэрглик, соціоцентрик, эгоцентрик, стеник, астеник, интерналлик, экстерналлик, ижтимоий масъулият, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзига ишонч.

Бугунги кун ёш авлодини тарбиялашда аввало, уни психологик томондан соғлом қилиб тарбиялаш асосий вазифамиз ҳисобланади. Чунки психологик соғлом инсонгина етарли билим ва кўникмаларни ўзида шакллантира олади ва олдиға қўйган мақсадига эришиши мумкин. Қолаверса, таълим соҳасида Қолаверса, таълим соҳасида ҳам бугунги кунда таълим олувчига психологик жиҳатдан ёндашган тарзда дарс ўтиш йўлга қўйилмоқда. Чунки, ўқув фарлиятида таълим олувчининг нафақат билим ўзлаштириши балки, шахсий сифатларининг намоён бўлиши ва характер хусусиятларининг шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида эса, ёш даврига нисбатан мураккаброк бўлган ва уларда ирода ва масъулиятни шакллантирадиган психологик машқлар, муаммоли вазиятлардан фойдаланган ҳолда дарслар ўтилади, бу эса ўсмир ва ўспирин ёшнинг келажакда, ўзига берадиган баҳосида ва ҳаётда ўз ўрнини эгаллашга бўлган уринишида ўзига ишончни шакллантиради.

Талабалик даврида эса инсон келажак ҳаёт ҳақида қатъий қарорлар қабул қилади. Таълим тарбия орқали улар илмий жиҳатдан шаклланиб қолмастан, шахсий сифатлари ҳам шаклланиб, ривожланиб боради. Ўқув фаолиятидаги топшириқлар, дарс жараёнидаги вазифалар талабаларнинг шахсий сифатларини намоён этади. Биз ҳам бугунги талабалар шахсий сифатларидан бири бўлган масъулият муаммосини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Ўқув фаолиятида талаба шахси ўз тенгдошлари орасида ўзини ўрнини эгаллайди. Фикрлари келажак ҳаёллари билан ўртоқлашади. Бундай гуруҳ аъзоларида эса ўзаро психологик психологик муноносиблик вужудга келади.

Психологик муноносиблик – одамларнинг бир-бирларидан характери хусусиятлари, шахсий сифатлари, қобилиятлари, интеллектуал салоҳияти ёрдамида бир-биридан кўнгли тўлиши назарда тутилади. Бундай ҳолатлар оилада, дўстлар орасида айниқса талабалар ўртасида ҳам муҳим аҳамиятга эга [1].

С.В.Быковнинг фикрича, шахс масъулияти феномен сифатида фақат унинг ички ва ташқи томонлари ўзаро муносабатида ҳар томонлама тадқиқ қилиниши мумкин. Масъулият тушунчасининг “субъект-объект” муносабатлар тизимида ишлаб чиқиши масъулият феноменини

регулятив муносабатлар ва алоқаларидаги ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида кўриб чиқиш имконини беради [2].

Б.Утанов “психологлар ўзлаштириш жараёнини тадқиқ қилишда ўқув фаолияти усуллариға алоҳида эътибор беради. Улар ўқувчининг ўзлаштириш усуллари деганда, “ўқув топшириқларини бажаришга хизмат қиладиган ҳаракатлар тизимини” тушунади, деган фикрлар келтириб ўтилади [3].

Бизнинг тадқиқотимизда эса, ўқув фаолияти талабаларнинг масъулият кўрсаткичлари намоён бўлишида ижтимоий ҳодиса сифатида роль уйнайди.

Инсон турли вазиятларда ўзларида намоён бўладиган психик хусусиятларға кўра ўзаро бир-бирини тўлдириш ҳам характер жиҳатларини шакллантириши мумкин. Шу аснода биз талабалик давридаги характер сифатларининг бири намоён бўлишини ўрганишға ҳаракат қилдик.

Ўқув гуруҳи кичик гуруҳнинг энг муҳим турларидан бири сифатида мураккаб социал муносабат, шахслараро муносабат ва фаолиятни ўзида намоён этади. Таълим жараёнининг бош мақсадидан бири талабанинг ҳам шахсий, ҳам касбий камолотини уйғунлаштирган ҳолда жамият ҳаётининг маълум соҳаларида фаолият олиб боришға тайёрлашдан иборатдир. Бу эса талабадан ўқув фаолиятиға масъулиятни характерловчи умумий жиҳатлар билан бир қаторда социал масъулиятнинг таъсири мавжуд бўлиши табиийдир. Ушбу ҳолатни инобатға олган ҳолда талабаларнинг масъулиятлилиги кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида И.А.Кочарияннинг “Масъулиятнинг шахслик симптокомплексларини диагностик сўровномаси” дан фойдаландик. Методикада, принципиаллик, ўз шахсини намоён қилиш, меъёрга мувофиқлик, ахлоқийлик, ўзини ўзи қурбон қилиш сингари бешта шкаладан иборат.

Ушбу методика натижалари таҳлилин “Масъулиятлилиги” сўровномаси натижалари билан ўзаро корреляцион алоқадорликда амалға оширилди. Психолог олим Н.С.Сафаевнинг фикрича, руҳий масъулият инсон ўз хатти-ҳаракатларидан норози бўлиш каби нохуш ҳолатларни бошдан кечириши руҳий (мораль) масъулият сифатида намоён бўлади [4].

Биз тадқиқотимизда бу фикрнинг яна бир тасдиғи яъни методикамизда кўрсатилган принципиаллик, ўз шахсини намоён қилиш, меъёрга

* Сагиндикова Н.Ж. – ҚДУ “Педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчиси.

мувофиқлик, ахлоқийлик, ўзини қурбон қилиш шкалалари орқали билиб оламиз. Яъни инсоннинг рухий масъулияти унинг ички мақсадлари ва дунёқараши, ахлоқий сифатларида акс эттирилади. Кўйида жадвалда биз талабаларнинг масъулият кўрсаткичлари ва уларнинг ахлоқий жиҳатлари яъни **эрглик** (субъектнинг масъулиятини ўзи томондан ҳеч қандай ортиқча назоратсиз, мустақил бажаришга хайрихоҳлиги,) **аэрглик**-(субъектни фаолиятга нисбатан фаолсизлигини, мураккаб ва қийин вазифалар юклатилганда ўзига масъулиятни олмаслиги, таъсирларга нисбатан беқарорлигини ифодалайди), **социоцентрик** (онглиликнинг аҳамиятли кўрсаткичга эгаллиги шахсда гуруҳ билан бирга бўлиш, жамоа олдидаги масъулиятли топшириқларни бажаришда онгли ва тушунган ҳолда ёндашишларининг таъминланганлиги), **эгоцентрик** (ҳар бир ишни бажариш марказида ўз “Мен” и туриши, фақат ўзини ўйлаши), **онглилик** (масъулиятнинг тўлиқ анланганлиги, унинг мазмун ва моҳиятини атрофлича тушуниши ва сифатни яхлит

тасаввур қилишини билдиради), **предметли натижалилик** (масъулиятли топшириқлар юклатилганда жамоа, жамият, одамлар ичида бўлиш хоҳиши, мотивацияси, ўз манфаатидан кўра жамоа манфаатини устун қўйишнинг ўсиши талабаларда жамоат манфати билан боғлиқ ишларда ўзини фидо қилиш ва виждонан ёндашиш ҳолатларини ўрганайди), **субъектив натижалилик** (масъулият борасида биринчи ўринда менинг, менинг кизиқишларим, менинг мақсадимга интилишимдаги “матонатим” тушунчалари устунлик қилади), **стеник** (масъулиятли вазифаларни бажаришнинг ижобий эмоционал томонларини), **астениклик** (масъулиятли вазифаларни бажаришдаги муваффақиятсизликларда салбий эмоцияларни намоён бўлишини баҳолайди), **интерналлик** (индивидуал муайян жойга нисбатан жойлашиши. Инсонни ўз фаолиятини масъулияти ташқи кучлар (экстерналлик) еки узиинг шахсий қобилияти ва уринишларига (интерналлик) қушиб қўйиш) билан боғлиқлик жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Талабаларнинг масъулият кўрсаткичлари методикалари ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар (умумий натижалар)

	Принципаллик	Ўз шахсини намоён қилиш	Меъёрга мувофиқлик	Ахлоқийлик	Ўзини қурбон қилиш
Эрглик	0,185*	-0,019	-0,171*	-0,099	0,047
Аэрглик	-0,035	0,097	0,06	0,067	-0,024
Социоцентрик	-0,05	0,040	-0,017	0,048	0,049
Эгоцентрик	-0,103	0,078	-0,038	-0,096	-0,058
Онглилик	-0,153*	0,112	-0,154*	0,018	0,140
Хабардорлик	0,098	-0,090	0,073	-0,10	-0,045
Предметли натижалилик	-0,062	0,105	-0,107	0,263**	0,096
Субъектив натижалилик	-0,180*	0,141	-0,036	-0,017	0,083
Стеник	-0,057	-0,019	-0,122	0,053	0,069
Астеник	0,043	-0,056	0,020	-0,069	-0,144*
Интерналлик	0,083	0,067	0,105	0,107	0,201*
Экстерналлик	0,01	-0,06	-0,042	-0,043	-0,130

** p<0,01 * p<0,05

Талабаларнинг ўқув фаолиятида масъулият намоён бўлишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашда шахснинг масъулиятга нисбатан типологик ёндашувини акс эттиришга ҳаракат қиламиз. Ҳар иккала методикага кўра талабаларнинг аҳамиятли кўрсаткичларни акс эттирувчи қийматлари орасидан учта корреляцион боғланишларда ижобий аҳамиятли қийматлар аниқланди:

Талабалар масъулиятининг динамиклик компонентининг эрглик параметри билан принцинал шахс характеристикаси ўртасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,185$, $p<0,05$). Ушбу

қийматларнинг кўрсаткичлари талабалар ўқув фаолиятида масъулиятнинг ўзи томонидан, ортиқча назоратларсиз, мустақил бажаришга мойиллигини “принципиал” шахс характеристикаси билан уйғунлашган. Чунки принцинал шахслар ҳаётидаги энг муҳим воқеаларнинг асосий сабабчилари ўзлари эканлиги, бу воқеаларга асосий масъул киши сифатида ўзларини билишлари ва ўз ҳаётий тамойилларига эга шахслар ҳисобланадилар. Улар ахлоқ меъёрларига таянган ҳолда ўз ишларини ташкил этишган. Биргина ҳолат талаба шахсида муайян хусусиятларни ифода этилишига сабаб бўлмоқда.

Иккинчи аҳамиятли кўрсаткич предметли натижаллик билан ахлоқийлик ўртасида кузатилди ($r=0,263$, $p\leq 0,01$). Бу эса талабаларда жамоа олдидаги масъулиятли вазифаларни бажаришда онглилик, виждонан ёндашувнинг ўсиши орқали ахлоқий меъёрларга содиқ шахсни камол топтиришга эришишдан далолат беради. Натижада эса талаба ўзига юклатилган таълим жараёнидаги вазифаларни масъулият ва ҳозиржавоблик билан бажаради. Ўз манфаатларини қурбон қилиб бўлса ҳам юклатилган вазифани бажаришга киришишдан далолат беради. Унинг фаолияти ахлоқ-одоб қоидаларга мос келувчи ўз хоши-истаклари билан назорат қилинади.

Учинчи муносабат эса талабаларнинг интерналлик параметри билан “ўзини қурбон қилувчи шахс” характеристикаси ўртасида аниқланди ($r=0,201$, $p\leq 0,05$). Бу тоифа аҳамиятли боғланиш талабаларнинг гуруҳ аъзоларига ғамхўрлик қилиши, уларга ёрдам кўрсатиши, фаолиятини кўпроқ бошқаларга бахшида этишга мойилдир. Бундан кўринадики, агар талабаларнинг регуляторлик компонентидagi ижобий ўзгаришлар “ўзини бошқалар манфаати учун қурбон қилишга” шай талабалар камол топишига олиб келиши мумкин бўлади. Бу эса ижтимоий адолатга

асосланадиган ҳар қандай жамиятнинг энг фаол фуқароларига хос фазилатларни шаклланишига имкон беради.

Биз ҳулоса ўрнида шуни айтиб ўтишимиз мумкин, ўқув фаолияти инсон шахсининг камол топишида энг муҳим жиҳатлардан биридир. Шу жумладан талаба шахси учун ҳам бу жараён уларнинг асосий фаолият тури бўлибгина қолмасдан, характер сифатларини шакллантирувчи жиҳат ҳисобланади. Фаолият нуқтаи назарида масъулият бажарилаётган ишда муваффақиятга эришишга таъсир қилишини, фаолиятни шакллантириши ва ривожлантиришини асослаб беришга ҳаракат қиладилар.

Талабаларнинг ўқув фаолиятидаги масъулият хусусиятларини шакллантириш учун аввало улар ўртасидаги шахслараро муносабат ва психологик хусусиятларни ўрганиш ҳамда уларнинг ўз-ўзини назорат қилиш, оила, жамоа ва жамият олдидаги жавобгарлик, масъулиятнинг тарбиялаш ва шакллантириш талаб этилади. Мазкур хусусиятлар инсонни ўз-ўзини англашга, ҳар қандай вазиятда ўз-ўзини баҳолай олишга ўз-ўзини ҳар жиҳатдан тарбиялашга йўналтирувчи имкониятларни юзага чиқариш мумкинлигини унутмаслик лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Каменский. Н. «Социальная психология», учебное пособие / Изд. 4-е. – Ростов н/Д: Феникс, 2008. – С.129.
2. Быков С.В. Социально-психологическая регуляция ответственности личности. Дисс. док, псих.н. Казан-2006, –С.32.
3. Ўтанов Б. “Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида” дисс. псих. ф.н. Т.1992, Б.32.
4. Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи. Псих.ф д. Дисс. Т.: 2005, – С.137.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрываются один из важных качества в развитие личности о ответственность, изучение проблемы психологи. Учебное деятельность, взаимоотношение в группы, о значение ответственности в учебное деятельность студентов, показателей ответственности, раскрывается заключение показателей ответственности эргичность, аэргичность, социоцентрик, эгоцентрик, сознательность, осведомлённость, предметный вследствие, субъектив вследствие, стеник, астеник, интернальность, экстернальность и его роль и важность в учебное деятельности.

Ключевое слова: ответственность, учебное деятельность, показателей ответственности, эрглик, аэрглик, социоцентрик, эгоцентрик, стеник, астеник, интерналлик, экстерналлик, социальная ответственность, самосознание, самоуверенность, учебное деятельность в студентов.

RESUME

In this article one of necessary quality - responsibility of development people`s, its role and importance in future professionals and a lot of analysis theoretical and practical.

Key words: responsibility, education activity of students, social responsibility, comprehend themselves, self-reliant.

RIVOJLANGAN XORIJ MAMLAKATLARIDA OTA-ONA QARAMOG'ISIZ QOLGAN BOLALAR BILAN ISHLASH TAJRIBASI

Saidova D.I. *

РЕЗЮМЕ

Rivojlangan chet mamlakatlarida ota-ona qaramog'isiz qolgan bolalar bilan ishlash bilan bog'liq turli yondashuvlar ko'rib chiqilmoqda. Rossiyada bunday bolalarning ijtimoiylashuvi va moslashuvini osonlashtirish maqsadida tarbiyaning barcha tizimlarini inobatga olish, ularning eng ma'qullarini tanlab olish, rus mintalitetiga moslashtirish, bolalar uylarining moddiy ta'minotini oshirish, tarbiyasi og'ir va qarovsiz bolalarga nisbatan kompleks yondashuv ishlab chiqish, shuningdek oilalarda farzand asrab olishni rag'batlantirish shart-sharoitlarni yaratish.

Kalit so'zlar: bolalar, ota-ona qaramog'idan mahrum bo'lganlar, foster oila.

Rossiya, G'arbiy Yevropa mamlakatlari va AQShda ota-ona qaramog'isiz qolgan bolalar tarbiyasi tizimi rivojining bir qancha turfa xil yo'llarini bosib o'tishgan. AQSh va G'arbiy Yevropa mamlakatlaridagi ijtimoiy tarbiya tarixini bir qancha bosqichlarga bo'lishimiz mumkin.

Birinci bosqich xayriya uylari (yetimxonalar), mehribonlik uylari va internatlardan "samarali", ya'ni ijtimoiy jihatdan sog'lom bolalarni olish va ularni normal rivojlanish uchun yanada yaxshiroq shart-sharoitlar bo'lgan boshqa muassasalarga joylashtirish bilan xarakterlanadi.

Ikkinchi bosqich mavjud yirik tarbiya muassalaridan voz kechish va "kottej" deya nomlanuvchi oila tipidagi tarbiya uylarini yaratish bilan tavsiflanadi.

Uchinchi bosqichda, dastlab XX asr boshlarida va ko'p jihatdan Ikkinchi jahon urushidan so'ng professional oila instituti rivojlanishni boshlaydi. Bu institut asrab olingan bolalarning bevosita oilada yashashini va patronat davrida ota-onalik mas'uliyatini nazarda tutardi.

To'rtinchi bosqichda yetim bolalar tarbiyasini institutsizlashtirish (deinstitutsionalizatsiya) G'arbiy Yevropa va Amerika mamlakatlari ijtimoiy siyosatining asosiy tendensiyasiga aylandi. Bolalar uylari va yetimxonalarning deyarli barchasining faoliyati to'xtatildi. Ba'zi bir qolgan bolalar uylarida tibbiy ko'rsatkichlar bo'yicha asrab olingan oilasidan yashay olish holatida bo'lmagan bolalargina qoldi. Ota-ona qaramog'isiz qolgan bolalarning juda ko'p qismi oilalarda, shuningdek, professional oilalarda yashay boshladi.

Yetim bolalar va ota-ona qaramog'isiz qolgan bolalar tarbiyasi va parvarishi muammosi xalqaro amaliyotda ko'p yillik tarixga ega bo'lib, bu borada ko'plab qiziqarli tajribalar jamlangan.

1853-yilda Charlz Loring Breys NyuYorkda "Bolalarga yordam jamiyati"ga asos soladi. Ushbu jamiyatning asosiy g'oyasi bolalarni shahar ko'chalaridan mamlakat g'arbidagi qishloq xo'jaligiga ixtisoslashgan hududlarda yashovchi fermerlar oilasiga bepul ko'chirishdan iborat edi. Ammo bu tizimda shartnoma tuzilmas va vasiylik huquqi ushbu jamiyatda saqlanib qolar, bu esa nazariy jihatdan jamiyat hohlagan vaqtida bolani oiladan olib qo'yishi mumkinligini anglatar edi. Bolalarni ijtimoiy moslashtirishning bunday shakliga nisbatan ko'plab tanqidlar bo'lganligiga qaramasdan, ushbu g'oya keng yoyildi va XIX asr oxirlarida yetimlarning foster (qabul qiluvchi) oilalarga joylashishi umumijtimoiy hodisaga aylandi.

AQShda bugungi kunga kelib, 500 mingdan ortiq bolalar patronat oilalarda yashaydi. Foster oilani o'zbek tiliga tarjima qilsak, bu oila tug'ishgan oilani almashtiruvchi va tarbiya, g'amxo'rlik hamda parvarishni ta'minlab beruvchi oilani anglatadi. Foster oila bola parvarishi va unga qarash uchun shart-sharoitlarni taqdim etadi. Bu oilada bolaga nisbatan "ota-ona javobgarligi" bo'lmaydi (chunki u mahalliy hokimiyat organlar va ota-onalar bilan birga ijro etiladi), ammo oilaga bolani parvarishlash va himoya qilish maqsadida ongli ehtiyojga muvofiq harakat qilish vakolati beriladi.

Patronat oila bolaning biologik oilasiga faol ijtimoiy aralashuv davrida vaqtincha yashab turish shakli hisoblanadi. Bunda bolaning o'z biologik ota-onasi, aka-ukalar yoki opa-singillari bilan maksimal aloqa imkoniyati saqlab qolinadi. Misol uchun, Buyuk Britaniyada deyarli 85% bolalar patronat oilalarda bo'lganlaridan so'ng o'z oilalariga qaytishadi. Bunday natijalarga erishish imkoniga ijtimoiy xizmatlarning, oila reabilitatsiyasi xizmatining yuksak darajada rivojlanganligi, shuningdek, oilada faol ijtimoiy ish olib borishga imkon beruvchi qonunchilik mavjudligi asos bo'lib xizmat qiladi.

Bugungi kunga kelib, AQShda foster oila ota-ona qaramog'isiz qolgan bolalar va yetim bolalar parvarishining eng yetakchi usullaridan biri hisoblanadi. Bolaning qabul qiluvchi oilaga o'tkazilishining asosiy sabablari quyidagilar hisoblanadi: bola xavfsizligini ta'minlash, haddan ortiq shart-sharoit (misol uchun shafqatsiz muomala) oqibatida uning sog'lig'i va hayotiga xavf tug'ilishi; ota-onaning og'ir hayotiy vaziyati (ishni yoq'otish, doimiy daromad manbayi yo'qligi, yashash joyini yo'qotish va h.k.lar) [3].

1964-yilda AQShda bolalar va ota-onalar huquqlarini balanslashtirish uchun oila himoyasi haqida qonun qabul qilindi. Qonun shtatlarga oilani saqlab qolish va bolalarning ular tarbiyasi uchun eng kam to'siqlar sharoitida yashashi uchun barcha ishlarni amalga oshirish huquqini berdi. Ushbu qonunga muvofiq ota-onalarga agar ular tarbiya berishga qodir bo'lmagan hollarda ularning hissiy va jismoniy holati xavfdan xoli bo'lmaguncha yordam ko'rsatiladi. Agar bola oiladan ajratib olinsa, unda qonun uni oilaga yaqin bo'lgan sharoitga joylashtirishni nazarda tutardi.

1950-yilda AQShda 300 ta mehribonlik uylari tipidagi muassasalar yopildi. Mashhur tadqiqotchi D. Boulbi maqolasidan so'ng esa ushbu tendensiya yetimxona tipidagi muassasalardan to'liq voz kechishga qadar o'sib bordi [1].

* Saidova D.I. – TDPI katta ilmiy xodim-izlanuvchisi.

Barcha holatlarning taxminan 77 % ida bolaning qarindoshlar oilasiga ko'chishi ijtimoiy xizmatlar va sud tizimi aralashuviz, xususiy vasiylik (private kinship care) natijasida ixtiyoriy asosda ro'y beradi [2,4]. Amerikalik mutaxassislar bolalarning qarindoshlar oilasiga ko'chishi bir qator afzalliklarga ega deb hisoblashadi: ular zaruriy darajadagi yordamni ta'minlashi mumkin, ular bolaning ota-onasi va oilaning boshqa a'zolari bilan ko'proq muloqotda bo'lishadi, bolaning ko'chishi uning jismoniy va psixik salomatligi uchun kamroq jarohat yetkazadi [1].

So'nggi vaqtlarda Sharqiy Yevropa mamlakatlarida ham ota-ona qaramog'isiz qolgan bolalarni tarbiyalash, ularni ijtimoiy hayotga moslashtirish sohasida jiddiy o'zgarishlar yuz berdi. Misol uchun, Ruminiyada 1995-yildan so'ng 50% dan ortiq muassasalar yopildi, maktab-internatlar va bolalar uylari tarbiyalanuvchilari soni qisqartirildi. Shvetsiyda urushdan so'ng qonunchilikda ro'y bergan o'zgarishlar hisobiga bolalar uylari yopildi, 1990-yillardan boshlab esa oila bolalarni parvarish qilish, tarbiyalash uchun optimal muassasa deya hisoblana boshlandi. Shunga o'xshash o'zgarishlar Yevropaning boshqa davlatlarida ham yuz berdi.

Shunday qilib, Yevropa va Shimoliy Amerika mamlakatlarida ijtimoiy xizmatlar faoliyatining asosiy yo'nalishi ijtimoiy yetimlikning oldini olish: xavf guruhidagi oilalarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash va ularga psixologik-pedagogik yordam ko'rsatish, disfunktsional oilalarni faol tarzda aniqlash va ularni korreksion ishlarga jalb etish hisoblanadi. Davlatning alohida ko'magiga muhtoj bo'lgan oilalarni o'z vaqtida aniqlash uchun ijtimoiy xizmatlar (sog'liqni saqlash yoki ijtimoiy himoya) xodimlari barcha yangi farzand ko'rgan oilalarda bo'lishadi va ijtimoiy yetimlik xavfi aniqlangan hollarda ularni profilaktik ishlarga jalb

etishadi.

Yevropaning ko'plab mamlakatlari va AQShda ijtimoiy xizmatlarning asosiy vazifasi oilani qaytadan birlashtirish hisoblanadi, shu sababli ijtimoiy yordam agentliklari bolalar psixologik yordam ko'rsatish va oilani ijtimoiy qo'llab-quvvatlash bo'yicha keng xizmatlar jamlanmasini taqdim etadi.

Yaponiyada bola asosiy "millat xazinasi" hisoblanadi, shu sababli bolalarga nisbatan e'tibor, ularning ijtimoiylashuvi va tarbiyasi ijtimoiy siyosatning yagona va eng muhim sohasi sifatida qaraladi. Ota-ona qaramog'isiz qolgan bolalar parvarishi masalasini hal etishda aynan bolalar uylari ma'qullanib, bolalar haqida g'amxo'rlikning bolani asrab olib tarbiyalash (fostering) kabi muqobil variantlariga juda kam e'tibor qaratiladi. Bu esa, shubhasiz, davlat qaramog'iga ishonch yuqori ekanligidan dalolat beradi. Bolalar uylarida yashayotgan bolalar soni doimiy ravishda o'sib bormoqda va bugungi kunga kelib ular soni Yaponiyada yashayotgan barcha voyaga yetmaganlarning 0,1 % ini tashkil etadi. Bolalarning bolalar uylariga joylashishida sudlar ishtirok juda kam kuzatiladi [1; 3].

Shu bilan birga Yaponiyada bolaning bolalar uyiga ota-onasi bilan birga (ularning ota-onalik huquqlari saqlangan holda) vaqtincha joylashishi ma'qullanadi. Bunda davlat organlari tomonidan amalga oshiriluvchi bolaning bolalar uyiga doimiy yashashga majburiy joylashtirilishidan farqli ravishda ota-onalar farzandlariga nisbatan mehr-u g'amxo'rliklarini har qanday vaqtdan tiklay olishlari uchun imkon yaratish maqsadi qo'yiladi. Ushbu mamlakatda 90 % dan ortiq bolalar uylari xususiy hisoblanadi va aynan XIX asr oxirlarida vujudga kelgan xususiy institut va tashkilotlar bola huquqlari himoyasi instituti yaratilishiga sabab bo'lgan.

ADABIYOTLAR

1. Бессчетнова О.В. Приемная семья: социально-демографический анализ: Монография / Под ред. Г.В. Дыльнова. Саратов: Научная книга, 2008. С. 288.
2. Бессчетнова О.В. Фостерная семья как способ устройства детей, оставшихся без попечения родителей, в Соединенных Штатах Америки // Вестник ТГПУ. 2009. № 5. С.40- 44.
3. Дети в трудной жизненной ситуации: преодоление социальной исключенности детей-сирот. М.: Фонд поддержки детей, находящихся в тяжелой жизненной ситуации, 2012. С. 80.
4. Ослон В. Жизнеустройство детей-сирот: профессиональная замещающая семья. М.: Генезис, 2006. С. 368.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются различные подходы в работе с детьми, оставшимися без попечения родителей, которые осуществляются в развитых зарубежных странах. Подчеркивается, что для облегчения социализации и адаптации таких детей в России необходимо учитывать опыт всех систем воспитания, брать лучшее из них, адаптировать к российскому менталитету, увеличивать финансирование системы детских домов, разрабатывать комплексный подход по профилактике беспризорности и безнадзорности детей, а также создавать предпосылки для стимулирования усыновления детей приемными семьями.

Ключевые слова: дети, оставшиеся без попечения родителей, приемная семья, фостерная семья.

RESUME

The article discusses different approaches in work with children left without parental care, implemented in developed foreign countries. We emphasize that, to facilitate socialization and adaptation of these children in Russia, we should take into account the experience of all the systems of education, take the best of them, adapt them to the Russian mentality, increase funding for children's homes system, develop a comprehensive approach to prevent homelessness and neglect of children, and create conditions for promoting adoption of children by foster families.

Key words: children left without parental care, foster care, foster family.

**ЯНГИ ОЧИЛГАН ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ УЧУН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИНГ ЯНГИ
АВЛОДИНИ ЯРАТИШ УСЛУБИЁТИ ВА УНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАТБИҚ ЭТИШ
МЕТОДИКАСИ**

Тўхтабоев Н.Т., Мамадалиев К.Р. *

РЕЗЮМЕ

Ҳозирги кунда ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга қаратилган талаблар кескин ортиб бормоқда. Дарсликларнинг янги авлодини яратиш учун таълимнинг асосий йўналишлари бўйича хориж адабиётларининг тажрибаларидан фойдаланиш, ҳамда мавжуд дарсликларни таҳлил этиши талаб этилади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мазкур мақолада ўқув йўналишлари учун дарсликларнинг янги авлодини яратиш ҳамда мазкур дарсликларни ўқув жараёнларига татбиқ этиши заруриятининг моҳияти кўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: *замонавий педагогик технологиялари, ахборот-коммуникация технологиялари, узлуксиз таълим, янги авлод ўқув адабиётлари, педагогик таълим соҳаси, дарслик, ўқув қўлланма.*

Таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, келажакда касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган кадрларни тайёрлашда таълим жараёнини замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари асосида яратилган янги авлод дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепциясининг мақсади узлуксиз таълим тизимининг барча таълим турлари учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмларини белгилашдан иборатдир[1].

Шиддат билан кечаётган ҳозирги даврда таълим-тарбия ва таҳсил борасида ҳам кечаги қарашлар, бурунги услублар эскириб қолмоқда. Ҳаёт эса биздан ҳар соҳада замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлишни талаб этмоқда. Бугун таълим муассасаларида ўтиладиган барча фанлар бўйича дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Педагогика таълим соҳасининг янги очилган фанларни ўқитиш методикаси бўйича таълим йўналишлари давлат таълим стандартлари асосида амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш, янги таълим йўналишларига киритилган фанлардан дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуалар мазмунини модернизациялаш ва электрон дарсликлар яратиш ҳамда амалиётга кенг татбиқ этиш чоралари кўрилди.

Шунга асосан, Давлат таълим стандарти, фан дастури, ўқитиш методикаси, дидактик талаблар, педагогик технология ва мажмуа (системали) ёндашувга мувофиқ яратилган, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги янгилликлар жорий этилган, илм-фан, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари тўлиқ ёритилган, таълим олувчилар томонидан тегишли фан асосларининг мукамал ўзлаштири олиш имконини берувчи ҳамда турдош таълим йўналишларида ҳам фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган замонавий ўқув ва ўқув-услубий адабиётларининг янги авлодини яратиш куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Бу вазифанинг асосий ечимларидан бири

замонавий ўқув ва ўқув-услубий адабиётларининг янги авлодини яратиш ва таълим-тарбия жарёнига кенг татбиқ қилишдир.

Янги авлод дарслик ва ўқув адабиётларини яратишнинг педагогик жиҳатлари Ю.К. Бабанский, М.А. Данилов, Б.П. Есипов, С.Р. Ражабов, Х.И. Ибрагимов, Я.И. Лернер, Р.А. Мавлонова, Ф.Р. Юзликбаев, Б.Р. Адизов, Н. Шодиев, Ш. Мардонов, Ш. Халилова, Н. Эгамбердиева, Ж. Ҳасанбоев ва Ш. Абдуллаеваларнинг ишларида ўз аксини топган бўлиб, улар томонидан шахс муаммоси, ўқитувчиларни инновацион тайёрлаш, олий таълимда педагогик жараёнларнинг умумий қонуниятлари ва бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг самарали технологиялари ҳамда замонавий ўқув адабиётларининг яратиш муаммолари ёритилган бўлиб, бизнинг ҳозирда амалга ошираётган тадқиқот ишимизда ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмлари, диалектика қонунлари билан системали ёндашув ва педагогик технология тамойиллари ҳамда улар асосида янги авлод фани ўқув машғулотларни лойиҳалаш масалаларини ёритишда уларнинг ишлари асос қилиб олинади.

Янги авлод ўқув адабиётларини яратишда таълим жараёнида қўлланилаётган педагогик технологияларнинг таркибий қисми бўлган, таълимда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар А.А. Абдуқодиров, М.Арипов, У.Ш. Бегимкулов, Ф.М. Закирова, Н.И. Тайлақов, Ш.С. Шарипов, У. Юлдашев, А.Ғ. Ҳайитовларнинг ишларида амалга оширилган бўлиб, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган мультимедиа ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ўқув воситалари сифатида эътиборга олиб, педагогика таълим соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилишининг методик аспектларини ишлаб чиқишда, “Ўқитиш технологияси ва лойиҳалаштириш” электрон дарслиги, уни ўқитиш методикасини яратишда ва янги очилган таълим йўналишларида электрон дарслик асосида талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантиришда манба сифатида фойдаланилади[2].

Ўқув адабиётлар – муайян таълим тури (йўналиши ёки мутахассислиги) ўқув режасида қайд этилган фанлар бўйича тегишли ўқув дастурлари

* Тўхтабоев Н.Т. – ЎзДЖТИ декани, п.ф.н.

Мамадалиев К.Р. – ЎзДЖТИ мустақил тадқиқотчиси.

асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси ёритилган (шу жумладан, хорижий таржималар) манбадир[4].

Электрон ўқув адабиётлар – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба ҳисобланади[3].

Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга қўйиладиган асосий талаб: Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётлари таълим турлари бўйича тасдиқланган давлат таълим стандартлари (ёки давлат талаблари) асосида, муайян фаннинг ўқув адабиётлари мазкур таълим турида ўқитиладиган фанлар билан ўзаро боғлиқликни ва бошқа таълим турларида ушбу фаннинг ўқув дастурларидаги узвийликни таъминлаган ҳолда тайёрланади[3].

Бизнинг таҳлиллар натижасида педагогика таълим соҳасининг янги очилган таълим йўналишларида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмлари ишлаб чиқилди, олий таълимнинг бакалавр босқичидаги “Ўқув жараёни лойиҳалаш”[4] туркумидаги фанлар дастури ва адабиётларини яратишнинг методологик асослари, педагогик технология тамойиллари асосида фанларнинг ўқув машғулоти лойиҳалари, “Ўқитиш технологияси ва лойиҳалаштириш” фанини ўқитишнинг методик системаси яратилди. Булар:

1. Педагогика таълим соҳасида янги таълим йўналишлари очилишининг ижтимоий зарурлигини илмий томондан асослаш;

2. Янги очилган таълим йўналишлари ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмларини ишлаб чиқиш;

3. Педагогика таълим соҳасида ахборот-коммуникация технологияларни қўлланилишининг методик аспектларини ишлаб чиқиш;

4. Янги очилган таълим йўналишларида электрон дарсликларни яратиш ва уни таълим жараёнига қўлланилишининг долзарблиги ва аҳамиятини кўрсатиб бериш;

5. Ўзбекистонда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда Республика Президентининг ёш авлод фазилатларига қуяётган талабларини инобатга олиб, буюк мутафаккирларни инсон ижтимоий сифатларига қўйган мезонлар тизимидан фанлар дастури ва адабиётларининг янги авлодини яратишда кенг фойдаланишдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда барча олий таълим муассасаларида хориж адабиётларидан фойдаланиб янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ҳаммамизнинг олдимизга қўйилган устувор вазифаларидан бирига айланди. Бизнинг тадқиқот ишларимизда эса хориж тажрибаларидан фойланган ҳолда янги авлод ўқув адабиётларини яратишнинг янги ўзбек методикасини ишлаб чиқилмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 16 сентябрдаги “Янгиланган классификаторга мувофиқ ишлаб чиқилган олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 387-сонли буйруғи билан тасдиқланган 5460100 – “Математика” таълим йўналиши Давлат таълим стандарти (ДТС).
3. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ва Давлат матбуот қўмитасининг 2002 йил 7 мартдаги 71/22/44-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган “Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси”
4. Тожиев М., Мамадалиев К. Ўқитиш технологияси ва лойиҳалаштириш // Ўқув ва илмий-услубий қўлланма. –Т.: Fan va texnologiya, 2013. – Б.160.

РЕЗЮМЕ

В настоящее время резко повышаются требования к созданию нового поколения учебной литературы. Для создания нового поколения учебников требуется использования опыта создания иностранной литературы и анализ существующих учебников по основным направлениям образования. Исходя из вышеуказанного в данной статье приведена необходимость создания нового поколения учебников для вновь образовавшиеся учебных направлений и методология применения данных учебников в учебные процессы.

Ключевые слова: современные педагогические технологии, информационно-коммуникационные технологии, непрерывное образование, учебная литература нового поколения, педагогическая область образования, учебники, учебные пособия.

RESUME

Currently sharply increased demands for a new generation of textbooks. To create a new generation of textbooks requires the use of the experience of creating the foreign literature and analysis of existing textbooks in the main areas of education. Proceeding from the above-mentioned in this article is the need to create a new generation of textbooks for the newly formed educational directions and methodology of application of these textbooks in the educational process

Key words: modern educational technology, information and communication technologies, continual education, educational literature of the new generation, educational area of education, textbooks.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАДБИРКОРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТИ

Убайдуллаев И.А. *

РЕЗЮМЕ

Жамиятнинг иқтисодий тараққиётида мулкдорлар ва тадбиркорларнинг нафақат иқтисодий ва геоиқтисодий тафаккурининг ривожини, балки уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳам муҳим омил эканлигини муаллиф асослаб берган.

Калим сўзлар: тадбиркор, тадбиркорлик фаолияти, геоиқтисодий тафаккур, мулоқот маданияти, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик давлатни куриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида тадбиркор шахс ва унинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, шахснинг жамият аъзоларига ва аксинча жамиятнинг ҳар бир шахсга бўлган ахлоқий муносабати мавжуд ижтимоий-ахлоқий тизимнинг ички объектив қонунлари билан бошқарилади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, тадбиркор шахс фаолиятига ўз таъсирини ўтказадиган маънавий-ахлоқий омилларни аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадбиркорларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳақида фикр юритишдан аввал, тадбиркор ўзи ким, бу тушунча қачон пайдо бўлган? – деган саволга жавоб топиш ўринлидир.

“Тадбиркор”, “тадбиркорлик” ва “бизнес” тушунчаларининг ҳозирги маъносида бу соҳа эгаларининг касбий фазилатлари ифодаланганлигини англаш мумкин. Жумладан, рус олими С. Ожеговнинг рус тилининг изоҳли луғатида: “Тадбиркор – энг керакли пайтда ўйлаб иш кўрадиган, чорасини топа оладиган, топқир, ихтирочи, ишга амалий ёндашадиган кишидир”[1] – деб таъриф берилган.

“Тадбиркор” тушунчасини илк бор XVII аср охири ва XVIII аср бошларида илк бор инглиз иқтисодчиси Ричард Кантильон қўллаган эди. Унинг фикрича, тадбиркор таваккалчилик шароитида фаолият юритувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей “Сиёсий иқтисод рисоласи” китобида тадбиркорлик фаолиятини ишлабчиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги” деб таърифлаган эди[2].

Шу ўринда XI асрда яратилган “Қобуснома”да тадбиркорлар ва тадбиркорлик тўғрисида қуйидаги ажойиб фикрларни ўқиш мумкин: “Эй фарзанд, ҳар ҳолда тижорат ва бозоргонлик пеша ҳисобида эрмасдур, аммо уни яхши санъат деса бўлур, чунки ҳақиқатда унга назар қилсанг, унинг расм-русуми худди пешавар (хунарманд) ларнинг расм-русумига ўхшашдир. Улуғлар дебдурларки, бозоргонлик ақлсизлик асосига, фойда топмақ тартиби ақл асосига қурулмиш, бу - агар жоҳиллар бўлмаса эрди, жаҳон вайрон бўлур эди, деган гапдур. Бу сўздин мақсуд улдурки, ҳар киши молини зиёда қилмоқ тамаъсида бўлса, бир танга учун мағрибдин машриққа борур, ўзини ўққа, дарёга

урур, жонин, танин ва молин мухотарага (кўрқинчли, хавф-хатар) солар, йўлнинг ноим (хавфли)лигинин, ҳайвонотдин (дарранда, ҳайвондин) кўркмас, шунинг учун мағрибдин машриққа, машриқдин мағрибга бориб халққа неъмат келтирурлар.

Ложарам жаҳоннинг ободонлиги унинг била вожиб бўлур, бу иш бозоргондин бошқа халқдан зоҳир бўлмас. Бундоқ хавотирлик ишни ақлининг кўзи кўр бўлгон киши ихтиёр қилур. Бозоргонлик икки нав бўлур ва иккови ҳам хатарликдур: бири муомала ва бири мусофирликдур. Муомала муқимларга хосдурким, касод молларни фойда тамаъ била сотиб олурлар. Бундай мол хатарлидур ва бул ишда далир (шижоатли, ботир), пеш (илгари, олдин) бин (кўрувчи) (“олдинни кўра оладиган” дейилмоқчи У.И.) киши керакдурким, касод матони суд (фойда) умиди била олғай. Демак, ҳар тариқа йўл била бозоргон ўзининг моли ватанига далир бўлмоғи, бебок (ҳаёсиз, бепарво) бўлмаслиги, ўзининг нафи учун ўзгаларнинг зиёнин тиламаслиги керакдур. Зердаст (биронинг қўл остидаги шахс) бўлгон киши била муомала қилғай, ўзидин улугроқ одам билан муомала қилмағай. Ул шундоқ улуг киши била муомала қилиши мумкинки, ул диёнатли ва муруватли бўлғай, фирибгар кишидин қочғай. Матонинг яхши, ёмонин билмагон одам била муомала қилмағай ва моли оз одам била ҳам муомала қилмағай. Агар муомала қилса, фойдадин таъма қилмағай, токим икковининг орасидаги дўстлик вайрон бўлмағай”[3].

Мамлакатимизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилиши билан бир қаторда бу соҳани ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга доир бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳам қабул қилинмоқда. Жумладан, янги таҳрирда қабул қилинган “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда “Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) – қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад (фойда) олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан махсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолият”[4] – дея изоҳ берилди.

Тадбиркорлик азалдан инсонларни бир-бири билан боғлаб турувчи муҳим омил бўлиб, унинг ҳам ўзига яраша ахлоқ-одоблари бор. Ҳалол тижорат билан аҳли оиласини ҳар томонлама таъмин этиш, уларнинг ахлоқ-одоби хусусида қайғуриш ҳар бир мўмин инсоннинг зиммасидаги муқаддас бурчдир.

* Убайдуллаев И.А. – ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси.

Тадбиркорлик фаолияти ва унинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари барча даврлар учун ўзига хос аҳамиятга эга бўлган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, «Авесто» дан бошлаб инсон меҳнатини улугловчи, дангасаликни қораловчи ахлоқий фикрлар, меҳнатсеварликдан сабоқ берувчи ғояларда жамият ва инсон ҳаётининг фаровонлиги алоҳида эътироф этилган. Шунингдек, ислом динида ҳам тадбиркорликка ва унинг диний-ахлоқий масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Динимизда тижорат қилишнинг ўз одоби, йўл-йўриқлари очик баён этилган. Ана шу кўрсатмаларга амал қилган инсон тижоратида барака топишига шубҳайўқ. Тижорат ҳалол бўлиши бу иш билан шуғулланаётган одамнинг ахлоқ-одобига бевосита боғлиқ. Абу Саид Худрий (розияллоху анху) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Омонатли, тўғри сўз мусулмон тижоратчи пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир”, дедилар”[5].

Тадбиркор фойда олиш мақсадида иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи шахсдир. Тадбиркорлик ва бизнес бир хил маънога эга, яъни ҳар иккиласи ҳам фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш фаолиятдан фарқи шундаки, у иқтисодиётнинг барча соҳаларидан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, айирбошлаш, савдо-сотик, истеъмолни ташкил этишда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам тадбиркорликнинг субъекти шахс, гуруҳ, жамоа, давлат корхоналари (бизнес асосида иш юритсалар) ҳисобланади. Тадбиркорликнинг объекти иқтисодий фаолиятнинг тури соҳалари бўлиши мумкин, лекин унинг кўп тарқалган тури ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва тижорат соҳасидир.

Тадбиркорлик қайси соҳада намоён бўлмасин, унинг асосий мақсади юқори даражада фойда олишдан иборат, аммо уни худбинлик деб тушунмаслик керак. Чунки тадбиркор ўз манфаатларини амалга ошириш баробарида, кишиларнинг эҳтиёжларини қондиради, миллий бойликни кўпайтиради, одамларни иш жойи билан таъминлайди, солиқ тўлаш орқали бюджетни бойитади, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш каби соҳаларга сармоя ажратади, янги техник-технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилади, янги товарлар ва товарлашган хизматларни яратади ва шу билан иқтисодий маданият ривожига ҳисса қўшади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс муайян сармоя билан бир қаторда чуқур иқтисодий билимлар, ўз соҳасида яхши тажриба, ташаббускорлик ва иродага эга бўлиши керак. Ишбилармон бўлиш учун мулкдорлик шарт эмас, ишлаб чиқариш воситаларини ижарага ва пулни кредитга олиб ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш мумкин, ҳар ҳолда яратилган товарлар унинг мулки ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари: бозор иқтисодиёти ҳосиласи ва эркин фаолият эканлиги, хатарлилик билан боғлиқлиги, янги ишлаб чиқариш тури ва тармоқлари, янги товар ва хизмат турлари, янги техника ва технологияни ҳаётга жорий этишда намоён бўлади. Гарчанд,

тадбиркорлик эркин иқтисодий фаолият бўлса-да, у бир томондан мавжуд ҳуқуқий нормативлар томонидан детерминациялашади (аҳоли соғлиги, ҳаёти учун зарарли фаолиятлар, наркобизнес, қурол ишлаб чиқариш ва сотиш қонун томонидан ман қилинган. Шунингдек, солиқ, пул кредит билан боғлиқ масалаларда ҳам тадбиркорлик эркин эмас), иккинчи томондан тадбиркорлик фаолияти бозор қонуниятлари томонидан тартибга солинади. Тадбиркорликда жавобгарлик ишбилармоннинг ўзида қолади, яъни агар кирим харажатлар миқдоридан ошиқ бўлса, у бой бўлади, аксинча, сарфлар ўзини оқламаса, ишлаб чиқарилган товарлар бозорда ўтмай қолса, тадбиркор ўз пуллари, маблағлари билан жавоб беради ва жавобгарликни на давлат, на бошқа кишилар бўйнига олади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳукумати келишувдаги мажбуриятларини бажармаган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга нисбатан жарималарни кучайтирди. Энди фермер шартномада кўрсатилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тури ва уни муддатда топширишдан бош тортса, хўжалик маҳсулот тайёрловчи ташкилотга топширилмаган маҳсулот қийматидан 30 фоиз миқдорда (аввал 25 фоиз) жарима тўлайди. Ўз навбатида, тайёрловчи ташкилот шартномада кўрсатилган турлар ва муддатлар бўйича маҳсулотни қабул қилишдан бош тортган ҳар бир ҳолат учун фермерлик хўжалигига 30 фоиз миқдорда (аввал 25 фоиз) жарима тўлайди.

Тайёрловчи ташкилотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиси томонидан топширилган маҳсулот учун ҳакни тўлашдан асоссиз бош тортишига солинадиган жарима 15 фоиздан 20 фоизга оширилди. Хужжат бўйича хўжалик томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотини давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиш бўйича шартномаларнинг бузилиши учун жавобгарлик хатари суғурталаниши мумкин [6].

Тадбиркор – ўз ишининг устаси, эпчил, уддабурон шахс, ишбилармон инсон. Халқ ибораси билан айтганда, бундай шахс ишнинг кўзини билади, фаолиятига тўғаноқ бўлиб турган тўсиқларни енгиб ўтишнинг уддасидан чиқа олади, аклий меҳнат қилиб, кўп фойда олишининг самарасидан хабардор бўлади. Ушбу фазилатлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тадбиркор шахс - таваккал қилиб иш кўришга мойил инсон. Таваккалчилик, ўз навбатида, унда мардлик, тантилиқ, қўли очиклик, жўмардлик, меҳрмуруватлилиқ ҳис-туйғуларини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам қадимда ишбилармон ва тадбиркор одамлар халқимиз томонидан доимо эъзозу иқром қилинган, ҳурмати жойига қўйилган, ҳатто оғзаки ижод намуналарида бу каби уддабурон, эпчил ва ҳозиржавоб, мардлик намунаси бўлган кишиларнинг жонли бадийий образлари яратилган.

Шу ўринда 19-аср охири 20-аср бошларида яшаган юртдошимиз Миркомил Мирмўминбоевнинг Андижон уезди бошлиғи номига ёзган аризасини келтиришни лозим деб топдикки, унда ҳақиқий мард, танти, саховатпеша, энг асосийси – чин

маънодаги миллатпарвар тадбиркор кифасини кўриш мумкин. Аризада жумладан шундай ёзилган: “Ўз она шахрим Андижоннинг маданий ривожланиши ва батамом тартибсиз аҳволда бўлган Гултепа майдонига маданий кўриниш бериш, майдон ҳам шахар кўрки бўлсин, ҳам аҳоли фойдалана олсин деб, мен Миркомил Мирмўминбоев ўз ҳисобимдан Андижон шахрига тортик сифатида куйидаги иншоотларни қуришни ўз зиммамга оламан: турли миллат вакиллари - эркак ва аёлларга мўлжалланган, қирқ ўринли намунали шифохона. Унда куйидаги бўлимлар мавжуд бўлади: а) жарроҳлик; б) туғруқхона; в) ички касалликлар; г) секцион камералар ва ўликлар сақлаш учун ертўла; д) дезинфекцион камера ҳамда шифохона бошлиқлари, ходимлари ва турли хизматчилар учун махсус бино; е) шифохона биносини марказий иситиш бўлими ҳамда сувларни биологик тозалаш хизмати.

30 ўқувчига мўлжалланган, интернати бўлган, мадраса ўқувчиларини рус тилига ўргатиш бўлимига ҳамда зал ва ёрдамчи биноларга эга рус-тузем мактаби, 100 та ўқувчига мўлжалланган мадраса ва хонақоҳи бўлган намунали мактабхона.

Европача нусхадаги, ертўла ва қоровулхона, учта хожатхонаси бўлган учта дўконлар тизими. Мана шу дўконлардан келадиган фойда юқорида кўрсатилган муассасаларни таъминлаш ва таъмирлаш ишлари учун ишлатилади.

Маҳаллий халқ ва европалликлар учун алоҳида бўлимларга эга ҳаммом. Шу бинолар атрофида йўлкалар очиб, хиёбонлар барпо этиш, майдон марказида манзарали боғ барпо этиш.

Кўрсатилган иншоотларни барини мен, Миркомил Мирмўминбоев, менинг назоратимда тузилган ва тегишли ҳокимият томонидан тасдиқланган лойиҳа ва смета асосида уч йил давомида қуриб битказишни ўз зиммамга оламан... шу билан бирга юқорида кўрсатилган барча бинолар, иншоот ва жиҳозларни қуриш учун ўз шахсий маблағимдан 500 минг сўм ажратаман”[7].

Тадбиркор шахс инсоният тамаддуни даврларида, яъни адолат мамлакат бошқарувининг бош мезони бўлган, халқ тинчлиги, фаровонлигига қатта эътибор қилинган, тадбиркорлик ва бунёдкорлик тамойиллари қўллаб-қувватланган тарихий босқичларда илғор фикрли, инсонпарвар ва раиятпарвар давлат арбоблари, фикр-мулоҳазаси ўтқир ҳукмдорлар томонидан тадбиркорлик муносиб баҳолашиб келинган ва баҳоланмоқда.

Мазкур фикрнинг ҳаётий тасдиғини мамлакатимизда бир неча йиллардан бери Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бошчилигида Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган “Ташаббус” танловида иштирок этаётган ва ғолиб бўлаётган тадбиркор ва ишбилармонлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Палата ташкил этилганидан буён тадбиркорликни тизимли қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ва изчил амалга оширишнинг фаол қатнашчиларидан бирига айланди. Бу ерда ташкилий, инфратузилма, интеллектуал ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ишлари доимий

равишда олиб борилмоқда. ССП таркибий бўлинмалари томонидан тадбиркорлик субъектларига турли шаклда мунтазам ёрдам кўрсатилиши натижасида тадбиркорларнинг ҳам ишбилармонлик маданияти даражаси ошиб бормоқда.

Тадбиркор шахс ахлоқий маданияти такомиллашувининг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олиш ва ижтимоий-маънавий адолатни таъминлаш жамиятнинг иқтисодий соҳасидаги ўзгаришларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркор шахс ахлоқий маданияти асосан куйидаги тушунчаларда ёрқин намоён бўлади:

- бурч;
- виждон (диёнат);
- ор-номус (номус);
- обрў.

Тадбиркорлик бурчи унинг бошқа одамлар, айниқса харидор, истеъмолчилар олдида ўзининг мажбуриятларини сезиш ҳиссидир. Маълумки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кишиларнинг, умумий фуқаролик бурчларидан ташқари, уларнинг хизматларидан фойдаланаётган харидор, истеъмолчилар талаб-эҳтиёжларига ҳамда манфаатларига жуда ҳам диққат билан ва уларнинг ҳатто ахлоқ-одоб қоидаларига тўғри келмайдиган баъзи бир ҳатти-ҳаракатларига ҳам сабр-тоқат билан қарашдан иборат. Харидор ва истеъмолчилар талабларига эътиқод билан қараш ва уларга нисбатан ҳурмат кўрсатиш каби ахлоқий бурчлар тадбиркорлик билан шуғулланган кишиларнинг кўшимча мажбуриятлари эмас, аксинча улар касбининг асосий негизини ташкил қилади.

Тадбиркорлик фаолиятида виждон яхшилик, бурч, ҳалоллик каби тушунчалари билан боғлиқ поклик ва ҳалоллик мезони ҳисобланиб, кишининг ҳатти-ҳаракатлари, юриш-туриш учун атрофдаги одамлар ва жамият олдидаги ахлоқий жавобгарлигини сезиш қобилияти ҳисобланади. Маълумки, динимизда ҳам савдо билан шуғулланаётган кўплаб инсонлар ўз молини ўтказиш пайида гоҳо ёлғон сўзларни ишлатиш қаттиқ қораланади. Чунки ёлғон сабабли ўртадан ишонч, савдодан барака кўтарилади. Гоҳида бирор молга буюртма берилади, аммо унга талаб сусайгач, сўздан қайтиш ҳолатлари кузатилади. Бу тижорат одобини бузишгина бўлмай, ваъдага хилоф ҳамдир.

Тадбиркор ахлоқий маданиятининг энг муҳим шакли – **мулоқот маданияти** ҳисобланади. Тадбиркорнинг мулоқот маданияти тушунчаси ахлоқий маданиятнинг биринчи турига тегишли бўлиб, унда бевосита ахлоққа мурожаат қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, тадбиркорнинг инсоний мулоқот этикаси наинки бошқа субъектга, балки ўзига алоқадор барча нарсаларга масалан, дўстлари, қизиқишлари, ҳатто унинг кийим-кечаги ва нарсаларига нисбатан билдирилган ишонч, хайрихоҳлик ва ҳурмат билан ажралиб туради.

Тадбиркорларнинг бир-бирлари билан ва харидор ҳамда истеъмолчилар билан қиладиган муносабатлари фикрнинг равон баён этилишини, кўча ва қўлланилишдан чиққан ҳамда суҳбатдош

кўнглини ранжитадиган беҳаё ибораларни ишлатмасликни, умуман олганда ножўя гапларни гапирмасликни, суҳбатдошнинг ёшини, жинсини, дунёқарашларини ва бошқа уларга хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мулоқот қилишни талаб қилади. Тадбиркорлик фаолиятидаги муомала муносабати бутун бир санъат ҳисобланади.

Тадбиркор шахснинг умумий маданияти даражасига унинг ўз эҳтиёжларини англаб етиши, билимлари, тафаккур сифати, дунёқараши, эътиқоди, идеали, сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари, ахлоқий сифатлари, воқеликка муносабати ва ҳоказолар қиради. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорнинг ушбу сифатлари иқтисодий фаолиятга бевосита таъсир қилмаса-да, билвосита таъсир кўрсатиб, иқтисодий фаолиятнинг йўналиши, сифати ва самарадорлигини таъминлайди.

Тадбиркорнинг табиатга, жамиятга, бошқа кишиларга, жумладан, ўзига бўлган муносабати ҳам иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутди. Ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот ва истеъмолга кучли таъсир қилади.

Тадбиркорликда ҳам инсон ҳар қадамда дуч келадиган ғоят мураккаб қонуниятлари, тартиби, принциплари ва қоидалари кўп. Тадбиркорлик бирон бир субъект томонидан тартибга солиниб турилсада, лекин тасодифлардан холи бўлиши

мумкин эмас. Тадбиркор бу тасодифларни албатта ҳисобга олиб иш юритиши кўп ҳолларда муваффақиятнинг гарови ҳисобланади. Дарҳақиқат, тадбиркорликнинг қонунлари, принциплари ва қоидалари кишилар томонидан ўз вақтида қанчалик чуқур эгалланса, шунчалик хатарга кам йўлиқиши, йўлиққан тақдирда ҳам ундан кам талофатлар билан чиқиши мумкин бўлади.

Тадбиркор ўз хоҳиш-иродаси ва фаолиятини эркин амалга ошириши учун ижтимоий тараққиёт қонунларини билиши ва ўз фаолиятини унга тўлиқ мослаштириши керак. Шу маънода, тадбиркорнинг ўзи яшаётган жамиятни ривожлантириш мақсадида, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қонунларни билиши талаб қилинади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатнинг истиқболи ва унинг ривожини нафақат тадбиркорликни қанчалик тўғри йўлга қўйилгани ва ташкил этилганлигига, балки фаолият юритаётган тадбиркорларимизнинг маънавий-ахлоқий онги, фазилатлари қанчалик юқори даражада шаклланганлиги каби омилларга ҳам боғлиқ. Зеро, юксак ахлоқий билим ва маданиятга, иймон-эътиқодга эга бўлган тадбиркорлар жамиятимиз, давлатимиз, халқимиз ва миллатимизнинг энг катта бойлиги ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ожегов С.И. "Словарь русского языка" (1949, 22-е издание, 1990; –С. 199. "Толковый словарь русского языка", совместно с Н. Ю. Шведовой).
2. Предпринимательская деятельность. Предпринимательство. <http://www.ereport.ru/articles/firms/entrepreneurship.htm>
3. Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома. (форсчадан Огаҳий таржимаси). –Т.: “Ўқитувчи”, 1986. 13-боб, –Б.104-105.
4. Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2012 йил 2 май.
5. Имом *ат-Термизий*. Сунани Термизий. Ҳадис тўплами таржимаси. I жилд, Таржимон: Мирзо Кенжабек. Тошкент, “Адолат”, 1999. –Б.87-88.
6. Podrobno.uz. 2016 йил март.
7. Акмал Ақром ўғли. Миркомилбой қандай шахс эди? “Шарқ юлдузи” журнали, 1992 йил, 5-сон.

РЕЗЮМЕ

В экономическом развитии общество играет большую роль не только в формировании экономического или геоэкономического мышления собственников и предпринимателей. Автор считает, что их духовно-этическое достоинство тоже является важным фактором.

Ключевые слова: предприниматель, предпринимательское деятельность, геоэкономическое мышление, культура общения, Торгово-промышленная палата Узбекистана.

RESUME

In the economic development of the society plays a big role not only in the formation of economic or geo-economic thinking owners and entrepreneurs. The author considers the spiritual-ethical dignity is also an important fact.

Keywords: entrepreneur, entrepreneurial activity, economic thinking, culture communication, chamber of Commerce of Uzbekistan.

ONKOGINEKOLOGIK BEMORLARNING PSIXIK HOLATLARI DIAGNOSTIKASI

Urazbayeva D.A. *

PEZIOME

Maqolada onkoginekologik bemorlar psixik holatlarining eksperimental tadqiqotlari bayon qilingan. Onkologiya muammosining tibbiy jihatdan o'zbek olimlari tomonidan olib borilgan tadqiqotlari qisman tahlil qilingan. Onkoginekologik xavfsiz o'smaga chalingan bemor ayollar bilan kasallik aniqlanmagan sog'lom ayollarning salbiy psixik holatlari ilmiy metodikalar yordamida o'rganilgan va taqqoslangan.

Kalit so'zlar: tibbiyot, onkologiya, ruhiyat, psixologiya, stress, psixologik xususiyat, psixik holat, onkoginekologiya, sut bezi saratoni, depressiya, psixodiagnostika.

Tibbiyot sohasida har bir kasallik o'z psixologik manzarasiga ega. Har qanday kasallik inson ruhiyatida qandaydir darajada psixologik o'zgarishlarni keltirib chiqarishi bizga tibbiyot sohasidagi adabiyotlardan ma'lum. Ayniqsa, onkologik kasalliklar inson psixikasiga va bemor atrofidagi yaqin insonlarga salbiy ta'sir ko'rsatishi, kasallik nafaqat jismoniy, balki, ma'naviy, psixologik va iqtisodiy yo'qotishlarni keltirib chiqarishini ijtimoiy hayotda guvohi bo'lamiz.

Onkologik patologiya tizimida sut bezi saratoni ayollar orasida eng ko'p uchraydigan va tez suratlarda o'sayotgan tendensiyani egallaydi. Oxirgi yillarda iqtisodiy rivojlangan davlatlarda ayollar populyatsiyasi kasalliklari o'lim ko'rsatkichi bo'yicha 1-o'ringa chiqdi.

Onkologik kasalliklarning psixologik jihatlari bo'yicha O'zbekistonda ilmiy ishlar deyarli amalga oshirilmagan. Tibbiyot sohasida onkologiya, xususan ayollar reproduktiv tizimini o'rganishga qaratilgan ilmiy tadqiqot ishlari birmuncha rivojlanganligini ko'rishimiz mumkin. Jumladan, S.A. Fozilovning "Sut bezi saratonining kompleksli klinik-exografik diagnostikasi dopplerografiyasi" (2005) ishida birinchi marta sut bezi saratoni differensial diagnostikasini kontrastli exodopplerografiya metodikasi yordamida aniqlandi, sut bezi saratonining kompleksli klinik-exografik diagnostikasida exodopplerografiyaning roli aniqlandi. Mazkur tadqiqotda sut bezi saratoni tashxisotini qisqa muddatlarda aniqlash imkonini beradigan klinik-exografik tadqiqot algoritmi keltirilgan. Lekin bemorlar psixologik xususiyatlari yoritilmagan.

Z.P. Beknazarovning "Sut bezi xavfsiz o'smalari malignizatsiyasining klinik-morfologik aspektlari" (2006) nomli tadqiqot ishida sut bezi saratonining erta tashxisotini xavfsiz jarayonlar malignizatsiyasining patognomonik, rentgenologik va exografik, mammografik klinik-morfologik belgilarini aniqlash yo'li bilan yanada yaxshilash, mazkur muammoning hozirgi paytdagi holati, tekshiruv materiallari va uslublari, klinik tekshiruv uslublari haqida ilmiy-amaliy jarayonlar amalga oshirilgan. Ushbu tadqiqot ishida ham kasallikning psixologik jihatlari e'tibor qaratilmagan.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, sut bezi xavfsiz o'smasi sut bezi saratoniga qaraganda 3-4 marta ko'p uchraydi, sut bezi saratoni sut bezi xavfsiz o'smasi bilan kasallanganlardan 3-5 marta ko'proq bo'ladi. Bu kasalliklarni o'z vaqtida aniqlash va davolash sut bezi saratonining oldini olish imkonini beradi. Masalan, sut bezi epiteliysining keskin o'sib ketish alomatlari bilan

kechadigan mastopatiyaning tugunli shaklida sut bezi saratoni 30-40 marta ko'proqdir.

Mastopatiya bilan ko'pincha bola tug'adigan yoshdagi ayollar kasallanadi. Yuzaga kelgan xavfli jarayonni va unga moyil bo'ladigan kasalliklarni o'z vaqtida aniqlash juda muhim ahamiyatga ega. Bunda abortlar, bola emizishni vaqtidan oldin to'xtatib qo'yish va mastopatiya o'rtasida aloqadorlik bor-yo'qligini ko'rib chiqish kerakligi tibbiyotdan ma'lum.

Mastopatiya uzoq kechadi va bu turli ko'rinishlarda namoyon bo'ladi. Ba'zan to'qimalarning kattalashishi xavfli bo'lmaydi. Boshqa hollarda esa xavfli o'smaga aylanib ketishi mumkin [2].

Sut bezi saratonini keltirib chiqaradigan omillarga: nasliy (ona tomonidan qarindoshlarda sut bezi xavfli va xavfsiz o'smalarining mavjudligi), hayzning erta boshlanishi (12 yoshgacha), menopauzaning kech bo'lishi (55 yoshdan keyin), bepustlik, ko'p marta abort, bolasini emizgan ayollar, surunkali ginekologik kasalliklar, endokrin bez kasalliklari, ionli radiyasiya ta'siri va kanserogenlar bilan bir qatorda ruhiy omillar ham ta'sir ko'rsatishi, ayniqsa nerv sistemasi beqaror, stressga moyil xususiyatga ega insonlarda kuzatilishini ba'zi tadqiqotlarda ko'rishimiz mumkin [4], [5].

Onkologik kasalliklarni barcha turlarida, ayniqsa ayollarda kasallik aniqlangandan keyin psixik holatlarida bir qancha o'zgarishlar bo'lishi tibbiy va psixologik adabiyotlarda keltirilgan [1], [2].

Onkologik kasalliklarda reaktiv holatlar, birinchi navbatda, xavotirli-depressiv sindrom rivojlanishi bilan namoyon bo'ladi. Shuningdek, ipoxondriya, isteriya, insomniya va agressiv holatlar yuzaga kelishi yoki aksincha, bemorda o'z kasalligiga nisbatan butunlay befarqlik paydo bo'lib, vrachlarning xulosalarini butunlay inkor qilish darajasigacha yetishi mumkin.

Ba'zi davlatlarda saraton kasalligi aniqlangandan so'ng, masalan, leykoz, bemordan kasallik yashirilmaydi, unga davolanish va uning natijalari bilan bog'liq bo'lgan barcha ma'lumotlar beriladi. Chunki bu kasallik bilan bog'liq bo'lgan nafaqat tibbiy muammolar, balki oila a'zolari va ish joyi bilan bog'liq bo'lgan bir qator yuridik muammolarni (masalan, vorislik masalalari) ham hal qilishga to'g'ri keladi. Shuning uchun ham xavfli kasalliklar aniqlangan bemorlarga kasallik haqida ma'lumot berishni individual tarzda hal qilish lozim va bunda bemorning yoshi, oila va jamiyatda tutgan o'rni hisobga olinishi kerak bo'ladi. Albatta, bemorga uning kasalligi turi haqidagi ma'lumot berilishidan oldin, uning yaqin oila a'zolari bilan maslahatlashib olish kerak bo'ladi.

* Urazbayeva D.A. – UrDU katta o'qituvchisi.

Nazariy ma'lumotlarni amaliy tadbiri qilish maqsadida nazorat va tajriba guruhlarini shakllantirdik. Kuzatuv guruhida ayni paytda saraton yoki saraton oldi kasalligi aniqlanmagan yetuklik yoshidagi 10 ta ayol qatnashdi. Tajriba guruhida ayni paytda xavfsiz onkoginekologik kasallik aniqlangan va davolanayotgan 10 ta ayol qatnashdi. Eksperiment ishimizni Xorazm viloyati Onkologiya dispanserida o'tkazdik.

Tadqiqot jarayonida kuzatish, suhbat, anketa, T.Xolms va R.Rayx tomonidan tuzilgan "Hayotiy o'zgarishlar" shkalasi va Tashevaning "Stressga chidamlilik" testidan foydalandik.

Eksperimentimizni dastlab sog'lom ayollarda o'tkazdik.

Kuzatish metodida ularni oila a'zolaridan, qo'shnilaridan va ish joyidagilardan surishtirish orqali tashqi kuzatishni olib bordik. Ular haqidagi ma'lumotlarni qayd qilib bordik. Ularning atrofida bergan ma'lumotlari asosidagi psixologik portretida asosan, bosiqlik, emotsiyalardagi nisbatan turg'unlikni kuzatish mumkin.

Suhbat metodida hayotidagi muhim va nomuham bo'lgan voqealar, uning munosabati va o'zida kechiradigan hissiy holatlari haqida savollarga javob oldik.

3. Bemor shaxsi to'g'risida ma'lumot berish xaritasi – anketa so'rovnoma 10 ta savoldan iborat bo'lib, quyidagi savollarga berilgan javoblar umumlashtirildi.

1. Kasallik aniqlangan vaqti bo'yicha – yo'q;
2. Salomatligi –qoniqarli;
3. Ijtimoiy faolligi bo'yicha - ijodiy ishlarga faol ishtirok etadi;
4. Oiladagi emotsional munosabatlar bo'yicha-o'zaro tushunish, qo'llab-quvvatlash, do'stona munosabatli;

5. Kasbiy niyatlari va ijobiy hayotiy rejalarining mavjudligi bo'yicha -kasbiy reja va niyatlar yaqqol ifodalangan, ijobiy hayotiy yo'nalishi bor;

6. Ehtiyojlari va qiziqishlarining rivojlanganlik darajasi bo'yicha - ma'naviy ehtiyojlarga ega, qiziqishlar aniq belgilab olingan;

7. Jamoaviy hayotni ijtimoiy me'yor sifatida qabul etish bo'yicha - ijtimoiy me'yorlarni kayfiyatiga ko'ra qabul qiladi;

8. Irodaviy sifatleri bo'yicha - o'z-o'zini irodaviy boshqarishga ega, o'zgalar ta'siriga tushib qolmaydi;

9. O'z-o'zini baholash, o'ziga tanqidiy munosabat bildirish bo'yicha - o'ziga kamdan kam tanqidiy munosabatda bo'ladi, o'z-o'zini yuqori baholaydi;

10. Atrofdagilar e'tibori, hamdardlik qobiliyati bo'yicha - yaqin kishilariga hamfikir bo'ladi.

Tasheva tomonidan tuzilgan "Stressga chidamlilik" testini o'kazish davomida ularni kuzatib turdik. Ushbu test sinalluvchilarni ayni paytdagi stress omillarga nisbatan kurashuvchanlik, chidamlilik darajalarini ko'rsatib beradi. 10 savoldan tasdiqlar 4tdan oshsa, ayni paytda stressga moyillik mavjudligini va chidamlilik darajasi past va o'rtadan past ekanligini ko'rsatadi.

Navbatdagi metodikamizda Tomas Holms va Richard Rayxlar tomonidan yaratilgan "Hayotiy o'zgarishlar" shkalasidan foydalandik. Bu metodika 46 ta turli xil hayotiy o'zgarishlarni o'zida mujasmlashtirgan jarayonlardan iborat bo'lib, har bir jarayon belgilangan ballga ega. Agar, natija 150 balldan oshsa, sinalluvchi o'tgan yillar davomida emotsional va jismoniy buzilishlarga sabab bo'lgan kuchli stressga to'qnash kelgan hisoblanadi.

Quyida olingan metodikalarning natijalarining ko'rsatkichlarini keltirib o'tish o'rindir.

Sog'lom ayollarda o'tkazilgan metodika natijalari:

	A.I.Tashevaning "Stress bilan kurashish" testi natijasi	Holms-Rayxning "Xayotiy jarayonlar shkalasi"
X	3.3	180.6

A.I.Tashevaning "Stress bilan kurashish" testi natijasi bo'yicha sog'lom ayollarda o'rtacha arifmetik qiymat 3,3 ga teng, Holms-Rayxning "Xayotiy jarayonlar shkalasi" bo'yicha natijalarning o'rtacha arifmetik qiymat 180,6 ga teng ekanligi ko'rinib turibdi.

Kasallikka chalinmagan ayollarni kuzatish va ular bilan olib borilgan suhbat jarayonida ayni paytda ular umumiy psixik muvozanatlashuv, xavotirlik va bezovtalikning nisbatan mavjud emasligi, hayotidan mamnun ekanligi aniqlandi.

Tajriba guruhida olib borilgan eksperimentimizda quyidagilarni aniqladik.

Kuzatish metodida ularni oila a'zolaridan, qo'shnilaridan va ish joyidagilardan surishtirish orqali tashqi kuzatishni olib bordik. Ular haqidagi ma'lumotlarni qayd qilib bordik. Ularning atrofida bergan ma'lumotlari asosidagi psixologik portretida asosan, emotsional beqarorlik, agressiyaga moyillik,

stressga moyillik, ba'zilarida depressiyaga moyillik kabilari aniqlandi.

Suhbat metodida hayotidagi muhim va nomuham bo'lgan voqealar, uning munosabati va o'zida kechiradigan hissiy holatlari haqida savollarga javob oldik. Suhbat natijasida ular umumiy bo'lgan hayotiy vaziyatlarga nisbatan ta'sirchanlik, ko'ngli bo'shlik, emotsional beqarorlik kabilarni kuzatdik.

3. Bemor shaxsi to'g'risida ma'lumot berish xaritasi – anketa so'rovnomaga bemor ayollar quyidagicha javob berishdi:

1. Salomatligi -qoniqarli -40 %,
- Tez-tez kasallanuvchan -50 %,
- Mutassil kasal- 10%,
- Psixik patologiyali -0

Ijtimoiy faolligi bo'yicha:

- 1-ijtimoiy hayotga ishtirok etmaydi – 10%,
- 2-ijtimoiy ishlarga sust ishtirok etadi- 45%,
- 3-ijodiy ishlarga faol ishtirok etadi -30%,

4-jamoaviy ijodiy ishlar tashkilotchisi-15%
Oiladagi emotsional munosabatlar kriteriysi bo'yicha:
1-nizoli munosabat- 15 %,
2-begonalashuv, vaqti-vaqti, bilan nizolar bo'lishi, sovuqqonlik-40 %,
3-munosabatlar teng, ammo hissiy yaqinlik yo'q-30%,
4-o'zaro tushunish, qo'llab-quvvatlash, do'stona munosabatli-15%.

Kasbiy niyatlari va ijobiy hayotiy rejalarining mavjudligi mezoni bo'yicha:
1-rejalari noaniq va real emas- 20%,
2-asosan reja va kasbiy niyatlari belgilangan, ammo hayotiy mo'ljallari yo'q -50 %,
3-kasbiy reja va niyatlar yaqqol ifodalangan, ijobiy hayotiy yo'nalishi bor-30 %
Jamoaviy hayotni ijtimoiy me'yor sifatida qabul etish:
1-yorqin individualist, ijtimoiy hayotni me'yor sifatida qabul qilishni inkor etadi – 20 %,
2-Ijtimoiy me'yorlarni kayfiyatiga ko'ra qabul qiladi- 20%,
3-jamoaning sust a'zosi, ijtimoiy me'yorlarni tanqidsiz qabul qiladi-40 %
4-jamoaning faol a'zosi, o'zining nuqtai nazari va fikr- mulohazasiga ega. Jamoaviy ijtimoiy me'yorlarni ijobiy qabul qiladi-20%

Irodaviy sifatleri mezoni bo'yicha:
1-asotsial xatti-harakatlarda yaqqol ifodaga ega-0,
2-boshqalarning irodasiga ko'r-ko'rona bo'ysunadi- 40 %,

3-o'z-o'zini irodaviy boshqarishga ega, o'zgalari ta'siriga tushib qolmaydi -40 %,
4-kuchli irodaga ega, boshqalar ta'siriga qarshilik ko'rsatib qolmasdan, balki boshqalarni yo'lga soladi-20%

O'z-o'zini baholash, o'ziga tanqidiy munosabat bildirish:
1-o'zini tanqidiy baholash mavjud emas, o'z-o'zini haqqoniy baholamaydi- 25 %,
2-o'ziga kamdan kam tanqidiy munosabatda bo'ladi, o'z-o'zini yuqori baholaydi- 15%,
3-o'ziga munosabatlari befarq, o'z-o'zini past baholaydi -40%,
4-o'ziga tanqidiy munosabatda bo'ladi, o'z-o'zini haqqoniy baholaydi-20 %

Atrofdagilar e'tibori, hamdardlik qobiliyati:
1-atrofdagilarga qattiqqo'llik va tajovuzkorlik bilan munosabatda bo'ladi-20 %,
2-betgachoparlik, befarqlik, qo'pollik bilan munosabat qiladi - 20 %,
3-yaqin kishilariga hamfikir bo'ladi-25 %,
4-atrofdagilarga hamdardlik bildiradi va ularga yordam beradi, yuqori empatiyaga ega- 35 %.

Yuqoridagi ko'rsatkichlardan ko'rinib turibdiki, saraton va saraton oldi kasalliklari bilan kasallangan ayollarda sog'lom ayollarga qaraganda salbiy psixologik holatlar yaqqol namoyon bo'lib turibdi.

4. Tasheva tomonidan tuzilgan "Stressga chidamlilik" testi va Tomas Holms va Richard Rayxlar tomonidan yaratilgan "Hayotiy o'zgarishlar" shkalasi testi natijalarining o'rtacha arifmetik qiymati quyidagi jadvalda keltirildi.

Bemor ayollarda o'tkazilgan metodika natijalari:

	A.I.Tashevaning "Stress bilan kurashish" testi natijasi	Holms-Rayxning "Xayotiy jarayonlar shkalasi"
X	5.6	428.6

Tashevaning "Stressga chidamlilik" testidan olingan natijalar o'rtacha arifmetik qiymati 5,6 ga teng, Holms-Rayxning "Hayotiy o'zgarishlar" shkalasi testidan olingan natijalarning o'rtacha arifmetik qiymati 428,6 ga teng ekanligi qayd qilindi.

Natijalar tahlili shini ko'rsatadiki, bemor ayollarning barchasida o'tmishida hayotiy o'zgarishlarga nisbatan stressni, salbiy emotsional kechinmalarni yuqori darajada ekanligini ko'rishimiz mumkin.

Demak, onkologik kasalliklarni kelib chiqishi va rivojlanishi obyektiv, kanserogen va boshqa omillar bilan bir qatorda psixologik omillarga ham bog'liq bo'lishi mumkinligini biz yuqoridagi tadqiqotda guvohi bo'ldik.

Onkologik bemorlarni psixologik tadqiq qilish jarayonida kasallikni kelib chiqishidagi umumiylikni ko'rish mumkin.

Bu umumiylik shundan iboratki, kasallikka chalingan deyarli barcha bemorlarda kasallik aniqlanishdan oldin kuchli ta'sirlanish, psixik muvozanatsizlik, bezovtalik, xavotirlanish, qayg'uli hodisa, depressiya va stress holatlari mavjud bo'lgan. Va bu holatlar bemorni ruhiyatida toliqish, "qochish"

reaksiyasini rivojlanishi, jismoniy va psixik holatlarida zo'riqlashlarni keltirib chiqargan. Natijada immun tizimda nosozliklar vujudga kelgan va kasallikka nisbatan moyillikni keltirib chiqargan.

Bedavo dard hisoblangan saraton kasalligining profilaktikasi sifatida quyidagi tavsiyalarni havola qilishimiz mumkin:

- har qanday holatda ham ruhiy muvozanatni, hissiy barqarorlikni, osoyishtalikni saqlash;
- atrofdagi har qanday u hoh ijobiy, hoh salbiy hodisalardan yuqori darajada ta'sirlanmaslik;
- doimo ijobiy kayfiyatni yarata olish ko'nikmasini shakllantirish;
- o'zini adekvat anglash, to'g'ri yo'naltira olish va emotsiyalarini boshqara olish malakasini rivojlantirish;
- kun rejimiga rioya qilish va bo'sh vaqtini emotsional yoqimli kechinma kechiradigan mashg'ulotlarga sarflash;
- hayotni, atrofdagilarni odatiy, qanday bo'lsa shundayligicha qabul qilish;
- hayotni sevish, shukronalik hissini tuyush, har bir daqiqa u uchun takrorlanmas ekanligini anglagan holda zavqlanib yashash.

ADABIYOTLAR

1. Ibodullayev Z. T. Tibbiyot psixologiyasi. T.- Abu-Ali Ibn-Sino.,2009.- B.244
2. Murodho'jayev N.K, Xudayqulov T.Q., Jo'rayev M.D. Onkologiya: Tibbiyot institutlari talabalari uchun darslik.-T.: Abu-Ali Ibn-Sino .,2002.-264 b
3. Русина Н.А. Эмоции и стресс при онкологических заболеваниях/ Н.А.Русина // Мир психологии.2002. №4 с.152-160
4. Саймонтон К. Психотерапия рака / К.Саймонтон, С. Саймонтон-СПб.: "Питер". 2001.-288с
5. Sacco Anne J. Несколько основополагающих факторов о риске молочной железы // Entre Nous/-1996/-№ 34-35.Р. 4

РЕЗЮМЕ

Данная статья анализирует экспериментальные исследования психических состояний онкогинекологических больных. Частично проанализированы исследования узбекских учёных медиков в области онкологии. С помощью психодиагностических методик сделан сравнительный анализ негативных эмоциональных состояний здоровых и больных женщин с доброкачественной онкогинекологической опухолью.

Ключевые слова: медицина, онкология, психика, психология, стресс, психологическая особенность, психическое состояние, онкогинекология, рак молочной железы, депрессия, психодиагностика.

RESUME

In this article is there were analyzed the experimental researchs psychological condition of cancer patients. Parsially analyzed studies of Uzbek scientists in the field of medical oncology. With the help of psychodiagnostic techniques it was made a comparative analysis of the negative emotional condition of healthy and sick women with benign tumor of oncogynecological.

Key words: medicine, oncology, psyche, psychology, stress, psychological uniqueness, mental condition, oncogynecology, breast cancer, depression, psychognosis.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ

Усманов Н.У., Абдуалимов А.С. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада миллий ғоянинг таълим-тарбия билан уйғунлиги масалаларига эътибор қаратилади. Бунда миллий ғоя, унинг жамият ривожига ўрни, миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар концепциясининг аҳамияти, миллий ғоянинг бош ва асосий ғояларини ёш авлод онгига сингдириш орқали шахснинг маънавий ва ахлоқий фазилатларнинг асосийлари миллий ғояда мужассам бўлганлиги таъкидланади.

Калим сўзлар: миллий ғоя, ватан, ватанпарварлик, обод Ватан, миллий қадрият, маънавий мерос, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, диний бағрикенглик, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик туфайли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда туб ўзгаришлар рўй берди, маънавий тараққиёт йўли белгилаб олинди. Ана шу ўзига хос тараққиёт йўлининг муҳим жиҳати Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизни асраш, ёш авлод онгига миллий ғоя тушунчаларини сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “Таълимнинг барча бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш” вазифаси қўйилган [1]. Шахс маънавий ва ахлоқий фазилатларининг асосийлари миллий ғояда мужассам бўлганлигини таъкидлаш лозим.

Миллий ғоя – бу аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган, 132 миллат ва элатдан иборат Ўзбекистон халқининг мақсад – муддаолари, идеал ва стратегик мўлжалларидир [2]. 2000 – йили биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстли-

гига кирувчи давлатлар ичида ягона ҳодиса бўлган Ўзбекистон миллий ғояси қабул қилинди. Мазкур концепция жамият томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.


“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” концепциясининг зарурияти куйидагилар билан белгиланади:

а) бозор иқтисодига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ғоявий йўналтириш;

б) кўп миллатли жамият аҳолисини маънавий бирлаштириш;

в) давлат ва жамият ривожини ижтимоий жиҳатдан таъминлаш;

г) ижтимоий ривожланишнинг стратегик истиқболларини белгилаш. Бунга қадар биринчи Президент Ислам Каримов ўзининг асарлари, маърузалари ва нутқларида миллий ғоянинг асослари ва унинг ижтимоий аҳамияти тўғрисида ўзига хос қарашлар билдириб келган эди [3-5]. Миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари куйидагилардан иборат:



* Усманов Н.У. – ЖДПИ доценти.

Абдуалимов А.С. – ЖДПИ талабаси.

Эътибор берилса, миллий ғоямизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғун равишда ўз ифодасини топган. Шу сабабли миллий ғоямиз таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизларидан бирини ташкил қилади.

Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиши. Таълим-тарбия жараёнида шахс ана шу руҳда вояга етказилиши керак. Чунки озод ва обод Ватан ўз ҳалқини эркин ва фаровон ҳаёт билан таъминлай олади. Шу сабабли “Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари ва бунёдкорлик фаолиятининг маъно – мазмунини белгилайди” [7].

1. *Ватан равнақи.* Ватан – инсон учун муқаддас макон ва унинг бахту саодатини таъминловчи маскандир. Шу сабабли бу ғоя миллий ғоянинг икки асосий ғояси сифатида қабул қилинган. Таълим-тарбия жараёнида шахсни ватанпарвар сифатида вояга етказиш бирламчи вазифалардан ҳисобланади ва ижтимоий гуманитар фанларнинг асосий мавзуларидан бири сифатида қаралади. Чунки мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) “Булбулга тиканли гул Ватан сифатида қанчалик азиз бўлса, бу дунёда инсон учун ҳам Ватан шу қадар муқаддасдир”

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтин қафас ичра гар қизил гул битса
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш [6].

Шу маънода ватанпарвар шахс Ватан равнақини озодлик, ободлик, эркинлик ва фаровонлик тамойилларига асосан юзага келтиралди.

2. *Юрт тинчлиги* – Миллий ғоянинг мазкур ғояси “Юрт тинчлиги – тараққиёт гарови” тамойилига асосланади. Таълим-тарбия жараёнида шахсни тинчликпарвар сифатида вояга етказишга эътибор берилади. Чунки қалби ва онгида уруш, низо ва фожиаларнинг аянчли оқибатлари тўғрисида тушунча ҳосил қилинади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда айнан Юрт тинчлиги миллий тараққиётга олиб келганлиги тушунтирилади. Ислоҳ Каримов “Тинчлик учун курашмоқ керак”, дейди [3]. Ёш авлод ҳар қандай ҳолат ва шароитда тинчлик учун курашиш руҳида вояга етиши лозим.

3. *Ҳалқ фаровонлиги.* Миллий ғоянинг асосий ғояларидан бўлган бу ғоя “Ҳалқимизга муносиб турмуш шароити яратиш бериш”га асосланади. Бунда таълим-тарбия жараёни ва уни амалга оширувчилар. “Бу ҳақиқатни одамлар онгига синдириш кенг аҳоли қатламларининг ислоҳотлар моҳиятини англаб етиши ва унинг фаол иштирокчисига айлантириш” вазифасини бажаради. Айнан мақсадни таълим-тарбия халқ фаровонлигини юзага келтиришнинг манбаидир.

Зеро, эътибор берилса, миллий ғоянинг асосий тамойиллари бўлган Ватан равнақи, Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги ғояларида таълим- тарбия жараёни учун зарур бўлган қуйидагилар мужассам: ватанпарварлик, тараққиёт, юртсеварлик, тинчлик- парварлик, халқпарварлик ва фаровонлик. Бу қадриятлар таълим-тарбия жараёнида шахс қалби ва онгига юксак даражада синдирилиши керак.

1. *Комил инсон.* Бу тамойил миллий ғоянинг илк тамойили ҳисобланиб “Комил инсон ғояси – ҳам

миллий ҳам умуминсоний моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, ҳамиша эзгуликка ундаётган олижаноб ғоядир” [7]. Шу сабабли мустақиллик йилларида таълим-тарбия тизимимизда Комил инсонни вояга етказиш асосий мақсадлардан бири сифатида қабул қилинди, бунда шахсни жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун, баркамол вояга етказишга эътибор берилмоқда. Бу борадаги “Инсоний ғоялар Абу Наср Фаробий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларимизнинг асарларида, айниқса, теран ифодаланганлиги” ҳисобга олинмоқда.

2. *Ижтимоий ҳамкорлик.* Миллий ғояларимизнинг бу тамойили “Жамиятдаги турли тоифалар, сиёсий кучлар ва партиялар ўртасидаги ҳамкорлик”ни ифодалайди. Таълим-тарбия жараёнида шахснинг ижтимоий ҳамкорлик кўникмасини шакллантиришга эътибор қаратилади. Чунки “Ижтимоий ҳамкорлик – муроа фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирк ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлилигини таъминлайди” [7]. Шу сабабли Амир Темур (1336 – 1405) “Тузуқлар” асарида “Дўсту душман билан муроаю мадора қилдим”, деган эди. Ижтимоий ҳамкорлик кўникмаси шахсни ана шундай руҳда вояга етказди.

3. *Миллатлараро тотувлик.* Ҳозирги кунда мамлакатимизда 132 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда, улар ўнга яқин динларга эътиқод қилади. Шу сабабли миллатлараро тотувлик тамойили “Умуминсоний қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган миллатлар ва давлатларнинг миллий тараққиёти”ни ифодалайди [7]. Бугунги кунда мамлакатимизда таълим-тарбия жараёни 7 тилда олиб борилмоқда, шахсни миллатпарвар ва миллий бирлашиш руҳида тарбиялашга эътибор берилмоқда. Бунинг натижасида миллатимизда ўзига хос миллатлараро тотувлик маданияти тартиб топди. Унга кўра, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига сақланиши, тили ва қадриятлари ривожлантирилиши, миллий тараққиёт йўлида ягона халқ сифатида бирлашиши амалга оширилмоқда.

4. *Динлараро бағрикенглик.* Ўзбекистонда таълим-тарбия дунёвий ва демократик характерга эга. Айни пайтда, шахснинг виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига амал қилинади. Шу маънода динлараро бағрикенглик тамойили “Хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини” ифодалайди [7]. Таълим-тарбия муассасаларида муайян динни тарғибот қилишга йўл қўйилмади, айни пайтда, шахсда динлараро бағрикенглик кўникмасининг шаклланишига эътибор берилади.

Маълум бўлдики, миллий ғоямизнинг асосий тамойиллари ҳам таълим- тарбиянинг асосий принциплари негизини “Таълим-тарбиянинг инсон- парвар ва демократик характердалиги”ни [1] ташкил қилишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Зеро жамиятимизда миллий ғоя ва таълим-тарбия ўзаро уйғундир. Шу сабабли “Миллий

истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” концепсиясида белгилаб кўйилганидек, миллий ғоянинг асосий тушунчалари “Ёшлар қалби ва онгига сингдириш таълим-тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади [7]. Бунда қуйидагиларга эътибор берилиши керак: 1) Ёшлар қалби миллий ғоямизда ифодаланган эзгу мақсад – муддаолар билан бойитилиши; 2) Ёшлар онги миллий ғоянинг юқорида келтирилган асосий ғоялари ва тамойиллари асосида шакллантирилиши керак; 3) Таълим - тарбиянинг турли шакллари деганда ўқитиш, тушунтириш, тарғибот қилиш, кўшимча ўргатиш, тадбирлар ўтказиш каби воситалар назарда тутилади. Шу маънода миллий ғоя ва таълим-тарбия уйғунлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- миллий ғояни ёшларнинг қалби ва онгига, уларнинг ёш хусусиятига мос равишда сингдириш;

- ёшларнинг онгида миллий ғояни шакллантириш ишларини узликсиз тарзда олиб бориш;

- ўқув дастурлари, дарсликлари ва қўлланмаларда миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини теран акс эттириш [7].

Шу маънода миллий ғояни таълим-тарбия билан уйғун олиб бориш натижасида бош ғоя – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш каби фазилатлар шаклланади, шахс онгида юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояларини таркиб топтириш, ижтимоий ривожланишда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик тамойилларини устувор билиш ва шахсни комил инсон сифатида вояга етказиш масалалари амалга ошади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. –Т.: “Адолат”. 2010. Б.33.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 августдаги 451 –сонли “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси 2005 йил, 26 август сони.
3. Каримов И.А. Юксак салоҳиятли авлод тарбиялаш –муқаддас бурч. –Т.: “Ўзбекистон”. 2011. Б. 21.
4. Каримов И.А. Она юртнинг бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”. 2012. Б. 29.
5. Каримов И.А. Она юртнинг бахту саодатдир.-Т.: “Ўзбекистон”. 2015. –Б. 51.
6. Алишер Навоий. Хамса. Т., 1986. Б. 202.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: 2000. –Б.9.
8. Ҳасанбоев Ж. ва бошқ. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т.: “Фан ва технология”, 2009. Б.72.

РЕЗЮМЕ

В этой статье раскрываются вопросы гармонии национальной идеи, образования и воспитания. В статье описываются национальная идея, ее место в развитии общества, основные понятия и принципы национальной идеи, их значение, вопросы привития национальной идеи в сознание молодого поколения и формирование духовных и нравственных качеств личности.

Ключевые слова: национальная идея, Родина, патриотизм, национальная ценность, духовное наследие, расцвет Родины, спокойствие страны, благополучие народа, религиозная толерантность, гармонично развитая личность, социальное сотрудничество.

RESUME

This article deals with the problems of the harmony of national idea with education. It is described in this national idea, its role in the development of the society, main principles of national idea, their importance and by means of absorption of national idea in the consciousness of the young generation and formation spiritual and moral dignity in the national idea.

Key words: national idea, native country, patriotism, national value, spiritual inheritance, progress of the native country, national peace, abundance of the people, religious tolerance, social coordination.

**ФОРМИРОВАНИЕ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ ПОСРЕДСТВОМ
СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ**

Усманова Д. *

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена проблеме формирования межкультурной компетенции студентов языковых вузов. Автор утверждает, что социально-культурная деятельность является одним из лучших способов для успешного общения. Обсуждаются некоторые понятия, которые связаны с межкультурной компетенцией, а также обсуждаются проблемы формирования межкультурной компетенции. Автор приводит некоторые рекомендации по формированию и развитию межкультурной компетенции у студентов.

Ключевые слова: культурное разнообразие, развитие, межкультурная компетенция, социально-культурная деятельность, успешное установление связи.

Новые тенденции в реформировании системы образования Республики Узбекистан, в процессе модернизации произошел за счет присоединения к Болонской конвенции о высшем образовании. Этот факт дает возможность проверить свои знания, чтобы получить образование в любом университете мира и в то же время это вызывает необходимость получения новых форм образования, т.е. формирование профессиональной компетенции в межкультурной коммуникации.

Несмотря на то, что эта проблема была изучена в течение длительного времени, она остается одной из актуальных и нерешенных с позиции существующих научных парадигм в этой области. Этнический и культурный анализ языка становится и рассматривается на сегодняшний день гораздо шире, поскольку он отошел от анализа и сравнения только речи презентация исследования дискурса, например, культурное коммуникативное поведение лица в качестве участника определенного общества. Психологи, изучающие проблемы межкультурной коммуникации обращают особое внимание на познавательные или когнитивные ресурсы дискурса и описать особенности познания. Философия, культурология и этнология полагают, что ценности, нормы, и история знаний различных культур и религии ведут к успешной межкультурной коммуникации.

Все эти исследования оказывают перманентное влияние на методы и методологию развития межкультурной компетентность как неотъемлемое условие в решении проблемы межкультурных и коммуникативных контактов. Как известно, межкультурная компетенция является фоновым знанием образованного человека определенного лингвокультурного общества. Лингвистический толковый словарь дает следующее определение: "фонические знания – это информация, которая имеет важное значение для понимания ситуации или проблемы в процессе коммуникации". [6, с. 134]

Отечественные и зарубежные авторы стараются описать фоновые знания типичного представителя лингвокультурного общества. Идея культурной грамотности была предложена Э. Хиршом, которая состоит в грамотность использования культурного словаря, где основной информацией является факты о мире и

американской истории, литературе и культуре. Но этот словарь был предназначен для американцев и содержит в основном топонимы, режимы повседневной жизни, ценности и нормы, которые очень важны для тех, кто обучается американскому варианту английского языка. [8, с. 23]

Одним из самых простых и удобных в использовании моделей для анализа зарубежной культуры было предложено Х. Хаммерли, который отличает: 1) информационную культуру (знание географии, истории и повседневных реалий), поведение культуры (ценности, нормы, идиомы и особенности невербального общения), 3) традиционная культура (изобразительное искусство). [7, с.33]

В.П. Фурманова например, говорит о следующем необходимых фоновых знаниях: 1) исторический фон (включая основные постулаты культурной жизни, факты определенного социума в своем историческом развитии, 2) социально-культурный фон, 3) этнокультурный фон (в том числе информацию о повседневной жизни традиций, праздниках и торжествах, обрядов и ритуалов), 4) семиотический фон (включая знание символов и определенных особенностей вербальной и невербальной коммуникации). [6, с. 45]

Большая часть ученых классифицирует дополнительно к языковым факторами также географические, культурные, исторические, политические и этнографические. Одной из интересных позиций была предложена В.П. Конечкой, которая считает культурную консонанту и как предмет объективной реальности, и как специфического референта, т.е. элемент объективного аспекта на данный момент, имея свое отражение в сознании в виде языкового эквивалента. [4, с.43] Согласно этой позиции, можно выделить три основные группы англоязычного культурного сообщества в соответствии с узбекским: 1) универсалии (явления) - референтов, которые идентичны по своим основным и вспомогательным показателями в сравнении различных культур (солнце, воздух, вода); 2) квази-реальности - референтов, которые идентичны по их существенным показателям, но отличаются от них своеобразными особенностями (грант-стипендия, колледж - педагогический институт); 3) собственные реалии - референтов, которые являются

* Усманова Д. – заместитель декана 1- факультета английского языка УзГУМЯ.

Уникальными на их основных и вспомогательных указаний и имманентны к одному из сравниваемых культур.

Вышеуказанные и другие подобные модели могут быть использованы в качестве основы для восприятия студентами нового мировоззрения в области культуры на основе учебных объектов. Известно, что освоение языка одновременно с изучением культуры основанно на использовании одной из социальных функций языка - кумулятивной функции. В этом случае любой язык является связующим звеном между поколениями, депозитарием и инструментом для передачи невербальный опыт языкового социума. Кумулятивная функция характерна для всех языковых единиц, хотя это отчетливо видно в слове: слова, фразы и афоризмы. [6, с. 25] В соответствии с этой точки зрения, семантическая структура номинативных единиц языка имеет денотативное и коннотативное содержание, которое отражает этническую и национальную культуру. Эта часть слова, соответственно восходит к истории, географии, традициям, фольклору - иными словами к культуре страны, которая обозначается как национально-культурная составляющая и номинативные единицы языка учета этого компонента обычно соотносятся с меж- и этнокультурной семантикой.

Межкультурная компетенция (кросс-культурная компетенция), имеет свою собственную долю противоречивых и запутанных определений, из-за широкого спектра академических подходов и в профессиональной деятельности пытаются достичь соответствующих целей. Важно отметить, что в настоящее время существует одиннадцать различных определений терминов-эквивалентов: 1) культурное исследование, 2) проницательность, 3) оценка, 4) обучение грамоте или беглости, 5) адаптивность, 6) рельеф местности, 7) опыт, 8) компетентность, 9) осознание, 10) разум и 11) понимание. Этот тип компетенции "позволяет коммуниканту, чтобы выйти за рамки своей собственной культуры и приобрести качества культуры посредника, не теряя, при этом, свою первоначальную культурную идентичность". [3, с. 6-7] В таком случае коммуникант способен общаться с другими представителями нации, основанные на знании словаря с этнокультурным компонентом и использовать его в межкультурной коммуникации адекватно. Коммуниканты часто совершают ошибки в своем поведении. Основная проблема заключается в неправильном толковании различных вербальных, невербальных и поведенческих действий. Иногда смысл действия скрыт в традиционные представления о том, что правильно и нормально (эти понятия различны не только в разных культурах, но и в социально-культурных группах. Прежде всего, в любой ситуации межкультурная коммуникация, в целом, определяет наше поведение с коммуникативным аспектом называемым "дрейфующий айсберг" [2, с. 34], ясно отражающий реальное положение. Образ айсберга показывает, что большая часть наших

моделей поведения используются механически и наше восприятие других моделей поведения культуры также срабатывает в автоматическом режиме, поэтому наши реакции, таким образом получаются быстрыми и спонтанными.

Как мы знаем, культура представляет собой распределенную систему символов, убеждений, взглядов, ценностей, ожиданий и норм поведения. Это относится к когерентным группам людей, будь то резидент полностью или частично в пределах государственных территорий, или существующие без места жительства на любой определенной территории. Следовательно, эти принципы могут иметь равную значимость, когда турист ищет помощи, и когда две хорошо зарекомендовавшие себя независимые корпорации пытаются объединить и скорректировать свои планы действий.

Некоторые ученые считают, что феномен глобализации уменьшил культурное разнообразие и, таким образом, снижается возможность недоразумений. Также важно отметить, что межкультурная компетенция включает в себя как сферу знаний, так и сферу навыков, которые приводят к "правильной" немедленной реакции и, следовательно, успешному процессу межкультурного общения.

Согласно исследованиям развития межкультурной компетенции, этот процесс очень трудный даже для тех, кто изучает иностранные языки в качестве профессии, а также для остальных студентов вузов, то этот вопрос практически не решен. Тем не менее межкультурная коммуникация может быть более успешной, если её участники пытаются принять их коммуникативные навыки в конкретных обстоятельствах. Кроме того, важно отметить, что каждая из сторон должна знать и уважать культурные ценности каждого из участников. Особенности "чужого" восприятия, новые коммуникативные механизмы, а также трудности в адаптации создают основной барьер для успешной коммуникации.

Исследователи обычно выделяют шесть типов реакции о другой культуре: а) отрицание культурных различий, б) защита собственного культурного превосходства, в) минимизация культурного различия, г) признание существующих культурных различий, д) адаптации к новой культуре, у) интеграция в родной и новых культур. [6, с. 26]

Изучая различные виды межкультурных парадигм, большая часть ученых приходят к выводу, что адаптация и интеграция в новую культуру основаны не столько на языке знаний, ценностей, норм и традиций, сколько на личных интересах, их понимание и на эмоциональной основе с его представителями. Так что недостаточно лишь того, чтобы обладать некоторыми знаниями о новой культуре, а необходимо освоить и осознать это на уровне мыслей и чувств. [1, с. 15]

Хотя большинство ученых предрасположены к социально-культурным подходам основанных на трудах Л. Выготского, в которых основная перспектива включает в себя идеи

изучения новой культуры - как процесс участия, обусловленного культурными инструментами а в формировании культурнозначимых знаний [9, с.24].

Обучение представляет собой процесс участия в межкультурной коммуникации, процесс, который определяет и выделяет структуры и формы познавательной деятельности. Социально-культурная перспектива аспекта дает возможность взаимной коммуникации между представителями различных культур и языков, а также подчеркивает диалектический характер взаимодействия в обучении иностранного языка, поскольку формирование знаний происходит в социальном контексте.

В рамках социально-культурной деятельности все работы планируются на то, чтобы дать студентам возможность выйти за пределы классной комнаты и "жить" языком, на котором они учатся, другими словами, апробировать свои знания в прагматическом и событийном аспектах.

Мы считаем, что коммуникативная ситуация построения в овладении искусством межкультурной

коммуникацией должна быть более продуктивной, если мы пытаемся организовать эту работу в группе в рамках общей социально-культурной деятельности различных культурных подгрупп. Такая мультикультурная группа (как и любой другой ассоциации) имеет общие цели деятельности, способствует их видению и более того, все участники формируют новое сообщество, которое имеет дополнительные нормы и традиции. Такая ситуация помогает преодолеть вмешательство случайных факторов.

Таким образом, социально-культурная деятельность является наилучшим способом, чтобы избежать искусственной ситуации, присущая любому учебному процессу в освоении новых изучаемых языков и культур. Этот тип межкультурной коммуникации в рамках социально-культурной деятельности является одним из основополагающим и обладающих мощным потенциалом для продуктивности межкультурных контактов.

ЛИТЕРАТУРА

1. Астафурова Т.Н. Стратегии коммуникативного поведения в профессионально значимых ситуациях межкультурного общения (лингвистический и дидактический аспекты): автореф. дис. ... д-ра пед. наук : 13.00.02 ; 10.02.19 / Т.Н. Астафурова. – М., 1997. С. 47.
2. Грушевицкая Т.Г. Основы межкультурной коммуникации. – М.: Юнити-Дана, 2002. С. 352.
3. Елизарова Г.В. Культура и обучение иностранным языкам / Г.В. Елизарова. – СПб. : СОЮЗ, 2001. С. 291.
4. Конечкая В.П. Лексико-семантическая характеристика языковых реалий / В.П. Конечкая // Великобритания: лингвострановедческий словарь / А.Р.У. Рум, Л.В. Колесников, Г.А. Пасечник ; под ред. Е.Ф. Рогова. – М., 1980. – Приложение. С. 463–466.
5. Стрельцов Ю.А. Межличностное взаимодействие как социокультурный феномен / Ю.А. Стрельцов // Социальные технологии в сфере культуры и досуга. Опыт. Проблемы. Инновации : материалы Всерос. науч.-практ. конф. (ноябрь 2001 г.) / Тамб. гос. ун-т им. Г.Р. Державина. – Тамбов, 2001. С. 132–139.
6. Фурманова В.П. Межкультурная коммуникация и лингвокультуроведение в теории и практике обучения иностранным языкам / В.П. Фурманова. – Саранск : Изд-во Морд. ун-та, 1993. С. 122.
7. Hammerly H. Synthesis in Second Language Teaching / H. Hammerly. – Blaine, Wash., USA : Second Language Publications, 1982. P. 693.
8. Hirsh E.D. The Dictionary of Cultural Literacy: What Every American Needs to Know / E.D. Hirsch, Jr., Joseph F. Kett, James Trefill. – Boston : Houghton Mifflin, 1988. P. 586.
9. Vygotsky L.S. Mind in Society / L.S. Vygotsky. – Cambridge, MA: Harvard University Press, 1978. P.152.

REZYUME

Ushbu maqola oliy o'quv muassasalarida talabalarda madaniyatlararo kompetentlikni shakllantirish muammosiga qaratilgan. Muallif muloqot samarali bo'lishi uchun eng yaxshi usullaridan biri ijtimoiy-madaniy faoliyat hisoblanadi deb ta'kidlaydi. Shuningdek maqola muallifi madaniyatlararo kompetentlikga oid ayrim tushunchalarni ham muhokama qiladi. Maqolada shuningdek madaniyatlararo kompetentlikni shakllantirish muammolari ham muhokama qilingan. Muallif madaniyatlararo kompetentlikni shakllantirish va rivojlantirishga qaratilgan ayrim xulosalarga keltiradi.

Kalit so'zlar: madaniy tafovut, rivojlanish, madaniyatlararo kompetentlik, ijtimoiy-madaniy faoliyat, samarali muloqot.

RESUME

The article deals with the formation of the intercultural competence of students in language high schools. The author argues that socio-cultural activity is one of the best ways to successful communication. The author of the article also discusses some notions connected with intercultural competence. The existing problems in the sphere of formation of intercultural competence are also discussed in the article. The author gives specific suggestions on forming and development of intercultural competence of students.

Key words: cultural diversity, development, intercultural competence, socio-cultural activity, successful communication.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ХАЛҚ МАДАНИЯТИ

Утанова У.А. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада миллий ғоя ҳамда халқимизнинг тарихий-маданий бойликларини ўрганиш, кишилар онгидан тоталитар тузум шакллантирган ғайриинсоний, ғайримаданий ва ғайримиллий қарашларни сиқиб чиқариш, ҳамда халқимизда ўзликни англаш туйғусини шакллантириш учун зарур эканлиги таъкидланади.

Калим сўзлар: *миллий ғоя, халқ маданияти, мафкура, қадрият, анъана, ғайриинсоний, ғайримиллий, ғайримаданий.*

Жамият ҳаётида кечадиган ҳар қандай ўзгаришлар, энг аввало, кишилар онгидаги ғоялар, тасаввурлар ва қарашларда, улар орқали эса халқ маданиятида ўз аксини топади. Ғоялар шаклланишига кўра, бирламчи ҳисобланади, улар кишилар онги ва амалиётдан жой олгач, маданий воқеликка айланади. Шу нуқтаи назардан, миллий истиқлол ғояси халқимиз маданиятини мустақил тараққиёт қонунларига мувофиқ шакллантириш воситасидир. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Миллий ғоя бўлса, мақсад ойдинлашади. Эзгу мақсад эса ҳар бир кишини сафарбарликка даъват этади, жамиятни янада бирлаштиради. Ўз миллий ғояси, миллий мафкурасига эга бўлган давлат мустақкам, қудратли ва обод бўлади”[1]. Демак, тараққиёт йўли ва моделини кўрсатиб берадиган миллий ғоясига эга халқгина ўз келажагини, ижтимоий-маданий ҳаётини аниқ тасаввур қилади.

Халқ маданияти ижтимоий-тарихий воқелик сифатида ўзида анъанавий (тарихий) ва ноанъанавий (замонавий) омилларни мужассамлаштиради. Халқ турмуш тарзидан ва менталитетидан жой олган барча қадриятлар, бойликлар халқ маданиятидир. Мақол ва маталлардан тортиб, юксак меъморчилик дурдоналарига айланган Самарқанддаги Регистон ва Хивадаги Ичан - қалъа ансамбллариғача, болаларнинг бекинмачоқ ўйинларидан тортиб, бахшилар беллашувига эга ўзбек халқи маданиятининг анъанавий кўринишларига қиради. Бироқ халқ маданияти ижтимоий-тарихий тараққиётнинг таркибий қисми сифатида у билан бирга ўзгаради ва замонавийлашади. Агар жамиятни, кишиларни ўз кетидан эргаштира оладиган ғоя, мафкура мавжуд бўлса, шубҳасиз, халқ маданияти ҳам ана шу ғоя, мафкура таъсиридан чеккада қолмайди. Маълум бўладики, халқ маданиятининг ижтимоий-тарихий жараёнларга мувофиқ замонавийлашиши, ривожланиши жамиятдаги етакчи ғоялар, мафкуралар таъсири натижасидир.

Миллий ғоя ҳамда халқимизнинг тарихий-маданий бойликларини ўрганиш икки муҳим вазифани ҳал этиш учун зарур: кишилар онгидан тоталитар тузум шакллантирган ғайриинсоний, ғайримаданий ва ғайримиллий қарашларни сиқиб чиқариш; халқимизда ўзликни англаш туйғусини шакллантириш.

Халқимизнинг эзгу ҳаёт талабларига жавоб берадиган, унинг туб манфаатлари, орзу-интилишларини ҳар томонлама акс эттирадиган миллий ғоя, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизнинг ўз ғоясига айланса,

уларнинг қалби ва юрагидан чуқур жой олса, - мен ишонаман деган эди биринчи президентимиз Ислоҳ Каримов,- ана шунда биз кўзлаган юксак мақсадларимизга албатта етамиз[2].

Тўғри, эски ғояларни қарорлар, даъватлар, ҳатто қонунлар билан кишилар онгидан ўчириб бўлмайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислоҳ Каримов қайд этганидек, “Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”. Маълумки, ўтган XX асрда республикамиз ижтимоий -маданий соҳада улкан ютуқларни қўлга киритди, замонавий илм - фан, санъат, ижод, техника, коммуникация тармоқларини шакллантирди. Агар халқ ижодига назар ташласак, 1924-1979 йиллар мобайнида цирк, опера ва балет, ҳайкалтарошлик, китоб графикаси, кинематография, дизайн каби икки юздан зиёд санъат турлари юзага келганини кўрамиз. Буларнинг барчасини тоталитар тузум ютуғи деб баҳолаш нотўғри бўлади, албатта. Чунки халқ ҳеч қачон, ҳатто қирғин-баротлар пайтида ҳам яратувчанлик завқидан юз бурган эмас. Бироқ, минг афсуски, ўша даврда яратилган барча асарлар коммунистик мафкура тарозисига кўйиб ўлчанар, тарози посонгисига мос келмаганларига «миллатчилик» тамғаси урилиб четга суриб кўйиларди. Шу боис ҳам яратилган асарларнинг кўпчилиги шаклан миллий, мазмунан социалистик мазмун касб этарди. Миллий ғоя эса ана шу ғайриинсоний ва ғайримиллий унсурларга қарши туради.

Миллий ғоянинг кучи келажакни яратиш йўлларини кишиларга кўрсатиб бериш, улар қалбидан порлоқ келажакка умид уйғотиш ва шу тариха, ҳаммани умумий, ижтимоий-тарихий жараёнларнинг субъектига айлантиришдадир. Яратувчанликка йўғрилган ғояларгина кишиларни ўзига мафтун этади. Тўғри, янгиланиш жараёни масъулиятни аниқ бир киши ёки гуруҳ ўз бўйнига олишини тақозо этади. Бироқ бу халқнинг жамият ва давлатни бошқаришда иштирок этиши мумкинлигини рад этмайди, балки демократия шароитида уни шарт қилиб қўяди. Халқ маданияти бошқариш ишларига таъсир этмай қолмайди, чунки маданият интегратив ҳодиса сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир этиб, ўзининг борлигини билдириб туради. Биз у ёки бу бошқариш поғонасида халқ маданиятининг реал таъсирини илғамаслигимиз мумкин, аммо у урф -одатлар, тил, муомала, ахлоқ, тафаккур орқали ўзини намоён этади.

* Утанова У.А. – К. Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, ф.ф.н.

Бошқариш субординация ёки координация йўналишида амалга оширилади. Ўзбекистан демократик жамият қуриш йўлида бошқарувнинг координация йўналишини танлаган. Координация моҳиятан тенг ҳуқуқли рангбаранг субъектларни жамият тартиблари, қонунлари орқали бир-бирига мувофиқлаштиришдир. Демократик кадрларнинг қарор топиши координацияни бошқарув тамойилига айлантиришга, ўзини-ўзи бошқаришни қўллаб қувватлаш ёрдамида фуқароларда сиёсий маданиятни шакллантиришга боғлиқ. Тарихий - маданий анъаналардан, халқ ҳаётдан узилган хусусий мулк эгасининг координацияни рад этиши индивидуализм авж олган ғарб жамиятларига хос воқелиқдир. Координация индивидуализмга зиддир, у ҳамжихатликни, бир-бирининг манфаатларига мос фаолият кўрсатишни тақозо этади. Кўринадики, координация ўзбек халқи маданиятига оид бошқариш усулидир. У ижтимоий-сиёсий жараёнларга татбиқ этилганда халқнинг сиёсий маданияти кўринишида намоён бўлади.

Халқ маданияти динамик характерга эга. Миллий ғоя ҳам ижтимоий манфаатлар динамикасига мувофиқ ўзгариб, янги парадигмалар билан тўлдириб борилади. Айнан шу нуқтада миллий ғоя билан халқ маданияти уйғунлашади, яхлит воқеликка айланади. Миллий ғоя халқ маданиятига мақсад, йўналиш, идеал беради, халқ маданияти эса уни мазмунан ва шаклан бойитади. Миллий ғояда илгари сурилган фикрлар фуқароларнинг онги, тафаккури, ҳаёт ва фаолият тарзига, кенг маънода, халқ маданиятига айлангандагина пировард мақсадга эришилади. Ҳеч бир давлат тарихида муайян ғоя бирданига умуммиллий, умумхалқ воқелик касб этмаган, балки йиллар, асрлар оша халқ қалбида яшаб келаётган орзулар, армонларнинг бирикуви баробарида ўсиб, унинг орзу-умидларини ўзида яққол ифода этувчи кучга айлангач, мафкура тусини олган. Демак, миллий мафкуранинг яратилишида халқ маданиятининг роли беқиёсдир.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов .Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: Ўзбекистон, 2000. Б.78
2. И.Каримов. Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. Б.297.

РЕЗЮМЕ

В данной статье отмечается что изучение национальной идеи и исторически-культурной наследии народа играет важнейшую роль в развитие самопознания, в вытеснении против человеческих, против национальных, против культурных взглядов тоталитарного строя из сознаний людей.

Ключевые слова: национальная идея, народная культура, идеология, ценности, традиции.

RESUME

This article points that the study of the national idea, the historical and cultural heritage of the nation plays an important role in displacing inhuman, counter-national, countercultural views of the totalitarian regime from the consciousness of people and to the development of self-knowledge of the people.

Key words: national idea, people's culture, ideology, core value, traditions, inhuman, counterculture, counter nation views.

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТДА ФАН-ТЕХНИКА РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИСТЕЪМОЛ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ

Хайдаров А.Н. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада такомиллашиб ва ривожланиб келаётган фан-техниканинг инсон фаолияти асоси ҳисобланган моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга таъсири, ижтимоий тараққиётда тутган ўрни, унинг ўзига хос хусусиятлари, сифат даражаси, истеъмол талаби ва истеъмол маданияти тушунчалари, уларнинг бирлиги ва ўзаро таъсири масалалари баёни келтирилган. Шунингдек, инсонлар қобилиятининг эркин намоён бўлиши учун шаклланган янги сиёсий тафаккур, фалсафий дунёқараиш ва ҳуқуқий онг истеъмол маданиятининг жамият ва шахс ҳаётидаги ўрнини янги тушуниш масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: ижтимоий тараққиёт, илмий-техника, ишлаб чиқариш, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, фан, истеъмол маданияти.

XXI асрга келиб инсоният ўз ижтимоий тараққиётининг янги сифатий босқичига ўта бошлади. Бу даврда илмий-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, инсон ва жамият манфаатларига мос келадиган тўғри йўналиш танлаш, ҳамда унинг келтириб чиқараётган ижтимоий оқибатларини чуқур, атрофлича ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат давримизнинг энг буюк ва кўп кирралаи ҳодисаларидан бўлган илмий-техника инкилобининг қудратли ўзгарувчан таъсири натижасида ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзаро муносабатлар оқибатида иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт соҳасида кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Илмий-техника тараққиёти таъсирида жамият тараққиёти муттасил такомиллашиб, янги-янги технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши самарасида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати тубдан янгилашиб бормоқда, натижада одамларнинг янги технологиялар тўғрисидаги билимлари ортиб, истеъмол даражасининг кенгайишига олиб келмоқда.

Ишлаб чиқаришда инсон ақл-заковатининг энг сўнги ютуғи бўлган нанотехнология қурилмаларининг тезликда жорий этилиши, ушбу технологик қурилмалар орқали яратилган моддий неъматларнинг инсон эҳтиёж ва манфаатларини тезкор суръатлар билан қондирилишида кўришимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш жамият ижтимоий тараққиётининг асосий омили сифатида ижтимоийлик, мулк шакллари ўртасидаги соғлом рақобат, узлуксизлик, тизимли ҳаракат қилиш каби умумий белгилар асосига қурилган бўлади. Жамият ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳозирги замон илмий-техника инкилоби таъсири остида тубдан сифат ўзгариши, унинг интеллектуаллашуви масаласига келганда, бу тарихда мисли кўрилмаган янги давр, ишлаб чиқарувчи кучларнинг янги босқичга кўтарилишидир.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг традицион тармоқлари такомиллашуви тақозоси билан содир бўладиган миқдор ўзгаришлари фан ва техниканинг моҳиятини тубдан ўзгартира олмайди. Аксинча, сифат ўзгаришлари даврида эса, фан ва техникада инкилобий тўнтариш содир бўлади. Шу ўзгаришлар туфайли XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фан

ва техника ўзининг инкилобий ривожланиш босқичига кирди.

Фан тараққиёти мисли кўрилмаган даражада юқорига кўтарилиши ва ишлаб чиқаришга бевосита кириб бориши ҳозирги даврнинг энг характерли хусусиятларидан биридир. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, маънавий ва маданий ҳаётда, қаерда бўлмасин маънавий ва маданий бойликларни яратиш фаннинг бевосита иштирокисиз амримаҳол бўлиб қолди. Фан ишлаб чиқаришда кўмакчи, ёрдамчи восита эмас, балки бевосита ишлаб чиқарувчи куч, қудратли омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган асрларда ишлаб чиқариш, техника ва фан ўртасидаги муносабатда етакчи ролни ишлаб чиқариш ўйнаган бўлса, ҳозирги даврда фан техникага нисбатан, техника эса ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ ривожланмоқда.

Фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи куч сифатидаги роли тобора кўпроқ намоён бўлаётган бир даврда, унинг айрим муваффақиятлари нақадар улкан бўлмасин, бу айрим муваффақиятлар эмас, балки бутун ишлаб чиқаришнинг юксак илмий-техникавий даражаси асосий мезон бўлиб қолмоқда.

Фан-техниканинг жадал ўсиши ва янги-янги кашфиётларнинг очилиши шу қадар тезки, ҳозирги кунда планетамизда ҳар 30 секундда янги бир кашфиёт содир бўлмоқда. Илмий информация миқёси жадал суръатлар билан тезлашиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов: “Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз... Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изохламоқда” [1] деб, таъкидлаб ўтади.

Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётига босқич-ма-босқич ўтиш асосида иқтисодий жиҳатдан етук давлат қурмоқдамиз. Бунда миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали ривожланишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имкониятларини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислохотларни амалга ошириш ва бошқа натижаларга боғлиқдир.

Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим истикболлари ва устувор йўналишлари

* Хайдаров А.Н. – СамДУ ассистенти.

белгиланар экан, ишлаб чиқариш ва ички эҳтиёжнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратилганлигини кузатиш мумкин. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва глобаллашув “учқун”ларининг таъсир доирасига қарши шундай ёндашувлар ўзини оқламоқда. Осиёдаги кўплаб мамлакатлар шундай позицияга амал қилиб келмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазирамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – *истеъмол талабини* кенгайтиришдан иборатдир. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек: “...биз танлаган мақсад, яъни тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз ва келажак авлодимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш” - [2]дир.

Ўзбекистон ўзига хос бўлган мустақил ижтимоий тараққиёт йўлига эга бўлиб, у ўзбек халқининг иқтисодий, сиёсий, маънавий мустақиллигининг амалдаги ифодаси бўлган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий тараққиётнинг диалектик бирлигидан ташкил топган бўлиб, унинг манфаатларига мос равишда узлуксиз прогресс томон ҳаракатланади. Ушбу тараққиётнинг диалектик тарзда ривожланиш ҳосиласи бўлган ижтимоий тараққиёти умумий ижтимоий тараққиётининг янги мазмунга эга бўлган таркибий қисми сифатида – мамлакатнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиб, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Чунки ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши анъанавий хом ашё тармоқлари ва материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, балки биринчи навбатда рақобатга бардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиётда жиддий таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир.

Мамлакатимизнинг мустақил ижтимоий-иқтисодий тараққиёти – бу ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёт қонунларига мувофиқ ҳолда моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол қилиш ва айирбошлаш асосида янги сифатий ҳосилаларга эга бўлиб борадиган гуманистик иқтисодиётдир. Инсонлар жамият тараққиётини таъминлашда доимо ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳаларида узлуксиз ўзгаришларни амалга ошириб боради. Модернизация узлуксиз жараён бўлиб, жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини таъминлаш даражасига ҳам боғлиқдир. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини модернизациялаш энг аввало шу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб боровчи жамият аъзолари дунёқарashi, тафаккурининг ўзгариши, демократик туб ислохотларни амалга оширишда уларнинг фаоллиги ошишига таъсир қилади.

Ўзбекистоннинг мустақил ижтимоий-иқтисодий тараққиёти асосини унинг иқтисодий мустақиллиги ташкил этади. Бунда: “Иқтисодий мустақиллик деб, ҳар бир миллат ва халқнинг ўз табиий ва моддий бойликларига тўла ҳуқуқий соҳиб

бўлиб, ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимот, айирбошлаш муносабатларини мустақил равишда ташкил этиш, яшаш учун зарур бўлган моддий неъматларни яратиш фаолиятига айтилади. Иқтисодий мустақилликнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати биринчидан, табиий ресурсларга, ерга, завод-фабрикаларга эгаллик қилишда кўринса; иккинчидан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, айирбошлаш, тақсимот, истеъмолни амалга оширишнинг ўзига хос йўлини ишлаб чиқиш ва унинг қонунийлигини таъминлашда яққол намоён бўлади”[3].

Жамият ривожланишида инсоннинг моддий, маиший ва бошқа эҳтиёжларини қондириш негизида истеъмол маданияти юксалиб боради. *Истеъмол маданияти* дейилганда кишиларнинг истеъмол бўйича билимлари, амалий фаолияти, маънавий ва ҳуқуқий етуқлиги ҳамда уларнинг яхлит онгли тарзда рўёбга чиқишига қаратилган мақсадли фаолиятидир. Кишилиқ жамиятида шахс истеъмол маданиятининг шаклланиши ҳамда ривожланиши ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли жараён бўлиб, жуда кўп омилларга боғлиқдир. Инсон истеъмол маданиятининг шаклланишида социал-сиёсий муҳит, ижтимоий тузум, иқтисодий ҳаёт ва бошқалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Бозор муносабатлари шароитида кишиларнинг иқтисодий билимлари, фикрлаш тарзи ўзгариши, фаол ишлаб чиқариш истеъмол маданияти ривожланишининг муҳим омили ҳам ҳисобланади.

Истеъмолнинг асосини моддий неъматлар, моддий неъматлар эса юқорида келтирганимиздек, ишлаб чиқаришни ташкил қилади ва ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади истеъмолчига хизмат қилишдан иборатдир.

Кишиларнинг истеъмол даражаси ривожланишига бевосита боғлиқлиги ҳам моддий ишлаб чиқариш ҳисобланади. “Моддий ишлаб чиқариш – жамият ҳаёти ва тараққиёти учун зарур бўлган моддий неъматларни яратиш жараёнидир. Кишиларнинг моддий эҳтиёжлари моддий неъматлар билан қондирилади. Шунинг учун ҳам, табиатни, табиий неъматларни ўзлаштириш, улардан ҳаётий макон ва моддий-табиий ресурслар сифатида фойдаланиш, ижтимоий зарур маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш инсон учун тарихан энг биринчи моддий эҳтиёж, манфаат-рағбат, обектив мақсад бўлган ва ривожланиб келган”[4]. Моддий ишлаб чиқариш индивид, шахс, инсон ва жамиятнинг ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий неъматлар ҳисобланмиш озиқ-овқат, кейим-кечак, турар жой, техникавий воситаларни яратиш, истеъмол қилиш, айирбошлаш, тақсимлаш каби жараёнларнинг бир бутун яхлит тизими ҳамдир. Бунда инсоннинг яшашга бўлган иштиёқи, ўзи учун қулай бўлган моддий шароитларни яратишга олиб келади. Яшашга бўлган иштиёқи туфайли яратилган моддий шароитларнинг ўзи эса *маънавий ишлаб чиқариш* жараёнининг дебочасини ташкил этади.

Ҳар қандай янги техника, технология ва улар томонидан ишлаб чиқарилган барча турдаги «ажойиб-ғаройиб» маҳсулотларнинг барчаси

маънавий ишлаб чиқаришнинг ҳам бевосита ёки билвосита маҳсули эканлиги, ишлаб чиқариш соҳасидаги муносабатларда янгича технологик муносабатларнинг шаклланиб ва ривожланиб бораётганлигини алоҳида уқтириб ўтишимиз лозимдир. «Маънавий ишлаб чиқариш – жамият ва инсон фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, маънавий бойликлар яратиш, бойликларни ўзлаштириш ва истеъмол қилиш, маънавий кадриятларни ривожлантириш жараёнини англлатувчи тушунча»[5]дир. Ж.С. Калустьянцнинг фикрича «Маънавий ишлаб чиқариш – бу кишиларнинг маънавий кадриятларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишга қаратилган фаолиятларининг бир тизими бўлиб, у ихтисослашган одамлар, хусусан, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи касб эгалари томонидан амалга оширилади»[6]. «Тафаккур озод

бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, кулликдан қутулмаса инсон тўла озод бўлолмайди. Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади.»[7]. Инсонлар қобилятининг эркин намоён бўлиши учун шаклланган янгича сиёсий тафаккур, фалсафий дунёқараш ва ҳуқуқий онг истеъмол маданиятининг жамият ва шахс ҳаётидаги ўрнини янгича тушунишга кенг имкон бермоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида қайд этилган белги ва хусусиятлар ғоятда муҳим, ҳозирги замон фан-техниканинг ривожланиши ишлаб чиқариш салоҳиятининг ортиши ва инсон эҳтиёжининг етарли даражада қондирилишига олиб келади. Лекин, ҳозирги замон фан-техника ривожланиши ҳали тугалланган эмас, у борган сари авжланмоқда, унинг янги-янги қирра ва томонлари янада ривожланади ва такомиллашмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият” 2008 йил, –Б.110.
2. Karimov I.A. “Mamlakatimizni demokratik yangilash va modernizatsiya qilishga qaratilgan taraqqiyot yo’limizni qat’iyat bilan davom ettirish - bosh maqsadimizdir”. O’zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 22 yilligiga bag’ishlangan tantanali marosimdagi ma’ruzasi . www.zarnews.uz
3. Муҳаммадиев Н.Э. Мустакилик – миллий давлатчилик асоси. Биринчи илмий мақола.// Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг чораклик илмий-назарий юридик журнали. «ХУҚУҚ–Право–Law» № 1,2001.– Б.39.
4. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” 6.– ТОШКЕНТ:“ Давлат илмий нашриёти” 2003. – Б.40.
5. “Маънавият”: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. –Б.307.
6. Калустьянц Ж.С. Содержание категории «духовное производство» //Вестник Северо-Кавказского государственного технического университета. № 4, 2009. –С.21.
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари //Унинг ўзи. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.Т.3.–Т.:Ўзбекистон,1996.–Б.34.

РЕЗЮМЕ

Статья охватывает проблемы оптимизации и развития науки и техники, считающимися основой человеческой деятельности, их влияние на материальное и духовное производство, место занимаемое в социальном прогрессе, их особенности, уровень качества, потребительские требования и понятия потребительской культуры, их единство и взаимовлияние.

Ключевые слова: социальный прогресс, наука и техника, производство, материальное и духовное производство, наука, потребительская культура.

RESUME

The article covers the problems of advancement of science and technology optimization and development that are the basis of agency, their influence upon material and spiritual production, their place in social progress, their distinctive features, and degree of quality, consumer requirements and notions of consumer culture, their unity and interaction.

Key words: social progress, science and technology, production, material and spiritual production, science, consumer culture.

БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШНИНГ МАЗМУНИ

Хасанова З.Д. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак касб таълими ўқитувчилари ахлоқий-эстетик дунёқарашининг мазмуни очиб берилган. Шунингдек, ахлоқий-эстетик эътиқод, ахлоқий-эстетик қадриятларнинг бўлажак мутахассисларни тайёрлашдаги ўрни изоҳланган ҳамда ахлоқий-эстетик дунёқарашининг таркибий қисмлари ахлоқий-эстетик эътиқод, ахлоқий-эстетик идеал, ахлоқ ва эстетиклик тўғрисидаги билимлар, ахлоқий-эстетик онг ва ахлоқий-эстетик қадриятлар яхлитлиги, муштараклигини амалга ошириш масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: *ривожланиш, дунёқараш, мутахассис, ахлоқ, эстетика, эътиқод, тафаккур, қадрият, таълим-тарбия, жараён, гўзаллик, баҳолаш, фуқаролик жамияти.*

Хар қандай инсонга фазилат ёхуд шахсий сифатларни таркиб топтириш ва ривожлантириш учун, аввало, мазкур фазилат ҳамда сифатларнинг инсон ҳаёт ва турмуш тарзига, шахсий хусусиятларига, ижтимоий-сиёсий савиясига, маънавий-маданий камолотига қанчалик ижобий таъсир салмоғини аниқлаштириш, бошқача айтадиган бўлсак, мазкур сифат ёхуд фазилат **мазмунини** аниқлаштириш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан бўлажак касб таълими ўқитувчиларида «**Ахлоқий-эстетик дунёқараш**» фазилатини ривожлантириш учун унинг мазмунидан хабардорлик муҳим педагогик ҳодиса ҳисобланади.

«**Ахлоқий-эстетик дунёқараш**» ўз мазмунига кўра муайян категориялар (таркибий қисмлар) дан ташкил топган бўлиб, бу категориялар воқеликни, инсоннинг ундаги ўрнини, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни билиши, англаши ва баҳолашида, шахснинг камолотида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниши учун омил бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқий-эстетик дунёқарашнинг мазмуни ахлоқий-эстетик эътиқод, ахлоқий-эстетик идеал, ахлоқийлик ва эстетиклик тўғрисидаги билим, ахлоқий-эстетик онг, ахлоқий-эстетик тафаккур ва ахлоқий-эстетик қадриятдан иборат деб айтсак, педагогик нуқтаи назардан хато бўлмайди. Зеро, ахлоқий-эстетик дунёқараш инсонга хос бўлган ахлоқий-эстетик онглилик, эътиқод, тафаккур, қадриятнинг ижобий аҳамият касб этган ҳолатдаги кўринишидир. У инсоннинг ҳаёт тажрибаси, билими, одоб-ахлоқи, тафаккури, гўзалликни идрок қилиши ва баҳолаши, хатти-ҳаракатлари асосида шаклланади ва ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёт таъсирида ривожланиб боради. Ахлоқий-эстетик жиҳатдан ривожланган шахс ижтимоий-иқтисодий тараққиётни, маънавий-маданий ҳаётни тўғри англайди ва баҳолайди, шу асосда ўз олдига улкан вазибалар қўяди ва унга эришиш учун ижодий меҳнат қилади.

Эътироф этиб ўтиш жоизки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, халқимиз ўз тарихига, она тилига, динига, ўз урф-одатларига эга бўлди, қадриятлар тикланди, тарихий ва маънавий бойликлардан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, ҳуқуқий демократик ислохотларни амалга ошириб, фуқаролик жамиятини куриш ва ривожлантириш йўлига ўтди. Бу жамият эса

билимли, эътиқоди юксак, тафаккури кенг, иродаси бақувват, ахлоқан пок, воқеликни гўзаллик қонуниятлари асосида идрок этадиган, ахлоқий-эстетик дунёқараш юксак инсонларга эҳтиёж сезади. Шунга кўра мақсадимиз биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «... мустақил дунёқарашга эга, аждоқларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат» [1].

Демак, олдимизда турган буюк вазифа – фуқаролик жамиятига хос ва мос бўлган ахлоқий-эстетик эътиқод, ахлоқий-эстетик идеал, ахлоқий-эстетик онг, ахлоқий-эстетик тафаккурга эга бўлган заковатли, иймон-эътиқодли, мустаҳкам иродали меҳнаткашларни тарбиялаб, вояга етказишдан иборат.

Ахлоқий-эстетик дунёқарашнинг муҳим таркибий қисмларидан бири **ахлоқий-эстетик эътиқоддир**. Ахлоқий-эстетик эътиқод сўз бирикмасидаги тушунчалар маъно, мазмун, фазилатни ифодалаши нуқтаи назардан бир-бирига яқин, бир-бирини тўлдирди ва бир-бирини моҳиятан бойитади. Улар ўзаро боғлиқликда воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни шахсдаги инсоний фазилатларни англаиш учун манба бўлиб хизмат қилади. Ёш авлод ўзини ўраб турган борлиқни ижтимоий-гуманитар, табиий-математик циклдаги ўқув предметларини ўрганиш баробарида табиатдаги ўзгаришларни, фан-техникадаги ютуқларни, ижтимоий тажрибаларни, маънавий ва моддий ҳаётдаги тараққиётни ўрганиб, ахлоқий-эстетик меъёрларни, инсон фаолияти ва воқеликдаги хилма-хил эстетик ҳодисаларни умумий ва хусусий боғланишлар асосида ўзлаштиради. Ўрганганлари, ўзлаштирганлари, тажрибаларини анализ ва синтез ёрдамида билиб олади, ўз фикрига, қарашларига ишонч ҳосил қилади. Шу тариқа ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, маънавий-моддий ҳаётдаги воқеаларни, ҳодисаларнинг объектив хусусиятларини тушуниб етади ва уларга муносабат билдиради. Шу тариқа инсонда иймон, диёнат, адолат, ҳалоллик, гўзаллик, ватанпарварлик, дўстсеварлик, инсоф, саховат, хайрихоҳлик, муносилик, садоқат, меҳнатсеварлик, ифбат, ҳаё, камтарлик каби ахлоқий-эстетик фазилатлар шакллана боради ва ривожланади.

* Хасанова З.Д. – БухМТИ катта ўқитувчиси.

Ахлоқийлик мамлакатимизда яшаб фуқаролик жамияти асосларини қуриш ва ривожлантириш учун меҳнат қилаётган халқимизнинг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, тadbиркорлиги, саховатлиги, бағрикенглиги, дўстпарварлиги ва жаҳон ҳамжиҳатлигида ўз ўрнига эга бўлишининг шаклланиши ва ривожланишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, ахлоқийлик мазмунини ташкил этган ахлоқий онг, ахлоқий ҳис-туйғу, ахлоқий идеал, ахлоқий эътиқод, ахлоқий етуклик ахлоқий меъёрларнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади ва кишиларнинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Тажриба ва ҳаёт қоидаларининг кўрсатишича, меҳнаткашларнинг «... давлат доирасидаги бирлигидан ахлоққа таянган бирлиги мустаҳкамроқ бўлади, – деб таъкидлайди Э.Юсупов. Шарқ маданий ҳаётида ҳамма вақт ахлоқ ҳуқуққа нисбатан устувор бўлган. Шу сабабли ҳам ахлоқий етукликнинг давлат, жамият, миллат бирлигидаги ўрни ва аҳамияти доим ортиб бораверган. Бу эса одамларнинг ахлоқий бирлиги тобора барқарор ва мустаҳкам бўлишига олиб келган» [4].

Эътиқод – инсоннинг муайян қарашларга асосланган дунёқарашининг фаолият тамойили сифатида ишончи, иймони, ихлосини англатувчи қадриятдир. Зеро, «Эътиқод – бу ўз фикр ва қарашларига маҳкам, собитқадамлик билан туриш ва ўзгаларни ҳам ўзидек ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишонишдир. Эътиқодли одам, энг аввало, ёлғон гапирмайди. Ёлғон сўзламаган одам ўзгаларни ҳам ростгўй деб билади. Лафзида турмайдиган кимсани бебурд деб ҳисоблаб, ундайлардан ҳазар қилади.

Эътиқод тушунчаси инсон ҳаётининг маъносини, унинг ўзига хослигини ва моҳиятини англаш билан боғлиқдир. Инсон бошқа махлуқотдан фарқ қилиб, онгга, ўз-ўзини англаш қобилиятига эгадир. Шу туфайли илмга интилиш, ўз ҳаётининг мақсад ва мазмунини билишга тиришиш, гўзаллик яратишга, ҳар томонлама баркамол бўлишга уриниш барча давр ва миллат кишиларига хос бўлган умуминсоний, боқий фазилатлардир. Бу умуман инсон моҳиятига хос нарса бўлиб, у бу ёруғ оламда нима учун яшаётганини англашга, келажакига замин ҳозирлашга интилади. Ҳар бир соғлом фикрли одам, инсониятнинг умрбоқийлигини идрок этади ва ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдириб кетишни истади. Шундан келиб чиқиб, умрининг мақсади ва мазмунини белгилайди. Худди шу нарса унинг эътиқодини ифодалайди»[3,4].

Илмий адабиётларда таъкидланишича, эътиқод ақл-идрок, билим асосида шаклланади. Шунинг учун ҳам инсон тафаккури даражасини белгилайди ва ушбу хусусият эътиқодни дунёқарашга яқинлаштиради ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётни баҳолаш ва бошқаришда муҳим функцияни бажаради.

Шундай қилиб, инсоннинг муқамал бахт-саодатга эришуви ва камол топишида, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ва маданий-маърифий такомиллашувида, шунингдек, шахс ахлоқий-эстетик дунёқарашининг ривожланишида,

кишиларидаги ахлоқий-эстетик эътиқод асосий ўринни эгаллар экан, ҳар бир ёшда болалиқдан бошлаб уни тарбияламоқ ижтимоий-педагогик ҳодиса бўлиб қолмоғи даркор.

Ахлоқий-эстетик дунёқараш мазмунини **ахлоқий-эстетик қадрият** ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлига ўтгандан сўнг ахлоқий-эстетик қадриятларга эътибор кучайди. Чунончи, шарқона урф-одатлар, расм-русумлар, хулқ-одоб қоидалари, маросимлар бундай давлат ва жамият учун зарур ҳисобланиб, улар мамлакат меҳнаткашларида бирдамлик, аҳиллик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, ўзаро ёрдам каби маънавий-ахлоқий фазилатларни таркиб топтиришда хизмат қилмоғи зарур бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, муайян жамият ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий муносабатлар заминини миллий ва умуминсоний ахлоқий ҳамда эстетик қадриятлар тизими ташкил этади. Бу қадриятларнинг шаклланиши ва ривожланиши жамият тараққиёти учун аҳамияти фавқуллода катта бўлади. Миллий қадриятларга таяниб ижтимоий-иқтисодий тараққиёт сари юксалмайдиган жамият бўлмаганидек, ўз миллатининг қадриятларининг шаклланиши ва ривожланишини таъминламайдиган жамият ҳам бўлмайди. Зеро, бу қадриятларда халқ бахти, фаровонлиги, эрки учун миллат ва халқнинг кураши, фидоийлиги, меҳнат жасорати акс этган. Шунинг учун жамият ахлоқий-эстетик қадриятларга қанчалик эҳтиёж сезса, ахлоқий-эстетик қадриятлар ҳам ўзининг ривожланиши ва миллатга хизмат қилиши учун жамият ёрдамига ва рағбатига шунчалик эҳтиёж сезади. Шу боис ҳар қандай қадрият сингари ахлоқий-эстетик қадриятнинг ривожланишида ижтимоийлик ўрни бекиёсдир. Шунга кўра ахлоқий-эстетик қадриятлар жамият тараққиёти, инсон фаолияти жараёнида шаклланиб, ривожланиб боради. Шу сабабли улар жамият пойдевори, инсон камолотининг муҳим манбаи ҳисобланиб, ўтмиш, бугунги кун ва келажакни узвий боғлашга, халқлар, миллатларни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилувчи қудратли куч ва воситадир.

Шу ўринда эътироф этиб ўтиш жоизки, ахлоқий-эстетик қадриятлар тизимида **эстетик қадриятларнинг** тарбиявий аҳамияти бекиёс бўлиб, улар ахлоқий-эстетик дунёқарашнинг ривожланишида муҳим замин ролини бажаради. Зеро, эстетик қадриятлар талабаларда ахлоқий онг ва тажрибанинг бошқа турлари билан бир вақтда дунёқарашнинг ривожланишига таъсир ўтказади. Улар нафақат инсон тақдирлари, балки ғоялар курашини ҳам ёритишга ҳаракат қилади. Эстетик қадриятлар мазмунидан ўрин олган санъат ва адабиёт асарларининг образли тузилишида халқнинг нафақат ҳаётий тажрибаси, балки ахлоқий-эстетик ва ғоявий тамойиллари ҳам ўз ифодасини топган. Улар мазмунидаги келажакка юксак ишонч, ҳаётий мақсадларнинг эзгулиги, ғоявий барқарорлик, меҳнатсеварлик ва жасурлик – буюк жамиятни қуришда ўз ўрнини топишга интилаётган ёшлар

учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши табиийдир.

Дарҳақиқат эстетик кадриятлар мафкуравий иммунитетнинг таркибий қисмларидан бири сифатида ёшларнинг ички рухий олами ва ишончига айлана бориб, воқеликдаги ҳақиқий гўзалликка, шахс ва жамият манфаатига йўналтирилган фаолиятга бўлган эҳтиёжни тўғдиради ва мафкура йўналишидаги ноконуний, номутаносиб ҳаракатларга, улар тарғиботига қарши тура олишни тарбиялайди.

Эстетик кадриятларни тахминан уч қисмга бўлиш мумкин. Булар табиат ҳодисалари ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ эстетик кадриятлар («Наврўз» байрами, «Ҳосил байрами», «Қовун сайли», «Гул сайли», «Хирмон байрами» ва ҳ.к.), бадиий-эстетик кадриятлар (халқ оғзаки ижоди намуналари, бадиий поэтик ва прозаик асарлар, дostonлар ва ҳ.к.) ва санъатга оид эстетик кадриятлар (кўшиқлар, рақслар, куй-оҳанглари, меъморчилик обидалари ва ҳ.к.) лар. Бу кадриятларда ўзбек халқининг кундалик ҳаёти, меҳнат жараёни, Ватан, миллат озодлиги, эрки йўлидаги жасоратлари, архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги бой тажрибаси, билими, маданияти ва маънавияти ифодаланган. Булар образли баёнлар орқали тасвирланганлиги сабабли кишига рухий озик, маънавий мадад беради, эстетик лаззатланишни уйғотиб олам ва воқеа-ҳодисаларга эстетик ёндашиш, эстетик муносабатни тарбиялайди.

Хулоса шуки, инсониятнинг, хусусан, ўзбек миллатининг буюк тафаккури намунаси бўлган ахлоқий-эстетик кадриятлар бўлажак касб таълими ўқитувчиларини, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби фазилатларининг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш» [2] га ўргата оладиган муҳим педагогик восита десак, асло, хато бўлмайди.

Мустақиллик йилларида эстетик кадрият сифатида тан олинган янги байрамлар, маросимлар, фестиваллар ташкил этилди. Булар сирасига «Мустақиллик куни» (1-сентябрь), «Билимлар куни» (2-сентябрь), «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» (1-октябрь), «Ватан ҳимоячилари куни» (14-январь), «Хотира ва кадрлар куни» (9-май), умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун «Умид ниҳоллари», ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчилари учун «Баркамол авлод», олий таълим муассасалари талабалари учун «Универсиада» спорт ўйинлари ташкил этилиб ўтказилмоқда. Шунингдек, мамлакатда ҳар йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» фестивали, «Бетакоримсан, ягонасан она Ватаним – Ўзбекистон» шиори асосида ўтказилаётган турли санъат, адабиёт тадбирлари, спорт ўйинлари ҳам

миллий эстетик кадриятларимиз таркибидан ўрин олиб улгурди.

Шундай қилиб, ҳозирги мафкуравий курашлар шароитида эстетик кадриятлар ишонтирувчи ва тарбияловчи восита бўлиб хизмат қила олади. Бунинг учун эстетик кадриятларни ўрганиш жараёнини шундай лойиҳалаш керакки, эстетик кадриятларни, улар мазмунидаги тадбирларнинг турларини талаба эркин ва мустақил айта олсин, улар кимматини баҳолаш имкониятига эга бўлсин. Бунинг учун эстетик кадриятларнинг турлари, улар мазмунидаги воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хослиги, ифода воситалари билан талабани таништириш лозим. Тажриба ва тадқиқот маълумотларига қўра, фақат 20,2 фоиз талаба эстетик кадриятларни тўғри кўрсатиб, уларнинг ғоявий-эстетик мазмунини, бадиий қийматини тўғри баҳолай олишади, холос. Эстетик кадриятларни тўғри аниқлаш, улар мазмунини аниқ тушуна билиш, ахлоқий-эстетик дунёқарашга оид масалаларни тушуниш, эстетик кадриятларнинг бадиий-ифода воситаларини ва мазмуни тушуниб етиш, таҳлил қилиш учун дарс жараёнлари ва дарсдан ташқари таълимий-тарбиявий ишларни мувофиқлаштириш даркор. Улар баъзан-баъзан, онда-сонда, узук-юлук бўлмасдан, яхлит, бирлашган, мажмуа тарзида бўлиши лозим. Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича маъруза, семинар, амалий машғулотларда ёт мафкураларнинг ҳақиқий мазмуни, йўналиши, моҳиятини ёритиб берувчи миллий адабий-эстетик кадриятлар ва уларни ёритувчи манбалар, бадиий асарларнинг, ўрганилаётган тарихий даврларнинг бир-бирига мувофиқлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Ўқитувчи эстетик кадриятларда ифодаланган гўзалликни, уни инсон ҳаёти, фаолиятидаги таъсирини, энг аввало, уларда акс этган дунёқараш, эътиқодни тасдиқловчи ҳолатларни батафсил ёритиши талаб этилади.

Шундай қилиб, ахлоқий-эстетик кадриятларнинг моҳияти, тарбиявий таъсир жараёни жуда мураккаб бўлиб, у ахлоқий-эстетик тушунчалар, хис-туйғулар, одатлар, шунингдек ахлоқий-эстетик эҳтиёж, ирода ва қизиқишларни эгаллашни назарда тутди. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида мана шу фазилатларнинг барчасини мужассамлаштирган тақдирдагина сўз билан амал ўргасидаги, билимлар билан хатти-ҳаракатлар мутаносиблиги ёрдамида натижага эришиш мумкин.

Шундай қилиб, ахлоқий-эстетик дунёқарашнинг таркибий қисмлари ахлоқий-эстетик эътиқод, ахлоқий-эстетик иедал, ахлоқ ва эстетиклик тўғрисидаги билимлар, ахлоқий-эстетик онг ва ахлоқий-эстетик кадриятлар яхлитлиги, муштараклигини амалга ошириш, улар таъсирини мужассамлаштириш (уйғунлаштириш) кўзланган мақсадга эришишни тезлаштиради, талабаларнинг ахлоқий-эстетик дунёқараш моҳият-мазмунини чуқурроқ англаш ва уларни ўзларида тарбиялаб, ривожлантиришга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000, -Б.330-351.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008, -Б.176.
3. Иброҳимов А. Эътиқодга баҳшида умр. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б.36.
4. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998. – Б.184.

РЕЗЮМЕ

В данной статье раскрыты значения нравственно-эстетических мировоззрений будущих учителей профессионального образования. А так же, разъясняется место нравственно-эстетического понимания, нравственно-эстетических ценностей при подготовке будущих специалистов.

Ключевые слова: развитие, мировоззрение, специалист, нравственность, эстетика, понимание, мышление, ценность, образование-воспитание, процесс, красота, оценивание, гражданское общество.

RESUME

In this article there are opened the values of moral-aesthetic outlooks of the future teachers of professional training. Also it is explained place of moral-aesthetic understanding, moral-aesthetic values by preparation of the future experts.

Key words: development, outlook, expert, morals, aesthetics, understanding, thinking, value, training-education, process, beauty, estimation, civil society.

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ДАХЛДОРЛИК
ФАЗИЛАТИНИНГ ЎРНИ
Шермонов Э.У. ***

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада фуқаролик жамиятини барпо этишида дахлдорлик фазилатининг роли ҳақида сўз юритилади. Фуқаролик жамиятини шакллантиришида қонунга риоя қилиши, ҳуқуқ ва эркинликни таъминлаш ҳамда тартиб-интизомни ўрнатилиши ва бошқа ҳар қандай жараёнга нисбатан дахлдорлик билан муносабатда бўлишининг аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, мақолада миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга табиқ этилиши натижасида юз бераётган ижобий ўзгаришларда энг асосий омил фуқаролардаги дахлдорлик фазилатининг ривожланаётганида экани таъкидланган.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти, дахлдорлик, ижтимоий фаоллик, маънавий тарбия, миллий ғоя, фазилат, бурч, тартиб-интизом.

Барчамиз яхши биламизки, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат [2].

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” маърузасида ислохотларнинг бош йўналишини белгилаб берадиган қуйидаги устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди: “Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак” [4].

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни бекиёсдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистон жамиятида 7 миллионга яқин фуқаролар касаба уюшмалари фаолиятида, 600 мингдан ортиқроқ фуқаролар эса сиёсий партиялар аъзолари сифатида жамоатчилик ишларида иштирок этадилар. Шунингдек, миллионлаб фуқаролар ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат ношароит ташкилотлар фаолиятида иштирок этадилар. Мамлакат вилоятларида 661 та, туманларда 4564 та, шаҳарларда 831 та вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, 10 000 га яқин ўзини-ўзи бошқариш органлари ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқдалар. Бу эса уларнинг маълум маънодаги дахлдорлигини англатади.

Ҳар қандай масаланинг муҳим ёки номухим эканлигини англаш, шунга мос равишда иш тутиш, масалага жиддий ёндашиш кераклигини англаб етиш бу дахлдорлик фазилатининг қай даражада шаклланишини билдиради. Жамият тараққиётига нисбатан дахлдор эканлигини тушуниб етган инсон эса, ана шу жамиятни фаровон қилишга, фуқаролик

жамиятини шакллантиришга интилиб яшаши шубҳасиз. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда яна бир нарсани эътибордан четда қолдирмаслик керакки, бундай жамиятда ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланган бўлиши лозим. Ҳуқуқ ва эркинликларга эрк бериш эса маънавиятнинг издан чиқшига сабаб бўладиган омил бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу маънода фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнида ҳуқуқ ва эркинликларнинг ошиши оқибатида инсонийлик жамиятида тўғри йўлдан айрим оғиш ҳолатлари келиб чиқмоқда. Буни жаҳоннинг айрим ривожланган мамлакатларида яққол намоён бўлаётган оиланинг глобал инқирозиди кўришимиз мумкин. Уларнинг ахлоқи никоҳсиз турмушни, оиладаги ажралишларни, ота-оналарнинг биридан иборат оилаларни, яъни бир жинсли никоҳни нормал ҳолат деб қабул қилмоқда.

Ана шундай глобал инқирознинг бизнинг мамлакатимизга кириб келиш таҳдиди мавжуд ва буни ўз вақтида англаб олиш ўта муҳим. Мана шунинг учун инсонлардан лоқайдликка қарши дахлдорлик талаб этилади. Шу ўринда собиқ юртбошимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларини эслаш лозим: **“Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тизимли, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллаб орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас”**[4].

Ҳаёт мазмунига зид бўлган бундай ҳолатга эътибор қилмаслик эртами-кечми инсониятни ҳалокат ёқасига олиб келади. Бу ҳолга тушмаслик учун унинг олдини олиш, унга қарши доимий курашиш лозим. Бу борада И.Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарлари бениҳоят катта аҳамиятга эга. Китобнинг ёзилиши муаллифнинг нафақат бир мамлакат, бир миллат миқёсидаги, балки глобал миқёсдаги етакчи эканлигини яққол кўрсатиб берди. Эндиги асосий вазифа китобда келтирилган, илгари сурилган ғояларни одамларнинг онги ва қалбига чуқур синдиришдан иборат. Бу эса, шу соҳада ишлайдиган одамларнинг билими, малакаси, тажрибасига ва масъулиятига боғлиқ бўлади.

* Шермонов Э.У. – Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази мустақил изланувчиси.

Юқорида таъкидлаганимиздек, фуқаролик жамиятини шакллантиришда қонунга риоя қилиш, ҳуқуқ ва эркинликни таъминлаш ҳамда тартиб-интизомни ўрнатиш муҳим рол ўйнайди. Бу эса фуқароларда **дахлдорлик ҳисси** бўлишини талаб қилади. Чунки қайсики шахсда лоқайдлик кайфияти кучли бўлса, унда қонунга риоя қилишни таъминлаш мураккаблашади. Фуқароларимиздаги бефарқлик ҳиссини бартараф этиб, ўрнига дахлдорлик туйғусини шакллантириш улардаги маънавиятнинг юксалиши билан боғлиқ масаладир. Сабаби маънавияти юксак бўлган одамнинг иродаси ҳам кучли бўлади. У адолатсизликка бефарқ қараб тўра олмайди. Шу билан бирга жамият ривожига ўзидаги дахлдорлик ҳисси билан яшайди.

Маънавияти қашшоқ одам лоқайд бўлади. Дахлдор инсон эса, ўзининг маънавиятини, маънавий фазилатларини юксалтиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳар бир одам ўзидаги бефарқликдан халос бўлиб, дахлдорлик ҳисси билан яшаши учун маънавиятини юксалтириши лозим. Чунки маънавият инсон иродасини мустаҳкамлайди. Ирода эса кучли мафкуравий иммунитетни шакллантиради.

Дахлдорлик виждон уйғоклигига оид тушунчалардан бўлиб, унга кўра, инсон ўзини жамиятнинг бир парчаси деб билади. Дахлдорлик – бу жамиятнинг ютуғидан қувониб, камчилигини бартараф этиш йўлидаги хатти-ҳаракатдир. Жамиятнинг ҳар бир бир аъзоси ўзини мамлакатнинг бугуни ва эртанги истиқболи учун дахлдор деб билса ва ҳар бир хатти-ҳаракатида ўша туйғуни ҳис қилиб фаолият юритса, ўша мамлакатнинг бугуни ва эртанги куни порлоқ бўлади. Агарда инсонда дахлдорлик туйғуси шаклланмаган бўлса, ундай инсонни оиласининг ҳам мамлакатнинг ҳам тақдири кизиктирмайди. Дахлдорлик инсонда аста-секин шаклланидиган фазилат бўлиб, бу фазилатни илк кўринишлари ҳар бир оилада ва унинг натижасида ҳар бир инсонда пайдо бўлади.

Шу маънода, бизга юклатилган вазифа барча юртдошларимиздан ўсиб келаётган авлод тарбиясига янада масъулият ҳисси билан ёндашишни, фақат, уларнинг кўнглида бебаҳо бойлигимиз – асрлар давомида шаклланган, миллатимизнинг миллат сифатида яшаб келишига пойдевор бўлган маънавий-ахлоқий кадрларга ҳурмат ва эҳтиром туйғусини қарор топтиришга, дахлдорлик туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида маънавий тарбиянинг аҳамияти ортади. Бунда асосий эътибор фуқаролар ўртасидаги бефарқлик кайфиятини йўқотишга қаратилиши зарур, чунки фуқаролик жамиятининг моҳияти фуқаролар ўртасидаги жипслик, бирдамликдан иборат, яъни бир фуқаронинг иккинчи бир фуқаро тақдирига бефарқ бўлмаслигидан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, одамларда фуқаролик маънавияти, дахлдорлик фазилати шаклланган тақдирдагина фуқаролик жамиятини қуриш мумкин бўлади. Зеро, бир фуқаро бошқа бир фуқарога унинг тақдирига

нисбатан бефарқ бўлса, ҳар қандай яхши қонунлар ҳам ишламайди [5].

Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳада фаолият юритаётган ҳар бир фуқаронинг асосий вазифа ва бурчларидан бири – одамлардаги бефарқлик кайфиятини йўқотиб, дахлдорлик туйғусини ривож топтиришдан иборат. Бунинг учун эса бефарқликни келтириб чиқарадиган ҳолат ва сабабларни аниқлаш керак бўлади.

Хўш, лоқайдликнинг сабаби нимада? Лоқайдликни келтириб чиқарадиган сабаблардан бири бу масъулиятсизлик иллатининг авж олдирилиши ҳисобланади. Яъни, дангаса одам ниманидир бажариш учун ўзида масъулият ҳис қилмайди. Буни мен эмас, бошқа одам бажариши керак, ёки умуман бажармаса ҳам бўлаверади, деб ҳисоблайди. Натижада айнан ўша иш бажарилмай қолиб, уни бажармаган шахсдан ҳам кўра кўпроқ жамиятга зарар етади. Бу асосан собиқ иттифоқ даврида авж одирилди. Чунки ўша замонларда жамият ҳаётида бирор-бир муаммо пайдо бўлса, уни марказ ҳал қилиши керак, деган тушунча одамларга сингдириб юборилган. Аслида эса “империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашарди”. Гўёки бизнинг халқимиз бундай муаммоларни ҳал қилишга қодир эмасди. Аслида советларга қадар ҳам шундай иллат бўлган. Яъни у даврларда муаммони фақат подшо ҳал қилиши керак бўлган.

Бефарқликнинг сабабларидан яна бири эгоизм – худбинлик, ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйиш иллати саналади. Яъни қачонки одам эгоизмни жиловлаб, ўз манфаатидан аввал жамият манфаатини қўйса, бефарқликдан халос бўлиб, дахлдорлик ҳисси билан яшай бошлайди. Бошқача қилиб айтганда у ўз манфаатини жамият манфаатига хизмат қилдира олади. Фақат ўз манфаатини ўйлаб яшайдиган, эгоизми кучли бўлган одам адолат билан разолат ўртасидаги курашда бефарқ бўлиб яшайди. Чунки у разолатнинг тазйикига учраб тинчлиги бузилишидан кўрқади.

Агар инсон бефарқлик оқибатида кимнингдир ҳуқуқлари паймол қилиниши, жамиятга зарар етишини, тараққиёт, ривожланишнинг илдизига болта уришини, халқ маънавий қарамликка учраши мумкинлигини чуқур англаб етса, у ҳеч қачон бефарқ бўлмайди. Шу маънода, ҳар бир фуқаро нодонлик балосидан ҳоли бўлиш учун ахлоқий тарбия асосида маънавиятини юксалтириб бориш лозим. Шундагина ҳақиқий фуқаролик жамияти шаклланишига дахлдорлик қилган бўлади.

Маънавиятни юксалтиришда ахлоқ қоидаларига риоя қилиш асосий роль ўйнайди. Сабаби маънавият ахлоқ ва одоб, илм-маърифат ва рухий соғломлик уйғунлигидан ташкил топади. Ахлоққа риоя қилишни таъминловчи куч эса бу жамоатчилик фикри ҳисобланади. Чунки ахлоқ қоидаларигагина риоя қилмаган шахсни ҳеч қандай жавобгарликка тортиб бўлмайди. Уни жамоатчилик томонидан назоратга олинади. Ахлоқ фақат жамоатчилик фикри билан мавжуд дейиш ҳам бир томонлама ёндашиш бўлиб қолади. “Одамнинг табиий туйғу-

лари ва тарбия жараёнида шаклланган бурч ҳисси муайян ахлоқий хатти-ҳаракатга олиб келади. Ахлоқий меъёрлар ёки тамойиллар одам онгида буйруқ шаклида пайдо бўлади ва кишиларни эзгу ишлар қилишга ундайди. Ёвузликдан, разолатдан асрайди. Бундай буйруқлар «Тухмат қилма», «Ёлғон сўзлама», «Ўзгалар тақдирига бефарқ бўлма», «Бошига кулфат тушган одамга ёрдам бер», «Заиф, ночор одамларни кўллаб-қувватла» ва шу кабилар бўлиши мумкин. Аммо ушбу буйруқлар қандайдир ташқи таъсирдан эмас, балки инсоннинг эътиқодидан, ички сабаблар асосида келиб чиқиши лозим»[5].

Масалан, «Тухмат қилма» деган буйруқда бир одам бошқа одамга тухмат қилмаслигига ижтимоий зарурат борлигини англаб етиши керак. Агар одамлар ўртасида тухмат, ёлғон гапириш кўпая борса, бундай жамият бошқариб бўлмайдиган сон-саноксиз зиддиятлардан иборат бўлиб қолади ва муқаррар ҳалок бўлади. Шу ўринда Муҳаммад пайғамбар (а.в.с.)нинг куйидаги ҳадисларини эслаш лозим. Ҳадисда шундай дейилади: «Шариатга қарши бориш, ота – онага итоат қилмаслик ва ёлғон гапириш, тухмат қилиш гуноҳи азимдир»[1].

Демак, ахлоқий тамойиллар киши онгида буйруқ шаклида пайдо бўлиб, ўша буйруқни бажариш учун ижтимоий зарурат борлигини англайди. Аммо биз бу заруратни бурч сифатида идрок этиб, шу ишдан кўзланган мақсадни қабул қиламиз ва маъқуллаймиз, унга етиш учун ҳаракат қилишга тайёрлигимизни билдирамиз. Шундай қилиб, ахлоқий меъёрлар одамнинг хатти-ҳаракатини фақат объектив қоидалар билангина эмас, балки бурч, виждон талаблари билан ҳам тартибга солиб туради.

Фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шарты – бу бефарқлик кайфиятидан ҳалос бўлиб, дахлдорлик ҳисси билан яшашдир. Бефарқликни бартараф қиладиган ва дахлдорлик ҳиссини шакллантирадиган куч – бу миллий ғоядир. Ўзбекистон фуқаролари дини, ирқи, миллатидан қатъий назар бир-бирига нисбатан бефарқ бўлмаслиги керак. Бир фуқаронинг бошқа фуқарога бефарқ бўлиши миллатга нисбатан бефарқликни англатиши мумкин. Бунинг учун миллий ғоя одамлар қалбидан жой олган бўлиши керак. Ана шунда фуқаролик жамиятининг шаклланишига хизмат қиладиган энг муҳим омил, яъни фуқаролик муносабати шаклланади. Миллий ғоянинг одамлар

қалбига сингдирилиши одамлардаги бефарқлик кайфиятига барҳам бериб, дахлдорлик ҳиссини шакллантиради. Бу эса фуқаролик жамиятининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган мафкуравий иммунитетни кучайтиришига хизмат қилади.

Хуллас, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда фуқаролардаги дахлдорлик фазилатининг ўрни бениҳоя каттадир. Қачонки, ҳар бир фуқаро ўзида мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги дахлдорликни ҳис қилмас экан, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлмас экан, фуқаролик жамиятини шакллантириш қийин. Шу маънода, мамлакат келажагини таъминлайдиган келажак авлодда – ёшларда дахлдорлик туйғусини шакллантириш бугунги куннинг энг муҳим масаласи ва бугунги катта авлоднинг асосий вазифаларидан биридир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз куйидагиларни тақлиф этамиз:

Биринчидан, ўқувчи-ёшларга Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Ватан равнақи, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик ва Динлараро бағрикенглик каби ғояларнинг рўёби учун дахлдор эканини сингдириб бориш лозим.

Иккинчидан, барча фанлар, хусусан, миллий ғоя туркумидаги фанларга оид дарс машғулотида ўқувчи-ёшларга фуқаролик бурч ва мажбуриятларини, хусусан, шу юрт истиқболи ва фаровон келажаги йўлида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш учун ҳар бир фуқаро масъул эканини ўқитириш зарур.

Учинчидан, бу ишларни амалга оширишда ҳар бир ота-она ва ўқитувчи-педагог ибрат намунасини кўрсатиб беришини амалда таъминлашимиз керак.

Анаш шундагина биз ёшларда дахлдорлик фазилатини шакллантириб, у орқали фуқаролик жамиятини яратишимиз мумкин бўлади. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “жамиятимизда фидойи, билимдон, ватанпарвар, соғлом тафаккурга эга бўлган зиёли одамларимиз кўп. Олдимизда турган энг муҳим вазифа – уларнинг изланиш ва интилишларини Ватан манфаатларига дахлдор эзгу мақсад сари йўналтириш, шу негизда миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларини яратиш ва халқимиз онгига сингдиришдан иборат” [3].

АДАБИЁТЛАР

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. Т.4. – Тошкент, 1992 йил. –Б. 80.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б. 20.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 112, 454.
4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002, –Б. 81.
5. Набиев Ф. Фуқаролик жамияти шароитида мафкуравий иммунитетни кучайтиришда маънавиятнинг ўрни. Глобаллашув. Оммавий маданият миллий ғоя. /Илмий-амалий мақолалар тўплами. – Т.: “Маънавият”, 2009. –Б. 28.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена развитию социальной активности молодёжи, формированию чувства сопричастности, о проведении в связи с этим необходимых духовно-воспитательных работ. В статье излагается о том, что обладание высокой духовностью, а также нравственной и правовой культурой является актуальной задачей.

Ключевые слова: гражданское общество, чувство сопричастности, социальная активность, духовное воспитание.

RESUME

The article is devoted to the development of social activity of youth, a sense of belonging, as a regard to this, the necessary spiritual and educational works. The article describes the fact that owning a high spiritual and moral and legal culture is an urgent task.

Key words: civil society, a sense of belonging, social activities, spiritual education.

**BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI KASBIY IJTIMOYLASHTIRISHNING
FALSAFIY-METODOLOGIK JIHATLARI**

Egamberdieva N.M., Zoxidova S.R. *

REZUME

Maqolada bo'lajak o'qituvchilarni kasbiy ijtimoiylashtirishning falsafiy-metodologik masalalari, ijtimoiylashuv, ijtimoiylashuvdagi asosiy mezonlar, metodologik g'oya va qarashlarni aniqlovchi mezonlar, kasbiy ijtimoiylashuv, kasbiy ijtimoiylashtirishning tashkiliy-metodik mezonlari haqida fikr yuritilgan. Muallif o'qituvchining kasbiy ijtimoiylashuv yo'li va yo'nalishini belgilab beruvchi metodologik g'oya va qarashlarni ajratib olishga imkon beruvchi mezonlarini belgilab olish maqsadga muvofiqligini yoritib bergan.

Kalit so'zlar: Kasbiy ijtimoiylashtirish, mezon, tarixiylik, mantiqiylik, dialektik mezon, o'qituvchi, inson, jamiyat, dunyoqarash, rivojlanish, shaxs, jarayon.

Ijtimoiylashuv shaxsning jamiyatdagi qadriyatlarini qabul qilishi va zaruriy darajada ijtimoiy, fuqaroviy va shaxsiy etuklikka erishishi asosida jamiyatga kirib borishidir. Shaxsning ijtimoiylashuvi esa, inson o'zini jamiyatda shaxs sifatida anglab borishi jarayonidir. Bu tarbiya, ta'lim, o'z-o'zini tarbiyalash jarayonida yuzaga kelib, inson qachonki, o'z maqsadlarini mustaqil aniqlay olsa va ularga erishish yo'llarini belgilay olganida, o'z qadr-qimmatini anglab etganida, jamiyatdagi o'z o'rniga ishonch hosil qilgan taqdirda amalga oshadi. Boshqacha aytganda, shaxsning ijtimoiylashuvi – ta'lim-tarbiya ta'sirida inson psixologik funksiyalarining takomillashuvi, ijtimoiy-axloqiy qadriyatlar, xulq-atvor me'yor va qoidalarining o'zlashtirilishi, dunyoqarashining boyish jarayoni va natijasi. Ijtimoiylashuvda asosiy mezonlar tadqiqot predmetiga tadbiqu singdirishishi lozim bo'lgan nazariy asoslar pedagogik amaliyot metodologiyasini rivojlantirishga xizmat qilishi mumkin.

Mezon – muayyan bir nazariya, ta'limot, fan, dunyoqarash yoki nazariy dasturning asosi; insonning e'tiqodi, voqelikka bo'lgan munosabati va xulq-atvor me'yorlarini belgilab beradi. Falsafada mezon – boshlang'ich nuqta, boshqaruvchi g'oya, xulq-atvor, o'zini tutishning asosi sifatida qaraladi. Mantiqiy ma'noda mezon markaziy tushuncha bo'lib, abstraksiya sifatida olingan hodisaning barcha sohalariga tadbiqu qilinuvchi, umumlashtiruvchi va tarqatuvchi tizimning asosidir.

N.M.Boritko pedagogik kategoriya sifatida mezonning quyidagi xususiyatlarini ko'rsatib o'tadi: boshqaruvchi talablar; tarbiyaviy jarayonning qonuniyatlari hamda ziddiyatlari; e'tiqod sifatida namoyon bo'luvchi ichki boshqaruvchi g'oya; ma'lum doiradagi hodisa va jarayonlarga nisbatan tadbiqu etilish; mezonlar guruhida o'zaro ta'sirlashish va bir-birini to'ldirish. Shunday qilib, pedagogik mezonlar – «pedagog borlig'ining dominant, pedagogik ta'sir mavjudligini ta'minlovchi faoliyatning mazmuni va mohiyatini belgilab beruvchi qoidasidir».

Olib borilgan tadqiqotlar g'oyalari tayanib, o'qituvchining kasbiy ijtimoiylashuv yo'li va yo'nalishini belgilab beruvchi metodologik g'oya va qarashlarni ajratib olishga imkon beruvchi mezonlarini belgilab olish maqsadga muvofiq deb topildi. Bu o'rinda N.S.Pryajnikov o'zaro bog'liqlikda bo'lgan mezonlar tizimida metodologik, tashkiliy-boshqaruvchilik, aniq amaliy va etik xususiyatlarga ega g'oya va qarashlarni belgilab olish g'oyasini ilgari suradi.

Metodologik g'oya va qarashlarni aniqlovchi mezonlari quyidagilardan iboratdir:

Tarixiylik – predmetni uning rivojlanib borish jarayonida o'rganish. Mazkur mezon so'z yuritilayotgan tadqiqot asosida yotuvchi dialektik metodning muhim talabi hisoblanadi. V.I.Juravlyov ta'kidlaganidek «Har qanday ijtimoiy fan ob'ektini yaxlit va majmuaviy tarzda o'rganishni tarixiy mezonni asosida qaraydi. SHunga ko'ra, tadqiqotchi ob'ektning mavjud holati hamda istiqboldagi rolini baholaydi».

Mantiqiylik - o'rganilayotgan ob'ektini alohida, uni o'rab turgan muhitdan ajratib olingan holda emas, balki aynan (mazkur tadqiqot ob'ekti misolida bo'lgani kabi) yaxlit tizim sifatida qarashni ko'zda tutadi. Aks holda, ushbu ob'ektini o'rganish natijalari tadqiqot mahsulini emas, balki faqat ma'lum natijalarni qayd etishdan iborat bo'lib qoladi.

Dialektik mezon - shaxsning ijtimoiy munosabatlarning faol sub'ekti ekanligi to'g'risidagi etakchi falsafiy g'oyalar yangicha talqin qilish natijasida tadqiqotlar mazmuni ham vaqt o'tishi bilan o'zgarib boradi. Bu ma'noda dialektik mezon tarbiyaning etakchi mezonni sifatida o'z davrining ustuvor ijtimoiy-madaniy g'oyalari yo'naltiriladi. Foyalar maqsad, mazmun, metod va tarbiya natijalariga aylana borib, pedagogik jarayonning metodologik asosini belgilab beradi.

O'qituvchining shaxsiy va kasbiy rivojlanishi o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish jarayoni, ijodkorlik esa kasbiy faoliyatini loyihalashga bo'lgan ob'ektiv ehtiyoj sifatida qaraladi. O'qituvchining kasbiy tayyorgarlik jarayonini individual loyihalash g'oyalari kasbiy-pedagogik ta'limning ob'ektiv etakchi mezonni bo'lib qolmoqda.

Bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy ijtimoiylashtirishning tashkiliy-metodik mezonlari sifatida quyidagilar e'tirof etiladi:

Pedagogik ta'lim mazmunining shaxsga yo'naltirilganligi. Mazkur mezonning amalga oshirilishi bo'lajak o'qituvchilarni tayyorlash jarayonini quyidagi yo'nalishda o'zgartirishni ko'zda tutadi: o'qituvchining bir butun shaxs sifatida rivojlanishi, o'qituvchi ongini kasbiy faoliyati yo'nalishida qayta yo'naltirilishi hamda o'qituvchining kasbiy faoliyatiga tadbiqu etishi lozim bo'lgan ideal va qadriyatlarni o'zlashtirishi.

Pedagogik ta'lim mazmunining kasbiy faoliyatga yo'naltirilganligi. Ushbu mezon birinchidan, o'qituvchining shakllanish jarayonini loyihalashning integral tavsifida ekanligini ta'kidlaydi; ikkinchidan, uni loyihalashning aniq shakllarini belgilaydi; uchinchidan,

* Egamberdieva N.M. – ToshDO'TAU Pedagogika va psixologiya kafedrasini mudiri, p.f.d., prof.
Zoxidova S.R. – SamDU katta ilmiy xodim-izlanuvchisi.

o'qituvchining ijodiy kuch-quvvatini ishga solish yo'llarini hamda vositalarini ko'rsatib beradi, bu bilan uni pedagogika fani va amaliyot bosib o'tgan yo'lni qayta takrorlamaslikka olib keladi.

Kasbiy faoliyatning pedagogik akslanish (refleksiya) mezon. Bo'lajak o'qituvchining kasbiy ijtimoiylashuv jarayonida mazkur mezonning amalga oshirilishi o'qituvchida o'zini shaxs sifatida doimiy takomillashirib borishga bo'lgan ehtiyojni tarbiyalaydi. Buning uchun u kasbiy fikrlash, reflektiv sifatlarini rivojlantiradi, aniq kasbiy faoliyatni amalga oshirish uchun maqsadga muvofiq bo'lgan shakl va metodlarni shakllantiradi. Bu o'rinda asosiysi – kasbiy faoliyat, ya'ni maqsad, faoliyatni amalga oshirish sharoitlari to'g'risida tushunchalar, harakat dasturi, faoliyat natijalarini baholash mezonlari, faoliyat natijalarini baholashni ratsional yo'lga qo'yish holatlarining aniqlanishidir. Mazkur mezon o'qituvchi harakatlarining tavsifini hamda usullarini belgilab beradi. Buning uchun o'qituvchining pedagogik madaniyat timsoli sifatidagi kasbiy faoliyat modeli uning kasbiy xulqi uchun namuna bo'lib qoladi. Bularning hammasi o'qituvchining kasbiy takomillashuvga intiluvchanligini oshiruvchi shaxsning ma'naviy-axloqiy qarashlarini faollashtiradi.

Falsafiy kategoriya sifatida «ijtimoiylashuv» dunyoqarash bilan bog'lanadi: uning asosida har qanday buyum, voqea-hodisaga qarama-qarshiliklar birligining namoyon bo'lishi sifatida qarash yotadi; u yaralish va rivojlanishni oddiy miqdoriy o'zgarish sifatida qabul qiluvchi metafizik tasavvurlar bilan mos kelmaydi. SHaxs tushunchasining muayyan-tarixiy namoyon bo'lishining falsafiy talqini va ijtimoiy-iqtisodiy bog'lanishlaridan kelib chiqqan holda pedagogika va psixologiya uning shakllanishini jamiyat taraqqiyoti bilan uzviy bog'liqlikda qaraydi.

Tahlillarimizdan ma'lum bo'ldiki, «ijtimoiylashuv» kategoriyasi ko'proq tarbiya muammolariga bag'ishlangan pedagogik tadqiqotlarda uchraydi (Y.K.Vasilev va boshqalar). Biroq, odatda u turli ma'noda talqin qilinadi. Aksariyat holatlarda shaxs rivojlanishi quyidagi tushunchalar bilan ifodalanadi: a) turli vaziyat va sharoitlarda namoyon bo'luvchi, shaxsning ichki qarashlarini belgilab beruvchi etakchi motivlar tizimi; b) jamiyatda mavjud bo'lishning o'ziga xosligini belgilab beruvchi shaxs o'zagi, asosi; v) tashqi ta'sirlarning ichki shartlar bilan qo'shilib umumiy yo'naltirilganlikni kasb etuvchi, tashqi va ichki sharoitlar birligining ifodasi; g) motivlar, qiziqishlar, ehtiyojlar, intilishlar, g'oyalar, e'tiqodlar.

Ijtimoiylashuv insonning madaniyat, kommunikatsiya ta'siri ostida shakllanish jarayoni, bir-birlari bilan muloqotda bo'lishlarini ifodalasa, ijtimoiylashtirish tushunchasi esa, jamiyatning muvafaqqiyatli rivojlanishi uchun zarur bo'lgan namunali xulq, psixologik mexanizm, sotsial norma va qadriyatlarini o'zlashtirish jarayonidir [1]. Ijtimoiy-falsafiy, psixologik va pedagogik tadqiqotlar jarayonida shaxs ijtimoiylashuviga xos bo'lgan quyidagi holatlar aniqlangan.

1) shaxsning ijtimoiylashuvida ayrim davrlarning va bir davrdan ikkinchi davrga o'tish jarayonida ro'y beruvchi ijtimoiy omillar (mega omillar, makro omillar, mezo omillar, mikro omillar), voqeliklar hamda ularning ta'siri etakchi o'rin tutadi (J.Piaje, A.V.Mudrik);

2) bolaning kamol topishi, shaxs bo'lib shakllanishida ijtimoiy, xususan, ota-onalar va bola o'rtasidagi munosabatlar, ularning o'zaro hissiy birligi muhim ahamiyatga ega (Z.Freyd);

3) shaxs muayyan sxemalar hamda tuzilmalar yordamida boshqariladi; shu sababli uning ana shu sxema va kognitiv tuzilmalarga moslashuvi ijtimoiylashuv mohiyatini anglatadi (J.Piaje);

4) shaxs ijtimoiy ta'sirlar yordamida ilmiy bilimlar hamda kishilik madaniyati unsurlarini o'zlashtiradi, ularning negizida esa u aqliy jihatdan kamol topadi va axloqiy sifatlarga ega bo'ladi – mazkur holat shaxs ijtimoiylashuvining ustuvor jihati hisoblanadi (T.Persons, R.Beyla);

5) shaxsning ijtimoiylashuvi turli ijtimoiy tuzumlar, jamiyat rivojining muayyan davrlarida bir xil kechmaydi; har bir davri shaxsning ijtimoiylashuviga o'ziga xos ko'rinishda namoyon bo'ladi (R.Benedikt, M.Mid);

6) ijtimoiylashuv bolalikkagina xos xususiyat bo'lmay, shaxs hayotining barcha davrlarini qamrab oladi (Z.Freyd, T.Persons, R.S.Nemov)

Mazkur tushunchaning mohiyati A.V.Mudrik tomonidan berilgan ta'rifga ko'proq mos keladi: "Ijtimoiylashuv – madaniyatni o'zlashtirish va qabul qilish jarayonida insonning rivojlanishi hamda o'z-o'zini o'zgartirib borishidir" [3].

Ijtimoiylashuvning mufassal tavsifini va uning pedagogik faoliyatdagi o'rnini A.M.Stolyarenko quyidagicha keltirib o'tadi: "...Ijtimoiylashuv jarayoni o'zining sifat xususiyatlariga, tarkibiga, qonuniyatlariga, omillariga, shart-sharoitlariga, boshqarilishiga va ijtimoiylashgan insonda namoyon bo'lishiga (uning xususiyatlari, sifatleri, o'ziga xosliklari) ko'ra murakkabdir". Ana shu sababli u o'zida turli fanlar tomonidan ko'rib chiqiladigan ijtimoiylashuvning xilma-xil – madaniy, axloqiy, xuquqiy, mehnat, psixologik ko'rinishlarini aks ettiradi.

Bu holda shaxsga nisbatan sust ravishda yondashuv kuzatilmaydi, balki u ijtimoiy munosabatlarning va pedagogik tizimning sub'ekti sifatida, tajriba egallashda faollik va mustaqillikni namoyon qiluvchi hamda o'z-o'zini shakllantiruvchi, shu bilan birga o'z hayot yo'li uchun javobgarlikni his etuvchi sub'ekt sifatida qaraladi. Pedagogikaning vazifasi – insonga fikrlovchi shaxs, o'z davlatining va jahonning fuqarosi bo'lib etishishiga, jamiyatda o'z o'rnini va xulq-atvorini, o'z istak-maqsadlarini yo'nalishini anglaydigan, pedagoglar va jamiyatdagi pedagogik tizim bilan birgalikda umuminsoniy qadriyatlarni saqlash va mustahkamlashga yo'nalgan shaxs bo'lishiga yordam berishdir" [5].

ADABIYOTLAR

1. Falsafa: qomusiy lug`at (Tuzuvchi va mas`ul muharrir Q.Nazarov). – T.: Sharq, 2004. – B.173-174.
2. Слостёнин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2 ч. – М.: ВЛАДОС, 2003.– Ч.1. – С.8-9.
3. Мудрик А.В. Основы социальной педагогики.–М.: АСАДЕМ.А, 2006. – С.7.
4. Занина Л.В., Меньшикова Н.П. Основы педагогического мастерства. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2003. – Б.43.
5. Столяренко А.М. Общая педагогика. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. – С.25.

РЕЗЮМЕ

В настоящей статье даётся обзор философско-методологических проблем профессиональной социализации учителей, социализация, основные философские критерии социализации, критерии определяющие методологические идеи и взгляды, профессиональная социализация, организационно-методические становления профессиональной социализации. Авторы в своей статье освещают методологические идеи и критерии определяющие способы и пути профессиональной социализации учителей.

Ключевые слова: профессиональная социализация, критерий, историзм, логичность, диалектический критерий, учитель, человек, общество, мировоззрение, развитие, личность, процесс.

RESUME

This article provides an overview of the philosophical and methodological problems of professional socialization of teachers, socialization, socialization of the basic philosophical criteria, the criteria for determining the methodological ideas and views, professional socialization, organizational and methodical formation of professional socialization. The author in his article covers methodological ideas and criteria for determining the ways and means of professional socialization of teachers.

Keywords: professional socialization, criterion, historicism, logic, dialectical criterion, teacher, people, society, philosophy, development, individual, process.

АКТИВИЗАЦИЯ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПРОЦЕССЕ НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Эгамназарова К.С. *

РЕЗЮМЕ

С позиции современной педагогической науки в работе рассматриваются теоретико-методологические основания активизации научно-исследовательской деятельности как инновационного регулятива повышения качества профессиональной подготовки студента.

Ключевые слова: научно-исследовательская деятельность, профессиональная подготовка, инновационный регулятив, непрерывное образование, конкурентная способность, глобализация, инновационные технологии.

Значимость исследовательской проблемы активизации научно-исследовательской деятельности в процессе непрерывного образования как инновационного регулятива повышения качества профессиональной подготовки будущего специалиста обусловлена социокультурными тенденциями общественного развития в контексте глобализации, информатизации, появления новейших технологий и становления новых секторов экономики; стратегическими ориентирами вузов в рамках изменения парадигмы образования и повышения значимости самостоятельной активной познавательной деятельности каждого студента; ростом требований со стороны работодателей и потребностью студента как потребителя образовательных услуг, которому предстоит создавать и воплощать инновации. Автором в ходе теоретического анализа и практического опыта работы, связанных со снижением эффективности научно-исследовательской деятельности в процессе непрерывного образования: а) организационно-образовательные (недооценка интеграции образовательной и научной деятельности для конкурентоспособности и социальной успешности выпускника; организация научно-исследовательской деятельности без учета индивидуальных склонностей, возможностей студента, изменения профессиональной сферы, перспектив социально-экономического развития общества; неприятие преподавателем исследовательской инициативы студентов; отсутствие возможности внедрения инновационных студенческих идей, социально и профессионально значимых научных разработок в производственную сферу; недостаточность регулярных научных контактов с другими вузами; необязательный характер проведения научных исследований в свободное от учебы время и т. д.); б) личностные (мотивационная и инструментальная неготовность обучающихся к самостоятельной научно-исследовательской деятельности; неполная информированность о целевых ориентирах научной работы; нехватка времени; исследовательская пассивность; недостаточная исследовательская грамотность и др.).

В исследовании уточнены основные концептуальные положения: а) активизация научно-исследовательской деятельности будет выступать как комплексная система инновационных организационно-педагогических мер, осуществляемая во взаимоупорядоченной, целенаправ-

ленной деятельности субъектов образования. Она должна повышать уровень осмысления, личностной и профессиональной значимости исследовательской работы, развивать у студентов склонности к поисковой, исследовательской деятельности, формировать навыки самостоятельного проведения исследований; б) замысел базируется на идее оказания компетентной помощи и поддержки инициатив студентов в определении своих научно-исследовательских интересов и нахождения оптимальной области для исследовательской самореализации; выстраивания взаимосвязи научно-исследовательской деятельности с будущей профессиональной областью; в) при активизации научно-исследовательской деятельности в процессе непрерывного образования в качестве ведущих принципов выступают: принцип последовательности (учет вида научно-исследовательской деятельности и возраста студента); поуровневости (включение в управление научно-исследовательской деятельностью всех уровней организации работы вуза с учетом степени подготовленности каждого студента к научно-исследовательской деятельности, его интересы, склонности, способности и возможности); временного развития (определение временного промежутка для каждого студенческого исследования, этапов подготовки, организации и проведения, зоны рисков); разнообразия (вариативность тематики научно-исследовательской деятельности, кооперации научных руководителей, исследовательских групп, многообразия форм представления результатов); постоянного совершенствования (непрерывность развития научно-исследовательской культуры студентов, совершенствования и продолжения научно-исследовательской деятельности для достижения более высоких результатов); г) реализация субъект-субъектного взаимодействия «преподаватель– студент– социальные партнеры – студент» на основе содействия, сотворчества, взаимоприятия и взаимоподдержки.

Программно-технологическое обеспечение активизации научно-исследовательской деятельности как инновационного регулятива повышения качества профессиональной подготовки студента представлено в рамках определенных компонентов: а) компонент интерактивного взаимодействия субъектов образования и организация работы с исследовательскими продуктами, создание учебной

* Эгамназарова К.С. – Замдиректор по учебной части специализированной школы-интерната «Искусство» Сырдарьинской области.

инфраструктуры (обучаемые, тьюторы, социальные партнеры, работодатели, практики); б) материально-технологический компонент, рассматриваемый как совокупность предметных и материальных условий научно-исследовательской деятельности (работа со статистическими программами, восприятие и обработка информации, включение в локальные, региональные, глобальные сети, телекоммуникации и Интернет); в) предметно-методический компонент, включающий систему сопровождения образования и самообразования, возможность выбора исследовательских тем, использование программ поддержки обучаемых, обратную связь, учет особенностей открытого дистанционного образования разных уровней и т. д.; г) организационно-технологический компонент, определяющий систему средств и условий организации работы в информационной среде, наличие организационных форм открытого образования; д) организационно-управленческий компонент, включающий административно-управленческий аппарат, профессорско-преподавательский состав, которые строят свою деятельность с целью повышения качества профессиональной подготовки студента.

Прикладной аспект программно-технологического обеспечения активизации научно-исследовательской деятельности как инновационного регулятора повышения качества профессиональной подготовки студента реализуется посредством совокупности инновационных форм, методов, приемов организации работы с обучающимися в информационной среде: визуальные видеокейсы «Учимся исследовать»; инфореализ «Исследова-

тельские инновации в Узбекистане и за рубежом» для обмена новостями, информацией, накопленным опытом.

В контексте инновационного характера программно-технологического обеспечения акцентируется внимание на определенные виды Интернет-источников, которые реализуются в ходе активизации научно-исследовательской деятельности студента и определяют успешность его профессиональной подготовки: представлен список Интернет-сайтов по изучаемой научной проблематике; мультимедиа список мультимедийных ресурсов со ссылками на научно-исследовательские проекты, аудиофайлы, видеоклипы, графическую информацию; трежа хант включает ссылки на сайты по изучаемой научной проблематике; сабджект сэмпла—обсуждение острых социальных и дискуссионных исследовательских тем, содержит ссылки на текстовые и мультимедийные материалы; вебквест представляет сценарий организации проектной деятельности студентов по любой изучаемой теме с использованием Интернет-ресурсов.

Таким образом, активизация научно-исследовательской деятельности в процессе непрерывного образования является определяющим фактором в профессиональной подготовке нового поколения, квалифицированно реализующего научные стратегии познания, способного работать по новым программам и технологиям в условиях реальной свободы выбора информации и вариантов решения сложных профессиональных задач, самостоятельно и систематически учиться в постоянно изменяющихся условиях.

ЛИТЕРАТУРА

1. Кочемасова Л. А. Концептуальные основы активизации научно-исследовательской деятельности как инновационного регулятора повышения качества профессиональной подготовки студента // Синтез науки и общества в решении глобальных проблем современности: в 3 ч. – Ч. 3 Уфа: МЦИИ ОМЕГА САЙНС, 2016. – С. 105–108.
2. Марон А. Е., Л.Ю.Монахова. Структурно-содержательная модель программно-технологического сопровождения образования взрослых // Человек и образование. – 2015. – Вып. №1 (42). – С. 34–36.
3. Рахимов Б.Х. Роль научно-исследовательской работы в подготовке высококвалифицированного специалиста // Международный научный журнал.международной академии наук. 2008.№1 г.Балашов.С-28-30.
4. Сысоев П. В. Теория и методика использования информационных и коммуникационных технологий в обучении иностранному языку: учеб.-метод. пособие. – Тамбов: Издательский дом ТГУ им. Г.Р. Державина, 2012. – С.254.

РЕЗИОМЕ

Мазкур мақолада замонавий педагогика фанининг методологик нуқтаи назарларга асосланган ҳолда илмий тадқиқот фаолиятини янада фаоллаштириш, талабаларнинг профессионал тайёргарлик сифатини ошириш йўллари инновацион регулятив сифатида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: илмий-тадқиқот фаолияти, профессионал тайёргарлик, инновацион регулятив, узлуксиз таълим, касбий тайёргарлик, рақобатбардош, инновацион технологиялар.

RESUME

The work from the perspective of modern pedagogical science examines theoretical and methodological foundation to enhance research activities as an innovative and regulators to improve the quality of vocational training of students.

Key words: research activities, innovative regulative.

**ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА УНИНГ ОЛИЙ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ВАЗИФАЛАРИ**

Юлдашев Р.Д. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу илмий мақолада таълим тизимининг асосий субъекти бўлган профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги, унинг олий таълимни ривожлантиришидаги мақсад ва вазифалари ёритилган. Шунингдек, “компетентлик” тушунчасига фалсафий таъриф берилиб, унинг шахсий, методик, креатив, инфорацион, инновацион турларининг мавжудлиги, улар ўртасидаги функционал боғланишлар ҳамда бажарадиган вазифалари ҳақида илмий фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: компетентлик, касбий компетентлик, шахсий компетентлик, методик компетентлик, креатив компетентлик, инфорацион компетентлик, инновацион компетентлик, компетентлик предмети, компетентлик фаолияти, компетентлик субъекти, инновацион таълим, таълим тизими, олий таълим.

XXI асрга келиб, дунё халқларининг ҳаётида кечаётган глобаллашув жараёнлари, жаҳон таълим тизими олдига меҳнат бозорини юқори даражадаги интеллектуал салоҳият ва профессионал тайёргарликка эга бўлган рақобатбардош мутахассис кадрлар билан таъминлаш вазифасини қўйди. Чунки, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган юқори малакали мутахассислар жамият ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида вужудга келган ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда одамларининг эҳтиёжларини минимал даражада иш кучи сарфлаб максимал даражада қондира олиш қобилияти билан бошқалардан ажралиб туриши, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам И.А.Каримов “Биз олдимизга қандай вазифани қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ” [1], деган эдилар. Бу вазифани бажариш билан эса бевосита олий таълим муассасалари шуғулланади. Аниқроқ қилиб айтганда “Таълим тўғрисида”ги қонунда белгилаб қўйилганидек: “Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди” [2](14-модда). Демак, глобаллашув шароитида олий таълимда битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатини ҳар томонлама яхшилаш эвазига меҳнат бозорларидаги талабга жавоб берадиган рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳар қандай олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ишни амалга ошириш эса олий таълим даргоҳларида талабаларга таълим-тарбия бераётган профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Хўш, шундай экан профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги нима ва у қандай мезонларга қараб аниқланади, деган савол туғилади. «Компетентлик» [лотинча «competens» – мос келиш; лаёқатли, муносиб бўлмоқ] деган сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилида: 1) бирон бир фаолият юритиш талабларига мос келиш; 2) бирон бир нарса ҳақида мулоҳаза юритиш учун етарли билимга эга бўлиш; 3) муайян орган ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доираси; 4)

ваколат; 5) шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси деган маъноларни англатади [3]. Шундан ҳам кўришиб турибдики, «компетентлик» бир томондан, шахснинг бирор ишни бажариш борасидаги қобилиятини, иккинчи томондан эса, унга берилган ваколатлар доирасини ўзида ифодаловчи тушунчадир. Бу тушунча ўзбек тилида қўлланиладиган «лаёқат» тушунчасига қараганда кенг қамровлидир. *Компетентлик – бу шахснинг бирор-бир соҳада бирор ишни бажаришига бўлган қодирлик қобилияти ва шунга қараб расмий ёки норасмий равишда бериладиган ваколатлар доираси бўлса, лаёқат эса бирон бир шахснинг бирор ишни бажаришига бўлган қодирлик қобилияти ҳисобланади.*

Компетентликда *лаёқатлилик* ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу шахс ва жамият томонидан бажарилаётган иш-фаолиятининг вақти, ҳажми, мазмунига қараб турли хил шакл ва даражаларда намоён бўлади. Масалан, тиббиёт соҳасида даволаш ишлари билан шуғулланаётган врач-терапевтнинг беморларни даволашдаги касбий компетентлиги, *биринчидан*, тиббиёт ва ўз касбига оид назарий билимларни эгаллаганлик даражаси; *иккинчидан*, ана шу билимларни замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиб даволаш ишида қўллай билиш лаёқати; *учинчидан*, турли касалликларини даволаш амалиётини ўтказиш бўйича расмий ваколатга эгалиги; *тўртинчидан*, даволаш натижасида беморнинг шифо топиш кўрсаткичлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий шифокорлик билан шуғулланувчи табибларнинг касбий компетентлиги ҳақида: “Табиб ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши; беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиши; асли тиб илмига табиати келишмоғи, донишмандлар сўзига риоя қилиб, уларга эргашмоғи; мулоим сўз ва бемор кўнглини кўтарувчи, андишали, хушфезл бўлмоғи керак. Ўткир ва шафқатли табиб Исога ўхшайди. Исонинг иши чиққан жонни дуо билан танга киритиш бўлса, бунинг иши эса тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан чиқармасликдир. Бундай табибнинг юзи хасталар кўнглида севимлидир; сўзи эса, беморлар жонига ёқимлидир. Унинг ҳар бир нафаси беморларга даво, ҳар қадами эса, хасталарга шифодир. Унинг юзи нажот келтирувчи Хизрни, берадиган шарбати эса тириклик сувини эслатади.

* Юлдашев Р.Д. – СамДУ мустақил изланувчиси.

Табиб агар, ўз касбида моҳир бўлсаю, аммо ўзи бадфеъл, бепарво ва қўпол сўз бўлса, беморни хар қанча муолажа қилганда ҳам, бари-бир унинг миждозиди ўзгариш пайдо қила олмайди. Табобат фанидан саводсиз табиб худди жаллоднинг шогирди кабидир. У тиг билан ўлдирса, бу захар билан азоблайди. Шубҳасиз, жаллод бундай табибдан яхшироқдир: зеро, у гуноҳкорларни ўлдирди, бу эса бегуноҳларни ҳалок қилади. Ҳеч гуноҳкор жаллод қўлида хор бўлмасин; ҳеч бир бегуноҳ касалманд бундай табибга зор бўлмасин” [4], деган эди. Ушу мисолдан ҳам кўриниб турибдики, дунёда инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган қанча касб-ҳунар бўлса, шунчалик уларни ҳаракатга келтирувчи муайян касбий билим ва кўникмаларга эга бўлган субъектлар ҳам мавжуддир. Шуларнинг ичида энг фахрлиларидан бири – бу ўқитувчилик касбидир. Олий ўқув юртида ўқитувчилик қилиш эса шу касбнинг чўққисидир. Бу чўққини фақат юқори даражада касбий компетентлик эга бўлган мутахассисгина забт этиши мумкин.

Олий таълим даргоҳида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ўрганиш зарурати хар бир профессор-ўқитувчининг:

биринчидан, давлат томонидан таълим-тарбия соҳасида юритилаётган сиёсатини тўғри англаши, унинг талабларини пухталиқ билан бажаришга қодирлиги;

иккинчидан, жаҳонда ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши, ривожланиши билан боғлиқ бўлган нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг қандай кечаётганлигидан хабардорлиги;

учинчидан, хар бир янги ахборотнинг мағзини чақиб, улардан тўғри мантикий хулоса чиқара олиши;

тўртинчидан, чиқарилган хулосалар асосида янгидан ҳосил қилинган билимларни талабаларга ўқитишнинг илғор усулларини қўллаш асосида тезликда етказиб бериш орқали уларни етук мутахассис қилиб тарбиялаш каби қобилиятларининг бор ёки йўқлигини билиши;

бешинчидан, ўзига берилган ваколатлардан тўғри фойдалана билиши, яъни, ваколат доирасида ҳаракат қилиши ва ниҳоят, олтинчидан, улар томонидан қилинаётган меҳнатни адолатли тарзда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ишларини ташкил этиш зарурати билан ифодаланади. Шунга кўра, профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги деб, хар бир профессор-ўқитувчининг муайян ихтисослик бўйича эгаллаган мутахассислиги даражаларига қараб, берилган ваколатлар доирасида, талабаларга таълим-тарбия бериш, касбга йўналтиришдаги фаолиятида ўз қобилиятларини намойиш қилишларига айтилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги ҳақида фикр юритганда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

1. Компетентликни профессор-ўқитувчининг шунчаки билими, кўникмаси, малакаси, тажрибаси, шахсий ва касбий сифат-фазилатларининг тўплами деб эмас, балки, ўзаро тизимли алоқадорликда

мавжуд бўлган билим, кўникма, малакаларни ўзида бирлаштирган тизимли таълимдан иборат бўлган фаолиятдир деб қараш керак.

2. Компетентлик фаолият сифатида бевосита ўзининг ташувчиси бўлмиш субъект фаолияти – профессор-ўқитувчининг шахси билан боғлиқдир. Бу бир томондан, субъект ҳисобланмиш профессор-ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатлари компетентлик ишлаш механизмига таъсир ўтказиб, унинг характери, бажариш даражасини, натижаларини белгилаб беради. Иккинчи томондан, компетентлик фаолияти объектив ҳодиса сифатида профессор-ўқитувчининг шахсий ва касбий фазилатларига ўзининг таъсирини ўтказиди, яъни унинг жисмоний ва маънавий вужудида бир қатор сифатий ўзгаришларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

3. Профессор-ўқитувчининг ўз касбий компетентлигини амалда қўллаш жараёни, одатда субъектларнинг лаёқат фаолияти сифатида биринчи галда унинг онгига қандайдир «маънавий образ»лар шаклида гавдаланиб, у касбий вазифани амалда бажаришида тахминий мўлжал функциясини ўтайди. Ана шу «маънавий образ»ларнинг вужудга келиши, шаклланиши, ривожланиши, келгусида профессор-ўқитувчилар компетентлигининг мазмунини, таркибий тузилишини ва ривожланиш йўналишларини белгилаб беради. Шу сабабли профессор-ўқитувчиларнинг онгида компетентликнинг «маънавий образ»ларни шакллантириш ишлари доимо мунтазам равишда ўқитилаётган субъектлар – талабалар, тингловчилар ва шу кабиларнинг таълим-тарбия борасидаги натижаларини яхшилаш ишига йўналтирилган бўлиши лозим.

Профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги олимларнинг фикрига кўра фаолиятлилик, предметлилик ва субъектлилик компонентларидан [5] тузилган бўлиб, уларнинг хар бири компетентликнинг у ёки бу қирраларини очиб беради.[6]

1. *Профессор-ўқитувчи касбий компетентлигининг предметлилик компоненти* – бу таълим-тарбия жараёнида профессор-ўқитувчининг эътибори қаратилган ўқув предметлари ва ушбу предметларни ўзлаштираётган талаба, тингловчилар ташкил қилади. Бу предметларнинг сони, уларни ўқитиш ва ўзлаштиришга қўйилган талаблар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган бўлади. Масалан, Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларига мувофиқ бакалаврият йўналиши бўйича ўқитиладиган фанлар: гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий; математик ва табиий-илмий; умумкасбий, ихтисослик блоklarига ажратилган [7]. Компетентликнинг предметлилик компонентининг таркибий тузилиши ўз ичига қуйидаги учта «махорат», «билим», «малака» элементларини олади. Бу элементлар ўртасидаги тизимли ўзаро алоқаларни билиш натижасида профессор-ўқитувчида қайси бир предметни ўқитиш бўйича керакли билимларни тўплаш, кўникмаларни ҳосил қилиш бўйича режалар тузиш, уларнинг қайси бирини кетма-кетликда ўқитиш, нечта одамга неча

соат дарс бериш, қандай усуллар орқали дарс ўтиш каби тасаввурлар ҳосил бўлади.

2. *Профессор-ўқитувчи касбий компетентлигининг фаолиятлилик компоненти* – бу профессор-ўқитувчининг иш-фаолиятида ўзининг касбий лаёқатини намойиш этишга қаратилган хатти-харакатларининг таркибий тузилишини ва уларнинг мазмунини ўзида мужассамлаштирган бир тизим ҳисобланади. Бу тизим таркибий тузилишига кўра мотив, мўлжал, режа, амал, назорат, баҳолаш, коррекция, рефлексия каби босқичларни ўз ичига қамраб олади. Улар ўртасида тизимли ўзаро алоқадорлик мавжуддир.

3. *Профессор-ўқитувчи касбий компетентлигининг субъектлилик компоненти* – бу ўқитувчининг ҳаётдаги мақсад ва интилишларини, шахсий ва касбий фазилатларини, ахлоқий-маънавий кадрларини ўзида мужассамлаштирган одамийлилик хусусиятларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, у бир бири билан узвий алоқадорликда бўлган икки йўналишда намоён бўлади. Бу бир томондан, ўқитувчининг шахсий хислатларининг ривожланишига ўзининг таъсирини ўтказиб касбий сифатларининг ривожлантиришдаги миқдорий йўналишга эга бўлган бир катталик сифатида бевосита касбий лаёқатини намойиш қилиш жараёнида кўзга ташланади. Иккинчи томондан эса, профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентликларини мақсадга мувофиқ тарзда ривожлантириш, ҳар бир профессор-ўқитувчининг касбий сифатларида ўзгаришларнинг пайдо бўлишига чорлайди, бу эса ўз навбатида профессор-ўқитувчининг шахсий одамийлик сифатларининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ёндашув бўйича олимлар шахсий, методик, креатив, инфорацион, инновацион турларга ажратишади.

Бунда: «Шахсий компетентлик – шахснинг ижтимоий дунёқараши, илмий ва интеллектуал салоҳияти, креативлиги, шахслараро мулоқот-муносабатларига фаол кириша олиши, конфликтларни ҳал этишга тактик ёндашуви, касбий фаолият талабларига мувофиқ шахсий ва касбий сифатларининг шаклланганлик даражаси, фаол ҳаётий ва фуқаролик позициясининг қарор топганлиги каби мезонлар билан белгиланади.

Методик компетентлик – ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнларини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини билиш, ўзлаштириш, амалда қўллаш, касбий фаолиятнинг халқаро тажрибаларни ўрганиш, ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш, муваффақиятли амалга ошириш кўникмалари билан тавсифланади.

Креатив компетентлик (инглизча «сcreate» – яратувчанлик, ижодкорлик) – янгилик яратиш, ижодкорлик, ташкилотчилик каби кўникмаларга эга бўлишдир. Креатив компетентлик фақат янги гояларни яратиш учунгина эмас, балки шахснинг ҳаёт тарзи ёки ички дунёсининг ривожланишида муҳим ўрин тутати.

Инфорацион компетентлик – замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида

шахсий ва касбий фаолияти билан боғлиқ маълумот, ахборотларни мустақил излаш, таҳдил қилиш, танлаш, қайта ишлаш ва зарурий ахборотларни узатиш кўникмаларининг шаклланганлик даражасидир.

Инновацион компетентлик – таълимдаги инновацион жараёнлар моҳиятидан хабардорлик, касбий фаолият соҳаси ва тегишли таълим йўналишидаги инновацияларни ўзлаштириш, амалиётга фаол татбиқ этиш, замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги саводхонлик, чет тилларни ўзлаштириш, новаторлик фаолиятида кўринади» [8].

Компетентликнинг мазкур турлари бир бирлари билан ўзаро тизимли алоқадорликда бўлиб, уларни мажмуавий тарзда татбиқ этишнинг олий таълимни ривожлантиришдаги ўрни куйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, касбий компетентликни амалда намойиш этиш профессор-ўқитувчилар касбий тафаккурнинг тизимли равишда ривожланишига олиб келади. Касбий тафаккурнинг тизимли равишда ривожланиши эса олий таълимнинг малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги истикболларини белгилашда эвристик вазифани бажаради.

Иккинчидан, касбий компетентлик профессор-ўқитувчининг ўз устида тинимсиз ишлашига: дарсларда бировлар томонидан ишлаб чиқилган тайёр материаллардан кўр-кўрона фойдаланмаслик; ўқитишда ўзининг йўл қўйган хатоларининг сабабларини билиш; ўқув жараёнда янги инновацион таълим технологияларидан унумли фойдаланиш; талабанинг сифатли билим олишларини таъминлаш учун барча касбий педагогик маҳоратларини ишга солиш; илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳасида бўлаётган янгиликларни ўз вақтида талабаларга етказиш; талабаларни шахсий наъмуна кўрсатиш асосида тарбиялаш каби фазилатларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишига олиб келади. Касбий компетентликдаги фаоллик – олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанларнинг дифференциаллашув ва интеграллашув қонуниятларини очиш эвазига пайдо бўлаётган янги билимларнинг фан ва ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ўрнини белгилашда ўзига хос бўлган назарий ва амалий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда иш кўради. Касбий компетентлик фаолиятидаги ёндашувларнинг мазмуни ва моҳиятига қараб олий таълимда юксак малакали кадрларни тайёрлаш ишлари янги босқичга кўтарила боради.

Учинчидан, касбий компетентлик педагогик вазиятларни ҳал этиш ва педагогик вазифаларни бажаришда тизимли равишда фаолият олиб боришни таъминлайди. Тизимли фаолият эса бир томондан, малакали мутахассисларни тайёрлашда олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини тадрижий равишда босқичма-босқич амалга оширишга, иккинчи томондан эса, назарий билимларни амалиёт билан бевосита боғлаган ҳолда битирувчи талабанинг касбий жиҳатдан муайян кўникмаларга эга бўлиши учун етарлича замин

хозирлайди. Эгаллаётган касби бўйича юқори билим ва муайян кўникмаларга эга бўлган битирувчи эса олий ўқув юртининг таълим тизимидаги нуфузини кўрсатади. Нуфузли олий ўқув юрти эса олий таълимни ривожлантиришда яловбардорлик вазифасини ўтайди.

Олий таълим муассасаларида профессор-

ўқитувчиларнинг компетентлигини аниқлаш бўйича ҳар ўқув йилининг охирида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича мониторинг олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Тавсия қилинаётган мезон содда тузилган бўлиб, профессор-ўқитувчининг бутун касбий фаолиятини ўзида акс эттиради.

Амалий тавсия

**ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ
(Намунавий лойиҳа)**

1. Олий ўқув юртининг номи: *Самарқанд давлат университети*
2. Факультет: *Тарих*
3. Кафедра: *Миллий ғоя, фалсафа, маънавият ва ҳуқуқ асослари*
4. Фамилияси, исми, шарифи: *Олтинбоев Рўзибой Қўлдошевич*
5. Лавозими: *Катта ўқитувчи*

Т/Р №	Мезонлар	Баллар	Асослар
1.	Илмий даражаси: фан доктори, фан номзоди	1,0	Диплом
2.	Илмий унвони: профессор, доцент	1,0	Аттестат
3.	Мутахассислиги: фалсафа ўқитувчиси	1,0	Диплом
4.	Педагогик фаолияти (5 йилдан ортқ бўлса)	1,0	Маълумотнома
5.	Очиқ дарс: Маъруза (ўқув йилида бир марта)	1,0	Илмий – услубий кенгаш қарори
6.	Очиқ дарс: Амалий (семинар) машғулот (ўқув йилида бир марта)	1,0	Илмий – услубий кенгаш қарори
7.	Ёзган ва нашр этган илмий-услубий ишлар: (ҳар бири учун)		
	– Дарслик (кейинги уч йил ичида)	1,0	Бир нусхаси
	– Ўқув қўлланма (кейинги уч йил ичида)	1,0	Бир нусхаси
	– Ўқув-услубий қўлланма (ўқув йили давомида)	0,5	Бир нусхаси
	– Монография (кейинги беш йил ичида)	1,0	Бир нусхаси
	– Илмий мақола(кейинги икки йил ичида)	1,0	Бир нусхаси
	– Илмий тезислар(ўқув йили давомида)	0,5	Бир нусхаси
8.	Диссертация ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик(ҳар бир иш учун)	1,0	Кафедра йиғилишининг қарори
9.	Хорижий тилларни билиш даражаси (рус, инглиз ва бошқа тиларни эркин билиши бўйича) (ҳар уч йилда бир марта)	1,0	Имтиҳон комиссиясининг хулосаси
10.	Компьютерни амалда ишлати билиш бўйича (ҳар ўқув йилида бир марта)	1,0	Имтиҳон комиссиясининг хулосаси
11.	Миллий истиклол ғоясини билиш бўйича (ҳар ўқув йилида бир марта)	1,0	Имтиҳон комиссиясининг хулосаси
	Жами	15 балл	

Изоҳ: 1. Профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини аниқлаш бўйича олий ўқув юртида махсус комиссия тузиш керак.

2. Комиссиянинг чиқарган қарорлари тавсия характерига эга бўлиб, у профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиши лозим.

3. Комиссия қарорига кўра профессор-ўқитувчини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласи ҳал этилиши лозим. Ана шу мезонлар бўйича 90%, жами 13 балл тўплаган профессор-ўқитувчиларнинг малака оширишга боришлари шарт эмас. Айниқса, фан докторлари, профессорлар, доцентлар, фан арбоблари, хизмат кўрсатган ўқитувчилар ва мураббийлар. Чунки,

малака оширишга масъул бўлган таълим муассасаларида баъзида профессионал жиҳатдан касбий малакаси кам ёки йўқ бўлган ўқитувчилар ҳам ишлайдилар.

4.Уч йил мунтазам равишда касбий компетентлик мезонлари талабларини бажарган профессор-ўқитувчилар ҳукумат ордени, медалларига тавсия қилиниши лозим.

5.Уч йил ичида касбий компетентлик мезонлари бўйича йилига ўртача 60%, жами 9 балл тўплай олмаган профессор-ўқитувчилар малака оширишга юборилиши ёки бошқа ишга ўтказилиши шарт қилиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

6. Бу мезонлар бўйича профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини аниқлаш масаласи: кафедра йиғлиши + факультет кенгаши + илмий-услубий кенгаш+катта илмий кенгаш (Формула тарзида қуйидагича ифодалаш мумкин: КЙ >– ФК >– ИУК >– КИК) қарорлари асоси амалга оширилади. Бу эса олий таълимнинг демократлашувига ва шу асосда мустақил фаолият олиб боришига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.Т.7.– Т.:”Ўзбекистон”, 1999. – Б.381.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Таълим тўғрисида//Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.:«Адолат», 2008.– Б.39.
3. Словарь иностранных слов.– М.: Рус.яз.,1985.– С.241.(608 с.), Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Ж.2. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.– Б. 396.
4. Навоий Алишер. Махбуб ул-қулуб (Қалблар севгиси). –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1963.–Б.25.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Ж.2. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.– Б.397.
6. Коломиец О.М. Деятельностная основа профессиональных компетенций преподавателя высшей школы // Вест.Моск. ун-та.Сер.20.Педагогическое образование.2015. №2.– С.15.
7. Ўзбекистон давлат стандарти. Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти.// Таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.:«Адолат», 2008.– Б.205.
8. Ишмухамедов Р.,Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.:«Fan va texnologiya», 2014.– Б.8-9.

РЕЗЮМЕ

В данной научной статье освещены профессора-преподаватели как субъект системы образования, их профессиональная компетенция, цели и задачи в развитии высшего образования. Дано философское определение понятию “компетенция”, указаны ее личные, методические, креативные, информационные, инновационные виды, задачи и межфункциональные связи.

Ключевые слова: компетенция, профессиональная компетентция, личная компетентция, методическая компетентция, креативная компетентция, информационная компетентция, инновационная компетентция, инновационное образование, система образование, высшее образование.

RESUME

In this article covered high school teachers as subject of system education, their professional competence, goals and tasks in development of high education. Also it is given philosophical definitions for conceptions as “competency” directed it personal, methodical, creative, informational, innovational types, goals and inter functional relations.

Key words: competency, professional competency, personal competency, methodical competency, creative competency, informational competency, innovative competency, innovative education, system of education, high education.

ЖАДИД ВА ҚАДИМ МУАММОСИДА ДУНЁВИЙ ИЛМ МАСАЛАСИГА ОИД

Юсупова Д.Д. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола ўтган асрдаги Туркистон ижтимоий ҳаётида етакчи оқим саналган жадид ва қадим муаммосига бағишланган. Ушбу мақолада дунёвий таълимга бўлган муносабат ёритилган. Шунингдек, мақолада ватанимиз ҳудудида илм-фан соҳасида амалга оширилган янгиликлар фактик далиллар асосида кўрсатиб берилган.

Калим сўзлар: жадид, қадим, эски мактаб, янги мактаб, мадраса.

Мактаб қўлингни тутдими, бошлар ҳидоятга,

Мактаб раису раҳбаридур дин, миллатинг.

Абдулла Авлоний

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: “Айни вақтда бугунги мураккаб ва шиддатли замонда жаҳонда ўз ўрнини топишга интиладиган ҳар қандай халқ ва миллат умумбашарий тараққиёт ютуқларини ҳар томонлама чуқур ва пухта эгаллаши шартлигини барчамиз яхши тушунамиз. Буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий ўтган асрнинг бошидаёқ “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”, деган ҳаққоний фикрлар билан Туркистон аҳлининг онгу шуурини уйғотишга даъват этгани бежиз эмас, албатта. Бу сўзларнинг қанчалик ҳақиқат эканини бугунги юксак тафаккур ва технологиялар замони ҳам исботламоқда” [1:94-95].

Дарҳақиқат, жадид зиёлилари таълимотидаги дунёвий илм концепцияси ўз даврида миллий модел кўринишидаги контекстга эга бўла олмаслиги табиий ҳол эди. Собик иттифок тузумининг истило сиёсати даврида ёш кадрлар таълим - тарбиясида тарихий онгда ва ўзликни англашда миллий руҳият, кадриятни илгари қўювчи мақсад етакчи йўналиш касб эта олмас эди. Янги усул мактабларини жорий қилиш ҳақидаги ғояларда ўтган икки аср бўсағасидаги асосий муаммо мадраса таълими ва дунёвий илмни олиб киришдаги диний ақидавий ёндошув, янги таълим тизими вужудга келишидаги муҳит хусусияти яққол акс этади.

Маълумки, “жадид” сўзи арабча “янги” деган маънони англатиб, **усули жадид** эски мактабдаги тартиб ва ўқитиш усуллари ўрнига жадидлар жорий қилган янги тартиб ва таълим-тарбия усули; бу усул жумладан хат-савод чиқаришда ҳижо системаси ўрнига товуш системасини киритган [2:270]. “Қадим” сўзи эса “эски”, “илгариги”, “олдинги” деган маъноларни англатиб, “жадид” ва “қадим” бир-биридан кескин фарқ қилувчи қарама-қарши тушунча сифатида ижтимоий тизим механизми шаклланишида ҳал этувчи оппозитцион тарафларни ўзида намоён қилган. Бунинг моҳияти мадраса тизимидаги диний таълим сифати ва жамиятга татбиқ этилиши зарур бўлган дунёвий таълимнинг кириб келиши ҳолатида кўринган.

Қон-қонига фақатгина диний илм эгаллаш, охиратни ўйлаш каби тасаввурлар билан йўғрилган халқ учун бу ҳаракатнинг мақсади ғайритабиий туюлди ва буни миллатнинг ўзи ҳам қабул қила олмади. Ўтган аср бошларидаги матбуот саҳифаларида ҳам бу масалага оид бир қанча

танкидий мақолалар эълон қилина бошланди. Хусусан Абдуллоҳ аш-Шошийнинг “Жадид ва қадим надур?” номли мақоласида жадидчилик моҳияти ва мақсади таҳлил қилинган, “маъноси динга ривож бермак ва миллат исломияни тараққий қилдирмак усулидир ва бул усул борки усул ва мақбул онла маъқулдир. Бинобарин Ҳазрат имом Раббонийнинг маждуд алаф сани дерлар яъни сунна ҳажрининг иккинчи мингида. Дин мўминни жадид қилгучи ва онга ривож ва нусрат бергучи деганларидур у ҳам ҳадисда келубдурки бу ҳадиси шарифнинг мазмуни улдурки (такик ила толеъ хазрати юборур ва ичида қилур ушбу уммат мархуманинг нафи учун ва дин исломнинг ривож ва тараққийси учун ҳар юз йил бошида бир кишиники жадид ва тоза қилур дин мўминни ушбу уммат учун). Олимларнинг кўплари ушбу ҳадисдан андоза фаҳим қилибдурларки мунда мурод ила толеъ онни замона аҳлисидан мумтоз қилур. Токки динни жадид қилиб миллатга нусрат берғой ва суннатга тақуби ва ривож беруб одат ва ибодатни азала махву қилгай илм ва маорифни нашр қилиб калима исломни ила ва баланд қилгай” [3:1].

Тарихдан маълумки, янгилик ҳеч қачон осон қабул қилинмаган. Ҳар қандай ислоҳот ҳамиша қаршиликка учрайди. Ўтган асрдаги бу вазиятни фалсафадаги қарама-қаршилик қонуни, яъни ўзаро кураш фалсафаси, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш – эскидан янгига ўтиш дея баҳоласак тўғри бўлади. Бундай ҳолатни жадидчилик ҳам четлаб ўтмади. Маърифатчилик ҳаракати аъзоларига нисбатан таъна тошлари отилди. Жадидчиларни халқ, айниқса руҳонийлар кофирликда, динсизликда айблади.

Диний экстремистларнинг жадидларни ҳам, янги усулдаги мактабларда рус тилини ўрганишга чақираётганларни ҳам, ғарб демократияси намуналарини ўзлаштиришга интилаётганларни ҳам кофирликда айблаши муносабати билан муфти М.Бехбудий жадидчилик ҳаракати илк қадамларини қўяётган пайтдаёқ салмоқли диний далиллардан фойдаланиб, айбларнинг асосизлигини кўрсатиб берди. У европача кийимларни кийиш, уйига тахтадан пол қилиш, томини темир тунука билан ёпиш ва, ҳатто, стол-стуллардан фойдаланишни ҳам диндан чекиниш деб ҳисоблайдиганларни ҳам шош этди [4:87]. Руҳонийлар, эскилик тарафдорлари эса, уларга нисбатан адоват уруғини ёйишга ҳаракат қилдилар.

* Юсупова Д.Д. – Тошкент ОХТБЮ “Гуманитар ва ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси.

Эскилик тарафдорларининг аксарияти дин пешволари, имомлар, домлалар, муллалар, рухонийлар бўлиб, уларнинг эътирозидан манфаатдан келиб чиққан кизиқиш бор эди. Чунки улар маҳаллий халқдан келадиган даромаддан маҳрум бўладилар, эски мактабларда ўқийдиган болаларнинг сони камаяди. Бу эса, албатта мулла-имомларни ташвишга солади. Шунинг учун улар янги усулдаги мактабларни ёпилиши учун бор куч-имкониятларини сафарбар этадилар.

Жадидлар очган мактабларга мусулмонлар болаларини юбормай қўйганликлари учун "... бизим халқнинг муҳаббатини жалб қилиш учун мактабларда дин дарслари бўлсин. Муаллимлар расмий соатлардан бошқа бир соат-ярим соат дин дарсини берсалар" [5:108] шундагина мақсадга етиш осонроқ бўлишини тушуниб етдилар. Зеро муфти Маҳмудхўжа Бехбудий айтганидек, "Зотан, исломият шундай бир дини матин ва қобили тараққийдурки, на қадар илми замоний кўб ўқуса, инсонни яна дини исломга шунча ақидаси мустаҳкам бўлур" [6:170].

Миллатнинг тараққиёти ва равнақи учун курашган маърифатпарвар Хожи Муиннинг "Эски мактаб, янги мактаб" асарида ҳам жадидчиларга нисбатан адоват, норозилик мулла ва домлалар томонидан билдирилган эътироз баён этилади: "Бу усули жадид қайси гўрдан чиқиб, бошимизга бало бўлди! Жадидчилар чиқмасдан илгари мактабимизда болалар кўбликдан сиғишмай, зўрға ўтура эдилар. Ҳафтада бирта нашриҳ боғлаб олардук. Хайр, бу абжаддаророн, курьондаророн, китобдаророн, озодликнинг ҳадду ҳисоби йўқ эди. Ҳар ҳафта панжшанбалик нонидан тоқчалар тўлуб ётар эди. Еганимиз олдимизда, емаганимиз орқамизда эди. Энди бу усули жадид чикганидан бери бутун баракамиз учуб кетди. Мактабда ёлғиз уч-тўрт кал ва кўр бола билан қолдук. Уфф!...Энди бу нозу неъматларни тушумизда ҳам кўролмаймиз. Энди курук нондан ҳам қорнимиз тўймайдурган бўлуб қолди... Оҳ!.. Худо! Садақанг бўлай! Агар бу жадидчиларнинг жазосини тезроқ бермасанг, ҳолимиз хароб!" [7:184-185].

Садриддин Айнийнинг "Эски мактаб" асарида ҳам муллаларнинг чўнтагига тушадиган пуллар мусулмон болаларининг ота-оналаридан олиниши, болаларнинг ёши чегараланмаганлиги, Курьон ва Ҳафтияждан бошқа ҳеч нарсани билмасликлари ёритилган. Хат-саводи чиқмасдан ҳам мадрасани тугатадиганлар кўпчиликни ташкил қилган. Фақат диний билим берувчи мадрасалар мулла ва имомлардан бошқа ҳеч қандай касбга эга бўлмаганларни етиштириб чиқарарди.

Жадид маърифатпарварларимиз томонидан ташкил этилган янги усул мактаблари бундай ҳолатларга чек қўйди. Миллатимиз ўзга миллат вакилларига асир бўлиб яшамаслиги учун замонавий илм-фанни эгаллаган, касб-хунарли шахсларнинг бўлиши роҳат ва фароғатда яшашимизнинг замини эканлигини жадидларимиз олдиндан кўра олди ва ҳис этди.

Фикримизни асослаш мақсадида Хожи Муиннинг "Эски мактаб, янги мактаб" асаридаги

"Қадим билан жадид гавғоси" ҳақидаги фактларга муурожаат этишни лозим топдик. Жумладан: "Хушёр ва мутамаддун бўлган миллат ҳар вақт ўзининг ҳуқуқини ва динини сахламоқ тариқасини билиб, замони келганда ушбу йўлда ўз жонини фидо қилмоққа ҳозир бўлиб турар. Аммо илмсиз миллат мундоқ фазилатдан маҳрум бўлиб, бошқаларга асиру оёқ ости бўлмоқдан бошқа чора тополмай, охири жонидан азиз бўлган динидан ҳам ажралуб қолур. Яъни, нодонлики сабабли дунёси билан динини қўлдан бермоққа мажбур бўлур. Ҳозирда биз, туркистонийлар, диний ва дунёвий илм ва хунарлардан лозиминча хабардор эмасмиз. Эски мактабу мадрасаларимиз бўлса, бояқуш уясига ўхшаш харобалардан иборатдур. Мадрасаларимизда дунёвий илм нари турсин, лоақал диний илмларнинг асли бўлган тафсир ва ҳадис ҳам ўқутулмайдур" [8:194].

Ушбу асарда болаларнинг муллаларнинг мадрасалари (эски мактаб)дан кетиб қолиш ҳолатлари юзасидан жадидчиларимизга тана тошларини отилиб, мусулмонларни йўлдан оздиришда айблаш ҳолатлари мавжуд. Лекин аслида эса, жадидлар яхши ва осон усуллар билан ўқитишлари уларнинг кизиқишини ўзига тортган эди. Жадидлар мактабида 4 йил ўқитиш мобайнида болаларнинг хат-саводи биргаликда олиб борилгани билан янгича кўриниш касб этди. Эски мактабда эса бу ҳол аксинча, 10-13 йил ўқиб, хат-саводи чикмай, хаттоки ўз исмларини ҳам ёза олмаслик ҳолатлари далиллар билан келтирилганлиги билан ўқувчи диққатини ўзига тартади.

Жадидчиликнинг кўзга кўринган вакиллари-дан бири бўлган Мирмуҳсин Шермухамедовнинг мадраса савияси ҳақидаги фикрларига эътибор қаратсак: "Мадраса деб аталгон атолатхоналаримизда тарбия кўруб мулло бўлгон афандиларимизда фикр ва идрок шул даражада пастдурки, бу афандилар ила миллий ва ижтимоий мавзулардин сўз гапурмак ҳозирги вақтда имкон хорижиндадур. Мадрасалар бир жумланинг энг бошдаги харфидан дарс бошлатуб, қиш бўйича мазкур жумлани ёки бўлмаса ёлғуз биргина калимани сақичдек чайнаб ўтқарурлар..." [9:392], дея изоҳлаб берган эди.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, жадидчилар норози бўлган эски мактаб ва мадрасалардаги таълим миллатимиз онгу шуурини шакллантиришга эмас, балки уни янада қоқоқ ва саводсиз бўлишига ҳисса қўшиб, маънавий қарамликка дучор қилган.

Янги усул мактабларининг очилиши, ватан фидойилари, маърифат курашчилари олдига улкан вазифа қўйди. Энди улар мактабларга ҳар бир фанни ўқитиш учун муаллим ва дарсликларни етказиб беришлари керак эди. Бунинг уддасидан чиқиш озмунча қийин кечди. Жадидларнинг айрим-ларигина моддий таъминланган оилаларнинг фарзандлари эдилар. Уларнинг ўзлари дарсликлар яратишда жонбозлик қилдилар.

Истиқлол курашчилари мустақиллик ва озодликка кон тўқишларсиз, киргин-барот урушларсиз аҳолининг саводини чиқариш, уларнинг маърифатини кўтариш орқали эришиш мумкинлигини ҳис

этган ҳолда халқнинг биринчи навбатда маънавиятини юксалтириш, ўзлигини англатиш, ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш йўллари кўрсатиб бердилар.

Жадидчиларимиз ташкил этган мактаблар кейинги давр авлодлари учун ҳам улкан таъсир

кўрсатди. Жадидчиларнинг қолдирган бой адабий ва илмий мероси, шарафли ишлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ҳолда ёшларга ибрат мактабини ўтамоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. Москва., “Рус тили”, 1981.
3. Садои Туркистон, 1914. 12-сон.
4. Саидақбар Аъзамхўжаев. Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Т.: “Маънавият”, 2000.
5. Вадуд Махмуд. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, луғат ва изоҳлар муаллифи Б.Каримов. Т.: Маънавият, 2007.
6. Махмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар: Б.Қосимов. Т.: “Маънавият”, 2009.
7. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Б. Дўстқораев, Н. Намозова. Т.: Маънавият, 2010.
8. Ҳожи Муин. Танланган асарлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Б. Дўстқораев, Н. Намозова. Т.: Маънавият, 2010.
9. Бегали Қосимов. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидоийлик. Т.: “Маънавият”, 2002.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена проблеме одного из ведущих направлений социальной жизни Туркистана прошлого века джадид и кадима. В данной статье раскрыто отношение к мировому образованию. А также, были доказаны новости в сфере науки в Туркистане с фактами.

Ключевые слова: джадид, кадим, старая школа, новая школа, медресе.

RESUME

This article is devoted to the problems of one of the leading trends such “Djadid” and “Qadim” in the life of Turkestan last century. In this article has found out attitude to mundane education. And also, it has been proved to news in the sphere of science in Turkistan with the facts.

Key words: djadid, qadim, old school, new school, madrasah.